

94  
У-21




ЎЗБЕКИСТОН  
ДАВЛАТЧИЛИГИ  
ТАРИХИ  
ОЧЕРКЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИНИНГ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН  
ДАВЛАТЧИЛИГИ  
ТАРИХИ  
ОЧЕРКЛАРИ**



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001

Масъул муҳаррирлар:  
т.ф.д., профессор Д. А. Алимова,  
т.ф.д., академик Э. В. Ртвеладзе

Тақризчилар:  
т.ф.д. Раъно РАЖАПОВА;  
профессор Пьер ЛЕРИШ — CNRS  
(Француз миллий илмий маркази) директори;  
профессор Катю КЮДЗО — «Буюк Ипак Йўли»  
халқаро академиясининг директори.

Нашрга тайёрловчилар:  
т.ф.н., Г. НИКИТЕНКО, Ф. ШОМУКАРАМОВА

Ў—21

**Ўзбекистон давлатчилиги тарихи:** (Очерклар) /  
Масъул муҳаррирлар: Д. А. Алимова, Э. В. Ртвеладзе.— Т.: «Шарқ», 2001.— 224 б.

Мазкур монография Ўзбекистон давлатчилигининг қадим даврлардан XX аср бошларигача бўлган тарихига бағишланган очерклардан ташкил тошган. Унда биринчи марта бой фактик, манбавий ва археологик материаллар асосида Ўзбекистон ҳудудида ҳар хил даврларда мавжуд бўлган давлатларнинг вужудга келиши, ривожланиши, таназул ва юксалиш жараёнлари ва сабаблари кўриб чиқилади.

Монография тарихчилар, археологлар, гуманитар йўналишдаги барча олимлар, шунингдек, талабалар ва аспирантлар, умуман Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши билан қизиқадиган китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 63.2 (5Ў) — 3

## КИРИШ

Ўзбекистон давлатчилигининг тарихи Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, XX асрнинг 90-йилларидагина тарих фанининг етакчи муаммоси сифатида бор бўйи билан ўрганила бошланди. Аммо бу муаммо фақат илмий муаммо бўлиб қолмай, айти пайтда миллий мафкура, миллий ғоя тушунчаларига уларнинг таркибий қисми сифатида киради, зеро у миллий давлатчиликнинг бир неча минг йилликлар давомида мустақил юзага келиши, шаклланиши ва ривожланиши фактини белгилаб беради.

Ўзбек давлатчилиги юзага келишининг табиийлиги, ривожланишининг ўзига хослиги ва анъанавийлиги айрим даврларда ўзга давлатларнинг бу ҳудудда ҳукмрон бўлганлигига қарамасдан унинг янги асосда тикланиши белгиловчи омилларида бири бўлди.

Мазкур муаммони тадқиқ этишнинг муҳимлиги ва янгилигини таъкидлар эканмиз, биз олдинги йилларда мамлакатимиздаги ва чет элдаги олимларнинг қатор авлодлари томонидан амалга оширилган муҳим тарихий тадқиқотларни мутлақо инкор этмаймиз.

Бироқ улар ўзгача шароитларда, бошқа мафкура ва методология асосида ёзилган ва ўзгача мазмун-моҳиятга эгадир.

У давр учун умумлаштирувчи, универсал деб аташ мумкин бўлган, тарихнинг барча даврларини қамраб олувчи тадқиқотлар хос эди. Бироқ бундай глобал ёндашув йирик давлатларга эга бўлган айрим минтақаларнинг тарихини синчиклаб тадқиқ этиш имконини бермас эди. Бунинг сиёсий сабаблари ҳам бор эди. Ўша замон мафкураси тарихни бундай талқин этилишига йўл қўймас, чунки СССР ҳудудида давлатчилик ягона бўлган ва унинг тарихига то СССР ташкил топгунга қадар глобаллик хос бўлмаган деб ҳисобланарди. Давлатларнинг тарихи, албатта, бу даврдаги тадқиқотларда кўпроқ ёки камроқ даражада ўз аксини тошган, аммо уларнинг генетик табиати ва миллий мансублиги аниқлаштирилмаган ҳолда, қандайдир бир мавҳум



шаклда акс эттирилган «СССР тарихи»га ўхшаган дарсликлар ва умумлаштирувчи асарларда у айнан шу тарзда берилган бўлиб, миллий республикаларнинг давлатчилиги кўпинча йўл-йўлакай, у ёки бу давлатнинг мавжуд бўлганлигини қайд этиш шаклида, уларнинг генезиси, тадрижий такомиллини, давлат бирлашмаларининг типологиясини очиб бермаган, давлат хизматлари ва институтларининг аниқ хусусиятларини кўрсатмаган ҳолда тавсифланар эди.

90-йилларнинг бошида, собиқ СССР ҳудудида мустақил давлатларнинг ташкил топиши билан тарих фанидаги аҳвол тубдан ўзгара бошлади.

Ана шу даврдан бошлаб Ўзбекистонда мамлакат тарихининг совет даврида нотўғри баҳоланган, бузиб кўрсатилган саҳифаларини қайта кўриб чиқиш ва идрок этишга киришилди. Бироқ ўзбек давлатчилиги тарихи муаммосини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ҳолда тадқиқ этиш фақат 1999 йилдан, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қароридан сўнг бошланди. Бундан олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида тарих фани борасида билдирган истак ва таклифлари илмий ёндашувга асосланган ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепциясининг роявий асосини ташкил этди<sup>1</sup>. Албатта, илк қадамлар муайян қийинчиликларга дуч келиши табиий ва улар сирасига кўпинча энг муҳим муаммоларни тарих фанининг археология, нумизматика, эпиграфика ва бошқа ёндош соҳаларидаги бутун ютуқларини ҳисобга олмаган ҳолда дилетантларча тушуниш ва тадқиқотчиларнинг кўпинча ўзимизнинг мамлакатимизда ва чет элларда чиққан илмий адабиётларнинг бутун мажмуаси билан таниш эмаслиги кабиларини киритиш мумкин<sup>2</sup>. Шу нарса аён бўлдики, давлатчилик та-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 139-бет.

<sup>2</sup> А. Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихи» (Тошкент, 2000) ва Э. В. Ртвеладзе, А. Х. Саидов, Е. А. Абдуллаевларнинг яқинда нашр этилган «Очерки по истории цивилизации Узбекистана: государственность и право» (Тошкент, 2000) китоблари бундан мустаснодир. А. Зиё монографиясида биринчи маротаба ёзма манбалар асосида Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган йирик давлатлар тарихи таҳлил этилган. Иккинчи китобда эса давлатчиликнинг келиб чиқи-

риhini тарихчилар, манбашунослар, археологлар, санъатшунослар ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг бошқа вакилларининг куч-райратларини бирлаштирган тақдирдагина яратиш мумкин.

Ана шуни ҳисобга олиб, 2000 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих, Археология ва ЎЗР Бадий Академиясининг Санъатшунослик институти ва олимлари билан ҳамкорликда «Ўзбек давлатчилиги тарихи» деб аталган, сўнгги бронза давридан ҳозирги замонгача бўлган 3 минг йиллик улкан тарихий даврни қамраб олувчи фундаментал илмий тадқиқотни яратишга киришилди.

Илдизлари қадимги деҳқончилик маданиятига бориб тақалувчи Ўзбекистон давлатчилиги тарихи ўзининг бутун тадрижий такомил давомида буюк юксалиш, гуллаб-яшнаш даврларини ҳам бошидан кечирган: қадимги Катта Хоразм, Сўғд, Бактрия, Қанғли давлатлари, Қадимги Фарғона давлати — Довон, Кушон подшолиги, Турк хоқонлиги, Сомонийлар ва Ғазнавийлар давлати ва хусусан атоқли давлат арбоби Амир Темур давлати бунга мисол бўла олади. Мазкур давлатчилик Урта Шарқ ва Ҳиндистонда бир неча асрга давлатчиликнинг ривожланиш хусусиятлари ва жараёнини белгилаб берди. Шу билан бирга ўзбек давлатчилиги тушқунлик ва регресс даврларини, мустамлақачилар ҳукмрон бўлган замонларни ҳам бошидан ўтказди. Аммо шунда ҳам унинг субстракт асоси, ўқ илдизлари ўзгармасдан қолаверди ва тақдирнинг барча синовларига қарамай ўзбек халқининг генетик хотирасида яшаб келди.

Китобни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг муҳим асосий қоидалари ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон давлатчилигининг автохтон этно-маданий негизга таянувчи қадимги цивилизациянинг илгари қараб ривожланиши асосида мустақил равишда пайдо бўлганлиги.

2. Ўзбекистон давлатчилигининг анъанавийлиги ва унинг бир босқичдан иккинчи босқичга қадам-бақадам ривожланиши.

шига оид асосий назариялар кўриб чиқилган, биринчи марта давлатларнинг генезиси ва типологиясининг муфассал тавсифи берилган, Ўзбекистон ҳудудида эрамининг V асригача мавжуд бўлган асосий давлат ва ҳуқуқий институтлар таҳлил қилинган.

3. Ўзбекистон давлатчилигининг тарихий шакллари-нинг хилма-хиллиги.

4. Ўзбекистон давлатчилиги шакллари-нинг цивилизация тараққиёти билан ягона бир жараёндаги тадрижий такомиллиги.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг у ёки бу босқичини тавсифлашда муаллифлар унинг асосий тамойилларига дахлдор бўлган ижтимоий-сиёсий давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари, бошқарув тизими, chegaralar ва маъмурий бўлиниши, армия, ички ва ташқи муносабатлари, товар-пул муносабатлари, солиқ тизими, халқаро мақоми, мулкчилик, маънавий ва ғоявий асослари каби масалаларга оид саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдилар, бунда давлатчилик ривожланишидаги тушқунлик ва регресс даври ҳамда унинг сабабларига алоҳида эътибор қаратилди, зеро буни идрок этмасдан туриб, давлатчиликнинг юксалиши ва гуллаб-яшнаши сабабларини ҳам англаб етиш мумкин эмас.

Эълон қилинаётган «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» китоби юқорида тилга олинган фундаментал тадқиқотнинг фақат бир қисмини ўзида акс эттиради ва ундаги материаллар ҳаммаси ҳам хронологик ҳамда тарихий жиҳатдан бир-бири билан боғланавермайди. Шундай бўлса-да, улар у ёки бу давр мобайнида Ўзбекистон давлатчилиги ҳақида ёки унинг мавжуд бўлмаганлигининг сабаблари борасида муайян даражада умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Мазкур масалалар келажакда эълон қилинадиган монографияда ўзининг тўлиқ аксини топади.

*Д. А. Алимова, Э. В. Ртвеладзе*

**ҚАДИМГИ ДАВРДА  
ЎЗБЕКИСТОН  
ДАВЛАТЧИЛИГИ**

## ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ПОДПОЛИГИ «КАТТА ХОРАЗМ»

(эрамизгача бўлган VII—VI асрлар)

Ўрта Осиёнинг жанубида жойлашган ўнлаб янги типдаги воҳа — давлатлар сўнгги бронза ва илк темир даврида (ИТД 1) баъзан йирик сиёсий бирлашмалар — подполикларга бирлашар эдилар. Ўрта Осиё жанубида булар Бақтрия, Марғиёна ва «Катта Хоразм» эди. Йирик подполикларнинг ташкил топишида, афтидан, ички ижтимоий-иқтисодий омиллардан ташқари, ташқи субъектив омиллар ҳам муайян роль ўйнаган. Мазкур омиллардан бири Месопотомиянинг уришқоқ давлатлари — Мидия, Оссурия, Митания томонидан солинган хавф эди. Ёзма манбалар, энг аввало «Авесто» ва грек-рим тарихчиларининг гувоҳлик беришига қараганда ушбу сиёсий воқеалар эрамизгача бўлган VII—VI асрларда, Эронда Аҳмонийлар сулоласи бошчилигидаги империя тузилгунга қадар бўлиб ўтган.

«Авесто»да Ўрта Осиёдаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги кўплаб жуғрофий номлар ва халқларнинг номлари тилга олинади. Унда шундай дейилади: «Энг яхши ерлар ва мамлакатларнинг биринчиси қилиб, мен Ахура Мазда, Арьянэм Вайчакни яратдим... Яхшиларнинг иккинчиси сўғлар яшайдиган Гава... яхшиларнинг учинчиси... Мауру (Марв)... яхшиларнинг тўртинчиси... Бахди (Бақтрия)... Бешинчиси мамлакат — Нисойа (Нисо)...» ва ҳоказо. Ҳаммаси бўлиб «Авесто»да 16 та мамлакат санаб ўтилади<sup>1</sup>, улар орасида Арьянэм Вайчак, Суғд (Гова), Бақтрия ва Марғиёна аниқ локализацияга эгадир.

«Арьянэм Вайчак» — «арий кенгликлари» деган маънони англатади. Кўп тадқиқотчилар уни Хоразм деб тушунадилар. Лекин бошқача нуқтаи назар ҳам бор. Масалан, И. М. Дьяконовнинг фикрича «орийлар кенгликлари» бу ўринда бир мамлакат ёки вилоят тушунчасидан кўра кенгроқ маънода қўлланган ва бутун Ўрта

Осиё ҳамда Шарқий Эрон текислигини ўз ичига олади<sup>2</sup>. «Авесто»да муайян давлат ҳукмдорини англаувчи «дахъюсости — вилоятлар устидан ҳокимият» атамаси ҳам учрайди<sup>3</sup>. «Арьянэм Вайчах» ёки «Арьёшайана» арийлар яшаган ҳудудларни билдирувчи жуғрофий атамаси эканлиги ҳақиқатга яқинроқдир, аммо у сиёсий бирлашма бўлиши ҳам мумкин.

«Авесто»да учрайдиган «орий» атамаси одатда кўчманчи қабилалар «турлар»га қарши турган халқлар ёки ерларга нисбатан қўлланилади. Антик тарихчилар бу ҳудуд деб «Хоразм»ни тушунадилар. Масалан, Геродот «Тарих» асарининг учинчи китобида<sup>4</sup> гирконийлар, парфияликлар, таманейлар, дрангиёнлар ва хоразмликлар ерлари чегарасида жойлашган Ак дарёсида тўғон қурилгани ва бу тўғон хоразмликларга тегишли экани ҳақида ёзади<sup>5</sup>. Геродотдан сал олдинроқ, Гекатей (эрамизгача бўлган 500 йил атрофи) парфияликларнинг шарқий томонида жойлашган «Хоразм»ни, «бир қисми текисликларда, бир қисми тоғларда яшовчи» хоразмликларни тилга олган эди ва бу «Катта Хоразм» афтидан, Марв ва Ҳиротнинг тўртта районини қамраб олган<sup>6</sup>.

Совет тарих фанида ҳукмрон бўлган бундай нуқтаи назарни<sup>7</sup>, биринчи марта немис шарқшуноси И. Маркварт<sup>8</sup> баён қилган ва унинг шогирдлари В. Б. Хеннинг, И. Гершевич томонидан қўллаб-қувватланган эди<sup>9</sup>.

Бироқ И. Н. Хлопин «Катта Хоразм»нинг йирик сиёсий бирлашма сифатида аҳмонийлардан олдинги даврда мавжуд бўлганлиги ва Акнинг Тажан-Ҳерируд дарёси билан бир эканлиги ҳақидаги фикрни асоссиз деб ҳисоблаб, шубҳа остига олган. Акни Атрек дарёси ўрнида жойлаштирган. У, хусусан, шундай таъкидлаган эди: «Аҳмонийлардан олдинги даврда Ўрта Осиё ҳудудида халқларнинг хоразмийлар бошчилигида ҳеч қандай илк давлат бирлашмалари йўқ эди». Шу билан бир қаторда у аҳмонийлардан олдинги даврда Ўрта Осиёнинг жанубида «бир нечта унча катта бўлмаган марказлар», шу жумладан, Бақтрия<sup>10</sup> мавжуд бўлган бўлиши мумкин деб ҳисоблайди. «Катта Хоразм» Ўрта Осиё кенглиklarини Оролдан Тажан-Ҳерируднинг қуйи оқимларигача қамраб олган, Оролбўйидаги илк давлатлардан бири, сиёсий бирлашма бўлганлиги аён-дир.

Ўрта Осиёда иккинчи йирик давлат бирлашмаси Қадимги Бақтрия подшолиги эди. «Авесто»да Бақтрия «гузал туғлари юксак кўтарилган» деб тасвирланади<sup>11</sup>. «Авесто»да тилга олинган мамлакатлардан ёки марказлардан бири Бахди деб аталади, ўша ерда «арахтра» атамаси ҳам учрайди, эҳтимол, бу «бахтар»<sup>12</sup> атамасига мос келса керак. Бақтрия ҳақидаги энг қадимги маълумотлар аҳмонийлар битикларида, хусусан, дунёга машҳур Нақши Рустамдаги Беҳистун қоясида учрайди<sup>13</sup>.

Персеполда бақтрияликлар 15 жойда, идиш кўтарган ҳолда ва икки ўрқачли Бақтрия туялари билан тасвирланган<sup>14</sup>. Бақтрия мустақил сатраплик сифатида Аҳмонийлар империясининг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган<sup>15</sup>. У ҳақдаги энг хилма-хил маълумотлар қадимги юнон тарихчилари — Геродот, Ктесий, Страбон, Диадор, Плиний, Арриан, Курций Руф, Гекатей, Скилак ва бошқаларнинг асарларида мавжуд бўлиб, улар мазкур мамлакатнинг анча қадимийлиги ва маданиятининг юксак савиясини таъкидлайдилар. Масалан, Ктесий Оссурия подшоси Нинанинг Бақтрияга қилган юриши, Бақтрия подшоси Оксиарт ва унинг хазинаси ҳақида хабар беради<sup>16</sup>. Ктесий томонидан тасвирланган халқлар орасида бақтрияликлар биринчилардан бўлиб тилга олинади<sup>17</sup>. Бақтриянинг ўзини эса у шарққа жойлаштиради: Фарб томонидан Бақтрия «текислигига» борадиган йўлни «тоғлар» тўсиб турадилар, улардан фақат «довонлар» орқали ўтиб борилади. Бақтрия Танаисдан Ҳинд дарёсигача чўзилган, Танаис уни Европадан ажратиб туради, Ҳинд дарёси эса — Ҳиндистондан<sup>18</sup>. Геродот «Тарих» асарида Аҳмонийлар империяси таркибига кирган 20 сатраплик ва 70 та халқларнинг рўйхатини келтиради. Улар орасида Амударё қирғоқларида жойлашган мамлакат — Бақтрия ва бақтрияликлар бор<sup>19</sup>.

«Бақтрия» номи Эсхилнинг эрамизгача бўлган 472 йилда сахнага қўйилган «Форслар» трагедиясида ҳамда Гекатей, Скилак асарларида учрайди<sup>20</sup>. Страбон Бақтрияни Ариананинг жавоҳири сифатида таърифлайди<sup>21</sup>. Бақтрияликларга эса кўплаб муаллифлар «кўп сонли», «жанговар» ва «ботир» халқ сифатида бир хил тавсиф берадилар<sup>22</sup>. Мамлакатда мустақкамлиги сабабли «забт этиб бўлмайдиган» кўплаб жойлар, шу жумладан, пойтахт Бақтр (Балх) бор эди<sup>23</sup>.



Геродот аҳмонийлар подшоси Кир Мидияни бўйсундиргандан сўнг унинг йўли устида «Вавилон, Бақтрия халқи, сақлар ва мисрликлар тургани» ҳақида хабар беради<sup>24</sup>. Бундан келиб чиқадики, Бақтрия ва сақлар-массагетлар конфедерацияси Миср ёки Бобил сингари энг йирик давлатлар билан бир қаторда турган<sup>25</sup>. Афтидан, Бақтрия таркибига, бир мунча вақт Марғиёна, Суғд ва ҳатто Арея<sup>26</sup> ҳам кирган ва бу археологик топилмалар томонидан тасдиқланмоқда.

Ўрта Осиё ҳудудидаги учинчи сиёсий куч «Авесто»да «турлар» деб аталувчи кўчманчи сақ қабилаларининг турли конфедерациялари эди. Улар Ўрта Осиёнинг шимолий кенгликларида яшар эдилар. Кўчманчи жамиятлари анча илгари, эрамизгача бўлган IX—VIII асрларда Ўрта Осиёнинг чўл ҳудудларида таркиб тошган<sup>27</sup>. Кўчманчи ва ярим кўчманчи жамиятлар тажовузкор табиатга эга бўлган кучли ҳарбий-сиёсий бирлашмалардан иборат бўлиб, кўпинча жанубнинг деҳқончилик воҳаларига хавф солиб турар эдилар. «Авесто» матнига кўра, Франграсьяна бошчилигидаги тур кўчманчилари, деярли, бутун Ўрта Осиёни забт этган эдилар. Дрангиёна ҳукмдори Виштаспа сулоласининг асосчиси Қайю Хусрав кўчманчилар ҳокимиятини ағдарди, бунда деҳқончилик воҳаларининг курулти кучлари билан кўчманчилар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг Чайчиста кўли бўйида бўлди<sup>28</sup>.

Зардўштийларнинг муқаддас китоби — «Авесто» яратилган ва уларнинг подшо Виштаспа ҳомийлик қилган пайғамбари Зардўштнинг яшаган даври кўпчилик олимларнинг фикрича, эрамизгача бўлган I минг йилликнинг биринчи чорагига тўғри келади. Бундан келиб чиқадики, мазкур давлат бирлашмаларининг кўчманчи қабилалар ҳарбий иттифоқининг таркиб топиши эрамизгача бўлган I минг йилликнинг бошида юз берган дейиш мумкин. Парфия устидан ҳукмронлик қилиш учун мидияликларга қарши муваффақият билан жанг қилган малика Зарина ҳақида ҳикоя қилувчи сақларнинг анъанавий қаҳрамонлик эпоси ҳам шундан далолат беради<sup>29</sup>. Сақларнинг Мидия<sup>30</sup> сингари қудратли давлатга қарши олиб борган ва сулҳ тузиш билан яқунланган узоқ кураши ҳам юқорида баён этилган фикрни тасдиқлайди. Эрамизгача бўлган IX—VIII асрларга мансуб деб ҳисобланувчи Шарқий Орол бўйидаги Та-

гискент мажмуаси чўлда яшовчи қабилаларнинг зодагонларига тегишли бўлган<sup>31</sup>.

Шундай қилиб, аҳмонийлар Ўрта Осиёда пайдо бўлгунга қадар, эрамизгача бўлган I минг йилликнинг биринчи ярмида, тахминан эрамиздан аввалги VIII—VII асрларда Ўрта Осиёда учта йирик давлат бирлашмаси — Бақтрия, «Катта Хоразм» ҳамда саклар ва массагетлар конфедерацияси шакланган. Тўғри, улар анча аморф бирлашмалар бўлган ва афтидан бир неча марта яхлит бир давлатга бирлашиш ва парчаланиб кетиш цикллари бошидан кечирган. Биз Ўрта Осиёдаги бу уч илк давлат, тарих майдонида мавжуд бўлган, деган фикрдамыз, лекин улар турли даврларда фаолият кўрсатган. Улар орасида Бақтрия қадимий ва нисбатан барқарор бўлиб, қолган иккитаси гоҳ пайдо бўлар, гоҳ тарқалар, давлат сифатида баъзан йўқ бўлиб кетарди.

Иқтисодий ва ижтимоий институтларнинг табиати-га кўра Бақтрия ва «Катта Хоразм» «ишлаб чиқаришнинг осие усулига» эга бўлган давлатларнинг қадимги шарқ типига мансуб эди. Саклар ва массагетларнинг конфедерацияси эса чорвадор турларнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларининг ҳарбийлашган давлатидан иборат эди. Давлатчиликнинг биринчи типининг ижтимоий-иқтисодий генезиси янги ва эски дунёнинг илк синфий жамиятлари учун хос бўлган, Ўрта Осиё жанубидаги бронза даври деҳқончилик маданиятининг илк синфий жамияти билан бевосита боғлиқ эди.

Юқорида айтиб ўтилганларга яқун ясар эканмиз, шундай хулосага келиш мумкинки, Ўрта Осиёда шаҳар маданияти, давлатчилик ва илк синфий жамият сўнгги бронза даврида, эрамизгача бўлган II минг йилликнинг икинчи ярмида ва илк темир асрида, эрамизгача бўлган I минг йилликнинг биринчи чорагида шакланган.

Ўзбекистонда давлатчилик 3,5 минг йиллик тарихга эга.

Умуман ҳозирда дунёда 200 га яқин давлатлар бўлиб, улар тарих саҳнасига бир вақтда чиқмаганлар. Айрим халқлар — хетлар, шумерлар, скифлар бир вақтлар тарих майдонига ўзларининг ривожланган давлатчилиги, юксак маданияти билан чиқдилар. Аммо вақт ўтиши билан тарих тақозоси ила улар бизгача етиб

келмадилар. Улар тиллари, давлатлари ва ўзлари жисман йўқ бўлиб кетдилар ёки бошқа этник бирлашмаларга аралашиб кетдилар.

Ўзбек давлатчилиги тарихи мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан ҳозиргача бўлган узлуксиз тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Тарихий таҳлил шуни кўрсатадики, давлатчилик жамиятнинг ичида ўз ички қонуниятлари асосида пайдо бўлади, ривожланади. Яъни давлат тузилмаси ташқаридан тайёр ҳолда кўчирилмайди, маълум жамият бағрида туғилади. Ўзбек давлатчилиги тараққиёти ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистонда илк давлатларни «воҳа давлатчилиги», «шаҳар-давлатлар» Месопотамия, Миср, Хитой, Мезоамерикадаги «нома» давлатчилиги каби бўлган.

Мил. авв. II минг йиллик мил. авв. I минг йиллик бошларигача бўлган даврда Ўзбекистон тарихида суфформа деҳқончилик, ихтисослашган ҳунармандчилик, металлургия, шаҳарлар, жамиятни табақаланиши, давлатчилик (воҳа давлатчилиги) каби илк цивилизация белгилари пайдо бўлади ва ривожланади. Шулар асосида милоддан аввалги VIII—VII асрларда Бақтрия подшолиги ва «Катта Хоразм» давлатлари шаклланди.

## Адабиётлар

<sup>1</sup> Соколов С. А. Духовная культура. Религия. Религиозная система зороастризма // История таджикского народа. Т. 1. — М., 1963. С. 82.

<sup>2</sup> Дьяконов И. М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) // История Иранского государства и культуры. — М., 1971. С. 137.

<sup>3</sup> Гафуров Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга первая. Душанбе, 1989. С. 70.

<sup>4</sup> Геродот. История в девяти книгах. Книга III. Пер. Стратановского Г. А. — М., 1964. С. 7.

<sup>5</sup> Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. № 73. — М.-Л., 1959, С. 125—126.

<sup>6</sup> Лившиц В. А. Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. Т. 1. — М., 1963. С. 150—154; Гафуров Б. Г. Таджики. С. 72.

<sup>7</sup> Толстов С. П. Древний Хорезм. — М., 1948. С. 43; Струве В. В. Родина зороастризма. // СВ. V. 1948. С. 16 и сл.; и др.

<sup>8</sup> Markwart J. Wehrat und Arang. Leiden, 1938.

<sup>9</sup> Henning W. B. Zoroaster. Pokitican on witch. Doctor. 1951. P. 42—43; Geshcrehevitch I. The Avestan Hymn to Mitra. Cembridge, 1959. P. 298—299.

<sup>10</sup> Хлопин И. Н. Юго-западная Туркмения в эпоху поздней бронзы. — Л., 1983. С. 52—57.

<sup>11</sup> Соколов С. А. Духовная культура... С. 82.

<sup>12</sup> Пьянков И. В. Бактрия в античной традиции. Душанбе, 1982. С. 10—11.

<sup>13</sup> Дандамаев М. А., Луконин В. Г. Культура и экономика древнего Ирана. ГРВА. — М., 1980. С. 104.

<sup>14</sup> Уша жойда. 195-бет.

<sup>15</sup> Уша жойда. 285-бет.

<sup>16</sup> Диодор Сицилийский. Исторические библиотеки // Источники по истории Узбекистана. (Сост. Б. В. Лунин). — Т., 1984; Гафуров Б. Г. Таджики. С. 73.

<sup>17</sup> Пьянков И. В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе, 1975. С. 4—6.

<sup>18</sup> Уша жойда. 20—21-бетлар.

<sup>19</sup> Геродот. История. Книга I. С. 153.

<sup>20</sup> Пьянков И. В. Бактрия в античной традиции. 1982. С. 7.

<sup>21</sup> Страбон. География. / Пер. Стратановского Г. А. — М.

<sup>22</sup> Диодор Сицилийский. Историческая библиотека. II, 2.

<sup>23</sup> Уша жойда. II, 5, 3; Пьянков В. И. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе, 1975. С. 55.

<sup>24</sup> Геродот. История. Книга I. С. 153.

<sup>25</sup> Гафуров Б. Г. Таджики. С. 73; Массон В. М. История. С. 134.

<sup>26</sup> Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы. С. 135.

<sup>27</sup> История Киргизской ССР. Фрунзе, 1984. С. 143.

<sup>28</sup> Дьяконов И. М. Восточный Иран до Кира. С. 137—144; Массон В. М. Средняя Азия в эпоху раннего железа: культурная и социально-экономическая динамика / Раннежелезный век Средней Азии и Индии. Тезисы докладов на международном симпозиуме. Ашхабад, 1984. С. 9.

<sup>29</sup> Гулямов Я. Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т., 1957. С. 35; Массон В. М. Средняя Азия... С. 9.

<sup>30</sup> Григорьев В. В. О скифском народе саках. Спб., 1971. С. 19—20.

<sup>31</sup> Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. — М., 1962. С. 80—88.

## КАНГУЙ ДАВЛАТИ

Кангуй давлати Парфия, Кушон подшоликларига ўхшаш кўчманчи сулолаларга мансуб бошқа давлатлар каби қабилаларнинг Евроосиёда силжиши ва эр. ав. III асрда сезиларли даражада кучайган кўчманчиларнинг Ўрта Осиё минтақасининг ўтроқ деҳқончилик воҳаларига бостириб кириб, ўрнашиб олишлари натижасида пайдо бўлди.

Кангуй (хитойча Канзю) давлати ҳақидаги илк маълумотлар эр. ав. иккинчи асрга мансуб хитой солномалари, жумладан, Чжан Цзяннинг Катта Юечжига қилган саёҳати тафсилотлари асосига қурилган Син Цяннинг «Ши цзи» солномасида учрайди<sup>1</sup>. Мавжуд маълумотларга қараганда, Кангуй жануби-шарқ ёки жанубдан Довон (Фарғона), шимоли-шарқдан Усун (Еттисув қабилалари), ғарбдан Катта Юечжи ва жануби-ғарбдан Дахя (Бақтрия) ўртасида жойлашган<sup>2</sup>. Аҳолиси ўтроқ ҳаёт кечирган, деҳқончилик билан шуғулланган ва ўз шаҳрига эга бўлган Довондан фарқли равишда Кангуй манбаларда кўчманчи давлат сифатида тасвирланади. Қанғли аҳолисининг турмуш тарзи шимоли-ғарб томондан унга қўшни бўлган юечжилар ва Яньцай халқлари билан бир хилда эди.

Қанғликларнинг этник мансублиги ҳақидаги масала адабиётларда кенг ёритилган. Бу борада бир қатор фаразлар мавжуд. Жумладан, Птоломей Кангуй қауауи (канһа кишилари) ёки Яксарт аҳолиси билан айнан бир, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Бу қараш Б. А. Литвинский, Е. Пуллейбленк, С. Г. Кляшторний ва бошқа тадқиқотчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Бунда улар юноним манбаларида келтирилган сак қабилалари рўйхатида «кангуй» сўзининг айнан муқобилини топганларига асосландилар. Ўрта Сирдарё бўйларида яшаган бу қабилавий гуруҳларнинг жуғрофий жойлашуви ҳам айнаи фаразга мос келади.

Шундай қилиб, Кангуй давлат уюшмасининг асосини ташкил этган асосий қабилалар Сирдарёнинг

қуғи ва ўрта оқими бўйларида манзил қурганлар. Кангуйлар ёки қанғлар сак ва сармат қабилаларининг бир қисми сифатида шу номдаги давлатнинг асосини ташкил этганлар. Кангуй илгари «Авесто» орқали Қангха номи билан машҳур бўлиб, асарда у «юксак ва муқаддас» деб таърифланган<sup>4</sup>. «Авесто»да тилга олинган Қангха — Қанғ эканлиги тадқиқотчилардан бирортасида шубҳа уйғотмайди, лекин унинг ўрни масаласида олимларнинг фикри бир-биридан жиддий равишда фарқланади. Гарчи Кангуй давлатини Амударё ва Сирдарёнинг қуғи оқимларида жойлаштирган ва Хоразмни у билан боғлашни афзал кўрган С. П. Толстовнинг фикрлари<sup>5</sup> илгаридан маълум бўлса ҳам Қангха-Кангуй Сирдарёнинг ўрта оқимида ўрнашганлиги кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Б. И. Вайнбергнинг Кангуй сиёсий уюшмаси Шимолий Каспийолдидан Фарғонагача ва Жанубий Урал бўйидан Қорақумнинг шимолий чегараларигача бўлган ҳудудда жойлашганлиги тўғрисидаги фарази ҳам қизиқарли<sup>6</sup>.

Сиёсий тузилма сифатида Кангуй, эхтимол, эр. ав. II асргача шакланган кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларнинг Қанғ йўлбошчилари қўл остида бирлаштирилган турли-туман иттифоқларидан иборат бўлган. Дастлаб у унча катта бўлмаган қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, жанубда юечжилар ҳокимиятига бўйсунса, шарқда хунларга қарам эди. Лекин секин-аста, эр. ав. II асрдан — милонинг II асрига қадар у қудратли давлатга айланди. Унинг кўплаб қўшнилари, жумладан, ҳозирда сармат-алан қабилалар иттифоқи<sup>7</sup> билан айнан бир хил деб қаралаётган, Хоу Хань-шу солномасига мувофиқ эрамизнинг биринчи асрида Аланя деб қайта номланган Яньцай ҳам «кулранг зотли» ҳайвонларнинг териси билан ўлпон тўловчи Янь, яъни Урал бўйи сарматлари ҳам унга бўйсундилар.

Ғарбда у Хитойга қарши урушда Довоннинг қудратли иттифоқчиси сифатида майдонга чиқди.

Қудратли давлатга айланган даврда Кангуй кучли қўшинга эга бўлган (манбалар унинг сонини 120 минг деб кўрсатадилар) ва Хитойга нисбатан ғоятда мустақил сиёсат олиб борган. Хитой элчилари: «Кангуй... мағрур, кўрс»<sup>8</sup>, — деб саройга маълумот етказган эдилар. Археологик топилмалар шарофати билан Кангуй қўшини қандай сафланганини тасаввур этиш имкони-

га эгамиз. Масалан, манбаларнинг гувоҳлик беришича, Кангуй одатда юечжилар ва яницайларга ўхшаш бўлган, бинобарин, Кангуй қўшинининг жойлашуви ва қуролланиши хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Самарқанд шимолидаги Орлат деган жойдаги тепалиқдан археологлар томонидан топилган суяқдан қилинган тўқаларда тасвирланган жанг манзаралари саҳнаси бу ҳақда тасаввур беради. Жанг саҳналаридан бири, афтидан, давлат тепасидаги уруғ-аймоқлар ўртасидаги ўзаро урушни акс эттиради. Отлиқлар ва пиёда қўшинлар тўла қуролланган ҳолда тасвирланган. Отлиқ катафрактарийлар юечжи жангчилари каби юбка шаклидаги бурмали совут, кўкракка тақиладиган қалқон кийишган, баланд пўлат ёқалар уларнинг бўйинини ҳимоя қилса, дубулғалар бошини муҳофаза этади. Қуроллардан қиличлар ва найзалар, жанговар болталар, камонлар ва ўқлар кенг тарқалган эди. Ҳар бўлинма аждар шаклидаги ўзининг махсус туғига эга бўлган<sup>9</sup>.

Бу давлатнинг сиёсий тарихи ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Фақат Хитой ва Довон ўртасидаги уруш билан боғлиқ айрим ҳодисалар хитой манбаларида акс этган. Хитой генерали Ли Гуан-ли қўшинлари эр.ав. 101 йилда иккинчи марта Довонга бостириб кирганида Кангуй довонликларни қўллаб-қувватлаган. Эр. ав. 46—36 йилларда Чжи-чжи номли хунлар ҳукмдорига ёрдам кўрсатиб, Хань салтанатига иккинчи марта душманлик муносабатида бўлди. Милоднинг 78 йилида саркарда Бань-чао томонидан Шарқий Туркистон шаҳарлари истило қилинган вақтда Кангуй аввалига Хитойнинг иттифоқчиси бўлиб майдонга чиқди, лекин тезда, 85 йилда Суле (Қашқар) ҳукмдорининг Бань-чаога қарши курашган қўшинини қўллаб-қувватлади. Фақат Бань-чаони қўллаб-қувватлаган Кушон подшоҳининг аралашувигина Кангуйни Шарқий Туркистондан ўз қўшинларини олиб чиқишга мажбур қилди. Бу Кангуй хонадонининг Кушон сулоласи билан дипломатик никоҳи воситасида содир бўлди<sup>10</sup>.

Солномалар Кангуйни қўчманчилар давлати деб атасалар-да, шунга қарамай, унда шаҳарлар мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик берадилар. Халқи «тупроқдан қилинган девор ичида яшайдиган»<sup>11</sup> Яньцай шаҳарлари шулар жумласидан. Тяньчи кўли ёнидаги Лоюени мамлакатига жойлашган Битянь шаҳри Кангуйнинг пойтахти бўлган<sup>12</sup>. Лекин ҳукмдор бу ерда доимий яша-



маган. Унинг қишки пойтахтидан етти кунлик йўл ма-софада ёзги қароргоҳи жойлашган. Шундай қилиб, Кангуйнинг ҳукумат қароргоҳи асосий аҳолининг ўз чорваси билан мавсумий кўчишига боғлиқ бўлган.

Манбаларда кўрсатилган жуғрофий ўринларга унча тўғри келмаса-да, Битянь шахрини Тошкент воҳаси-даги Қангха шаҳарчаси билан айнан бир хил деб қарашга уринишлар мавжуд<sup>13</sup>. Кангуй пойтахтини жуда қадим замонларда Қангха жойлашган Сирдарё дельта-си тармоғи туманида деб ҳам ҳисоблайдилар. Ёзги қароргоҳ номига келганда эса, бу ўринда унинг келиб чиқишини лингвистик таҳлил билан чеклаб қўйишга уриниш кўзга ташланади. Масалан, Э. Пуллейблэнк келган хулосага кўра, манбада Яксарт номи келтири-лади, қароргоҳ эса Бинкат (X асрдаги Шош пойтахти) билан муқояса қилинади. Бу манбавий маълумотларга асосланмаган, чунки ёзги пойтахт қишкисидан жануб-да бўлиши мумкин эмас. Пойтахтларнинг мавсумий кўчиб юриши фактининг ўзидаёқ бошқарув аъёнлари кўчманчи бўлган давлатлар (Парфия подшолиги, Ку-шон давлати) тажрибасида ўз аксини топган.

Кангуй асосан бир-бирига тенг бўлган ўтроқ-хўжа-лик ҳудудларидан иборат беш кичик ҳокимиятни ўз ичига олган. Улар Кангуй иттифоқи иштирокчиларига қарам бўлган Сусе, Фуму, Юни, Ги, Юегян ҳудудла-ридан иборатдир. Ҳар бир ҳокимиятнинг шу ном би-лан аталувчи ўзининг бош шаҳри бўлган.

Бу ҳокимиятларнинг келиб чиқишини муайян жой-ларга нисбат бериш билан боғлиқ бир қатор қараш-лар мавжуд. Чунончи, С. П. Толстов Сусенинг асосини Қашқадарёдаги — Кеш, Фумуни Зарафшондаги — Ку-шония, Юини — Шош (Тошкент воҳаси), Гини — Бухоро, Юегяни — Хоразм (Урганч) билан боғлай-ди<sup>14</sup>. А. Н. Бернштам Юни — Тошкент воҳасида, Сусе — Сирдарё ва Ариснинг ўрта оқимида, Фуму — Янгиқўр-ғондан Казалинсккача бўлган ҳудудда, Ги — Сирдарё этакларида, Юегян эса — Хоразмда жойлашган, деган фикрни илгари суради<sup>15</sup>. Мазкур ҳокимликларнинг ҳақиқий ўрнини аниқлашдаги умумий тафовутларга қарамай, фақат Юнининг Тошкент воҳасига ва Юегян-нинг Хоразмга нисбат берилиши шубҳа уйғотмайди. Шунингдек, Фумунинг Кушон шаҳри жойлашган Ми-ёнқолдаги Самарқанд Суғдининг шимолий қисмида жойлашганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам ишончли. Бу

Тан сулоласи тарихи билан тасдиқланади. X асрда ёзиб тугатилган мазкур тарих қадимги маълумотларга асосланади. Унда, жумладан, Хэ, бошқача айтганда, Куйшуанига ва Гуйшуани кичик Кангюй ҳукмдорига бўйсунувчи қадимги Фуми шахрининг айна ўзи эканлиги айтилади<sup>16</sup>. Бундай ўхшашлик Кушония Иштихондан кейин гуллаб-яшнаган иккинчи шаҳар бўлганлиги хусусида маълумот берувчи ўрта аср манбаси орқали ҳам тасдиқланади. Иштихон шаҳри Самарқанд шимолида ҳозир ҳам мавжуд.

Бу иттифоқнинг умумий чегараларига қайтар эканмиз, у Хоразм, Шош, Суғд вилоятлари ва бир қатор бошқа чегара ўлкаларни, хусусан, Сирдарё этаклари ҳамда Орол шимолидаги ҳудудни ўзида бирлаштирганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу давлат эр. ав. I — эрамизнинг II асрларида ўз қудратининг авж чўққисига кўтарилди. Кангуй сулоласи ҳукмдорига бўйсунувчи ярим мустақил ҳокимликларнинг турли-туман иттифоқидан иборат бўлишига қарамай, шубҳасиз, кўчманчи бўлган бу давлат ўз тараққиётининг авжида заиф ва ожиз эмас эди. Агарда Ўрта Осиёнинг жанубида шакланган Кушон ва Парфия давлатлари Аҳамонийлар, Салавкийлар, Александр Македонский асос солган шарқ салтанатлари анъаналарини ўзлаштириб, юқори даражада марказлашганлиги билан ажралиб турган бўлсалар, Кангуй давлатида, ўз-ўзидан, кўчманчилар давлатчилигидан мерос бўлиб ўтган белгилар кўпроқ устун бўлган.

Манбалардаги йирик давлат сифатидаги Кангуйга оид маълумот 270 йилга таалуқли. Шу йили у ўзининг элчиларини эса Ўрта Осиёдан ташқарига йўллаган. V асрдаги манбалар Кангуй ҳақида Эфталитлар давлати таркибига кирувчи кичик бир ҳокимлик сифатида маълумот беради.

Ёзма манбалардаги Кангуй, унинг таркиби, сиёсий тарихининг айрим лавҳалари ҳақидаги муҳтасар маълумотларни умумлаштириб, мазкур сиёсий бирлашмани давлатчилик институтларининг таркиб топиши нуқтаи назаридан тавсифловчи, унинг қадимги ўтроқ цивилизациянинг шаклланиши тамойиллари кўчманчи элатларнинг жамиятлари ва турмуши тарзи билан тўқнашган туташ минтақадаги хусусиятларини белгиловчи айрим давлатларни ажратиб олиш мумкин.

Географик жиҳатдан Кангуй жанубий подшолик-

лар Парфия Кушон ва Монголияда вужудга келган кўчманчилар давлати — Хунн империяси ўртасида жойлашган эди<sup>17</sup>.

Ўзининг бир ярим минг йилдан ортиқроқ давом этган тарихий йўлини у саҳройи халқлар сингари элтининг бир уруғ, бир қабила ҳокимияти остида бирлашувидан бошлаган. Бу уруғнинг Яксарт ортида жойлашган сақлар ёки «Авесто»да тилга олинган «қудратли турлар» эканлиги тахмин қилинади.

Унинг тарих саҳнасидаги сезиларли ўрни мифологияда ҳам акс этган. Хусусан, Яксарт ортида яшовчи канглар Маҳабҳаратада Ҳиндистонда эрамизгача бўлган II асрдан бошлаб амал қилган улкан ведик қурбонлиги маросими — ашвамедҳа пайтида совғалар олиб келган ёввойи халқлар орасида тилга олиб ўтилган. Мазкур одамлар «хўкиз бошлилар» деб аталганки, буни Кангуйда кенг тарқалган хўкизга сифиниш (отга ва қўчқорга сифиниш билан бир қаторда)га ишора сифатида қабул қилиш мумкин. Археология материаллари ўрта Сирдарё Қовунчи маданияти мажмуаси доирасида букранийлар кўринишидаги диний оташдонларнинг кенг тарқалганидан гувоҳлик беради. Мазкур маданиятни тарқатувчилар Кангуй конфедерациясида иштирок этган қабилалар жумласидан бўлган деб ҳисобланади. Бу маълумотлар кангуйларнинг Сирдарёни ўрта оқимида яшаган бўлиши мумкинлигидан яна бир марта далилат беради.

Бошқа дашт халқлари мисолида шундай деб ҳисоблаш мумкин, қабилаларнинг қандайдир бир уруғ, зодагонларининг энг ғайратли, таниқли вакили атрофида бирлашувчи, бунинг натижасида юзага келган иттифоқ, «ҳарбий демократия» деб аталувчи олдинги даврдан тубдан фарқ қилади. Кўчманчиларнинг ҳарбий демократия тамойиллари остида яратилган бирлашмаларига одатда бутун халқ томонидан сайланган ҳарбий йўлбошчилар бошчилик қилганлар. Улар сулолавий ҳокимиятдан фойдаланмаганлар, уларнинг атрофида бошқарув аппарати ҳам яратилмаган. Кангуй йўлбошчи томонидан эмас, сайланган оқсоқоллар кенгашига эга, уруғ беки томонидан бошқариладиган конфедерациянинг илк намуналаридан бири эди.

Манбаларда Кангуй ҳукмронларининг номлари тилга олинмайди, фақат шу нарса маълумки, улар ўзларининг исмлари билан бирга уруғ номини ҳам қўллаган-

лар ва «Кангуй хонадони ҳукмдори» деб аталганлар. Бундай анъана Кангуйдан фарқли ўлароқ ўз танга зарбларига эга бўлган жанубий давлатларнинг кўчманчи сулолаларига хосдир. Парфия подшолари ўз тангаларида ўзларининг исми ёнига сулола асосчисининг тахтга ўтирган пайтда олган исми — «Аршан»ни, улуғ юзчжиларнинг подшолари эса «Кушон» исмини қўшиб ёзганлар.

Ўз тарихининг илк босқичида, Ши-цзи солномаси маълумотларига кўра, Кангуй ҳам нисбатан кучсиз давлат бўлган вақтларда, ҳукмдор фақат тенглар ичида, яъни уруғ оқсоқоллари орасида биринчи деб ҳисобланган ва уларнинг бирлашган қўшинига суянган. Кўчманчилар учун «халқ-қўшин» тушунчаси хос бўлиб, бунда ҳар бир эркак — оила бошлиғи айна пайтда сафда туришга тайёр аскар деб ҳисобланган. Мана шунинг учун ҳам Кангуй қўшинларининг сони ҳар доим улардаги оилалар сонига тенг. Илк Кангуйда бу — 9000 аскар ва 9000 оила. Кангуй ўз қудратининг чўққисига чиққан вақтда 120000 аскар ва шунча оила, аммо бунда аҳоли сонини билдирувчи рақам ҳам келтирилган, яъни уруғларнинг барча аъзолари, бутун аҳоли 600000ни ташкил этган.

Ўша замондаги тарихий манбалардан анча яхши ёритилган бошқа патестар типдаги кўчманчи жамиятлар сингари Кангуйда сайланган ҳукмдорнинг ҳокимияти оқсоқоллар кенгашига таянгани ва айна пайтда кенгаш томонидан чеклаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Ҳукмдорнинг унвони қандай бўлганлиги маълум, бироқ зодагонларнинг вакиллари қандай аталганликлари борасида айрим мулоҳазалар бор. Усунлар, юзчжилар ва кангларнинг зодагонларига нисбатан қўлланган атама манбаларда мавжуд бўлиб у Хань замонидаги ябғу унвони билан бир хил бўлган, бу сўз илк кушон тангаларига ҳам битилган ва кейинчалик турклар томонидан қабул қилинган<sup>18</sup>.

Аста-секин «Кангуй хонадони» вакилларининг ҳокимияти мерос бўлиб қоладиган ҳокимиятга айланди. Янги ҳукмдорни сайлаш тахтга ўз ўғли ёки яқин қариндошини ўтказишни васият қилган ҳукмдорнинг қарори оқсоқоллар кенгаши томонидан расмий тасдиқланишидан иборат бўлиб қолди. Манбадаги «Хань замонида бери (эрамизгача бўлган II аср) тахтнинг мерос қилиш анъанаси бузилмади» деган қайдда ана

шу қоида акс этган. Мазкур қайд «Кан ҳукмронлари сулоласи»га тегишли, у Кангуй сулоласининг тармоғи бўлиб Самарқандда ҳукмронлик қилган. Ҳарбий йўлбошчилик ҳукмдорнинг асосий вазифаси бўлиб қолди. У қўшнилари билан дипломатик музокаралар олиб бориш ваколатига ҳам эга эди, диний маросимларни адо этишда у бош ролни ўйнади. Анча кейин мавжуд бўлган ва Кангуйнинг меросхўри ҳисобланган Ши давлатида бўлгани сингари ҳукмдор аждодлар шарафига қурбонлик қилиши, Яксарт орти чўлларида яшаган халқлар анъанавий тарзда сифиниб келган ва энг асосий Қуёш худоси (Митра) ҳисобланган ва бошқа илоҳларга топиниши шарт эди.

Кангуй унга бошқа қабилаларнинг қўшиб олиниши ҳисобига ўзига хос конфедерацияни ташкил қилиб, мустаҳкамланди. Бирлашувнинг асосини бир халққа мансуб хунлардан фарқли ўлароқ, Кангуй қабилалар иттифоқи ташкил қилар эди, аммо қабилаларнинг Кангуй ҳукмдори атрофида бирлашиши, афтидан, иттифоқ аъзоларининг этномаданий яқинлиги сабабли анча осонлашган. Булар — шарқда усунлардан, ғарбда Волга бўйи ва Урал ёнида яшовчи сарматларгача бўлган Евро-Осиё қабилалари бўлиб, улар фақат ягона хўжалик асоси — кўчманчи чорвачиликка эга бўлиб қолмай, манбаларда айтилишича «урф-одатлари ва кийимлари ўхшаш, бир-бирларининг тилини тушунувчи» қабилалар эдилар. Уларни юзчжилар ва усунлар сингари шарқий эрон тиллар гуруҳида сўзлашувчи қабилалар деб ҳисоблашади. Шундай қилиб, кўчманчи халқларнинг тарихий тараққиёти қонунларига кўра, эрамиздан олдинги I асрдан эрамизнинг II асригача юз берган Кангуй аҳолисининг кўпайиши ва шунга мувофиқ унинг қўшини қудратининг ортиши конфедерацияга янги қабилаларнинг қўшиб олиниши ҳисобига бўлган. Энг аввало, юзчжилар қириб бошланган деб тахмин қилиши мумкин, бу ҳол уларнинг анъанавий яшаб келган ҳудудларида аҳолининг камайишига ва қўшин сонининг 200000 дан 10000 кишидан қисқариб кетишига сабаб бўлди<sup>19</sup>.

Хан-шу йилномаси эрамизнинг дастлабки йилларидан усун шаҳзодаси Буханъжининг 80 минг фуқароси билан Кангуйга кўчиб келганлигини хабар қилди<sup>20</sup>.

Эрамизгача бўлган I асрнинг охирида Кангуй ерла-

рига хунн шаньюйи Чжичжи унча катта бўлмаган қўшини билан келди. Хуннларнинг Кангуйга оммавий равишда кўчиб келиши эса эрамизнинг I асри охирида, шимолий шаньюйнинг хитойликлар томонидан тормор келтирилишидан сўнг қайд этилган<sup>21</sup>. Мазкур континентларнинг ҳукмдорлари Кангуй сулоласининг вассаллари бўлиб қолдилар. Шундай қилиб, эрамизнинг дастлабки асрларида Кангуй конфедерациясига бир қатор кўчманчи қабилалар қўшилди. Ҳозирги тадқиқотчилар уларни туркий тилли халқлар деб ҳисоблайдилар. Кангуй давлати ўз тараққиёти чўққисида туркий тилли халқлар иттифоқи сифатида намоён бўлди<sup>22</sup>.

Давлатнинг маъмурий, суд, солиқ аппарати тўғрисида бизга ҳеч нарса маълум эмас. Лекин иттифоқ аъзоси бўлган қабилаларнинг уруғ зодагонлари ҳарбий мансабларни эгаллаганлар, қабила бошлиқлари эса ўз туғлари ва уруғ герблари билан қўшинларини Кангуй ҳукмдори байроғи остида олиб келиб жангларда иштирок этганлар деб ўйлаш мумкин.

Тарихда бир неча марта бўлгани сингари кўчманчилар давлати консолидациядан сўнг бошқа хўжалик укладига эга бўлган халқларни бўйсундира бошлайди. Кангуй ҳам ана шу босқични ўтган. Манбанинг иборасига кўра унинг «қўл остида» бешта кичик давлатлар мавжуд бўлиб, улар конфедерация аъзоларига бўйсунар эдилар. Мазкур вилоятларнинг рўйхати ва жойлашган еридан кўринадики, булар ўтроқ деҳқонлар яшайдиган минтақалар бўлиб, уларнинг аҳолиси ўз далаларида сунъий суғориш асосида деҳқончилик қилганлар ва молларни ҳайдаб яйловда боқиш шаклидаги чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Илк шаҳарлар ва шаҳар маданияти айнан шу вилоятларда пайдо бўлган, шаҳар ҳунармандчилиги, ёзув ривожланган, ҳукмдорлар эса маҳаллий тангаларни зарб этганлар. Хоразм, Бухоро, Самарқанд сингари вилоятларда кўчманчиларга (сармат) мансуб бўлган сулолалар ҳокимият тепасида турганлар. Уларнинг тангаларидаги уруғ тамгаларининг бир хиллиги шундан далолат беради.

Кангуй таркибига кирган деҳқончилик вилоятлари анча ривожланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий мақомга эга эди. Уларнинг Кангуй давлатига қўшиб олиниши бошқа дашт давлатлари билан қиёслаганда бир мунча ўзига хослик бағишлади ва мазкур вилоят-

лар жанубий деспотияларнинг давлат қурилишига маданият унсурлари ва кўникмаларининг сингишида ретрансляторлар бўлиб хизмат қилди деб тахмин қилиш мумкин. Аммо манбалар бу ҳақда ҳеч қандай хабар бермайдилар.

Ушбу вилоятларнинг айримлари ўзларининг маҳаллий ҳукмдорларини сақлаб қолдилар. Масалан, Юнида бу — Ши деб аталувчи ҳукмдор эди, бошқа вилоятлар Кангуй сулоласи авлодлари томонидан бошқарилар эди. Ги ҳокимлигининг князи ва Самарқанд Суғдининг юэчжилардан келиб чиққан ва ҳукмдор Кангуй уруғи билан қариндош бўлган Джаовулар шулар жумласидан эдилар. Маълумотнинг мавжуд эмаслиги туфайли уларнинг иттифоққа Кангуй ҳукмдорининг ҳарбий юришларида ўз кўшини билан қатнашишга мажбур бўлган вассал ҳуқуқлари билан қабул қилинганлиги ёки унга ўлпон тўлаганликлари маълум эмас.

Шунга ўхшаш бошқа давлатларда бўлгани сингари ҳукмрон юқори табақанинг даромади ҳарбий ўлжалар ва ўлпонлардан ташкил топар эди. Ҳарбий асирлар кул қилинган деб, ҳисоблашга асослар бор.

Кангуй ўз қудратининг чўққисига чиққан даврда фаол равишда босқинчилик сиёсатини олиб борган ва табиийки давлатнинг даромадлари улкан эди. Эрамизнинг дастлабки асрларида Лю, Яньцай ва Янь вилоятлари истило қилинганлиги маълум<sup>23</sup>. Манбада улардан ўлпон олинганлиги, масалан, Янь (Урал бўйи сарматлари) ўлпонни «сичқон зотидан бўлган ҳайвонларнинг териси билан» тўлаганлиги ҳақида маълумот бор<sup>24</sup>. Кейинроқ Алань деб қайта номланган Яньцайда келиб чиқиши сарматлардан бўлган халқлар яшаган эдилар. У Шарқий Орол бўйида жойлашган деб ҳисобланади, аҳолиси эса бир қисми кўчманчи бўлиб шимолда, бир қисми ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи, «лойдан қилинган деворлар ортида яшовчи» ўтроқ деҳқонлар бўлиб, Сирдарёнинг дельта қисмида жамланган эди. Конфедерацияга ўтроқ ёки ярим кўчманчи халқларнинг турли ҳуқуқий мақом билан киритилиши Кангуйни ярим кўчманчи давлат деб аташга имкон берувчи ўзига хос хусусиятни вужудга келтирди.

Иқтисодий ҳаётга савдонинг кўрсатган ролини таъкидлаб ўтмаслик мумкин эмас. Ягона сиёсий бирлашма доирасида савдо-сотик учун қулай шароитлар мавжуд эди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотла-



рини, шаҳар ҳунармандчилиги буюмларини айирбош-лашдан иборат бўлган давлат ичидаги савдодан ташқари Кангуй орқали халқаро савдонинг гавжум йўллари ўтар эди. Буюк Ипак йўли деб аталувчи халқаро савдо йўллари тармоғининг шаклланиши Кангуй мавжуд бўлган даврга тўғри келди. Манбалар эрамизгача бўлган II асрдан бошлаб Фарғонани ва Тарим ҳавзасини Кангуй ва Яньцай ҳудуди орқали Волга бўйлари ва Урал атрофи билан боғловчи муҳим савдо йўли бўлганлигини қайд этадилар. Бошқа йўллар Бақтрияга борар эди. Кангуй орқали ўтувчи товарларнинг ҳаракати устидан назорат қилиш афтидан ҳукмдорнинг муҳим ҳуқуқи бўлган. Буни Хитойнинг қизғин дипломатик фаолиятдан ҳам билиб олиш мумкин. Бу фаолиятнинг мақсади эса ана шу йўлларда Кангуйнинг таъсирини заифлаштиришдан иборат эди.

### Адабиётлар

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. М.; Л., 1950. С. 147—168; Кюннер Н. Р. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. С. 103; Hirth F. The story of Chung K'ien, Chin's pioneer in Western Asia // JAOS, 17, v. 37. P. 89—152; Groot J. J. M de, Chinesische Urkunden zur Geschichte Asiens. II. В. Jpz., 1920.

<sup>2</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... С. 149.

<sup>3</sup> Markwart G. Geografy of Claudius Ptolemy. Transl. Into English and ed. By E. G. Stevenson. New York, 1932. P.144.

<sup>4</sup> Авеста. Избранные гимны / Пер. с авестийского И. Стеблин-Каменского М., 1993. С. 36—37.

<sup>5</sup> Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948. С. 22.

<sup>6</sup> Вайнберг Б. И. Этногеография Турана в древности. М., 1999. С. 266 и сл.

<sup>7</sup> Литвинский Б. А. Кангуйско-сарматский фарн. Душанбе, 1968. С. 18.

<sup>8</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... С. 184—185.

<sup>9</sup> Пугаченкова Г. А. Новое о художественной культуре античного Востока // Памятники культуры. Новые открытия. Ежегодник. 1983. М., 1983. М., 1985. С. 525—529.

<sup>10</sup> Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники, как источник по истории Средней Азии. М., 1964. С. 171—172.

<sup>11</sup> Кюннер Н. Р. Китайские известия о народах. С. 174.

<sup>12</sup> Ўша жойда.

<sup>13</sup> Шониязов К. Ш. Об исторической топонимике Ташкента // ОНУ. 1982. № 7. С. 36—37.

<sup>14</sup> Толстов С. П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М., 1948. С. 144.

- <sup>15</sup> Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки Памиро-Алая и Центрального Тянь-Шаня // МИА. 1952. № 26. С. 216.
- <sup>16</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... С. 315.
- <sup>17</sup> Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент 1990.
- <sup>18</sup> Липвинский Б. А. Кангюйско-сарматский фарм. С. 21.
- <sup>19</sup> Габуев Т. А. Происхождение алан по данным письменных источников // ВДИ, № 3. М., 2000. С. 54—55.
- <sup>20</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... С. 198.
- <sup>21</sup> Вайнберг Б. И. Этногеография Турана... С. 279.
- <sup>22</sup> Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. — Новосибирск, 1989. С. 201.
- <sup>23</sup> Зуев Ю. Сармато-аланы Приуралья (Яньцай / Абзойя) // Культура кочевников на рубеже веков (XIX—XX, XX—XXI вв.). Материалы международной конференции. — Алматы, 1995. С. 39—40.
- <sup>24</sup> Бичурин Н. Собрание сведений о народах... С: 229.

## ҚАДИМГИ ФАРҒОНА ДАВЛАТИ (ДАВАНЬ)

Фарғона водийси ҳудудида илк давлатчилик излари қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларида топилган. Археологик маълумотларга қараганда Фарғонанинг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши сўнгги бронза даврида, эрамизгача бўлган II минг йилликнинг охири чорагида бошланган. Ундан олдинги даврга оид археологик ёдгорликлари гарчи уларнинг мавжуд бўлишининг мумкинлиги ҳақида айрим маълумотлар бўлишига қарамай (Хок ва Афлотун хазиналари, торози тошлари ва ҳоказо) улар ҳали топилгани йўқ. Биринчи топилган ёдгорликка нисбат берган ҳолда Фарғона деҳқончилик маданияти Чуст маданияти деб аталади.

Чуст маданияти ёдгорликлари қадимги дарёлар ва уларнинг ирмоқларининг ёқаларида (кўпроқ дарё водийларида) воҳа ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган. Бу ҳол қулай табиий иқлим шароитларига эга бўлган айрим ҳудудларни ўзлаштириш жараёни билан тақозо этилган. Водийнинг географик районларида воҳаларнинг бундай гуруҳларидан 15 таси қайд этилган ва уларнинг айримлари қуйидаги тарзда жойлашган:

1. Ғова дарёси водийси ва Кўксераксой ташлама-сининг конуси;
2. Косонсой дарёси водийси;
3. Қорадарёнинг чап қирғоғи;
4. Хўжаобод ва унинг атрофи;
5. Аравон гуруҳи;
6. Оқбура дарёсининг водийси;
7. Талдиқсув дарёси ирмоқларининг дельтаси;
8. Ясси ва Қорадарё дарёлари водийси;
9. Аравонсойнинг юқори ва ўрта оқими ҳамда ўзани.

Бошқа воҳаларда айрим ёлғиз ёдгорликлар борлиги маълум ва улар ҳам дарё водийларида жойлашган

(Куршаб, Чортоқ, Мойлисув, Норин ва Қорадарё оралиғи).

Ҳар бир гуруҳ учун катта бўлмаган қишлоқлар ва айрим алоҳида уйларнинг кўплиги ҳосдир. Баъзан йирик қишлоқлар ҳам учрайди, улар эҳтимол воҳалар марказлари бўлган бўлса керак<sup>1</sup>. Афтидан, бир неча ана шундай воҳалар биргаликда, масалан, Суғд ёки Бақтрияда бўлгани сингари деҳқончилик марказларини ҳосил қилган.

Ҳозирги пайтда Фарғона водийсида 80 дан ортиқ Чуст маданияти ёдгорликлари қайд этилган. Қазииш ишлари тўлиқ амалга оширилган ёдгорликлар сонининг камлиги ва уларнинг яхши сақланмаганлиги сабабли типологик тасниф ташқи белгиларни ҳисобга олган ҳолда, яъни ўлчамларига кўра амалга оширилди ва натижада улар уч гуруҳга ажратилди:

1. Йирик (13—25 га) — Ашқалтепа, Далварзин;
2. Ўрта (1—5 га) — Чуст, Деҳқон, Ўш, Хўжамбоғ;
3. Кичик (0,02 — 0,9 га), бу гуруҳга мазкур объектларнинг қолган кўпчилиги киради.

Шундай қилиб, Чуст маданияти ёдгорликлари сўнгги бронза ва илк темир даврида Фарғона тарихида муҳим роль ўйнаган, чунки айнан ана шу даврдан бошлаб водийда шаҳар маданияти юзага келган ва тараққий тошган ҳамда давлатчилик унсурлари пайдо бўлган<sup>\*</sup>.

---

<sup>\*</sup> Ўрта Осиё ҳудудида илк давлатчиликнинг юзага келиши ва шаклланиши даврида (эрамизгача бўлган X—VII асрлар) чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Бақтрия, Суғд, Фарғона, Тошкент воҳалари ва Жанубий Туркменистонда ўхшаш археологик мажмуаларга эга бўлган деҳқончилик марказлари пайдо бўлди (илк темир буюмлар, бронза ва тошдан ясалган топилмалар (ўроқлар), сиртига бўёқда гул солиб ясалган сопол буюмлар). Булар Язтепа I типидagi археологик ёдгорликлар деб ҳам аталади. Ҳозирги пайтда Ўрта Осиёда 10 та ана шундай қадимги деҳқончилик марказлари қайд этилган. Француз археологлари маълумотларига кўра худди шундай марказ Шарқий Туркистоннинг Тарим воҳасида ҳам топилган (Debaine-Francfort С., 1989, pp. 183—213). Бироқ Фарғона водийсидагина мазкур даврга оид фақат бир қатламли ва кенг майдонга эга бўлган ёдгорликлар маълум. Кўктепа, Афросиёб, Ёрқўрғон ва Қизилтепа материаллари хронологик жиҳатдан Фарғонаникидан кейинги даврга оид (эрамизгача бўлган VIII—VII асрлар). Бундан ташқари, Фарғона ёдгорликларидан фарқли ўлароқ уларда ҳали ривожланган мудофаа тизими ва Арк сингари шаҳар ҳосил қилувчи омилар аниқланган эмас.

Шаҳар маданияти ва давлатчиликни ўрганиш иши-да Далварзин (Андижон вилояти, Ойим қишлоғи) (25 га), Ашқолтепа (Андижон вилояти, 13 га), Чуст (Буона мазор, Наманган вилояти, 4 га) ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади. Улар орасида Чуст ҳамда Далварзин ёдгорликлари муҳофаа деворига ва аркка эга эканлиги билан ажралиб туради. Маълумки, кўрсатиб ўтилган белгиларнинг яъни, ривожланган муҳофаа тизимининг ва Арkning мавжудлиги шаҳар ҳосил қилувчи омилардан саналади<sup>2</sup>. Шу билан бирга қайд этиб ўтиш лозимки, айрим олимлар ҳозиргача Чуст ёдгорликларида муҳофаа девори ва Арkning мавжудлигини инкор қиладилар ва шу тарзда Фарғонадаги илк урбанистик жараёнларга шубҳа билан қарайдилар<sup>3</sup>.

Чуст маданияти тараққиётининг сўнги босқичида эрамизгача бўлган VIII—VII асрларда Ўрта Осиё майда шаҳар-давлатлар асосида биринчи давлатчилик бирлашмалари ҳосил бўлди<sup>4</sup>. Фарғонада ҳам худди шундай жараёнлар юз берганлиги ҳақиқатга яқиндир. Тўғри, турли сабаблар туфайли ва водийдаги шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда мазкур жараёнлар Ўрта Осиёнинг бошқа районларига қараганда сустроқ амалга ошган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, Далварзин бир қатор белгиларига кўра (майдони, муҳофаа иншоотлари, арк) шаҳар ёдгорлиги мақомига эга ёдгорлик ҳисобланади<sup>5</sup>.

Шу билан бирга манбаларда «Катта Хоразм», «Қадимги Бактрия подшолиги» сингари давлат бирлашмалари ҳақида маълумотлар бор. Фарғона водийси бўйича бундай маълумотлар йўқ, шундай бўлса-да, айрим олимлар Қадимги Фарғона подшолигининг (Давань) мавжуд бўлганлигини тахмин қиладилар<sup>6</sup>. Шу сабабли эрамизгача бўлган I минг йилликнинг ўрталаридан олдинги даврдаги Фарғона ҳақида сўз юритганда одатда фақат «чифдом» (воҳа) типидagi қадимги давлат асосларининг пайдо бўлиши англашилади. Мана шу ҳолни ҳисобга олиб Фарғонада давлатчилик, афтидан, эрамизгача бўлган V—IV асрларда пайдо бўлган дейиш мумкин<sup>7</sup>. Бу хулоса икки тарихий далилга асосланган. Биринчиси: айнан мана шу даврга оид археологик топилмалар (Шўрабашот маданияти) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги (товар ишлаб чиқариш ва савдонинг ўсиши) ҳақида тахмин қилишга асос беради. Иккинчиси: эрамизгача бўлган II асрдаёқ кўп сон-

ли шаҳарлар мавжуд бўлган. Эрамизгача бўлган 136—128 йилларда Фарғонага келган Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цянь «Даванда 70 дан ортиқ кичик ва катта шаҳарлар бор» деб айтиб ўтади<sup>8</sup>.

Давань давлати ҳақидаги асосий маълумотларни Хитой йилномалари ҳамда археологик қазилмаларнинг натижалари беради. Илк Хитой манбаларида Фарғона — Давань ёки Даюань (Да-Вань — Катта Ван)<sup>9</sup> деб аталган. Мазкур манбаларда Фарғона ҳудуди ҳар хил ном билан аталган: эрамизгача бўлган V асрда «Лона» ёки «Полона», VI—VII асрларда — «Бохань», VII—VIII асрларда эса «Ниньюань». Бироқ, Фарғонанинг қадимги хитой манбаларидаги номи (Лона, Полона, Ниньюань) тўлиқ аниқлангунга қадар бир мунча вақт ўтиши лозим бўлди. Фақат 1756—1758 йилларда француз хитойшуноси М. Дегинь Давань номининг Фарғона билан боғлиқ эканлигини аниқлади. Кейинчалик бу фикр кўплаб олимлар томонидан қўллаб-қувватланди. Шу муносабат билан қайд этиб ўтиш лозимки, яқин вақтга қадар айрим тадқиқотчилар, шу жумладан Э. Пуллейблэнк ҳам Давань Суғд ҳудудида жойлашган деб кўрсатар эдилар. Э. Пуллейблэнк ўз фикрини Фарғонада қадимги деҳқончилик ёдгорликлари йўқлиги билан асослар эди, Давань эса ривожланган деҳқончиликка эга бўлган давлат эди. Ю. А. Заднепровский ва бошқа тадқиқотчилар томонидан 50-йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатади, Фарғона Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик марказларидан бири бўлган. Мазкур ҳолат шундан далолат берадики, Э. Пуллейблэнк Фарғона билан боғлиқ археологик материаллар билан олдиндан танишмай туриб ўз хулосаларини чиқарган<sup>10</sup>.

Шундай қилиб, Хитой манбаларидаги географик тасвир ҳамда археологик қазилмаларнинг натижаларидан келиб чиқиб фикр юритганда Давань давлати Фарғона водийси ҳудудида жойлашган.

Бироқ савол туғилади: унинг чегаралари қаерлардан ўтган? Тан олиш лозимки, бу ҳам аниқ белгиланмаган. Тўғри, Даваннинг катта давлат эканлигини тасдиқловчи фикрлар мавжуд<sup>11</sup>. Масалан, Чжан Цяннинг

<sup>8</sup> Аниқланган маълумотлар бўйича «Даюань». Қаранг: Малявкин А. Г., 1989. С. 186.

маълумотларига кўра у шимоли-ғарб томондан Қанг билан (эрамизгача бўлган II асрдан эрамизнинг V асригача мавжуд бўлган ва Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимидаги ҳудудни эгаллаган), жанубда юечжилар, шимолда — усунлар билан чегарадош бўлган, шунингдек, Давань қадимги Хитойнинг пойтахтидан ғарбга томон 10000 ли масофада жойлашганлиги ҳақидаги маълумот ҳам келтирилади. Ҳозирги пайтда, гарчи манбаларда эрамизнинг 82 йилида Хўжанднинг ҳам Давань таркибига кирганлиги ҳақида маълумотлар бўлса-да, Ғарбий Фарғона (ҳозирги Суғд (Хўжанд) вилояти) ва Олойнинг Даванга кирган-кирмаганлиги муаммо ҳисобланади<sup>12</sup>. Бироқ, биз Хўжандни Кангуй давлати таркибига киритиш тўғрироқ бўлур эди деб ҳисоблаймиз, моддий маданиятининг Тошкент воҳаси моддий маданияти билан мавжуд бўлган ўхшашлиги ҳам, хусусан, шундан далолат беради.

Олой хусусида эса, бизнинг фикримизча, у Давань таркибида бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқдир, чунки географик жиҳатдан ҳам у Фарғона водийсига яқин жойлашган. Демак, Даваннинг жойлашган ери тўлиқ ҳозирги Фарғона водийсида бўлган. Н. Г. Горбуновнинг мазкур масаладаги нуқтаи назари ҳам диққатга сазовордир, у Давань Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган, деб тахмин қилади<sup>13</sup>. Шубҳасиз, турли омилар ва вазиятлар билан боғлиқ равишда мазкур давлат ҳудуди муайян ўзгаришларга учраган, давр ўтиши билан чегараларини ўзгартириб турган, чегаралар эса қадимги давлатларда унча қатъий белгиланмас эди.

Расман Давань подшолик — шаҳарлар ва воҳаларнинг бирлашуви асосида ташкил топган, патриархал-қулдорлик табиатига эга бўлган давлат ҳисобланган. А. Асқаровнинг фикрига кўра, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий платформаси аҳолининг катта қисмини ва кўшинининг ўзагини ташкил этувчи эркин жамоа аъзоларидан иборат бўлган<sup>14</sup>. Даванда қуллар меҳнатидан давлат миқёсида фойдаланиш мавжуд бўлмаганлиги ҳақиқатга яқинроқ, лекин жамиятнинг табақаланиши ҳамда давлат мулки, хусусий мулк мавжуд бўлган. Буни, хусусан, шундан ҳам билиш мумкинки, айрим бадавлат оилалар уйларида бир неча минг дань (сифим ўлчо-ви: 1 дань — 100 кг) миқдоридан шароб сақланган<sup>15</sup>. Бундай катта миқдордаги шаробни тайёрлаш ва ис-



теъмоъ қилиш учун бир оиланинг имкониятлари, албатта, кифоя қилмайди.

Қадимги Фарғона давлати анча адолатли ва демократик жамият ҳисобланган ва подшо ёки князь маъносини билдирувчи Вань лавозимига эга бўлган ҳукмдор томонидан бошқарилган. Унинг бир неча ҳукмдорларининг номлари сақланиб қолган: Моцай, Чань Финь, Мугуа, Яньлю\*. Подшо ўз навбатида, давлат ишларини оқсоқоллар кенгашига суянган ҳолда юритган. Манбалар кўрсатадики, подшога яқин кишилар (одатда унинг қариндошлари) орасидан ёрдамчилар тайинланган: битта катта ёрдамчи Фу ван (хитойча), бир кичик ёрдамчи Фу-го-ван<sup>16</sup>. Оқсоқоллар кенгаши мамлакат ҳаётидан энг муҳим ролни ўйнаган (чизмага қаранг). У доимий бўлиб, унда давлатнинг энг муҳим масалалари: уруш эълон қилиш ёки сулҳ музокараларини олиб бориш муҳокама қилинган. Баъзан оқсоқоллар кенгаши подшонинг тақдирини ҳам ҳал қилар эди. Масалан, урушда мағлубиятга учраганлиги учун Ван Моцай умумий овоз бериш орқали айбдор деб топилган ва қатл қилинган. Ёки бошқа бир воқеани олайлик: музокаралар чоғида Хитой элчиси газабланиб отнинг олтидан ясалган ҳайкалчасини ағдариб юборган. Оқсоқоллар буни ўзлари учун ҳақорат деб ҳисоблаганлар ва у ҳам қатл қилинган. Кенгашнинг ана шундай муҳим ролини ҳисобга олганда, у ўзига хос қонун чиқарувчи орган вазифасини бажарган дейиш мумкин. Мамлакат ҳудудлари шаҳарлар ва воҳаларга бўлинган ҳолда бошқарилгани ҳақиқатта яқинроқ. Масалан, хитой манбаларида Ючен (ҳозирги Ўзгандга яқин) шаҳрининг ҳокими Хитой кўшинига озиқ-овқат етказиб беришдан бош тортгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир шаҳарнинг, воҳанинг (округнинг?) ўз ҳукмдори бўлган. Н. Г. Горбунованинг тахминига кўра, айнан ана шу ҳокимлар оқсоқоллар кенгаши таркибига кирган ва унда ҳал қилувчи мавқега эга бўлган<sup>17</sup>.

Ички тартибни сақлаш ва мамлакатни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш учун Даванда асосан пиёда

---

\* Маълумки, хитой йилномачилари ҳудудларнинг (босиб олинган ёки вассал қарамлигида бўлган) географик номларини ҳамда исмларни хитой тили ва имлоси қодаларига мувофиқ ёзганлар. Маҳаллий номларнинг хитойча сўзларга ўхшаб кетишининг сабаби шу.

аскарлар ва суворийлардан иборат бўлган 60 минг кишилик қўшин мавжуд эди. Манбаларнинг хабар беришига кўра, даванликлар «отда кетаётиб ўқ отишда моҳир» бўлганлар<sup>18</sup>. Жангчиларнинг қуроллари ўқ-ёй ва найзадан иборат эди. Даванъ армияси очиқ жангга киришга ҳам, узоқ муддатли мудофаа урушларини олиб боришга ҳам қодир бўлган. Буни Даваннинг пойтахти — Эрши шахрининг қахрамонларча мудофаа қилинганлиги тасдиқлайди. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, жангчилар зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзларини ўзлари таъминлаганлар, деворлардаги минораларда дон қолдиқлари ва қўл тегирмонларининг сақланиб қолганлиги шуни кўрсатади.

Даванъ давлатининг аҳолиси 60 минг оиладан иборат бўлиб, тахминан 300 минг кишини ташкил этган. Айрим олимлар бу рақамга шубҳа билан қарайдилар. Масалан, Санкт-Петербурглик фарғонашунос Ю.А. Заднепровский мазкур рақамни анча камайтириб кўрсатилган деб ҳисоблайди, чунки у қўшни кўчманчи қабилалар аҳолиси сонидан ҳам камдир. Эҳтимол бу рақам Даваннинг қандайдир бир қисмидаги аҳоли сонини билдирган бўлиши мумкин ва аҳолини умумий сонини 500—600 минг деб кўрсатиш ҳақиқатга яқинроқдир<sup>19</sup>. Ю. А. Заднепровскийнинг тахминларига кўра аҳолининг тўртдан бир қисми ўша вақтда мавжуд бўлган шаҳарларда яшаган. Манбаларда қайд этилишича Даваннинг «аҳолиси, умуман, кўзлари ичига ботган ва қалин соқоллидир»<sup>20</sup>.

Даванликлар уста савдогар ҳисобланганлар ва фойда устида рақобатлашганлар. Ҳозирги пайтда Даваннинг бутун аҳолисининг қандайдир бир этник гуруҳга (сақлар, париканлар) нисбат бериш муаммоли масалалардан биридир. Аҳоли асосан дехқончилик билан шуғулланиб, шоли ва буғдой етиштирган, ўтроқ ҳаёт кечирган. Донли экинлардан ташқари дуккакли экинлар ҳам етиштирганлар, жумладан, нўхат, ясмиқ, бурчоқ қолдиқлари археологик ёдгорликлардан топилган. Жанубий Фарғонада жойлашган ва мазкур даврга оид ёдгорлик бўлган Каркидонда кўкнори уруғлари топилди, ундан ёғ ва гиёҳванд моддалар олинган. Ёғни чигитдан ҳам олганлар ва унинг қолдиқлари эрамизнинг бошига оид ёдгорликлардан топилган. Айрим жойларда (хом ёишт ва гувалак орасида) узум ва беда уруғла-

ри топилган. Хитой манбаларида эрамизгача бўлган сўнгги йилларда ҳукмдорлик қилган император Юаншоунинг боғида «Путаогун» деб аталган сарой бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. «Путаогун» таржимада «Узум саройи» деган маънони англатади<sup>21</sup>. Император У-Ди (эрамизгача бўлган 141—87 йиллар) даврида бу сарой боғида узум етиштирилганлиги, ток кўчатлари — Фарғонадан олиб келинганлиги диққатта сазовордир. Бу ерда императорнинг ҳурматли меҳмонлари кўнар эдилар.

Ўз навбатида узумчилик шароб ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Жумладан, Даванда узумдан шароб қилинганлиги таъкидлаб ўтилган. Бадавлат кишилар уни 10000 дань миқдоргача сақлаганлар<sup>22</sup>. Фарғонанинг жанубий-шарқий қисмида шароб ишлаб чиқариш билан боғлиқ биноларнинг қолдиқлари тадқиқ этилди. Археологик қазишмалар жараёнида мазкур ичимлик сақланадиган катта ўлчамдаги хумлар кўплаб топилди. Узумчилик ва вино ишлаб чиқариш Фарғонада анъанавий соҳа бўлган ва кенг шухрат қозонган. Этнограф Е. М. Пещерованинг маълумотларига кўра Нурсух қишлоғида (Кўқон яқинида) шароб жуда сифатли тайёрланган ва шу сабабли анча қадрланган ҳамда қиммат турган. Ҳозирги Наманган шаҳри яқинида мусаллас сақлаш учун хумлар тайёрлайдиган махсус устахоналар бўлган, Попада эса бундай идишларнинг бўйи 2 метрдан ошиқ бўлган<sup>23</sup>.

Даванликларнинг гўшт-сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан водийни ўраб турган тоғли ва тоғ олди районларда яшаган кўчманчи аҳоли томонидан қондирилган. Аҳолининг машғулотлари орасида йилқиччилик алоҳида ўрин тутар эди. Давань отлари ҳақидаги афсоналар ҳатто узоқ мамлакатларга ҳам тарқалган. Фарғонанинг зотли отлари ҳақидаги маълумотлар йилномаларда эрамизгача бўлган II асрдан бошлаб учрайди, уларнинг энг охиргиси эса эрамизнинг 479 йилига мансубдир<sup>24</sup>. Бироқ агар зотли отларни етиштириш учун зарур бўлган вақтни ҳисобга олсак, унда отлар Эршида эрамизгача бўлган I—II асрлардан анча олдин етиштирила бошланган бўлиб чиқади. Бундан ташқари Даванликлар кулолчилик, тўкувчилик, металлургия ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланганлар.

Хитойда Фарғонада кўрғошин, олтин, темир қазиб

олинганлиги ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Мазкур рўйхатда қўрғошиннинг биринчи ўринда туриши бежиз эмас, зеро бугунги кунда ҳам у Ҳайдаркондан қазиб олинади. Темир, кумуш ва зумрад эса Фарғонанинг жанубида, шимолида ва шимолий-ғарбида қазиб олинган. Бу ҳақда хусусан, қадимги конларнинг аниқланган кўплаб қолдиқлари гувоҳлик беради.

Манбаларга кўра, ўша вақтда зарур бўлган олтин ва кумушнинг бир қисми Хитойдан олиб келинган. Айрим маълумотларга кўра даванликлар қимматбаҳо металлاردан пул бирлиги сифатида эмас қимматбаҳо идишлар яшаш учун фойдаланганлар. Ўша пайтда Фарғонада пул муомаласининг мавжуд бўлмаганлиги, афтидан, шу ҳол билан изоҳланади. Қўшни мамлакатлар билан савдо-сотикни улар товар алмашиш йўли билан амалга оширганликлари ҳақиқатга яқинроқдир. Халқаро савдонинг фаоллашувига давлатдаги ривожланган деҳқончилик ва турли бой ресурслар кўмак берган. Халқаро савдо Буюк Ипак йўли фаолият кўрсатган даврда жуда қизғин бўлган. Мазкур йўл ўша пайтда Хитойни бошқа мамлакатлар билан боғлаб турувчи асосий бўғинлардан бири бўлмиш Фарғона орқали ҳам ўтар эди.

Хитой йилномаларининг маълумотлари бўйича хотинлар жамиятда алоҳида эъзозли мавқени эгаллаганлар. Буни аёлларнинг тасвири акс эттирилган лойдан ясалган ҳайкалчалар, айрим сопол идишлардаги эчки, сайроқ каби ҳайвонларнинг суратлари тасдиқлайди. Айрим халқлар орасида мазкур суратлар аёлларга турғиш вақтида ёрдам беради ҳамда она ва боланинг ҳаётини сақлайди, деган ишонч мавжуд бўлган.

Мазкур маълумотлар айрим тадқиқотчиларнинг Давань подшолиги даврида Фарғонада одамлар аёл илоҳига ва у билан боғлиқ қуёш худосига сифинганлар деган гоёни илгари суришлари учун асос бўлиб хизмат қилган<sup>25</sup>. Бундан ташқари даванликлар оловга, отга ва аждодлар руҳига сифинганлар. Шундай қилиб, уларнинг диний дунёқарашларида ҳар хиллик кўзга ташланади. Дафн қилиш маросимларининг турлича эканлиги ҳам, эҳтимол, айнан шу ҳол билан изоҳланса керак. Масалан, қабрларнинг ўрага кўмиш, ёрма ва лаҳадли гўрларга кўмиш турлари мавжуд бўлган. Кўп ҳолларда улар жиҳозларга ҳам эга бўлган — кулолчи-

лик идишлари, озиқ-овқат, кийимлар қўйилган. Даванликлар янги йил арафасида кураш маросими ўтказганлар. Подшо ва оқсоқоллар икки гуруҳга бўлинганлар, ҳар бир гуруҳ яккама-якка олишувга чиқиш учун ўз вакилини танлаган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда янги йилнинг қандай бўлиши белгиланган. Бошқа бир одат — тўй совғаси сифатида олтин узук ҳадя этиш ҳам диққатга сазовордир.

Маросимлар ва урф-одатлар ҳақида сўз кетганда отта сифиниш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Унинг излари археологик ёдгорликлардан топилган, хусусан, Фарғонадаги ўндан ортиқ археологик объектларда отлар тасвири мавжудлиги қайд этилган. Булар жумласига қоялардаги «дулдул отлар» тасвирлари ҳамда айрим кулолчилик буюмлари тасвирлари киради. 1993 йилларда Даван подшолиги даврига мансуб Шўраба-шот шаҳарчасидаги қазилмалар чоғида эрамизгача бўлган II—I асрларга оид, марказида от тасвири тушурилган сопол идиш топилди. Аравон атрофидаги отлар тасвири туширилган тошлар бор жойлар эса яқин вақтларгача муқаддас зиёратгоҳ бўлиб келган\*. Умуман, отта сифиниш қуёшга топиниш билан боғлиқ бўлиб қадим замонларда мавжуд оташпарастиликдан келиб чиққан. Геродотнинг сўзларига қараганда сақларга қариндош бўлган массагетлар улуғ қуёш илоҳига энг тез югурувчи ҳайвон-отни қурбонлик қилганлар<sup>26</sup>. Қадимги муаллифлар Фарғона отларини юқори баҳолаб уларни «самовий отлар» деб атаганлар. Ўша замонларда учқур арғумоқлар шарафига ҳайкаллар қўйганлар ва шеърлар битганлар:

*Мана Фарғона мамлакатидан келтирилган, доврў  
қозонган от!*

*Унинг устухони нақадар зўр ва бақувват!*

*Икки қулоғи хуғди бамбук навдасига ўхшаб туради.*

*Икки жуфт тўғидан бўрон кўтарилади!\**

---

\* Бу ўринда шунини қўшимча қилиш жоизки, мазкур районларда отлар билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган айрим аҳоли пунктлари номлари ҳозиргача сақланиб қолган. Масалан, Асака, Асака отлик, суворий маъносини билдиради, Ахтачи — синчи, от табиби. Асака-Ассакана атамасини сақлар билан боғлайди. (Литвинский Б. А. Древние кочевники «Крыши мира». — Москва 1972. С. 165).

\* VIII аср ўртасида ёзилган бу шеърлар ҳақида қаранг: Ло Бо ва Ду Фу. Ферганский скакун господина Фана // Избранная лирика. Пер. с китайского. — М., 1987, С. 101.

Биз мазкур давлатда 70 дан ортиқ кичик ва катта шаҳарлар борлиги ҳақида эслатиб ўтган эдик, уларнинг орасида фақат учтасининг номи манбаларда қайд этилади: Эрши, Ючен ва Гуйшан. Археологик қазилмалар ўша даврда катта шаҳарларнинг мавжуд бўлганлигини тасдиқлабгина қолмай, уларни янги маълумотлар билан тўлдиради. Ҳозирги пайтга келиб, Давань даврига мансуб бўлган бир неча ўнлаб йирик археологик ёдгорликлар топилганки, улар шубҳасиз юқорида тилга олинган шаҳарлар жумласига киради. Булар, хусусан, Шўрабашот (майdonи 70 га, Ўзган яқинида, Ўш вилояти), Қўрғошинтепа (Ўш яқинида), Янгибозор (10 га, Ўш вилояти, Новқат тумани), Мингтепа (38 га, Андижон вилояти), Қува (12 га, Фарғона вилояти), Баландтепа (9 га, Наманган вилояти), Учқўрғон (24 га), Оқтепа (12 га) ва ҚайнавоТ (15 га, Наманган вилояти) каби ёдгорликлардан иборат<sup>27</sup>.

Даваннинг шарқий қисмида мустаҳкам деворлар билан ўралган ва ўз ҳукмдорига эга бўлган Ючен шаҳри жойлашган. Аввал олимлар уни ҳозирги Ўзган шаҳри ўрнида жойлашган деб ҳисоблар эдилар. Бироқ, мазкур минтақада узоқ вақт давомида археологик қазилмалар олиб борган Ю. А. Заднепровский Юченнинг жойлашган ерини Ўзгандан кўра шарқроқда жойлашган, майdonи 70 га бўлган қадимий Шўрабашот харобалари билан боғлайди. Эҳтимол, бу Ўзганда Давань даврига оид археологик материаллар топилмагани билан изоҳланса керак. Айни пайтда Шўрабашотда мазкур даврга тегишли бир неча мудофаа деворлари ва қатламлар мавжуд эканлиги қайд қилинган.

Хитойдан Фарғонага олиб келадиган йўлдаги иккинчи йирик Эрши шаҳар бўлиб, унда ҳукмдорнинг қароргоҳи жойлашган. Қадимги муаррихлар Эршида машҳур самовий отлар етиштирилганини айтиб ўтадилар. Шаҳар икки: ички ва ташқи қисмлардан иборат бўлган. Эршининг жойлашган ери ҳақида манбаларда ишончли, аниқ маълумотлар йўқ. Бу хусусда турли фикрлар мавжуд. Эршининг жойлашган ўрни ҳақида энг асосли фикрни А. Н. Бернштам билдиради ва унингча бу ер Андижон вилоятидаги Марҳамат (Мингтепа) қўрғонидир<sup>28</sup>.

Шу муносабат билан савол туғилади: нега энди у Марҳамат (Мингтепа) қўрғони билан боғланмоқда? Биринчидан, юқорида тилга олинган манбага кўра Эрши

Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган; иккинчидан, Мингтепада кучли мудофаа тизими (ички ва ташқи деворлар) ва катта майдон (38 га) аниқланган; учинчидан, Мингтепага ўхшаш йирик ёдгорлик водийда бошқа аниқланмаган. Шунинг ҳам қўшимча қилиш жоизки, хитойликлар томонидан мадҳ этилган «самовий отлар»нинг тасвири Мингтепадан унча узоқ бўлмаган қоя тошларда топилган ва улар Эршининг гуллаб-яшнаган даври деб ҳисобланувчи эрамизгача бўлган II—I асрларга тўғри келади.

Подшоликдаги навбатдаги шаҳар Гуйшань бўлиб, у кейинчалик Гесай деб аталган. У Фарғонанинг шимолида жойлашган, бироқ ҳозиргача унинг қаерда жойлашганлиги ҳақидаги масала ҳал этилмаган. Ҳали 1909 йилдаёқ В. В. Бартольд бу шаҳарни Наманган вилояти Косонсой шаҳри яқинидаги Муф қўрғони харобалари ўрнида жойлашган деб ҳисоблаган эди. У ўз фикрини хитой манбаларидаги маълумотлар ёрдамида тасдиқлайди. Уларда шундай дейилади: «Лона қадимги Давань вилояти бўлиб, Гуйшань ҳукмдорининг қароргоҳидир»<sup>29</sup>. Ю. А. Заднепровский ҳам шу нуқтаи назарга қўшилган, аммо ҳар икки олим ҳам бари бир Даваннинг асосий пойтахти Эрши бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бундан аён бўладики, мазкур подшоликда бир вақтнинг ўзида иккита пойтахт бўлган. Агар манбаларга диққат қиладиган бўлсак, унда эрамизгача бўлган II асрда давлат пойтахти Эрши эканлиги, эрамизнинг I асрида эса Гуйшань пойтахт бўлганлиги маълум бўлади<sup>30</sup>. Эҳтимол бу ўринда биз шарқнинг айрим мамлакатларига хос бўлган ҳукмдорларнинг қишлоқ ва ёзлик қароргоҳларининг мавжудлиги ҳолатига дуч келгандирми<sup>31</sup>. Масалан, қўшни Кангуй давлатида (эрамизгача бўлган II аср — эрамизнинг V асри) икки пойтахт бўлган: ёзги — Фаньэй ва қишки — Битянь<sup>32</sup>. Демак, унда иккита пойтахт бўлган деган фикрга келиш мумкин, бироқ Гуйшань сифатида, англашилаётган Муф қўрғони майдонига кўра унча катта эмас. Муфтепа давлат пойтахти бўлишдан кўра мустақамланган қалъа бўлганлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Давань давлати ҳақида дастлаб эрамизгача бўлган II асрда, охириги марта эса эрамизнинг III асрида, 280—289 йилларда хитой элчиларининг Фарғонада бўлиши муносабати билан эслатиб ўтилади. Шундан сўнг манбаларда Давань ҳақида

ҳеч қандай маълумотлар учрамайди, анча кейинроқ эса 436 йилда император Вэй элчиси Дунь Вань Полонга — собиқ Даванга борганлиги ҳақида маълумот берилади<sup>33</sup>. Демак, бу даврга келиб сиёсий вазият ўзгарган ва Давань бошқа ном билан — Полонга деб атала бошлаган. Шундай қилиб, Фарғонадаги давлат 400—500 йил давомида хитой манбаларида Давань номи остида мавжуд бўлган.

Ўзининг бутун тарихи давомида мазкур давлат йирик империялар ва кучли давлатлар таъсири остига тушмасдан ўз сиёсий эркинлигини сақлаб келган. Археологик топилмалар ҳам қадимги Даваннинг ўзига хос ривожланиш йўлига эга бўлганлигини тасдиқлайди. Масалан, Фарғона водийси эрализгача бўлган VI—IV асрларда Эрон Аҳомонийлари ва Искандар Зулқарнайн босқинларидан четда қолган, Искандар фақат Хўжанд шаҳригача келган холос. Салавкиларнинг ҳам водийга кириб борганликлари ҳақида маълумотлар йўқ.


Давань деҳқонлар ва чорвадорларнинг, ҳунармандлар ва савдогарларнинг кўплаб шаҳарларга ҳамда бошқарувнинг демократик тизимига эга бўлган давлати эди. Шубҳасиз у тарихимизда сезиларли из қолдириб, Фарғонанинг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатди. Даваннинг икки марта катта куч билан бостириб кирган Хитой империясининг кўпинларига қарши туриб, ўз мустақиллигини мардона ҳимоя қилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Демак, Давань — Фарғона давлати мил. авв. IV — мил. III асрларида мавжуд бўлган ва бошқарув тизимига кўра подшолик ҳисобланади. Даванда деҳқончилик ва чорвачилик жуда ривожланган эди. Деҳқончилик ерни сунъий суғоришга асосланган. Бой ва рангбаранг моддий маданият намуналари Даванда ҳунармандчилик турлари жуда ривожланганлигидан далолат беради. Шу ўринда, ишлаб чиқариш кучларининг ривожини Даванда шаҳарсозлик маданиятининг гуллаб-яшнашига олиб келганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Манбалардан маълумки, 25 фоиз аҳоли шаҳарларда истиқомат қилган. Буюк Ипак Йўли фаолият кўрсата бошлаши ҳам бу давлатнинг гуллаб яшнаган даврига тўғри келади. Бу қитъалараро савдода шарқий Суғдиёна чегараларидан то Тань давридаги Хитой империясигача бўлган йўлнинг хавфсизлигини таъминлашда, озиқ-овқат, йўл кўрсатувчилар ва таржимонлар етказиб бе-



ришда Фарғона асосий роль ўйнаган. Моҳият-эътиборига кўра Давань деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар ва савдогарлар давлати эди. Бу давлат Фарғонанинг кейинги тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

### Давань давлатида бошқарув тизими



<sup>1</sup> *Заднепровский Ю. А.* К истории оазисного расселения в первобытной Средней Азии // КСИА. Вып. 167. М., 1981. С. 23—28; Его же. Динамика развития оседлоземледельческой культуры Ферганы // Аральский кризис: Историко-географическая ретроспектива М., 1991. С. 186—190.

<sup>2</sup> *Матбабаев Б. Х.* Некоторые итоги сравнительного изучения расписной керамики чувствской культуры // ИМКУ. Вып. 30. Т., 1999. С. 41—54.

<sup>3</sup> *Сарианиди В. И., Кошеленко Г. А.* Средняя Азия в раннежелезном веке. Заключение // Археология: Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 203; Анарбаев А. Города Северной Ферганы в древности и раннем средневековье // ОНУ. 1994. № 1—2. С. 48.

<sup>4</sup> *Массон В. М.* Средняя Азия в эпоху раннего железа: культурная и социально-экономическая динамика // Раннежелезный век Средней Азии и Индии. Ашхабад, 1984. С. 9.

<sup>5</sup> *Zadneprovsky Y. A.* Early urban developments in Central Asia // Iran, XXXIII. 1995. P. 157.

<sup>6</sup> *Заднепровский Ю. А.* Древняя Фергана // История Киргизской ССР. Т. I Фрунзе, 1984. С. 178; Его же. // Раннежелезный век Ферганы и проблема возникновения Даваньского государства // Раннежелезный век Средней Азии и Индии // Труды междунар. симпозиума. Ашхабад, 1984. С. 31—34.

<sup>7</sup> *Асқаров А.* Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // ЎИФ, 1994. 6-сон. 33-бет; *Заднепровский Ю. А.* Раннежелезный век Ферганы и проблема возникновения Даваньского государства. С. 31—33.

<sup>8</sup> *Бичурин Н. Я.* (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. ч. II М.; Л., 1950. С. 149, 187.

<sup>9</sup> *Ўша жойга.* С. I IX; *Малявкин А. Г.* Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989. С. 186.

<sup>10</sup> *Pulleblank E G.,* Chines and Indoeuropean in Journal of Royal Asiatic Societe of Great Britan and Ireland. London, 1966. P. 25—30.

<sup>11</sup> *Бичурин Н. Я.* Собрание сведений о народах... С. 153.

<sup>12</sup> *Беляева Т. В.* Керамика Ходжента как исторический источник // ТД «Средняя Азия и мировая цивилизация». Т.: 1992. С. 25—26.

<sup>13</sup> *Горбунова Н. Г.* Поселения Ферганы первых веков нашей эры (некоторые итоги исследования) // СА. 1977. № 3. С. 118.

<sup>14</sup> *Асқаров А.* Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари. 33—35-бетлар. *Заднепровский Ю. А.* Археологические памятники южных районов Ошской области (середина I тыс. до н.э. — середина I тыс. н.э.). Фрунзе, 1960. С. 59.

<sup>15</sup> *Бичурин Н. Я.* Собрание сведений о народах... Ч. II. С. 161.

<sup>16</sup> *Ўша жойга.* 186-бет.

<sup>17</sup> *Gorbunova N. G.* The culture of Ancient Fergana VI centure B. C.-VI centure A. D. British archeological reports. International Series 281. London, 1986. P. 181.

<sup>18</sup> *Бичурин Н. Я.* Собрание сведений о народах... Ч. II С. 149.

<sup>19</sup> *Заднепровский Ю. А.* Древняя Фергана. С. 180.

<sup>20</sup> *Бичурин Н. Я.* Собрание сведений о народах... Ч. II. С. 161.

<sup>21</sup> Материалы по истории сюнну (по китайским источникам). Вып. II. М., 1973. С. 147.

<sup>22</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... Ч. II. С. 161.

<sup>23</sup> Пещеревá Е. М. Гончарное производство Средней Азии // Труды Института этнографии им. Н. Н. Миклухо-Маклая. Нов. Серия. Т. XLII М.; 1959. С. 261, 293.

<sup>24</sup> Загнeпровский Ю. А. Древняя Фергана. С. 188.

<sup>25</sup> Gorbunova N. G. I bid. P. 194—196.

<sup>26</sup> Белёницкий А. М. Конь в культах и идеологических представлениях народов Средней Азии и Евразийских степей в древности и раннем средневековье //КСИА. Вып. 154. М.1978. С. 31—39; Gorbunova N. G. I bid. P. 195—209.

<sup>27</sup> Матбобоев Б. Х. Фарғона қадимий шаҳарларининг жойлашган ўрни муаммолари //ЎИФ. 1995. 9-сон. 78-бет.

<sup>28</sup> Бернштам А. М. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памира-Алая // МИА. 1952. № 26. С. 228—230.

<sup>29</sup> Уша жойда.

<sup>30</sup> Боровкова Л. А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. — VII в. н.э. (Историко-географический обзор по древнекитайским источникам). М., 1989. С. 56.

<sup>31</sup> Ибрат. Фарғона тарихи. // Мерос. Т.: 1991. 283-бет.

<sup>32</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах... Ч.1. С. 184.

<sup>33</sup> Боровкова Л. А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. —VII в. н.э. С. 104—130.

**ЎРТА АСРЛАРДА  
ЎЗБЕКИСТОН  
ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИ**

## ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА УНИНГ ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИ

VI аср ўртасида Олтойда (Жанубий Сибирь ва Шимолий Монголия) Ўрта Осие тарихида муҳим роль ўйнаган кўчманчилар давлати — Турк хоқонлиги (551—744) ташкил топди. Турк сўзининг биринчи марта тилга олинishi 542 йилга тўғри келади. Ёзма манбаларда у турлича аталган: хитой манбаларида «туцдус», форсий тилдаги манбаларда «турк», битиктошларда сақланиб қолган ёзувларга қараганда бу халқ ўзини турк деб атаган. «Турк» атамаси (кучли, бақувват) дастлаб этник маънога эмас, ижтимоий маънога эга бўлган. Ашина уруғи, унга бўйсунган ва яқин қариндош бўлган ҳамда янги давлат бирлашмасининг ўзагини ташкил этган қабилаларнинг ҳарбий зодагонлари шундай аталар эди. Кейинчалик, улкан қабилалар иттифоқини ва унга итоат қилган халқларни турк деб атай бошлаганлар. Қабиланинг эски номи ашина ҳукмронлик қилувчи сулола номи бўлиб қолган.

Турк қабиласи ҳақидаги дастлабки маълумотлар хитойларнинг Чжоу шу, Бей ци шу, Бей ши сулоларининг йилномаларида мавжуддир. Уларда мазкур қабиланинг илк тарихига оид соф тарихий маълумотлар билан бир қаторда туркларнинг ўзларининг тилидан ёзиб олинган иккита генеалогик афсона ҳам келтирилган. Биринчи афсонага мувофиқ, туркларнинг катта ботқоқлик чеккасида (Бей ши ва Суй шу маълумотларига кўра «Фарбий денгиз»нинг ўнг қирғоғида) яшаган ота-боболари кўшни қабилла аскарлари томонидан қириб ташланган. Фақат она бўри томонидан қутқарилган ўн яшар бола тирик қолган. Душманлардан яшириниб у (бўри) Гаочанга қараганда шимолроқда жойлашган тоғларга (Турфон воҳаси) қочган. У ерда она бўри 10 та ўғил туққан ва улар кейинчалик Гаочанли қизларга уйланган ва ҳар бири бир уруғни ташкил этган; она бўрининг ўғилларидан бирининг оти

Ашина эди ва бу исм ҳам унинг уруғининг номи бўлиб қолган. Ашина қабила бошлиғи бўлиб, ундаги уруғлар сони бир неча юзтага етган эди. Ашинанинг ворисларидан бири Асян-шад она бўри авлодларини Гаочандан олиб чиқиб, Олтой худудида жойлаштирган ва улар жуан-жуанлар (аварлар) кўл остида яшаб, улар учун темир қазиб чиқарганлар ва унга ишлов берганлар. Олтойга келгандан сўнг қабила турк номини олган ва у афсонага кўра Олтой тоғларининг маҳаллий номи билан боғлиқдир.

Иккинчи афсонага кўра, турк қабиласининг аجدлари Со вилоятдан келиб чиққан, Н. А. Аристов бу вилоятни Олтойнинг шимолий ён бағирларида жойлашган, деб ҳисоблайди. Қабила бошлиғи Абанбунинг ўн етти оға-иниси бўлиб, улардан бирини «бўри ўғли» деб атаганлар. Со давлати душманлар томонидан йўқ қилинган, қутулиб қолган уруғлар эса ҳар томонга тарқаб кетганлар. «Она бўри ўғли»нинг гайри-табиий қобилиятлари туфайли унинг уруғи энг қулай шароитларга тушиб қолади.

Афсоналарда келтирилган маълумотлар асосида С. Г. Кляшторный томонидан туркларнинг илк тарихи тикланган ва у қуйидагичадир: Ашина қабиласи Ганьсуга гунолар ва уларга қарам бўлган Марказий Осиё ва Жанубий Сибирдаги қабилаларнинг Буюк Хитой девори ортига оммавий кўчиши даврида, 256 йилдан сўнг кўчиб келган. Унга қадар қабила Сихай районида (Эдзин-гол дарёсининг қуйи оқими) яшаган бўлиши мумкин. Ганьсуда яшаб турган даврида ашина қабиласи ўз таркибига янги этник компонентни — мамлакатнинг хитой ва гуно бўлмаган автохтон аҳолисини қабул қилган. Бу ерда улар Шимолий Лян давлатини тузганлар, мазкур давлат тор-мор қилингандан кейин 439 йилда Гаочанга қочиб бориб, у ерда 460 йилдан сўнг жуан-жуанлар ҳукмронлиги остида яшаганлар ва Олтойнинг жанубий тизимларига кўчириб юборилган. Фақат шундан сўнг қабила турк номини қабул қилган, унинг эски номи Ашина эса қабиллага асос солган киши онасининг оти сифатида ҳукмрон сулоланинг номига айланган.

Ашина қабиласининг Хитой деворининг жанубидаги районга кўчиб келишига қадар Олтой ва Сибир билан бўлиши мумкин бўлган алоқаларини инкор этмаган ҳолда, С. Т. Кляшторный шуни таъкидлаб ўта-

дики, фақат 460 йилдан кейин жанубий Олтой тоғи этакларида Ашина қабиласи бошлиқлари раҳбарлигидаги қабилалар гуруҳи таркиб топди ва бу гуруҳ 552—555 йилларда Жуан-жуан хоқонлигига жуда қаттиқ зарба берди<sup>1</sup>.

Турк хоқонлигининг пайдо бўлиши 552 йилга тўғри келади. Мазкур йилда турклар Ашина уруғидан Бумин (Тумин) раҳбарлигида жуан-жуанларни тор-мор келтирган эдилар. Мана шу пайдан бошлаб турк ҳукмдорлари ўзларини жуан-жуанлар эгалик қилган ерларнинг ва уларнинг илгариги куч-қудратининг вобрислари сифатида тасдиқлаб хоқон (қаған) унвонини қабул қилганлар. Биринчи ҳукмдор Бумин бўлиб, у тахтга Или қаған унвони билан ўтирган. Унинг ўғли ва меросхўри Коло (Қора — қаған) даврида жуан-жуанлар яна бир марта мағлубиятга учратилди (533), Қорақағаннынг укаси Мухан қаған 555 йилда уларни узилкесил тор-мор қилди. Жуан-жуанларнинг катта қисми ғарб томонга қочди ва у ерда аварлар деган ном билан танилди. Мухан қаған ҳукмронлик қилган даврда (553—572) хоқонлик Марказий Осиёда сиёсий гегемон бўлиб қолди: жанубий-ғарбий Манжурияда киданлар, Енисей бўйида қирғизлар ва бошқа қабилалар бўйсундирилди. Шимолий Хитой давлатлари туркларга ўлпон тўлай бошладилар.

Айнан мана шу даврда туркларнинг ғарбда жуан-жуанларга ва эфталитларга қарши фаол ҳарбий ҳаракатлари бошланди: Ҳали 552—555 йиллардаёқ Истами «ўн туман қўшинининг» саркардаси сифатида Буминнинг юришларидан бирида у билан бирга иштирок этган ва мазкур юриш натижасида Еттисув туркларини, Олтой ҳудудида яшовчи эфталларни бўйсундириб «ўзини «ўн қабилали»<sup>2</sup> деб атаб, хоқон деб эълон қилган эди». Олтой ва Еттисув туркларнинг 552 йилдаги ҳарбий юришининг ғарбдаги энг чекка нуқтаси бўлди. Ғарбга қилинган навбатдаги юриш 555 йилда амалга оширилди. Манбалардаги тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра турк қўшинлари ҳаракатининг ғарбий чегарасини шартли равишда Сирдарёнинг ўрта оқимидан (Тошкент воҳасининг шимолидан) Орол денгизигача деб, белгилаш мумкин. Ёзма ёдгорликларда Истами бошлиқ турк қўшинлари кириб борган ерларнинг энг охириги чегараси сифатида Темир қапиб кўрсатилган — бу Суғадан Тохаристонга ўтадиган довоннинг

Ўрта асрлардаги номи бўлиб, довоннинг ўзи Бойсун тоғларида жойлашган.

Ўрта Осиёга дастлабки кириб келишларидаёқ, турклар эфталлар билан тўқнашдилар, Ўрта Осиёнинг асосий қисми уларнинг давлати таркибида эди. Ўрта Осиё турклар томонидан забт этилиши V аср охирида Пероз қўшинлари эфталлар томонидан мағлубиятга учратилганидан сўнг эфталларга катта ўлпон тўлашга мажбур бўлган сосонийлар ҳукмронлигидаги Эроннинг дипломатик қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилди. Хусрав I Ануширвон ҳукмдорлик қилган даврда Эрон унинг фаол ислохотчилик фаолияти туфайли бирлашди ва шундай ҳарбий қудратга эришдики, эфталларга ўлпон тўлашдан бош тортди. Хусрав I эфталларга зарба бериш учун турклар билан иттифоқ тузди. Диноварийнинг маълумотларига кўра воқеалар қуйидагича тарзда бўлиб ўтган. Хусрав I эфталларга қарши қўшин жўнатди ва Тохаристон, Зобулистон, Кобулистон, Чағониённи забт этди. Шу вақтда турк хоқони ўз элини йиғиб Хуросонга қарши юрди; у Чочни, Фарғона, Самарқандни, Кешни, Насафни эгаллади ва Бухорогача етиб келди<sup>3</sup>. Эфталларнинг турклар томонидан тор-мор қилиниши турли тадқиқотчиларнинг фикрича, 560—567 йиллар ўртасида бўлиб ўтган<sup>4</sup>. Ҳарбий тўқнашувлар натижасида, энг аввало, аҳоли жабр кўрди — «Чочда, Терекда (яъни, Парақда), Самарқанд ва Суғдада кўп ерлар вайрон қилинди ва бойқушларга макон бўлди. Чағаниён, Бомиён, Хутталон ва Балх аҳолисининг барчаси учун аччиқ, қора кунлар бошланди»<sup>5</sup>.

Эфталлар давлати тор-мор этилгандан сўнг босиб олинган ҳудудлар бевосита ғолибларнинг олий ҳокимиятига бўйсундилар; шартнома бўйича Амударёнинг шимолидаги вилоятлар турклар қўл остига, жанубидаги вилоятлар Эрон қўл остига ўтди. Бироқ, турклар бир неча марта чегарани бузиб ўтдилар ва Тохаристонга бостириб кирдилар. 588 йилда, турклар, араб тарихчиларининг берган маълумотларига кўра, Амударёдан кечиб ўтиб, бутун Тохаристонни эгалладилар ва ғарбга юриб, Ҳиротгача бордилар. Гарчи, Эрон саркардаси Смбат Баградуни ғалаба қозонган бўлса-да, мазкур вилоятлар энди Эронга бўйсунмай қўйдилар, тез орада эронийлар қувиб юборилди ва турклар узил-кесил Тохаристонда мустаҳкамланиб олдилар<sup>6</sup>.



Эфталлар тор-мор келтирилгандан сўнг, иттифоқчилар ўртасида уларнинг иқтисодий манфаатларининг қарама-қаршилиги, хусусан, Ўрта Осиё орқали Хитой ва Византияга борувчи қадимдан мавжуд бўлган савдо йўллари ўз назоратига олиш борасидаги зиддиятлар туфайли низолар келиб чиқди. Турк хоқонлиги ва Эрон ўртасида иттифоқчилик муносабатлари мавжуд бўлган даврда суғдликларнинг ташаббуси билан Эронга унинг ҳудуди орқали Византияга ипакни транзит ўтказиш борасида шартнома тузиш мақсадида элчилар жўнатишга қарор қилинган эди. Элчиларга суғдлик савдогар бошчилик қилди. Бироқ, элчилик буткул муваффақиятсизликка учради — сотиб олиб келтирилган ипак элчиларнинг кўз олдида ёқиб ташланди. Таркиби фақат турклардан иборат бўлган иккинчи элчилик муваффақиятсизликка учрагандан сўнг, иттифоқчилар ўртасидаги муносабатлар Эрон ва турк хоқонлиги ўртасида ҳарбий тўқнашувларнинг фаолашувига олиб келган ўзининг кескин нуқтасига етди.

Шунда хоқонлик Эроннинг рақиби бўлган Византия империяси билан сиёсий алоқалар ўрнатишга қарор қилди. 588 йилда Маниах бошчилигидаги элчилар Каспийнинг шимолий қирғоғи бўйлаб йўлга чиқди ва Кавказ орқали Византияга борди. Натижада ҳарбий аҳамиятга эга бўлган ва Эронга қарши қаратилган шартнома тузилди. Элчилар ўша йилнинг ўзидаёқ қайтиб келишди, улар билан бирга византияликларнинг жавоб тариқасида Замарх бошчилигида юборган элчилари ҳам бор эди. Ана шу пайтдан бошлаб Византия-турк муносабатлари доимий бўлиб қолди. Чунки биринчисининг орқасидан бошқа элчилар ҳам жўнатилди<sup>7</sup>.

Шундай қилиб, VI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Турк хоқонлиги Марказий Осиёда сиёсий гегемон бўлиб қолди. Манчжурияда киданлар, Енисейда қирғизлар, Ўрта Осиёда эфталлар тор-мор қилинди. 576 йилда турклар Киммерий Боспорини (Керчни) эгаллаб олдилар. Шарқда Корейс кўрфазидан ғарбда Каспий денгизигача, жанубда Гоби чўлидан шимолдаги Байкал кўлигача бўлган ҳудудда улкан кўчманчи империя яратилди. Хоқонлик ўша даврнинг энг йирик давлатлари — Византия, Сосонийлар Эрони, Хитойнинг сиёсий ва иқтисодий муносабатлари тизимига қўшилди ва Буюк Ипак Йўли устидан назорат ўрнатиш учун кураша бошлашди.

Турк хоқонлигининг бутун тарихи узлуксиз урушлар ва ўзаро ички курашлар билан тўлган эди. Бунинг натижасида 581—603 йиллар<sup>8</sup> оралиғида у икки қисмга: Шарқий ва Ғарбий турк хоқонлиқларига бўлиниб кетди. Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик воқалари ҳудудий ўзаги Еттисувда жойлашган Ғарбий турк хоқонлиги ҳукмронлиги остида қолди.

Бўлингандан кейин, тез орада, 630-632 йилларда заифлашган Шарқий турк хоқонлиги Хитой империяси томонидан мағлубиятга учратилди ва амалда мавжуд бўлмай қолди. Бу пайтда Ғарбий турк хоқонлиги ўз юксалишининг чўққисига чиққан эди. Тардушхон (Датоу) ҳукмронлиги даврида турклар Ўрта Осиёда ўз мавқеларини мустақамлаб олдилар ва шарқда теле ва сеньято қабилаларига қарши фаол ғарбий ҳаракатлар олиб бордилар. Ушбу қабилалар, кейинроқ, 615—619 йилларда ғарбий турклар томонидан узил-кесил бўйсундирилди. Ғарбий чегараларда ҳам фаол ташқи сиёсат давом эттирилди — 627 йилда турк қўшинлари Кавказортида, Византия ва Эрон ўртасидаги урушда Византия томонида туриб иштирок этдилар. 630—651 йиллар хоқонлик ичида ўзаро курашлар даври бўлди. 651 йилда ғарбий туркларнинг Ашина Хелу бошчилигидаги асосий кучлари Хитой қўшини томонидан тормор келтирилди. Хитой Ғарбий турк хоқонлигининг ерларини келиб чиқиши турклардан бўлган хитой амалдорлари бошчилигидаги округларга бўлиб ташлади. Бироқ, бу ҳокимларнинг Хитойга қарамлиги номигагина эди холос, бунинг устига VII асрнинг 70-йилларида кучайиб кетган Тибет амалда Хитойни Ўрта Осиёдан ажратиб қўйди. Ғарбий турк хоқонлиги ўрнида Турғаш хоқонлиги (702—756) пайдо бўлди.

Бироқ, турк қабилалари мустақилликларининг йўқотилишига рози бўла олмадилар. Бир қатор йирик қўзғолонлар натижасида ҳукмрон Ашина уруғидан бўлган Элтариш хоқон (Хитой манбаларида Гудулу) бошчилигида Иккинчи турк хоқонлиги ташкил топди. Элтаришнинг укаси Мочжо (турк битикларида Қапағон қаған) ҳукмронлик қилган даврда турклар ва Мўғулистонда яшовчи теле қабилалари Тан империяси ҳукмронлигидан озод қилинди. Иккинчи хоқонликнинг асосий ҳудудлари Гоби чўллариининг шимолида жойлашган ерлар бўлиб, хоқоннинг ўрда-

си Орхон дарёси районидаги Ўтукен деган тоғли, Ўрмонли жойда эди. Жанубий чегараси Шимолий Мўғулистондан ўтар, Олтой ва Тува хоқонлигининг шимолий чеккаларини ташкил этарди. Ўрта Осиёга қилинган янги юришлар Қапағон хоқоннинг номи билан боғлиқ: у 711 йилда Еттисувдаги тургашларга қарши юриш қилди, уларни тор-мор келтириб, 712 йилда араблар томонидан қамал қилинган Самарқандга ёрдамга келди, бироқ мағлубиятга учраб қайтиб кетишга мажбур бўлди. Қапағон хоқон ҳалок бўлганидан сўнг, унинг вориси Билга (Мўғилон) ҳукмронлигидан кейин иккинчи турк хоқонлигининг заифлашувига ва охир-оқибатда 744 йилда унинг ҳалокатига олиб келган ўзаро низолар бошланди<sup>9</sup>. Ўрта Осиё ҳукмдорларининг араб босқинчилигига қарши курашда асосий иттифоқдошлари араблар томонидан Абу Музахим — «фил» деб лақаб берилган Сулу хоқон бошчилигидаги тургашлар бўлиб қолдилар<sup>10</sup>.

Туркларнинг Ўрта Осиё ҳукмдорлари билан ўзаро алоқалари қандай амалга оширилганлигини тушуниш учун қадимги турк давлати бирлашмалари ичидаги ҳокимиятни ташкил этиш принципларини кўриб чиқиш зарур. Хоқонлиқнинг ички ижтимоий-иқтисодий тузуми тадқиқотчилар томонидан туркларнинг ўзларига мансуб, шунингдек, хитой солномачилари ва араб тарихчилари ёзиб қолдирган манбалар асосида тикланмоқда<sup>11</sup>.

Қадимги туркларнинг тасаввурига кўра, давлатчиликнинг маркази, давлатни ўзида мужассам этувчи шахс хоқон ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда хоқонларнинг ҳукмрон сулоласи эди. У учта куч — осмоннинг (Тангри), Ер-сувнинг куч ва иродаси ва турк халқининг фаолияти туфайли юзага келтирилади<sup>12</sup>.

Хоқоннинг рафиқаси хотун унвонига эга эди. И. О. Смирнова таъкидлаганидек, кейинчалик бу унвон суғд тилига кирди ва бу унвонни олган аёл этник мансублигидан қатъий назар, умуман ҳукмдорнинг рафиқасини англатадиган бўлиб қолди<sup>13</sup>.

Тахтга ворислик тартиби турк давлатчилиги тузилиши учун хос бўлган улусларга бўлиниш тизимига мувофиқ белгиланар эди. Унга кўра, тахт отадан ўғилга эмас, акадан укага, кичик амакидан катта жиянга мерос қолар эди. Шаҳзодалар ўзларининг ҳукмдорлик навбатлари келишини кутиб, унгача ўзларига берил-

ган улусларда ҳокимлик қилар эдилар<sup>14</sup>. Ҳокимиятни ҳукмрон сулола қўлида жамлаш принципи Марказий Осиёнинг кўчманчи давлатларида бошқарувнинг анъанавий усули, чунки у икки ёқлама самара берарди: бир томондан, кўчманчи чорвачилик ҳукмрон бўлган шароитларда бошқарувнинг ва мудофаанинг барқарорлиги таъминланса, иккинчи томондан, сулоланинг ўз ичида ҳам нисбатан осойишталик таъминланар эди.

Турк хоқонликлари яшаб турган узоқ йиллар давомида ҳокимиятни бўлишнинг турли шакллари, жумладан, минтақа ҳокимларига хоқон унвонини бериш орқали жойларга ҳокимият ваколатини бериш мавжуд эди. Ўзаро низолар кучайган даврда, 581 йилда Шаболо хоқон унвонига эга бўлган Эрфу Негу (Шету) яна уч кишини хоқон этиб тайинлади. Турк давлатининг бошқарув соҳасидаги бўлиниши кичик хоқонларнинг мавжуд бўлишига олиб келди. Бироқ, улуғ хоқоннинг ҳамма вақт битта бўлиши тақозо этилади<sup>15</sup>. Битикларнинг гувоҳлик беришига қараганда унинг асосий прерогативаси ва вазифаси худолар билан халқ ўртасида воситачи бўлиш эди<sup>16</sup>.

Давлатнинг асосини ер билан бирга халқ ташкил этарди. Давлатчиликнинг мустақил ва анъанавий Ўрта Осиё шакллари ривожлангирган турк давлати жамиятнинг муайян ижтимоий тузилмаларига ва қадимги туркларнинг давлат томонидан ташкил этилган назорат қилинадиган хўжалик фаолиятига таянар эди. Бу фаолиятнинг асосини кўчманчи чорвачилик ташкил этар, унча катта бўлмаган миқёсда деҳқончилик ҳам қилинарди. Хитой манбаси «гарчи турклар доимий яшаш жойига эга бўлмаса ҳам, лекин уларнинг ҳар бирининг ажратиб берилган ери бор» деб таъкидлайди<sup>17</sup>.

Давлатни бошқаришда хоқонга унинг қариндошлари, энг аввало, ҳукмрон сулола аъзолари ва улар томонидан яратилган бошқарув аппарати ёрдам берар эди. Қадимги туркий битикларга кўра у тўртта бўлинган: қариндошлар; хоқонга иттифоқдош бўлган қабила ва халқлар; хоқоннинг ўнг томонида ўтирувчи амалдорлар ва маъмурий ходимлар, хоқоннинг чап томонидан жой олган амалдорлар ва маъмурий ходимлар. Хоқоннинг қариндошлари—ўғиллари, амакиси, жиянлари ва оға-иниларига тегин унвони берилган. Хитой манбаларининг маълумот беришича, қадимги турк дав-

латидаги мансабларнинг асосий штати 28 та бўлган, бунда уларнинг фақат бештаси олий мансабдор ҳисобланган: еху (ябғу), ше (шад), дэлэ (тегинлар), силифа (элтабарлар) ва тутунфа (тудунлар). Қолган 23 таси кичик амалдорлардан иборат бўлган. Барча мансаблар мерос қилиб қолдирилар эди<sup>18</sup>.

Тудунларнинг мансаби туркларга бўйсунувчи халқларни бошқариш билан боғлиқ эди; хитой манбаси таъкидлаб ўтганидек, «бўйсундирилганлар устидан назорат қилиш» ва «солиқлар йиғиш» уларнинг вазифалари сирасига кирар эди.

Турк кўшинининг ташкил этилиши ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар кам. Туркларнинг «ўрдаси кўшин сифатида» ўнг ва чап қанотларга бўлиниши аниқланган<sup>19</sup>. Тан даврига оид хитой йилномаларида турк кўшини бўлинмалари ўнликлар билан саналадики, бу Ю. С. Худяковнинг фикрича, туркларда халқ ва кўшин бўлинишида ўнлик «осиёча» тизими мавжуд бўлган, деб тахмин қилишга имкон беради. Улар орасида шахсий соқчилар (ашина уруғига мансуб) хоқонларнинг зирҳли гвардияси ажралиб турган<sup>20</sup>. 10, 20 ва 40 кишилик алоҳида йирик кўшилмалар шадлар ёки ёбғу кўмондонлигида бўлган. Ўзларининг куч-қудратга тўлган даврларида, биринчи турк хоқонлиги вақтида ҳам, иккинчи хоқонлик даврида ҳам турклар, одатда 100 минг кишилик кўшин тўплай олганлар. Кўшинда хизмат қилиш мажбурий эди, лекин унинг тартиби қандай бўлганлиги маълум эмас<sup>21</sup>.

Турк бўлмаган халқлар ва туркий қабилалар турк давлати таркибига қурол кучи билан кўшиб олинарди. Забт этилган душманлар — ўзга ерликларнинг бошқаруви ҳам ўзгача эди — улар ўзларининг ижтимоий тузилмаларини сақлашлари мумкин эди ва бу тузилмалар устидан ноиб-тутуқ назорат қиларди. Шундай давлат мавжуд эдики, унда ўз халқи маъмурий (ҳарбий-маъмурий) принцип асосида ҳаёт кечирган ва уруф-қабилачилик ташкилоти шаклларида фойдалана олган, бегона халқ эса бўйсундирилган ва агар унга нисбатан ҳукмрон халқнинг маъмурий тизими жорий этилмаган бўлса, у ўзининг ижтимоий тузилмаларини сақлаган ва ноиб томонидан бошқарилган<sup>22</sup>. Е. И. Кичановнинг фикрига кўра, туркий бўлмаган халқларни турк элига кўшиб олинишида энг асосий нарса уларнинг бўйсундирилиши эди, демак, конфедерация ёки

федерация бу сўзларнинг қатъий маъносида мавжуд бўлмаган.

Турк жамияти шахсий озод кишилар — бош ва қуллар — қулкунга бўлинган. Манбалар қуллар меҳнатидан фойдаланиш ҳақида амалда ҳеч қандай маълумот бермайди. С. Т. Кляшторный кўпроқ аёллар меҳнатидан фойдаланилганлигини қайд этади ва қуллар, асосан, уй ишлари билан шуғулланганлигини таъкидлайди<sup>23</sup>. Туркларнинг жамиятида чорва моллари, қуллар ва бошқа буюмларга хусусий мулкчилик ҳукмрон эди. Чорва моллари эгаллик белгиси — тамға билан тамғаланарди. Ю. А. Зуевнинг фикрига кўра, кўчманчи туркларда мулкчилик дифференциацияси заиф бўлган, айрим шахсга қарашли мулк мавжуд бўлмаган, оилавий мулк эса уруф мулки сифатида идрок этилган шароитларда уларнинг мулкларининг асосий турига эгаллик қилишларини кўрсатувчи восита уруф тамғалари билан тамғалаш эди<sup>24</sup>.

Турк давлати етарли даражада тўлиқ ишлаб чиқилган жинорий қонунчиликка эга эди. Жазонинг асосий турлари қатл қилиш, композиция ва талион ҳисобланарди. Ўлим жазоси давлатга қарши жиноятлар учун (исён кўтариш, сотқинлик), ҳамда одам ўлдирганлик учун берилган. Одам ўлдирилганлиги учун қатл қилиш талион эди. Бузуқлик қилган кишининг жинсий аъзосини, яъни жиноят қайси аъзо ёрдамида содир этилган бўлса, ўша аъзони кесиб ташлаш ҳам талион эди. Шахсга қарши қаратилган бошқа жиноятлар композиция, яъни етказилган зарарни ўн баравар қилиб тўлаш, жароҳат етказгани ёки майиб қилгани учун мол-мулк тарзида товон тўлаш, қизи, хотинини қулликка бериш, суягини синдирганлиги учун эса от бериш йўли билан жазоланарди<sup>25</sup>.

Турк хоқонлигининг мафкуравий асоси шомонлик, аждодларга, Осмонга (Тангри) ва Ер-сувга сифиниш бўлиб, улар давлат культлари ҳисобланган. Шунингдек, жангчиларнинг ва болаларнинг ҳомийси—Умай худосига сифиниш ҳам кенг тарқалган эди<sup>26</sup>. Бироқ, турк жамиятининг юқори табақаси буддизм билан ҳам таниш бўлган. Масалан, хитой манбаларининг берган маълумотларига кўра, (Суй Шу) Ци давлатидан бўлган ва турклар қўлида асирликда яшаган, монахларга хос Хуэй Линь исми билан аталган бир шаман Тобо хоқонни буддизмга тарғиб қилган ҳамда муваффақиятта

эришган: хоқон будда ибодатхонаси — пагодани айла-  
ниб, будда диний маросимини бажо келтирган ва рўза  
тутган. Бу воқеалар 574—584 йилларда юз берган<sup>27</sup>.  
Мазкур даврда Осиё динларининг, энг аввало, мазда-  
кийлик ва буддизмнинг таъсири кучли бўлганлиги қайд  
этилган. Масалан, суғд тилида ёзилган Буғут битигида  
«янги, катта сангха таъсис этилганлиги» ҳақида хабар  
қилинади<sup>28</sup>.

Суй Шунинг турклар «ёзувга эга эмас, ишга оид  
ҳужжатлар дарахтларга кесма белгилар қўйиш ёрда-  
мида тузилади» деб маълумот беришига қарамай,  
суғд ёзувининг турларидан бири асосида ривожлан-  
ган қадимги туркий руник ёзувининг ёдгорликлари  
бизга маълумдир. Суғд алифбосининг турк тилига  
мослаштирилиши, С. Г. Кляшторныйнинг фикрича,  
IV—V асрлардан олдин Шарқий Туркистон воҳала-  
рида амалга оширилган. Турк руний ёзувининг бу  
тури унча ривожланмаган ва ибтидоий бўлиб, гарчи  
Биринчи турк хоқонлигида давлат томонидан қўллаб-  
қувватланмаган бўлса-да, Марказий Осиёнинг ғар-  
бий қисмида яшовчи туркий тилли аҳоли ўртасида  
бир мунча вақт қўлланилган. Кейинчалик, VII аср-  
дан олдинроқ эски руний ёзуви суғд алифбоси таъ-  
сири остида тубдан ислоҳ қилинди ва шундан сўнг  
Иккинчи Турк хоқонлигининг меъёрий давлат ёзуви  
бўлиб қолди<sup>29</sup>.

Туркларнинг ҳарбий-сиёсий ҳукмронлиги ва тур-  
кий давлат тузилишига хос бўлган ҳокимиятни таш-  
кил этиш майда, мустақил ҳудудларга бўлиниб кет-  
ган Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг ўтроқ деҳ-  
қончилик районларининг сиёсий ва маъмурий ту-  
зилиши анъаналари билан ўзаро қўшилиб кетиши  
зарур эди.

Ўрта Осиёни забт этган туркларнинг сиёсати, даст-  
лаб, маҳаллий ҳукмдорлардан хирож олишдан иборат  
бўлди, илгариги сулолалар сақлаб қолинди, у ёки бу  
вилоятда мавжуд бўлган тартиблар ҳам ўзгартирил-  
мади. Туркларнинг суғдликларга муносабати худди бун-  
дан олдинги эфталларнинг муносабати сингари дав-  
латнинг олий васийлиги хусусиятига эга бўлди<sup>30</sup>.

Ўрта Осиё давлатларининг Турк хоқонлиги тарки-  
бига кириши даври уларнинг маданий ривожланиши  
даражасининг анча юксаклиги билан тавсифланар эди-  
ки, бунда VI аср ўрталарида туркларнинг назорати

остида бўлган халқаро савдо йўлларидаги барқарорликнинг хизмати бор. Айрим ҳукмдорларнинг халқаро савдода иштирок этиш ҳуқуқи ҳам Турк хоқони томонидан белгиланарди. Масалан, суғдлик савдогар Маниах Эронга элчиликка бориш учун Истами хоқондан рухсат олиши зарур бўлди. 568 йилда Земарх бошчилигидаги Византия элчилари Константинополга қайтганларида Ўрта Осиёдаги баъзи ҳукмдорлар Византияга ўз элчиларини жўнатишга рухсат сўрадилар. Истами хоқон уларнинг барчасига рад жавобини берган, фақат Хоразм ҳокимининг илтимосигина қондирилган<sup>31</sup>.

Фарбий турк хоқонлиги мавжуд бўлган давр туркларнинг маҳаллий ҳукмдорлар билан ўзаро муносабатларига оид манбаларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларга, энг аввало, Хитой йилномаси Суй Шунинг Датоу хоқоннинг (575—603) қизи билан суғд ҳокими Дайшеби ўртасидаги никоҳ ҳақидаги маълумотлари киради. Ўша ернинг ўзида «у ерда қонунлар ва ёзув туркча» эканлиги қайд қилинади<sup>32</sup>. Анча кейинги даврларга келганда Самарқанд ва Панжакентнинг айрим ҳокимлари келиб чиқишига кўра турклар эканлигини кўрамиз. В. А. Лившиц қайд қилиб ўтгандек, Суғдада тахтга ўтиришда ворислик бўлмаган; ҳар ҳолда 709 йилда Панжакентда турк Билганинг ўрнига суғдлик Деваштич ҳоким бўлган, унинг отаси Йодхшетақ ҳам ҳоким эмас эди<sup>33</sup>.

Суғднинг VII аср охири, VIII аср бошидаги ижтимоий тузуми, турклар ва суғдлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва давлат ички ҳаётининг бошқа жиҳатлари олимлар томонидан муфассал тадқиқ этилган Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатлари орқали маълумдир<sup>34</sup>. Биз фақат мавзуимиз учун муҳим бўлган маълумотларни умумлаштирамиз.

Суғд ҳужжатларида феодал типдаги ривожланган иерархия мавжуд бўлган деб тахмин қилишга асос берувчи кенг кўламдаги ижтимоий терминология қайд этилган. Оқсуякларнинг асосий тоифасини ҳукмрон хонадонларнинг вакиллари (Хитой манбаларида чжа-у) ва ер эгалари бўлган зодагонлар деҳқонлар (азимлар ва оддий деҳқонлар) ташкил қилар, улардан сўнг кўп сонли озодлар (озодкор халқ, одамлар) турар, уларнинг энг олий табақаси унвошли зодагонлардан иборат эди. Озодлар доимий равишда князь хизматида бўлар ва солиқ-



лардан озод этилган эди. Аҳолининг асосий солиқ тўлайдиган қисмини қарикорлар-ҳунармандлар ва деҳқонлар ташкил этади. Ижтимоий зинапоянинг энг қуйи поғонасида қуллар — умрбод ва вақтинча қул бўлганлар ҳамда турли тоифадаги хизматкорлар турар эди.

Қадиварнинг фаровон ҳаёт кечиришининг асосида қандайдир тоифадаги ерга эгалик қилиши (оиланинг, уруғнинг) ётар эди, бу ҳақда хусусан, Муғ архивида сақланиб қолган ва ер участкасининг сотилганлигини тасдиқловчи васиқа (ҳуж. В8) гувоҳлик беради. Мазкур ҳужжатнинг мазмуни В. А. Лившиц томонидан аниқланган. Васиқа қуйидаги асосий бандларни ўз ичига олади: васиқанинг тузилган вақти, битим тузилаётган томонлар, олди-сотти предмети ва олди-сотди битимининг қандай шартлар асосида тузилганлиги, гувоҳларнинг номлари ва ҳужжатнинг тузилиши учун масъул бўлган шахснинг исми (ёки мансаби). Участканинг баҳоси драхма ҳисобида қайд этилган. Шуниси қизиқарлики, унинг нархи турк қўшинида жангчиларга маош ўрнида тўланадиган ипак газлама парчасининг қийматига тенг бўлган<sup>35</sup>.

Деҳқонларнинг бошқа бир даромад манбаи тегирмонлар бўлиб, улар энг йирик деҳқонларга, биринчи навбатда ихшидларга тегишли эди. Бу ҳақда Муғ архивидан олинган бошқа бир ҳужжат — тегирмонни ижарага бериш ҳақидаги шартнома гувоҳлик беради<sup>36</sup>. Илк ўрта асрларда тегирмондан фойдаланишнинг икки хил шакли мавжуд бўлган: ижарага бериш, эгасининг ўзи фойдаланиши. Мана шунга ўхшаш яна бир даромад манбаи бозорлар эди. Улардаги дўконларнинг катта қисми деҳқонларнинг хусусий мулки бўлиб, бундан ташқари айрим деҳқонлар бутун-бутун расталарга эгалик қилар ва улардан доимий равишда даромад олардилар. Суғдада тўқувчилик ҳунари, айниқса пахта ва ипакдан матолар тўқиш ривожланган эди. Шунингдек, кўнчиликнинг ривожи ҳам ундан қолишмаган. Исломгача бўлган даврда Суғдада худди кейинги даврларда бўлгани сингари қурол-яроғ ишлаб чиқарадиган махсус давлат устахоналарининг мавжуд бўлганлиги тахмин қилинади. Совутлар, жибалар, дубулғалар ва оёқ кийимлари турли шахсларга, шу жумладан, мансабдорларга доимий равишда бериб бориладиган нарсалар бўлган. Буларнинг ҳаммаси Панжакент ҳокими Деваштичнинг девонида махсус рўйхатларда қайд этил-

ган (А 5 ва Б 1). Деваштичнинг хазинасига чармлар етказиб берадиган терига ишлов берувчи устахоналар Зарафшоннинг юқори оқимидаги ҳудудларда мавжуд эди. Чармнинг катта қисми ўтроқ ҳудудларга кўчманчи турклар томонидан олиб келинганлиги маълум (гўштга сўйиладиган ва юк ташийдиган ҳайвонларни ҳам улар етказиб берар эдилар). Турклар терини ишлов берилмаган ҳолда олиб келар, кейин эса жойларда улар ўтроқ аҳоли томонидан қайта ишланар эди. Географларнинг берган маълумотларига кўра, Шоща худди шундай бўлган<sup>37</sup>.

Муф тўплами таркибидаги никоҳ ҳақидаги шартнома деб аталган ҳужжат Суғдада ривожланган фуқаролик юриспруденцияси мавжуд бўлганлигидан далолат беради<sup>38</sup>. У озодлар табақасига мансуб бўлган. Уттагин ва унинг васийлигидаги аёл, Навикат подшоҳи Чернинг хотини ўртасидаги никоҳ вақтида тузилган. В. А. Лившиц мазкур ҳужжатнинг тузилиши билан мувофиқ равишда, томонларнинг ўзаро мажбуриятларига дахлдор бўлган саккизта бандни ажратиб кўрсатган. Матни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотчи Суғдада полигамиянинг мавжуд бўлганлиги ҳақидаги хулосага келди. Бироқ кўпхотинлик фақат зодагон озодларга ва бадавлат оилаларгагина хос бўлган<sup>39</sup>.

Суғдаларнинг зодагонлари туркий иерархия таркибига кирган, воҳалар ёнида ўрнашган турклар гуруҳларининг бошлиқлари эса маҳаллий сиёсий тизимда иштирок этганлар<sup>40</sup>.

И. О. Смирнованинг фикрича, ёзма манбаларда мавжуд бўлган далилларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки, VIII асрнинг биринчи чорагидаёқ Суғднинг заминдор зодагонлари бу ерда ўтроқ бўлиб қолган турклардан ташкил топа бошлаган<sup>41</sup>.

Ўрта Осиёнинг, хусусан Суғднинг иқтисодиётида ташқи ва шунингдек, ички савдо ҳам муҳим роль ўйнаган. Турфон воҳасида X асргача мавжуд бўлиб келган суғд колониялари суғдаларнинг халқаро савдодаги муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради. Буни биз суғд колонистларининг Самарқанд ва Бухородаги қариндошларига ёзган хатларидан (VI аср) биламиз. Мазкур хатларда суғд муҳожирлари савдо битимлари ҳақида, мис, кумуш, олтин эвазига сотиб олинган товарлар, уларнинг товарларига қўйилган нархлар ҳақида хабар берадилар ҳамда замоннинг нотинчилиги туфай-

ли юзага келган қийинчиликлардан шикоят қиладилар<sup>42</sup>.

Ички савдо ҳақидаги маълумотлар асосан хитой ва кейинги даврга оид мусулмон манбаларида жамланган. Уларнинг барчаси суғдиликларнинг савдо-сотикдаги моҳирлигини тасдиқлайди, зиёратчи Суань Цзян (629 йил)нинг сўзларига қараганда мамлакат аҳолисининг ярми деҳқончилик билан, ярми эса савдо билан шуғулланган<sup>43</sup>. Суғднинг асосий шаҳри Самарқанд айни пайтда унинг савдо-саноат маркази бўлган ва қарвон йўлидаги муҳим йирик пункт сифатида катта роль ўйнаган. Чет эллардан келтирилган товарларнинг катта миқдори, маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларининг асосий қисми шу ерда жам бўлган. Пойкенд, Иштихон, Вардана ва Арбиджон ҳам энг йирик савдо шаҳарлари, Тавовис ва Зандана савдо-ҳунармандчилик қишлоқлари эдилар. Бухоро ўзининг заргарлик буюмлари билан машҳур бўлган. Маҳаллий афсонага кўра, Бухоронинг Самарқандга хирожи орасида ҳар йили маҳаллий ҳунармандлар томонидан кумушдан ясалган қуёнлар ва олтиндан ясалган охулар жўнатиладилар эди. Таърифи ёзма манбалар орқали маълум бўлган маҳаллий бозорлар ҳамда илк ўрта асрларда Суғда пул муомаласининг кенг ёйилганлиги ички савдонинг аҳволи қандай бўлганлигини яққол кўрсатади<sup>44</sup>. Ўрта Осиёнинг айрим улусларида VIII аср бошларида келиб чиқиши туркий бўлган ҳукмдорлар томонидан чиқарилган тангаларнинг зарб этилиши ҳам анъаналар таъсири остида юз берган эди. Тангаларда туркий унвонларни билдирувчи суғд тилидаги ёзувлар мавжуд. Еттисувдан ташқари, қадимги туркий тангалар Суғд, Чоч ва Фарғонанинг айрим улусларида зарб этилган, бироқ уларнинг миқдори ва ҳудудининг чекланганлигига қараб фикр юритадиган бўлсак, мазкур тангалар фақат маълум бир жойлардагина муомалада бўлган<sup>45</sup>.

Ўрта Осиёнинг турли хоқонликлари таркибига кирган давридаги моддий маданияти ўзида маҳаллий-ўтроқ халқлар ва кўчманчи туркларнинг муштараклигини акс эттиради. Уларнинг муштараклиги қурол-аслаҳа, зебзийнат буюмларининг ўхшашлигида, қимматбаҳо металлдан ясалган идиш шаклида, яъни Ўрта Осиё жамиятининг ҳарбий, аристократик доиралари билан боғлиқ предметларда намоён бўлган. Моддий маданият-

даги умумийлик энг аввало, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, суғд шаҳарлари ва турк хоқонларининг манфаатларининг муштараклиги билан боғлиқдир<sup>46</sup>.

Ўрта Осиёнинг турк хоқонликлари таркибига киритилиши ижобий аҳамиятга эга бўлди. У туркий қабилаларнинг жипслашувига хизмат қилди, Ўрта Осиёдаги бир қатор туркий халқларнинг шаклланишига асос солди. Хоқонликларнинг қудратли ҳарбий ташкилоти Хитой ва Эроннинг Ўрта Осиё халқларига нисбатан тажовузкорона сиёсати йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйди. Бепоён, улкан давлат бирлашмаларининг ташкил топиши ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши учун қулай имконият яратди. Турклар томонидан амалга оширилган Марказий Осиёда суғд колонистлари қишлоқларининг барпо этилиши чўлнинг узоқ районларида иқтисодий ҳаётнинг жонланишига кўмак берди. Мана шу ҳол хоқонликнинг иқтисодий ва маданий қиёфасига ўз таъсирини кўрсатдики, уни туркларнинг унча катта бўлмаган ўтроқлашган қисмидан ҳамда давлатнинг маданий ҳаётида, деҳқончилиги, ҳунармандчилиги ва савдода асосий мавқеларни эгаллаган суғдлардан иборат ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон бўлган, кўчманчилик ишлаб чиқаришига асосланган кўчманчи турк аҳолисининг қўшилиб кетиши хос эди<sup>47</sup>.

Юқорида баён қилинган барча фикрларни яқунлаб, шундай хулосага келиш мумкин: Ўрта Осиё икки дарё оралиғида мавжуд бўлган давлатлар Турк хоқонлиги ва Фарбий турк хоқонликлари таркибига қўшилиб олингунига қадар VI—VII асрларда ўз ҳолича ривожланганлар. Турк кўчманчи давлатлари учун хос бўлган баъзи бир белгиларни ўзида сақлаб ва уларни деҳқончиликка оид хўжалик тарзига мослаштириб, давлатчилик Ўрта Осиёнинг қадимий анъаналари ва янги, турклар-кўчманчилар томонидан келтирилган анъаналар асосида симбиоз характер касб этади. Бунда сиёсий иттифоқ, Ўрта Осиёдаги мустақил ва ярим мустақил мулкларнинг федерацияси шаклланади. Бунинг натижасида Ўрта Осиё халқлари узоқ вақт мобайнида Қутайба бошчилигидаги араб қўшинларининг олға сижишини тўхтатиб туришга муваффақ бўлдилар.

## Адабиётлар

<sup>1</sup> Кляшторный С. Г. Проблема ранней истории племени турк (ашина) // Новое в советской археологии. МИА. 130. — М., 1965. С. 278—281.

<sup>2</sup> Зуев А. Ю. Западнотюркский каганат // История Казахской ССР. Т. 1. — Алма-Ата, 1977. С. 325.

<sup>3</sup> Noldeke T. Geschichte der Persen und Araber zur Zeit der Sasaniden. Leiden, 1879. P. 158—159.

<sup>4</sup> Гафуров Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Душанбе. 1989. С. 274.

<sup>5</sup> Фирдавси Абулкосим. Шахнама. Ч. VIII. Душанбе, 1966. С. 264—265; Беленицкий А. М. Историко-географический очерк Хутталя с древнейших времен до X. в. МИА № 15, 1950. С. 112.

<sup>6</sup> Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) Occidentaux. Sankt-Peterburg, 1903. P. 24, 130.

<sup>7</sup> Пугулевская Н. В. Византия на путях в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV—VI вв. М.—Л. 1951. С. 203.

<sup>8</sup> Степи Евразии в эпоху средневековья. Археология СССР. М., 1981. С. 29; Кычанов Е. И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. М., 1997. С. 95; Гафуров Б. Г. Таджики... С. 271; Зуев Ю. А. Западнотюркский каганат. // История Казахской ССР. Т. 1 Алма-ата, 1977. С. 329.

<sup>9</sup> Степи Евразии... С. 29, Гафуров Б. Г. Таджики... С. 271; Бартольд В. В. Очерк по истории Семиречья. Сочинения. Т. 2, часть 1. М., 1963. С. 245.

<sup>10</sup> Урта Осиё халқларининг араб босқинига қарши кураши ҳақида батафсилроқ қаранг: Смирнова О. И. Из истории арабских завоеваний в Средней Азии. // СВ 1957, № 2. С. 119—134; Лившиц В. А. Юридические документы и письма. // СДГМ. Вып. 2. М. 1962. С. 77—91; Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М., 1964. С. 153—155.

<sup>11</sup> Бернштам А. Н. Социально-экономический строй орхоненейских тюрков VI—VIII вв. — М. — Л. 1946; Кляшторный С. Г. Древнетюркские рунические памятники... Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. 1971. № 10. С. 121—136; Зуев Ю. А. Западнотюркский каганат... С. 321—350; Кычанов Е. И. Кочевые государства...

<sup>12</sup> Кычанов Е. И. Кочевые государства... С. 98—100.

<sup>13</sup> О. И. Смирнова, Заметки о среднеазиатской титулатуре (по монетным данным). // ЭВ, XIV, 1961. С. 62.

<sup>14</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки. М., 1967. С. 58.

<sup>15</sup> Кычанов Е. И. Кочевые государства... С. 107.

<sup>16</sup> Кляшторный С. Г.; Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута. // СНВ, X, 1971, с. 132.

<sup>17</sup> Кычанов Е. И. Кочевые государства... С. 114.

<sup>18</sup> Уша жойда. С. 102—105. Здесь же о значении приведенных и других тюркских титулов.

<sup>19</sup> Гумилев Л. Н. Древние тюрки. С. 60.

<sup>20</sup> Худяков Ю. С. Вооружение средневековых кочевников Южной Сибири и Центральной Азии. Новосибирск 1986. С. 267.

<sup>21</sup> Кычанов Е. И. Кочевые государства... С. 113.

<sup>22</sup> Уша жойда. 117—118-бетлар.

- <sup>23</sup> Кляшторный С. Г. Рабы и рабыни в древнетюркской общине (по памятникам рунической письменности Монголии) // Древние культуры Монголии. Новосибирск 1985.
- <sup>24</sup> Зуев Ю. А. Тамги лошадей из вассальных княжеств (перевод из китайских сочинений VIII—X вв. Танхуйяо 3, гл. 72, с. 1305—1308) // Труды ИИАЭ АН КазССР Т. 8. 1960. С. 97.
- <sup>25</sup> Кычанов Е. И. Кочевые государства... С. 110.
- <sup>26</sup> Кляшторный С. Г. Мифологические сюжеты в древнетюркских памятниках // ТС 1977 (1981). С. 117—138.
- <sup>27</sup> Кычанов Е. И. Кочевые государства... С. 112.
- <sup>28</sup> Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бутугта. // Страны и народы Востока. Вып. X. М. 1971. С. 132—133.
- <sup>29</sup> Кляшторный С. Г. Древнетюркская культура в свете древнейших тюркских текстов // Информационный бюллетень МАИКЦА. Вып. 13. Москва 1988. С. 103—104.
- <sup>30</sup> Маршак Б. И., Распопова В. И. Кочевники и Согд // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989. С. 423.
- <sup>31</sup> Мокрын В. П. Раннефеодальные государства VI—X вв. // История Киргизской ССР. Том 1. Фрунзе 1984. С. 234.
- <sup>32</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. — М. — Л. 1950. Т. 2. С. 280—281.
- <sup>33</sup> Лившиц В. А. Правители Пенджикента VII — начала VIII вв. // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. Душанбе 1977. С. 45.
- <sup>34</sup> Согдийские документы с горы Муг. (СДГМ). Вып. 2. Юридические документы и письма (Чтение, перевод и комментарий В. А. Лившица). — М., 1962; Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. — М. 1970.; Гафуров Б. Г. Таджики... Т. 1. С. 372.
- <sup>35</sup> СДГМ. Вып. II. С. 45—58; Смирнова О. И. Очерки... С. 108—109.
- <sup>36</sup> Лившиц В. А. Согдийский документ В-4 с горы Муг // ВДИ, 6. 1959. С. 123—138.
- <sup>37</sup> Смирнова О. И. Очерки... С. 113—123.
- <sup>38</sup> СДГМ 2... С. 17—45.
- <sup>39</sup> Смирнова О. И. Очерки... С. 74—76.
- <sup>40</sup> Маршак Б. И., Распопова В. И. Кочевники и Согд // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата 1989. С. 423.
- <sup>41</sup> Смирнова О. И. Очерки... С. 40.
- <sup>42</sup> Уша жойда. 125-бет; Henning W. B. The date of the sogdian ancient letters // BSOS, V. XII. 1948, pt 3—4, pp. 600—615.
- <sup>43</sup> Мандельштам А. М. Средняя Азия в VI—VII вв. // Очерки по истории СССР Т. 2. М., 1958. С. 367.
- <sup>44</sup> Смирнова О. И. Очерки... С. 127—139.
- <sup>45</sup> Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI—X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация). Автореф. дис... канд. ист. наук. Ташкент 1995; Baratova L. Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem. VI—X. Jh. n. Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // AMT, Band 31 Berlin 1999. S. 219—292.
- <sup>46</sup> Распопова В. И. Согдийский город и кочевая степь в VII—VIII вв. // КСИА. Вып. 122. — М., 1970. С. 86—91.
- <sup>47</sup> Степи Евразии в эпоху средневековья // АС. — М., 1981. С. 30.

## FAZNAVIIYLAR DAVLATI

Фазнавийлар сулоласининг асосчиси амир Носириддин уд-давла Сабуктегин Фозий келиб чиқишига кўра туркий қавмга мансуб эди. Мавжуд тахминлардан бирига биноан Сабуктегин Иссиққўл бўйидаги ҳукмдори қарлуқ бўлган Барсхон деган жойда туғилган. Шундан келиб чиқиб, В. В. Бартольд Сабуктегиннинг ўзи ҳам қарлуқ бўлган, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Бошқа бир туркий қабила тухси билан бўлган уруш вақтида у асирга олинади ва Чочдаги қулар бозорида сотилади<sup>2</sup>. В. В. Бартольд томонидан илгари сурилган бошқа бир фикр ҳам мавжуд: унга кўра асир олинган Сабуктегинни Нишопурга олиб борадилар ва уни амир Алптегин сотиб олади<sup>3</sup>. Ниҳоят, Ш. Шиффер Сабуктегин Туркистонда қўлга олинган, кейин уни Бухорога олиб борганлар ва у Наср Ҳожи исми савдогар томонидан сотиб олинган, деб ҳисоблайди<sup>4</sup>.

Бу даврга келиб турк ғуломлари орасидан чиққан Алптегин, Афғонистоннинг жанубий-шарқида жойлашган, пойтахти Фазна бўлган, катта эркинликка эга бир вилоятнинг ҳокими ўлароқ, Сомонийлар давлатининг мансаблар поғонасида кўзга кўринган ўринни эгаллаган эди. Бу ҳудудни у 963 йилнинг 14 январида жанг қилиб қўлга киритган эди<sup>5</sup>. Шундан кейин у сомонийлар амири Мансур бинни Нуҳнинг ўзига қарши юборилган қўшинини тор-мор қилди ҳамда Буст ва бошқа шаҳарларни ўз мулкига қўшиб олди<sup>6</sup>. Алптегин худди шу 963 йили вафот этди. Лекин ҳали унинг ҳаётлигидаёқ фавқулодда қобилиятлари туфайли у қачонлардир сотиб олган қул Сабуктегин катта нуфузга эга бўлган эди.

977 йилнинг 20 апрелида Сабуктегин Фазна вилоятининг амири этиб тайинланади. Бу вилоятни у сомонийлар давлатининг ноиб сифатида бошқаради. Х аср охирида — 994—995 йилларда Хуросонда бўлиб ўтган икки жанг — сомонийларнинг Нуҳ II бинни Наср ва Сабуктегин бошчилигидаги бирлашган қўшин исён кўтарган саркардалар — Абу Али ва Фоикни тор-мор келтириш жараёнида Сабуктегиннинг сиёсий нуфузи ошди ва мулки кенгайди. Бунинг натижасида Сабуктегин Амударёнинг жанубидаги сомонийларга қарашли бутун ҳудуднинг соҳибига айланди. Фазнавийлар

давлатининг ҳақиқий асосчиси бўлган Сабуктегин 997 йилда вафот этади. Вафотидан бир оз олдин у кутилмаганда 994 йилдаёқ ҳарбий жасорати учун Сайф уdda — «салтанат қиличи» деган фахрли номга сазовор бўлган катта ўғли Абулқосим Маҳмуд қолиб, кичик ўғли Исмоилни ўзининг валиаҳди этиб тайинлайди. Исмоилнинг ҳукмдорлиги бор-йўғи 7 ой давом этиб, 998 йили Маҳмуд томонидан тахтнинг эгалланиши билан ниҳоясига етади.

Айнан илмий адабиётларда кўпинча Маҳмуд Ғазнавий деб юритилган Абулқосим Маҳмуд (998—1030) ҳукмронлиги даврида у томонидан олиб борилган кенг кўламдаги истилочилик сиёсати натижасида 1186 йилгача — 200 йилдан ортиқ ҳукм сурган ва фаолиятига Ғурийлар нуқта қўйган буюк ғазнавийлар давлати барпо этилди. Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлигидаги юксалиш даврида унинг чегаралари ғарбда ва шимоли-ғарбда Рай ва Исфаҳон шаҳарлари ҳамда Орол денгизи билан бирга Ғарбий Эронгача чўзилган, жануби-шарқда эса, Шимолий Ҳиндистоннинг каттагина қисмини ўз ичига олган эди<sup>7</sup>.

В. В. Бартольднинг маълумотларига кўра Маҳмуд ҳижрий 389 йил зулқаъда ойида — мелодий 999 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида тантанали равишда тахтга ўтирган<sup>8</sup>. Бошқа тадқиқотчилар, жумладан, К. Э. Босворт эса бу воқеа ҳижрий 388-мелодий 998 йилда содир бўлган, деб кўрсатади<sup>9</sup>. Бу даврда Маҳмуд халифа Муқаддирдан Хуросонни бошқариш учун ёрлик ҳамда «Ямин ад-давла ва амин ал-мила» — «Салтанат таянчи ва мусулмонлар жамиятининг ишончли вакили» фахрий унвони билан тақдирланди.

Ғазнавийлар давлати чегараларини кенгайтиришга қаратилган ўз сиёсатини Маҳмуд 998 йил бошидаёқ Жанубий Тохаристон (ҳозирги Шимолий Афғонистон — Э. Р.) ҳудудини узил-кесил ўз мулкига қўшиб олиш билан амалга ошира бошлади. Шундан кейин у сомонийларнинг Хуросондаги барча вилоятларига кўз тикади. Бу даъвосини у ўша йилнинг ўзидаёқ Нишопур шаҳри билан биргаликда бутун Хуросонни истило қилиш орқали амалга оширди. Лекин кўп ўтмай Ҳирот ва Бустни ўз қўлида сақлаб, ўзаро келишувга мувофиқ сомонийлар саркардаси Бектузун фойдасига Нишопурдан воз кечади.

999 йил 16 май Марв яқинида бўлган жангда



сомонийлар саркардалар Фоиқ ва Бектузнинг бирлашган кўшинини тор-мор қилганидан кейин бутун Хуросон узил-кесил Маҳмуд қўл остига ўтди. Шу йилнинг ўзида Буғрохон Хорун сомонийлар пойтахти Бухорони босиб олди, қарийб бутун Мовароуннаҳр қорахонийлар таъсирига тушиб қолди. Чамаси, шу вақтда бошлаб Шимолий Тохаристон устида назорат ўрнатиш учун кураш борасида қорахонийлар ва ғазнавийларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаша бошлади.

Чағониён ва Термиз Маҳмудга бўйсунгани, бу ерларда у ҳокимият тепасига маҳаллий сулола вакиллари кўйганлиги хусусида ёзма манбалар маълумотларига асосланган фикрлар мавжуд<sup>10</sup>. Аммо нумизматик маълумотлар ўзгача манзарани намоён этади. Ҳозирги кунда ҳ. 395 м. 1004—1005, ҳ. 416/м. 1023—1024 йилларга мансуб Чағониён дирҳам ва фельслари маълум. Уларда маҳаллий ҳокимлар билан бир қаторда, сюзерен\* сифатида фақат Қорахоний ҳукмдорларнинг номлари эслатилади. Маҳмуд Ғазнавий номи уларда мутлақо учрамайди. Бу ҳол Чағониён ўша даврда шубҳасиз қорахонийларнинг вассали бўлганлигидан далолат беради<sup>11</sup>. Фараз қилиш мумкинки, Чағониён қорахонийлар ва ғазнавийлар давлатлари ўртасидаги ўзига хос буфер\* ҳудуд ролини ўйнаган ва бу, чамаси, унинг сиёсий мавқеида ҳам ўз аксини топган. Қорахонийларнинг кучайиши чағониёнлик ҳокимлар томонидан улар ҳокимиятининг тан олинишига сабаб бўлди, қорахонийларнинг заифлашиши ва Ғазнавийлар мавқесини мустаҳкамланиши бу вилоятларнинг қорахонийларга қарамликдан қутилишига олиб келди.

Шуниси диққатга сазоворки, кейинроқ, лекин Маҳмуд ҳаётлигида 417/1025—26 — 430/1038—39 йиллар мобайнида Чағониёнда фақат 417 ҳижрий йилда қорахоний Насир ал-Ҳақ Хон номи зикр этилган дирҳамлар зарб қилинган. Бошқа йилларда эса, фақат Наср ва Абулқосим каби чағониёнлик ҳукмдорлар номи кўрсатилган дирҳамлар ва фақат Чағониён ҳукмронлари Наср ва Абулқосим номлари битилган дирҳамлар чиқарилган<sup>12</sup>.

Маълум бўлишича, Амударё воҳаси, стратегик жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган Термиз шаҳри ҳам Маҳмуд қўл остида бўлган. Бу ерда бевосита ғазнавийлар томонидан ноиб ва қалъа қутволи тайин-

ланган<sup>13</sup>. Бу разнавийларга Амударё орқали ўтадиган асосий кечувлар ҳамда Темир дарвоза ва Термиз орқали Марказий Осиёдан Ҳиндистонга олиб борилган муҳим савдо йўлини назорат қилиш имконини берган. Маълумки, разнавийлар ва қорахонийлар ўртасидаги шимолий чегара сифатида Амударё эътироф этилган. Лекин бу шартли чегара қорахонийлар томонидан бир неча марта бузилган. 1008 йил 4 январь (ҳижрий 398 йил рабиъ ул-соний) якшанба куни Балх яқинида бўлган жангда Маҳмуд томонидан қорахонийлар қўшинининг тор-мор этилиши билан уларнинг Хуросонга қилиб турадиган ҳужумларига вақтинча чек қўйилган<sup>14</sup>.

Дикқатга сазовор ери шундаки, ҳижрий 398 йилга мансуб Чағониён дирҳамларига бу ерда илгаридаги йилларда зарб этилган пулларда бўлгани каби қорахонийлар ҳукмдорларининг номлари учрамайди ва фақат маҳаллий ҳукмдор Музаффар номи зикр этилади<sup>15</sup>. Бу ўзгариш, чамаси, айтиб ўтганимиз Балх яқинидаги жанг ва шу туфайли қорахонийларнинг Чағониёндаги мавқеи заифлашиши билан боғлиқ. Лекин кўп ўтмай, қорахонийларнинг бу вилоят устидан ҳукмронлиги яна тикланади.

Афтидан, разнавийларнинг мавқеи бир мунча мустақкам бўлган Хуттолда вазият бошқача эди. Лекин бу борадаги фикрларни тасдиқлашга хизмат қиладиган ишончли маълумотлар фақат XI асрнинг иккинчи чорагига тегишли. Ҳижрий 415-миллодий 1024—25 йилларда Маҳмуд марказий Мовароуннаҳр аҳолисини Алптегин зулмидан халос қилиш баҳонаси билан Амударёни кечиб ўтди («подшоҳ» кечуви бўлган Термиз туманида) ва Темир дарвоза орқали Самарқандгача бориб, Суғдга ҳужум қилди. Б. Ф. Ғофуровнинг В. В. Бартольд фикрларига таяниб ёзишча, бу юришдан кейин Чағониён, Хутталон, Қабодиён ва бошқа Амударё бўйи вилоятлари яна Маҳмуд таъсирига тушиб қолади<sup>16</sup>. Лекин бу фикр унча тўғри эмас. 414/1023—24 ва 415/1024—25 йилларга мансуб Чағониён дирҳамларининг икки тури мавжуд: уларнинг бирида разнавийлар ва қорахонийларнинг номи ҳеч бир эслатилмаган ҳолда, фақат халифа Қодируллоҳнинг исми учрайди, иккинчисида эса қорахонийлар раҳнамоси Юсуф бинни Ҳасан (Қодирхон)га бўйсунувчи Носир ал-Ҳақ номи ва унвонини кўрамыз.

Бу маълумотларга асосланиб фикр юритадиган бўлсак, эҳтимол, Чағониён ҳокими Маҳмуднинг Самарқандга юриши ва муваффақиятли ҳаракатлари даврида пайт пойлаш мавқеини тутиб, фақат аббосий халифа номида дирҳамлар зарб қилган, кейин яна қорахонийлар ҳокимиятига бўйсунишида давом этган.

Нумизматик маълумотлар нуқтаи назаридан разнавийлар давлатининг шимолий чегараларидаги сиёсий аҳвол мутлақо янгича кўринишда намоён бўлади. XI асрнинг биринчи уч ўн йиллиги давомида, то Маҳмуд Ғазнавийнинг вафотигача Чағониён ҳокимлари алоҳида йилларда пайт пойловчилик йўлини тутиб, фақат қорахонийлар ҳокимияти эътироф этилади. Пул зарб қилиш билан боғлиқ маълумотларга таянадиган бўлсак, улар қорахонийларга бўлган муносабатларини сира ўзгартирмадилар<sup>17</sup>. Хутгалон, Қубодиён ва Вахшнинг Маҳмуд Ғазнавий давлатига нисбатан тутган сиёсий мавқеи ҳақида эса, фанда ҳали унчалик ишончли маълумотлар мавжуд эмас.

Лекин қатъий далиллар асосида Омул (Чоржўй)гача бўлган бутун Амударё воҳаси Маҳмуд Ғазнавийга бўйсунган, деб ҳисоблаш мумкин. Хоразм юриши олдидан Маҳмуд Ғазнавий вазири томонидан Термиз, Қубодиён ва Хутгалонда кемаларни жангга тайёрлаш, Омудда эса қўшин учун озиқ-овқат тўплашга буйруқ берилганлиги маълум<sup>18</sup>.

1017 йилнинг июнида Маҳмуд қўшини Хоразмга йўл олди. Маҳмуднинг иттифоқчиси, унинг синглисига уylanган хоразмшоҳ Абдулаббос Маъмуннинг ўлдирилиши ва исёнчилар томонидан тахтга Маъмуннинг жияни Абулҳорис Муҳаммад Аминнинг ўтқазилиши бу юришга расмий сабаб бўлди<sup>19</sup>.

1017 йил 3 июлда Маҳмуд қўшини Хоразмни олди ва хоразмликлар ғалаёнини шафқатсизлик билан бос тирди. Ёш хоразмшоҳ Ғазнага олиб кетилиб қалъага қамаб қўйилди. Унинг ўрнига Маҳмуд бош ҳожиб Маҳмуд Олтинтошни тайинлади. У Маҳмуддан икки йил кўп яшаб 1032 йилгача Хоразмни бошқарди.

Олтинтош кўп жиҳатдан мустақил сиёсат юргизди, лекин бутун умри давомида ўзининг ғазнавий султонлар — аввал Маҳмуд, кейин Масъуднинг ноиби деб ҳисоблаб келди ва ҳарбий юришларда уларни қўшинлар билан қўллаб-қувватлаб турди.

Хоразмнинг қўлга киритилиши Маҳмуднинг Мова-

роуннаҳрдаги мавқеини мустаҳкамлади. Унинг 1025 йилдаги Самарқандга юриши ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу юриш вақтида у Қодирхон билан бошқа қорахоний ҳукмдор Алитегинга қарши йўналтирилган иттифоқчилик шартномасини тузди.

Маҳмуднинг ғарбдаги истилочилик ҳаракатлари 1002 йилдан Сеистонни ўз мулкига қўшиб олиши билан бошланди. Кейин у Рай ва Исфаҳонни босиб олди. Узоқ қаршилик кўрсатишлардан сўнг 1010—1011 йилларда эса Афғонистоннинг шимолидаги тоғ вилояти Фурни қўлга киритди.

Маҳмуднинг жануби-шарқдаги ҳарбий ҳаракатларининг асосий объекти Шимолий Ҳиндистон бўлди. Бу ерга у 1002—1026 йиллар мобайнида кофирларга қарши «муқаддас уруш» шиори остида 15 мартадан ортиқ юриш қилди.

Султон Маҳмуд умрининг охирларида у томонидан барпо этилган пойтахти Фазна бўлган давлат ғарбда Исфаҳон ва Каспий денгиздан шарқда Шимолий Ҳиндистонгача (унинг ўзи билан бирга), шимолда Хоразмдан жанубда Белужистонгача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олиб, ўша даврнинг йирик мусулмон давлатига айланди. Лекин Маҳмуднинг ўғли ва валиаҳди Масъуд ҳукмронлиги даврида (1030—1041) ғазнавийлар давлати ўз қўл остидаги ҳудудларни бирин-кетин қўлдан чиқара бориб, таназулга юз тутта бошлади.

Ғазнавийларнинг асосий рақиби салжуқийлар бўлди. Ёзма манбалар, хусусан, «Ахбор ад-давлат», Байҳақийнинг «Таърихи Масъудий» асарлари ва янги нумизматик маълумотлар салжуқийлар томонидан илгари ғазнавийларга қарашли бўлган ҳудудларнинг бирма-бир босиб олиниши ва Амударё ортидаги вилоятлардаги сиёсий вазиятни аввалгига қараганда бирмунча аниқ кузатиш имконини беради.

Ғазнавийлардан биринчи бўлиб Хоразм ажралиб чиқди. Унинг ҳукмрони Олтинтош мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизган бўлса-да, султон Масъудга очикдан-очик қарши чиқишга журъат қилмаган эди<sup>20</sup>. 1032 йилда Олтинтош вафот этгач, Султон Масъуд унинг ворисларини ҳокимиятини чеклаш чора-тадбирларини кўрди: хоразмшоҳ унвони Масъуднинг ўғли Саидга берилди, Олтинтошнинг ўғли Ҳорун эса, бор-йўғи шаҳзоданинг Хоразмдаги вакили бўлиб қолди. Бу Ҳоруннинг жиддий норозилигига сабаб бўлди. 1034

йилнинг баҳорида Хорун Ғазнавийларга қарши исён кўтарди. Бунга унинг сарой таъминотчиси бўлган акасининг султоннинг гўеки олдиндан режалаштирилган хатти-ҳаракатлари натижасида ўлганлиги расмий сабаб бўлди. Хорун салжуқийлар ва қорахонийлар Алитегини билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, Хоразмни ғазнавийлардан мустақил деб эълон қилди ва Султон Масъуд номига хутба ўқишни бекор қилиш тўғрисида буйруқ берди.

Қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида шимолий Амударёорти вилоятларини эгаллаш учун кескин кураш борди. Байҳақий Чағониён, Хутталон ва Термизнинг ғазнавийлар тасарруфида бўлганлигини қайд этган ҳолда, бу ерда кечган ҳодисаларнинг батафсил таърифини келтирса-да<sup>21</sup>, Е. А. Давидов томонидан аниқланган нумизматик маълумотлар бир мунча бошқача манзарани намоён қилади.

Демак, агар Термиз ва Хуттал ҳақиқатда ҳам султон Масъудга бўйсунган бўлса, у ва маҳаллий ҳоким Абу Асаднинг номидан чиқарилган дирҳамлар шундан далолат беради<sup>22</sup>, Чағониёнда бир мунча мураккаб вазият ҳукм сурган. 420/1029 ва 421/1029—30 йилларда бу ерда Наср, 424/1032—33 — 428/1036—37 йилларда Абулқосим, 430/1038—39 — 434/1042—43 йилларда эса Қорахоний Иброҳим б. Наср (Бўйритегин) номидан дирҳамлар зарб қилинган<sup>23</sup>.

Бу маълумотлар асосида Е. А. Давидович шундай хулосага келади: Байҳақий маълумотларига кўра Абулқосим султон Маъсуднинг куёви бўлган ва ғазнавийлар кайфиятига қараб иш тутган эса-да, ҳақиқатда Чағониён унинг даврида ғазнавийларга ҳам, қорахонийларга ҳам бўйсунмайдиган мутлақо мустақил вилоят эди<sup>24</sup>.

Лекин, нумизматик маълумотлардан келиб чиқилса, 430/1042—43 йилларда Чағониён яна қорахонийлар таъсирига тушиб қолади. Бу вилоятни Иброҳим б. Наср (Бўйритегин) босиб олади ва унинг номидан пуллар зарб қилинади. Чамаси, шундан кейин қорахонийлар Амударёнинг шимолий вилоятларидаги ўз таъсирларини йўқотадилар ҳамда ғазнавийлар ва салжуқийлар ўртасида Тохаристон устида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун асосий кураш авж олади<sup>25</sup>.

1040 йилнинг май ойида Дандонакон яқинида бўлган жангда султон Масъуд кўшини салжуқийлар томони-

дан узил-кесил тор-мор қилинди. Шундан кейин ғазнавийлар Хуросонни бутунлай қўлдан чиқардилар. Масъуднинг ўзи эса, Ғазнага қочди ва фитначилар томонидан ўлдирилди. Тахтга Масъуднинг укаси Муҳаммад ўтирди. Лекин Масъуднинг ўғли Маъду (1041—1048) Муҳаммаднинг қўшинини енгиб, уни ўлдирди ва ўзи ғазнавийлар давлатининг ҳукмдори бўлиб олди.

Ғазнавийларнинг Даңдонакон яқинидаги мағлубиятининг сабабларидан бири салжуқийларнинг 430/1038 йилларда Балх, Жузжон ва Хутталонни босиб олган Чағрибек Довуд давридаёқ бошланган Тохаристонга тобора катта куч билан суқилиб кириши бўлди. Кўп ўтмай, Чағрибек Довуд бошчилигидаги салжуқийлар қўшини Термизни қамал қилди ва қўлга киритди. «Ахбор у-давлат»нинг маълумот беришича, Термизни қўлга киритганидан кейин Чағрибек Довуд ўзининг кичик ўғли Алп-Арслонни Балх, Тохаристон, Термиз, Қубодийён, Вахш ва Валвалиж ҳукмдори қилиб тайинлади. Ушбу воқеа ортидан «Ахбор у-давлат»да салжуқийлар томонидан 435/1043—44 йилларда Хоразмнинг забт этилгани ҳақидаги маълумот келтирилади<sup>26</sup>. Шунинг учун тахмин қилиш мумкинки худди шу йилнинг ўзида Алп Арслон Амударёнинг юқорисидаги вилоятларнинг ҳам ҳукмдори бўлган.

Ғазнавийлар ва салжуқийларнинг Термиз ва Сағониён учун олиб борган курашлари ҳақидаги масалага нумизматик маълумотлар муҳим ойдинлик киритади. Жумладан, ғазнавий султон Маъду томонидан зарб қилинган 433/1041—42 йиллардаги Термиз ва 434/1042—43<sup>27</sup> йиллардаги Сағониён дирҳамлари ҳамда салжуқий Чағрибек Довуд томонидан 435/1043—44 йилларда зарб қилинган Сағониён дирҳамлари аниқланган<sup>28</sup>. Шунингдек, Алп Арслон томонидан зарб қилинган сийқаси чиққан Сағониён дирҳамлари (444/1048—59) ва чиққан даври шартли равишда хижрий 462, тўғрироғи, 442- милодий 1050—51 йиллар деб белгиланган Вахш дирҳамлари аниқланди. Яъни улар Сағониён дирҳамлари каби Алп Арслон 1063 йилда салжуқийлар давлатининг бошига бўлгунига қадар зарб қилинган.

Шундай қилиб, 435/1043—44 йилдан бошлаб Амударёнинг юқори қисмидаги вилоятларда, бу ерлардаги

ғазнавийлар ва қорахонийлар ҳокимиятини ағдариб, мустақкам ўрнашиб олдилар.

Тўғри, султон Маъдуд ғазнавийларнинг бу вилоятлардаги ҳукмронлигини тиклаш учун бир неча марта уриниб кўрди, лекин ҳижрий 434-мелодий 1043 йилнинг августида салжуқийлар кўшини ғазнавийларни бутунлай тор-мор этди. Султон Маъдуднинг бу вилоятларни кўлга киритиш учун олиб борган кейинги уришилари ҳам муваффақиятсиз якун топди.

Кетма-кет икки жангда салжуқийлар кўшинини мағлубиятга учратган ғазнавий Фаррухзода (1035—1059)нинг ҳаракатлари бир мунча муваффақиятли бўлди. Лекин кейинчалик Алп Арслон ғазнавийларни енгишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг улар ўртасида ўзаро битим тузилди. Битимга кўра ғазнавий ва салжуқийлар «ўз мулкларида мустақил ҳукмронлик қилишлари ва бегона ҳудудларни кўлга киритишга қаратилган ҳаракатларни тўхтатишлари лозим» эди. В. В. Барторльднинг маълумотига кўра Балхнинг узил-кесил салжуқийларга бўйсунishi фақат 1059 йилда — Чағрибек Довуд ва ғазнавий султон Иброҳим ўртасида имзоланган битимдан сўнг содир бўлди<sup>29</sup>.

Мазкур битимдан сўнг ғазнавийлар Мовароуннаҳр ва Тохаристонга бўлган ҳар қандай ҳуқуқларини йўқотдилар. Уларнинг ҳудуди ғазна тумани ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисми билан чекланиб қолди. Бу ҳудуд секин-аста қисқариб борди.

582/1186 йили ғурийлар сулоласидан бўлган Фиёсиддин Муҳаммад кўшини бу вақтга келиб Панжоб билангина чекланиб қолган ғазнавийлар ҳокимиятини узил-кесил тор-мор қилди.

Хулоса сифатида шуни таъкидламоқчимизки, мазкур мақола давлатчилик — у ёки бу давлатнинг ҳудудий кенгайиши тушунчаси билан боғлиқ жуда катта масалалар мажмуидаги биргина масала. — қадим ва ўрта асрлардаги ҳарбий юришлар асосий хусусияти бўлган ғазнавийлар давлатининг таҳлили билан кифояланади.

Ғазнавийлар давлати, Мовароуннаҳрда забт этилган ҳудудининг чекланганлиги ва нисбатан қисқа давр — бор-йўви 30—40 йил ҳукмронлик қилганига қарамай, бу минтақа давлатчилиги тарихидаги муҳим босқични ташкил этади. Унинг вужудга келиши айна бир пайтда — X аср охири — XI аср бошида пайдо

бўлган бошқа давлатлар салжукийлар ва қорахонийлар каби катта тарихий аҳамиятга молик воқеа — Ўрта Осиёда туркий давлатчиликнинг узил-кесил қарор тошганини кўрсатади.

### Адабиётлар

- <sup>1</sup> Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. М., 1963. С. 322.
- <sup>2</sup> Гафуров Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Душанбе, 1989. С. 107.
- <sup>3</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 322.
- <sup>4</sup> О происхождении Себук-тегина и различных точках зрения по данному вопросу подробно см.: Bosworth C. E. The Ghaznavids. Their Empire in Afghanistan and Eastern Iran 994—1040. Edinburgh, 1963.
- <sup>5</sup> Nazim Muhammad. The Life and Times of Sultan Mahmud of Ghazna. Cambridge. 1931. P. 25; Массон В. М., Ромодин В. А. История Афганистана. Т. 1. М., 1964. С. 242.
- <sup>6</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 325.
- <sup>7</sup> Гафуров Б. Г. Таджики. С. 107.
- <sup>8</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 332.
- <sup>9</sup> Босворт К. Э. Мусульманские династии. М., 1971. С. 237.
- <sup>10</sup> Гафуров. Б. Г. Таджики. С. 108.
- \* Сюзеран—вассал давлатлар қарам бўлган йирик ёки кучли давлат.
- <sup>11</sup> Давидович Е. А. Клад саганианских монет второй четверти X в. как исторический источник // Письменные памятники Востока. 1968. М., 1970. С. 83.
- \* Буфер—икки душман давлат ўртасида қалқон бўлган ҳудуд.
- <sup>12</sup> Давидович Е. А. Клад саганианских монет. С. 83—86 и далее.
- <sup>13</sup> Абу-л Фазл Бейхаки. История Масуда, 1030—1041/ Пер. А. К. Арендса. Ташкент, 1962.
- <sup>14</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 335.
- <sup>15</sup> Ртвеладзе Э. В. К истории Саганиана первой четверти XI в. / Эпиграфика Востока, XXIV. Л., 1988.
- <sup>16</sup> Гафуров Б. Г. Таджики. С. 108.
- <sup>17</sup> Ртвеладзе Э. В. К истории Саганиана... С. 50—51.
- <sup>18</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 339.
- <sup>19</sup> Уша жойда. 340-бет.
- <sup>20</sup> Уша жойда. 359-бет.
- <sup>21</sup> Абу-л Фазл Бейхаки. История Масуда. С. 411, 435.
- <sup>22</sup> Давидович Е. А. Клады древних и средневековых монет Таджикистана. Душанбе; М., 1979. С. 131—140.
- <sup>23</sup> Давидович Е. А. Клад саганианских монет. С. 84.
- <sup>24</sup> Уша жойда. Б. 85—86.
- <sup>25</sup> Уша жойда. Б. 86—88.
- <sup>26</sup> Садр ад-Дин Али ал-Хусайни. Ахбар ад-Даулат ас-сельджукийа / Пер. З. М. Бунятова. М., 1980. С. 43.
- <sup>27</sup> Кочнев Б. Д. Партия монет из клада, содержащего дирхемы Саганиана XI в. // Древности Поволжья и других регионов. Вып.



<sup>28</sup> Ртвеладзе Э. В. Алп-Арслан и Саганиан // Восточное историческое источниковедение и специальные исторические дисциплины. Вып. 2. М., 1999. С. 262—265.

<sup>29</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 366—367.

## ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ

Сомонийлар ўз сулолаларининг келиб чиқиши ва номланишидан яхши хабардор бўлсалар, туркий сулода бўлмиш Қорахонийлар хусусида бундай деб бўлмайди. Улар ўзларини афсонавий Афросиёб авлодлари, деб ҳисоблайдилар, ўз сулоларини эса «Ал-Афросиёб» («Афросиёб авлоди») деб атайдилар. Қўлэзма манбаларда уларни Хонийлар ёки Хоқонийлар сифатида ҳам тилга оладилар, илмий адабиётларда эса Қорахоний номи билан зикр этадилар. Лекин бу номларнинг бирортаси ҳам сулоланинг келиб чиқиши ҳақидаги масалани энг оз даражада бўлсин ойдинлаштирмайди. Бу борада мавжуд бўлган кўпдан-кўп фаразлар ичида Қорахонийлар қарлуқлар ёки чигиллар қавмига мансуб, деган хулоса нисбатан кўпроқ эътироф этилди. Қўлэзма манбалар билан бир қаторда, нумизматик материалларнинг ҳам жалб қилиниши Қорахонийларнинг қарлуқ иттифоқига кирувчи чигилларнинг бир қисмини ташкил этувчи эдгиш ёки эдгиш уруғи (ёки қабиласи)дан келиб чиққан, деб тахмин қилишга имкон беради<sup>1</sup>.

Қорахонийлар сулоласининг келиб чиқишини 940-йилга боғлайдилар. Уларнинг шундан кейинги ярим асрлик тарихи ҳақида жуда оз нарса маълум. Чунончи, сомоний Исмоил ибн Аҳмад 893 йилда Тароз ҳукмдорини енгиб, унинг хотини ва яна 15 минг кишини асир олади. Улар Қорахонийларга мансуб эдилар, деб ҳисобланади. Ҳолбуки, Масъудий уларнинг қарлуқлар эканлиги хусусида маълумот беради. Қорахонийлардан биринчи бўлиб исломни қабул қилиб, Абдулкарим деган мусулмонча ном олган киши Сотуқ Бугроҳон (вафоти 955 йил) ҳисобланади. Лекин тезда, 960 йилда исломга кириш оммавий тус олди ва 200 минг оила — «шатрлар» мусулмон бўлдилар. Шунга қарамай, албатта исломлаштириш ялпи хусусият касб этмаган. Зеро, ўрта аср муаррихи ҳатто XI аср охиридаги Қорахоний

хукмдорларидан бирини «дахрий турк подшоҳи», деб атайди.

Қорахонийлар тарих саҳнасига Х аср охирида — Сомонийлар ҳукумати сўнг даражада заифлашган паллада чиқдилар. 990—992 йилларда қорахоний Буғрохон Ҳорун (Ҳасан) (вафоти 992) сомонийларнинг Ўрта Осиёдаги мулкларининг каттагина қисмини босиб олди, лекин 992 йилдаёқ сомонийлар бу жойларнинг барчасини қайтариб олдилар. Бир неча йил ўтгач, бошқа қорахоний — Наср ибн Али Буғрохоннинг муваффақиятларини такрорлади ва 999 йилда сомонийлар пойтахти Бухорога бостириб кирди. Сомонийларнинг бутун меросига даъвогарлик қилиб, у Ҳазнавийлар тасарруфидаги Хуросонни ҳам қўлга киритишга бир неча бор уриниб кўрди, лекин вақтинчалик муваффақият қозонди, холос. Амударё атрофидаги ерлар икки янги давлат ўртасидаги чегара бўлиб, қорахонийларга Шимолий Тоҳаристон вилоятларидан амалда фақат Чағониён (Сурхондарё ҳавзаси), у ҳам бўлса қисқа бир муддат мобайнида қараган. Тез-тез бўлиб турган ўзаро урушларга қарамай, қорахонийлар ҳокимияти расман бир мунча муддат қандайдир даражада яхлитлигини сақлаб турди. 1040 йилга келиб эса, тўла-тўқис икки мустақил — пойтахти Самарқандда бўлган Фарбий хоқонлик ҳамда марказлари Болосоғун ва Қашқар ҳисобланган Шарқий хоқонликка бўлиниб кетди. Фарбий хоқонликка асос солган машҳур Тамғочхон Иброҳим ибн Наср 1062 йилда ўз мулкларининг сарҳадини Шарққа қараб жуда кенгайтди, ҳатто Болосоғун ҳам унинг таркибига қўшилди. Лекин орадан бир неча йил ўтгач, унинг ўғли ва вориси Шамс ул-мулк Наср отаси қўлга киритган ерларнинг қарийб барчасини бой берди.

Шамс ул-мулк бошқа йўналиш бўйича истилочилик урушлари олиб борди ва икки марта салжуқийлар салтанатига ҳужум қилди. 1073 йилда Балхни босиб олди ва бир муддат қўлида тутиб турди. Ўз навбатида, салжуқий Маликшоҳ 1089 йили катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб кирди ва Фарбий қорахонийлар хоқонлигини ўзига бўйсундирди. Шунга қарамай, у қорахонийларни ҳокимиятдан маҳрум этмади — Самарқанд тахтига Тамғочхон Иброҳимнинг ўғли Муҳаммадни ўтқазди. Шу пайтдан бошлаб Фарбий қорахонийлар салжуқийларнинг вассаллари бўлиб қолди-

лар, уларнинг кўпчилиги эса оддийгина салжуқ султонларининг одамига айланди. Кўлэзма манбалар Маликшоҳнинг Қашқар ҳукмдоридан ҳам итоаткорлик билдириш ва ҳатто унинг номидан танга зарб қилишни сўраганига ишонтирадилар. Шунга қарамай, битта ҳам бундай танга маълум эмас. Ҳолбуки, Фарбий хоқонликда чиқарилган пулларда салжуқийларнинг кўрсатилиши тўла тамойилга айланган. Кўриниб тўрибдики, қорахонийларнинг салжуқийларга қарамлиги ҳар хил бўлган: Фарбий хоқонлик учун расмий ва Шарқий хоқонлик учун шунчаки норасмий.

XII асрнинг иккинчи чорагидаги ҳодисалар айни ҳулосани тасдиқлайди. Бу даврда Узоқ Шарқдан динсиз қорахитойлар ёки киданлар пайдо бўлдилар ҳамда Шарқий Туркистон ва Ёттисувни, яъни Шарқий қорахонийлар ҳудудини босиб олдилар. Уларга ҳеч ким ёрдамга келмади. 1137 йили худди шу қорахитойлар Хўжанд яқинида Самарқанд хони Маҳмудни енгдилар. 1141 йили эса, Қатвон жангида Султон Санжар ибн Маликшоҳ ва қорахоний Маҳмуд бошчилигидаги бирлашган мусулмонлар кўшини уларга қарши урушди. Бу муҳораба қорахитойларнинг тўла ғалабаси билан тугади ва энди бутун Мовароуннаҳр уларга тобеъ бўлиб қолди. 1065 йиллар атрофида улар Самарқанд хони Масъуд билан биргаликда жанубга юриш қилдилар ва Балхни эгалладилар, шундан кейин бутун Тохаристон, бир томондан, қорахонийлар подшоҳлиги, иккинчи томондан, Кидан салтанати таркибига кирди. Қорахитойлар Болосоғундан ташқари, ҳамма ерда ҳокимиятни қорахонийлар қўлида қолдирдилар ва уларнинг ички ишларига, айниқса дастлабки даврларда деярли аралашмадилар. Ташқи жиҳатдан, у, жумладан, қорахонийларнинг гўёки ҳеч нарса бўлмаган каби киданлар ҳукмдори Гўрхоннинг исмини кўрсатган ҳолда, бу камдан-кам ҳолларда истисно бўлар эди, ўз номларидан пул зарб қилишда давом этганларида кўрилади.

Қорахитойлар даврида вақт ўтган сари Фарбий хоқонлик ичидаги бўлиниш тобора кучайиб борди. XII—XIII асрлар чегарасида унинг ҳудудида ўндан ортиқ вилоятлар мавжуд эди. Улар — Самарқанд, Ўзганд, Косон, Марғилон, Банокет, Фороб (Ўтрор), Балх, Термиз, Вахш, Хутталон ва, шунингдек, Чағониён. Улар орасида асосий ва энг йирик вилоят Самарқанд бўлиб,

Ғарбий қорахонийлар хоқонлигининг пойтахти ҳисобланишда давом этарди. Бу вилоят ҳудудида Бухоро воҳаси жойлашган бўлиб, у ерда бурҳонийлар авлодидан бўлган садрлар — Бухоронинг ворисий хатиб ва раислари жуда катта кучга эга эди. Одатда садрларнинг жуда катта мустақилликка эгаллигини қайд этиш таомилга кирган, баъзи тадқиқотчилар эса, улар умуман ҳеч бир жиҳатдан қорахонийларга бўйсунмаганлар, деб ҳисоблашади ва ҳатто садрлар давридаги Бухорони «давлат ичидаги давлат», деб номлашади. Ёзма ҳужжатларни жуда синчиклаб таҳлил қилиш, энг муҳими, нумизматик материалларни тадқиқот доирасига жалб этиш бошқача хулосага олиб келади. Дарҳақиқат, кейинги давр Самарқанд қорахоний ҳукмдорларининг кўпчилиги ўз ҳокимиятларини тўла-тўқис Бухорода ўрнатдилар ва уларнинг кўпчилиги бу ерда номларидан пул ҳам зарб қилдилар. 1194 йилда Самарқанд ва Бухорода қорахоний Иброҳим ибн Ҳусайн номи ёзилган бир хил шаклдаги фельслар — мис тангалар чиқарилди. Яъни, Бухоро учун ҳатто майда пуллар — чақалар зарб қилиш ҳам марказий ҳокимият томонидан белгиланган. XII аср ва XIII аср бошида Бухорода зарб этилган қорахонийлар давлати тангалари ҳар хил номлар билан юритилган, ранг-баранг кўринишларда бўлган, турли саналар кўрсатилган ва тангаларнинг ҳар уч тоифаси (динорлар, дирҳамлар, фельслар) муомалада бўлган. Ҳолбуки, садрларга оид бир дона ҳам танга етиб келмаган. Модомики, садрлар ҳар қандай мустақил мусулмон подшоҳнинг дахлсиз ҳукуқи бўлган пул зарб қилишни амалга оширмаган эканлар, улар мустақил ҳукмдорлар ҳисобланмайди. Айни жиҳатдан, уларнинг расмий нуфузи пул зарб қилган ҳар қандай кичик вилоят ҳокими нуфуздан ҳам паст туради. Бу вилоятлардан ҳар бирининг ҳукмдори муайян суверенитетга эга бўлган мустақил давлат (тўла эркин бўлмаса-да) тузилмаси бошида турган. Бухоро эса, гарчанд энг йирик бўлса-да, шундай вилоятлардан бирининг таркибида эди.

Ёзма маълумотларга кўра қорахонийлар садрлар даврида ҳам Бухорони ҳимоя қилганлар, унинг мудофаасига маблағ сарфлаганлар, яъни ҳукмдорнинг ўз фуқароларига нисбатан бўлган мажбуриятларидан бирини бажарганлар. Улар эса, ўз навбатида, бунинг учун солиқ тўлашлари керак эди. Бундан ташқари, пул тим-

солининг ўзи муайян ҳуқуқларни ва одатда даромдаларни тақозо қилар эди. Буларнинг барчаси Бухородан олинган солиқларнинг бир қисми Самарқанд хазинасига келиб тушиши ҳақидаги фикрга олиб келади. Шундай қилиб, садрлар Бухоро воҳасида реал ҳокимиятга эга бўлган ва муайян мухториятдан фойдаланган бўлишларига қарамай, нафақат сиёсий, эҳтимол, иқтисодий жиҳатдан ҳам Самарқанд қорахонийларига қарам эдилар.

Нафақат бурҳонийлар ва қорахонийлар, балки ануштегинлар сулоласидан бўлган хоразмшоҳлар ҳам қорахитойларга солиқ тўлаганлар. Бу сулоланинг охиридан олдинги вакили Муҳаммад ибн Такиш шунчалик ҳаракат қилдики, киданлар билан очикдан-очик курашга кирди, Самарқанд хони Усмон ибн Иброҳимга қизини бериб, у билан иттифоқ тузди. Мусулмон хоразмшоҳ ҳокимиятининг жабру зулми ҳатто кифир қорахитойлар истибодидан ошиб тушди ёки шундай туюлди ва 1212 йили Самарқандда кўзғолон кўтарилди. Кўзғолонни бостириб, Муҳаммад Такиш ўша йилиёқ Усмонни қатл этди, шундан сўнг бошқа Урта Осиёлик қорахонийларни маҳв этиб, улар мулкани бусбутун ўз салтанати таркибига қўшиб олди. Одатда шу билан амалда барча қорахонийлар тугатилдилар, деб ҳисобланади, лекин зарб этилган тангаларга қараб фикр юритилса, афтидан 1212 йилдан кейин ҳам уларнинг Амударёолдида ануштегинларга вассал сифатида бўлсада, вахшлик қорахоний Абу Бакрнинг ўғли Арабшоҳ ҳукмронлигидаги вилояти сақланиб қолган. Бундан илгари, 1211 йилда ҳатто Қашқар тахтига ўтириб улгурмай, сўнгги Шарқий қорахоний шаҳзода Муҳаммад ибн Юсуф исёнчи амирлар қўлида ҳалок бўлди.

Қорахонийлар хоқонлиги ўз ҳукмронлиги давомида сарҳадлари ва миқёсларини бир неча марта ўзгартирди. Масалан, Мовароуннахрни истило қилгунига қадар уларнинг ҳудуди Тяньшань ва Тяньшанолди билан кифояланган, XI асрнинг бошига келиб эса, хоқонлик чегаралари Амударёгача етди. Шу юз йилликнинг ўзидаёқ қорахонийлар Шарқий Туркистонда Қашқар ва Хўжандни қўлга киритдилар, XI асрнинг ўрталарига яқин эса, агар бундан олдин бўлмаса, уларнинг чегара ҳудудлари жанубда Черчен ва шимолда Куча билан Бугур эди. Шундай қилиб, Шарқий Туркистоннинг бутун ғарбий қисми қорахонийлар қўли остига ўтди.

Маҳмуд Кошғарийнинг сўзларига қараганда, му- сулмонлар ва кофир уйғурлар ўртасидаги чегара Юл- дуз кўли туманидан ўтган. Афтидан, бунда бевосита Бугур шимолида, Кўктепа довои ортида жойлашган ботқоқликдан иборат Катта Юлдуз ёхуд Кичик Юлдуз водийси кўзда тутилади. Хоқонликнинг шимоли-шар- қий сарҳадлари хусусида аниқ маълумотлар йўқ, ле- кин бу чегара ҳозирги Манас (ғарбий Урумчи) тум- нидан ўтган Олакўл, Сассиқкўл ва Балхаш кўллари йўналиши бўйлаб чўзилган деб ҳисоблашга асослар мавжуд. Сўнг бу чегара Чу дарёсининг қуйи оқимлари бўйлаб Фороб (Ўтрор) ва Ясси (Туркистон)ни ўз ичига олиб, Сирдарёга етади. Сирноқ дарёсининг қуйи оқими қорахонийлар тасарруфида эмас эди, демак чегара қаердадир Ясси ва Сирноқ орасидан ўтган. Сирдарё этагидаги муҳим марказ бўлган Жаңд XII аср ўртаси- даги Қорахоний Камолиддиннинг мулки ҳисобланган. Лекин унинг бу ердаги ҳукмронлиги жуда қисқа муд- дат давом этган. Ясси туманидан бошлаб хоқонлик че- гараси Сирдарёнинг сўл қирғоғидаги энсиз йўл бўйлаб жанубга чўзилган; ғарбда ўғузлар яшайдиган Қизил- қумнинг бепоён чўллари ястанган. Улардан ўтиб, бу чегара Сўғд ва Бухоро воҳасининг шимолий сарҳад- лари орқали Амударёга етган. Бу ерда у Фороб тум- нидан чиққан ва дарё бўйлаб яна давом этган.

Тохаристон вилоятларидан Чағониён, яъни Сурхон- дарё ҳавзаси, лекин фақат 1043 йилгача, шунда ҳам орада катта узилишлар билан қорахитойлар тасарру- фида бўлган. Тахминан 1165 йилда қорахонийлар қора- хитойлар билан бирга, Балхни ҳам қўшиб, бутун То- харистонни эгаллаб олдилар. Лекин 1191 йил атрофи- да Балх, Шимолий Тохаристоннинг айрим ерлари, чу- нончи, Чағониён ва Вахшда ўз ҳокимиятларини ўрнат- ган ғурийлар қўлига ўтди. Шунга қарамай, Вахшда бевосита ғурийлар вассали бўлган қорахоний сулола- сига мансуб хон ҳокимлик қилар эди. Помирга кел- ганда, у, эҳтимол, қорахонийлар Мовароуннаҳрни эгал- лаган вақтда, тўғрироғи, эгаллаб бўлганидан кейиноқ хоқонлик таркибига кирган. Мовароуннаҳрнинг қўлга киритилиши қорахонийларни сомонийларнинг Ўрта Осиёдаги бутун мулкининг, жумладан, уларнинг пой- тахти Бухоронинг соҳибларига айлантирди. Босқинчи- лар босиб олган мамлакатларини бу ерда қадимдан шакланган давлатни ташкил этиш анъаналарига му-

вофиқ бошқарадилар, деб умид қилиш мумкин эди. Лекин бунинг тескариси юз берди: қорахонийлар давлат тузилишининг бошқача принципларини жорий этдилар. Ягона хоқонлик даврида (X аср охири — 1040 йил) қорахонийлар жамоаси қандайдир иерархик тизим, ўзига хос пирамида (пиллапоя) сифатида намоён бўлади: бу пиллапоянинг энг юқори олти поғонасини икки подшоҳлик тахтига мувофиқ равишда буюк хоқон ва кичик хоқон, шунингдек, 4 князь — Арслонлик, Йиналтегин, Арслонтегин, Янга (Янгатегин) эгаллаган; қуйи поғоналарни Тўғонтегин, Туғрултегин, Чарритегин каби унвонларга эга бошқа ҳукмдорлар банд қилганлар. Сулоланинг ҳар бир аъзосига улуғлик (маҳорат) принципларига асосан бу иерархиядан муносиб ўрин ажратилган, лекин бу қоида ўзгаришсиз қолмаган: олий поғонадаги аъзолардан бирининг ўлими ўз ўзидан қуйида турувчи кишининг нисбатан юқори поғонага кўтарилишига олиб келган. Хоқонликда ҳокимият сомонийларда бўлгани каби тўғридан-тўғри отадан ўғилга эмас, балки акадан укага, кейин сулоланинг навбатдаги авлодига ўтган. Бу тизимга мувофиқ ҳукмдор сулоланинг ҳар бир аъзоси ҳеч бўлмаганда, идеал сифатида бу иерархик пиллапоя бўйича юксалиб, олий пояга етиши ва ҳатто подшоҳлик тожига эришиши мумкин эди. Ҳақиқий ҳаётда эса, бу идеал қолип бир неча марта бузилиб, ўзаро урушларга сабаб бўлган эди. Аслида қорахонийларнинг бутун уруғи ҳокимиятнинг жамоавий соҳиби бўлиб, сулоланинг ҳар бир аъзоси ўзининг келиб чиқишга кўра умумсулола мулкининг бир қисмига даъво қила оларди. Бу мулкнинг катта қисми сулоланинг уч улуғ аъзоси — улуғ хоқон, кичик хоқон ва иликка тегишли ҳисобланар, лекин уларнинг ҳар қандай авлодига ўз ҳиссаси ажратиб берилар эди. Унинг миқдори ва турган ери уларнинг мавқеи, отасининг мулки ва мансаби қандайлигига боғлиқ эмас эди. Бошқача айтганда, ўғилнинг отасининг вилоятига ҳуқуқи ҳақидаги тушунча илк қорахонийларнинг юридик назарияси ва сиёсий тажрибаси учун бегона бўлган. Мисол учун, Мовароуннаҳрни забт этган Наср ибн Али (1012 йили вафот этган) улкан вилоятнинг ҳукмдори эди, лекин унинг ўғиллари бу вилоятга ворис бўлолмадилар, Иброҳим ибн Насрга эса, ўз мулкини йўқ ердан барпо этишга тўғри келди.

Таърифи келтирилган тизим қадимги туркийлар

даврига бориб тақалади ва жуда кўхна кўчманчилик анъаналари билан боғлиқ бўлиб, поғонали бошқарув усули деб аталади. Табиийки, бу тизим аввал ҳокимият тузилишининг бошқача принципларига эга бўлган қадимий ўтроқ маданият мамлакати Мовароуннаҳрда емирила бошлади. Фарбий хоқонликка асос солган Иброҳим ибн Наср, жуда бўлмаганда, бу тизимнинг энг муҳим уч принципини бузди. Биринчидан, у ҳеч қандай навбатсиз хон (подшоҳ) унвонини олди: 1040 йили ҳукмдорлардан бири Бўритегин билан Самарқандни эгаллаб, у шу ернинг ўзида Тамғоч Буғраҳон унвонини қабул қилиб, ўзини подшоҳ деб эълон этди. Иккинчидан, ҳокимиятнинг иккилик тизимини тугатди: Фарбий хоқонликда у ҳам, унинг ворислари ҳам олий ҳокимиятнинг ягона соҳиблари ҳисобланганлар, бу ерда улус хоқон ва кичик хоқон мартабалари бўлмаган. Учинчидан, Самарқанд тахтини ворисий қилиб белгилади ва унинг авлодлари XIII аср бошигача уни бошқардилар. Бундан ташқари, Иброҳим даврида вилоятлар сони сезиларли даражада қисқарди ва шубҳасиз, вилоят ҳокимларининг ҳуқуқлари доираси торайди. Унинг ўғли Шамсулмулк Наср ва унинг ворислари даврида эса, вилоятларда пул зарб қилингани ҳақида умуман малумотлар йўқ. Фарбий хоқонлик ҳукмронлигининг сўнгги ўн йилликларида ҳокимиятни тақсимлашнинг илгариги принципларидан бирига қайтилди. Унга мувофиқ барча бўлмаса-да, сулола бошқарув тармоғининг кўплаб намоёндалари (Ҳасан ибн Али ибн Абдулмўмин авлодларидан) умумий мулкдан қайсидир даражада ҳисса олиш ҳуқуқига эга эдилар. Шарқий хоқонликда олий ҳокимиятнинг бу иккилик (икки хоқондан иборат) тизимигина эмас; вилоят ҳокимларининг жуда катта мустақиллиги ҳам, жуда бўлмаганда, XI асрнинг охиригача сақланиб қолди, лекин XII асрга келиб бу ерда ҳокимият ягона хоннинг қўлида тўпланди. Умуман олганда эса, қорахонийларнинг поғонали бошқарув усули қолдиқлари то сулоланинг инқирозига қадар яшаб келди.

Қорахонийлар хоқонлиги сомонийлар давлатидан феодал унвонлар бериш муассасасининг даражаси ва характери жиҳатидан ҳам фарқ қилган. Тангалардаги ёзувлар бу борадаги муҳим маълумот манбаи ҳисобланади. Чунончи, қорахонийлар хоқонлигининг илк даврига мансуб тангалар икки, уч ва тўрт поғонали



хукмронлик тизимининг исботи ҳисобланади. Бир қатор ҳолларда улар муайян вилоят ёки шаҳарнинг биргаликда бошқарилганидан гувоҳлик беради. Масалан, Оҳангарон ҳавзасининг унча катта бўлмаган Илак вилоятида 997 йилда зарб қилинган фельсларда бир вақтнинг ўзида 4 шахс: уч нафар қорахоний ҳукмдор — Аҳмад ибн Али, Муҳаммад ибн Али Абу Солиҳ ва маҳаллий деҳқоннинг номи қайд этилган. Бошқача намуналар ҳам мавжуд: бунда битта тангада нисбатан кичикроқ вилоятнинг ҳокими, мазкур вилоятни ҳам ичига олган жуда катта ҳудудга эга бўлган, унинг бевосита ҳукмдори ва, ниҳоят, ҳар иккаласининг олий ҳукмдори номи акс этади. Мисол учун, 1018—1020 йилларда Ахсикент ва Ўзгандда чиқарилган дирҳамларда қорахонийлар хоқонлиги Фарғона қисмининг ҳокими Аҳмад ибн Мансур, Мовароуннаҳр катта қисмининг ҳукмдори Муҳаммад ибн Али ва улуғ хоқон, Аҳмаднинг отаси Мансур ибн Али номлари зикр қилинган. 1019—1021 йилларда Будухкетнинг Исфижоб шаҳрида зарб қилинган дирҳамлардаги ёзувларда бундан-да мураккаб манзараларга дуч келамиз. Уларда шаҳарнинг бевосита ҳокимлари биринчи бўлиб Али, кейин Абдулмалик, бундан ташқари, қудратли ҳоким жумладан; Исфижоб (ҳозирги Чимкент) вилоятининг соҳиби Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ва, ниҳоят, сулола бошлиғи Мансур ибн Али номлари тилга олинган. Худди шу даврда чиқарилган Исфижоб дирҳамларида Наср номи эслатилгани ҳолда, тангаларда уни кўрмаймиз. Бинобарин, Будухкет Насрнинг вилоятдан ажралиб чиққан ва унга бўйсунмаган, вилоятларга бўлиб бошқариш тизимига мувофиқ эса, Али ва Абдулмалик ўз мулкларининг кичикинализига қарамай, Наср даражасига кўтарилган эдилар. Умуман, қорахонийлар вилоятлари турли катталиқда — унча катта бўлмаган шаҳар ва ҳатто округлари бўлган шаҳарга (Тошкент воҳасидаги Будухкет, Хумрак)дан тортиб йирик вилоятгача (Исфижоб, Шош, Фарғона ва бошқалар) ва ҳатто бир неча вилоятларни ўз ичига олган улкан ҳудуддан иборат эди. Ҳатто энг қудратли илк қорахоний ҳокимлар вилоятларининг миқёси ва таркиби ҳам ўзгаришсиз қолмаган, вилоятларнинг ўзи эса зич массивларни ташкил этмаслиги мумкин эди. Ўша Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Алининг ўзи 1020—1022 йилларда Бухоро, Исфижоб, Тараз (олий ҳукмдор —

Мансур ибн Али) ва Шарқий Туркистондаги Уч (ҳукмдор — Юсуф ибн Ҳорун) вилоятларида ҳокимлик қилган.

Агар сомонийлар давридаги X асрда «иқта» қилинган мулклар соҳиблари асосан майда пул-чақа зарб этган бўлсалар, илк қорахонийлар даврида дирҳам чиқариш ҳуқуқини энг кичик мулк эгаларигача бўлган барча мартабадаги ҳокимлар кўлга киритдилар. Шундай қилиб, вилоят ҳокимларининг сиёсий ҳуқуқи жиддий равишда кучайди, уларнинг нуфузи сезиларли даражада ошди. «Иқтадор»лар сони ва «иқта» ер эгаллиги шакли кўп мартаба кўпайди. X асрда ҳам «Иқта» сифатида берилган мулкларнинг миқёси сезиларли даражада (баъзида бутун боши вилоятлардан иборат бўлган) бўлишига қарамай, илк қорахонийлар давридагича эмас эди. X асрда кўплаб вилоят ва шаҳарлар «Иқта» объекти бўлган. Лекин Фарғона ва унинг округлари учун бу доимий ҳол эди. Илк қорахонийлар даврида эса, фақат улуғ хоқонга қарашли мулкларгина (Еттисувнинг бир қисми) «иқта» объекти бўлмаган, яъни, мулклар, ерларни тортиқ қилишининг миқёслари бир неча марта кўпайган. X асрда ва илк қорахонийлар даврида тортиқ қилинган мулклар вақтинчалик эди, лекин ягона хоқонлик вақтидаёқ уларнинг айримлари амалда умрбод (Наср ибн Али) ва ҳатто ворисий (Али ибн Ҳасан Марказий Мовароуннаҳрни ўзининг катта ўғли Юсуфга қолдириши мумкин эди) бўлган. X асрда асосан мансабдор аслзодалар орасидан чиққанлар, баъзида маҳаллий ҳукмдорларга мансуб кишилар, жуда оз ҳолларда ҳукмрон сулола вакиллари «Иқтадор»лар бўлиб ҳисобланганлар. Қорахонийларнинг келиши билан тортиқ қилинадиган мулклар соҳибларининг турли тоифалари ўртасидаги нисбат принципиал равишда ўзгарди, яъни айнан ҳукмрон сулола вакиллари (бирданига бўлмаса ҳам) бу борада биринчи ўринга чиқдилар.

Келтирилган барча фактлар илк қорахонийлар даври феодали «иқта» ер эгаллиги институтининг табиий тадрижи шунчаки навбатдаги босқич эмаслигини тасдиқлайди: Қорахонийларнинг поғонали бошқарув усули билан давлат тепасига келиши принципиал характердаги жуда жиддий ва кескин ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Вилоятларга бўлиб бошқариш тизимининг тақдири

ягона хоқонлик фарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетган 1040 йилдан кейин турлича кечди. Таомилга кирган вилоят унсури ўзининг кўп поғонали иерархияси, кўп сонли ва бир-бирини тез-тез алмаштириб турган ниҳоятда мустақил ҳокимлари билан XI асрнинг ўрталари ва ҳатто иккинчи ярмида Шарқий хоқонликни қамраб олишда давом этди. Афсуски, феодал «иқта» ер эгаллиги институтининг шарқдаги кейинги тарихи ҳаммадан аввал пул зарб қилиш билан боғлиқ маълумотларнинг етарли эмаслиги туфайли анча мавҳум. Фарбий хоқонликда Иброҳим ибн Наср бошлаган марказлаштириш сиёсатининг унинг илк ворислари томонидан давом эттирилиши ва чуқурлаштирилиши дастлаб тортиқ қилинадиган мулклар сони ва миқдорининг қисқариши, кейинчалик эса, вилоятларда пул зарб қилишнинг тугатилишига олиб келдики, бу ҳол вилоятларнинг бутунлай йўқолишига сабаб бўлмаган эсада, улар ҳокимлари ҳуқуқларининг жуда жиддий равишда камайганлигини кўрсатади.

XII асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб бу ерда яна ўз тангаларини зарб қилган вилоятлар пайдо бўлиб, XIII аср бошларида уларнинг сони ўнтага етди. Айни пайтда қатта вилоятларнинг кичик вилоятларга бўлиниш тамойили, тобора янги мулкларнинг ажралиб чиқиш жараёни кўзга ташланадики, бунга фақат ануштегинлар Фарбий хоқонликни тугатиш билан чек қўйдилар. Кейинги даврлардаги қорахонийлар вилоятларининг барчаси ўзига мустақил хонлар томонидан бошқарилган. Улар орасидаги муносабатлар олий ҳокимият ва вассаллик шаклида эмас эди. Е. А. Давидовичнинг фикрига қўшилган ҳолда, тўғриси айтганда, улуғ хоқон, Самарқанд ҳукмдорининг устунлиги расмангина бўлиб, ҳеч ким унга бўйсунмас эди. Муҳими шундаки, сўнгги даврдаги қорахонийлар вилоятларида ҳокимият ворисий хусусиятга эга бўлиб, отадан ўғилга ўтган. Демак, XI асрнинг иккинчи чорагидаёқ кўзга ташланган давлат олдидаги муайян хизмати эвазига вақтинча фойдаланиш учун тортиқ этилган мулкларнинг ворисий мулкка айланиш жараёни XII асрда узил-кесил ғалаба қозонди.

Сомонийлар ва қорахонийлар даврини ўзаро солиштириб, шундай хулосага келиш мумкинки, бу давр марказга интилиш ва марказдан қочиш тамойиллари ўртасидаги кураш билан характерланади, лекин сомо-

нийлар даврида биринчи тамойил етакчи мавқе эгаллаган бўлса, қорахонийлар замонида иккинчиси устунлик қилди. Сомонийлар давлатида вилоятларга бўлиб бошқариш тизимининг куртақларининггина кўрсак, қорахонийларда унинг тўла қарор тошгани, феодал бўлишининг тантана қилганлигига гувоҳ бўламиз.

Қорахонийлар ҳоқонлигида ҳокимиятнинг юқори табақаси айнан ҳукмрон сулола аъзоларидан шакллантирилиши мутлақо табиий ҳол. Ҳар ҳолда, улар ягона ҳокимият соҳиби эдилар, вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари орасида эса, хусусан, X аср охири — XI аср бошларида бошқа насл-насабга мансуб кишилар кўпчиликини ташкил этар эди. Улар, биринчи навбатда, қадимий маҳаллий сулолаларнинг вакиллари бўлиб, баъзи вилоятларда сомонийлар давридан буён ва ҳатто ундан ҳам олдинги замонлардан бери ўрнашиб олганлар. Чунинчи, тангалар воситасида Илакнинг тўрт деҳқони номини тиклашга муваффақ бўлинди. Улар — Мансур ибн Аҳмад, Муҳаммад ибн Мансур, Солор ибн Муҳаммад, Бакр ибн Муҳаммад. Шу тариқа унча катта бўлмаган, лекин қазилма бойликларга қон бу вилоятнинг бевосита ҳокимлиги маҳаллий сулолалар қўлида сақланиб қолганлиги ҳамда ўша даврдаги қорахонийлар бошқарув тизимидан фарқли ўлароқ, вориший асосда отадан ўғилга ўтганлиги ойдинлашади. Бир томондан, сомонийлар замонида сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган Илак деҳқонлари қорахонийлар даврида уни, ҳатто танга зарб қилиш билан бирга, қўлга киритдилар, иккинчи томондан, уларнинг нуфузи унча баян бўлмай, ҳуқуқ ва имтиёзлари эса чегараланган эди (улар иерархик пиллапоянинг қуйи погонасини банд қилган бўлиб, баъзида тангаларда мутлақо тилга олинмас эди). Исфижоб ҳокимлари келиб чиқишига кўра туркий сулола бўлиш маттидалар намоёндаси Маттута, шунингдек, Чағониёнда ҳукмронлик қилувчи мухтаждлар хонадонининг аъзоси Аҳмад ибн Муҳаммадга ҳам иерархиядан унча юқори бўлмаган ўрин ажратилган эди. Маҳаллий ҳукмдор томонидан энг сўнгги тангалар 404 ҳижрий / 1013—1014 мелодий йилларда — Исфижобда; 406 / 1015—1016 йилларда — Чағониёнда; 414 / 1023—1024 йилларда — Илақда зарб этилган. Шундай қилиб, қорахонийлар, жуда бўлмаганда Ўрта Осиёнинг учта вилоятида маҳаллий сулолаларни сақлаб қолдилар. Улар иерархиянинг энг

юқори поғоналарида бир неча марта юз берган ўзгаришларга қарамай, кўп йиллар давомида етарли даражадаги мустаҳкам мавқеларини сақлаб келдилар. Чамаси, босиб олинган мамлакатни самарали бошқаришдан манфаатдор бўлган қорахонийлар ўзларининг жонажон вилоятларида қадимий ва мустаҳкам илдишларга эга бўлган маҳаллий ҳукмдорлар билан ҳамкорлик қилишга жуда муҳтож бўлганлар ҳамда янги ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш билан уларни бошқариш ишлари, жумладан, танга зарб этишга жалб этганлар (сомонийлар замонида Илак деҳқонлари ўз пулларига эга бўлмаганлар, мухтажидлар, хусусан, маттидлар қорахонийлар давридагига қараганда жуда оз даражада танга зарб қилганлар).

Шарқий Туркистонда зарб қилинган пуллар орасида маҳаллий сулолалар томонидан чиқарилган пуллар ҳозиргача топилган эмас, лекин уларнинг бўлганлиги ҳақида баъзи бир ёзма ҳужжатлар гувоҳлик беради. Чунончи, хитой солномаларининг маълумот беришича, Куча «давлати» ҳукмдорлари бутун XI аср мобайнида то 1096 йилгача Хитойга совға-саломлар билан «элчилар» (яъни, аслида савдо карвонлари) юбориб турганлар. Шу орада — мазкур юз йилликнинг учинчи чорагида ижод қилган Маҳмуд Қошғарий Кучадан бир мунча шарқда жойлашган Куч ва Бутурни қорахонийлар мулкининг чегара пунктлари деб атайди. Бу маълумот қорахонийлар ўзлари босиб олган Шарқий Туркистон воҳасида, ҳеч бўлмаганда, унинг айрим вилоятларида маҳаллий ҳукмдорларни бевосита бошқарув ишига қўйганлар, деб тахмин қилишга имкон беради. Чамаси, маҳаллий ҳукмдорлар ҳеч бўлмаганда баъзи бир соҳаларда муайян мустақилликка ва етарли даражада катта ҳуқуқларга эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам халқаро майдонда уларни мустақил сиёсий куч сифатида қабул қилишда давом этганлар.

«Қуйи» ҳукмдорлар орасида фақат маҳаллий сулолалар бўлмаган. Бу ўринда йирик сомоний мансабдорлардан бири, машҳур саркарда Бегтузун номини тилга олиш мумкин. У қорахонийларга 1025 йилгача хизмат қилди. Бегтузун хизматни жуда ўрнига қўйган бўлса керакки, аввал Кеш, кейин Самарқанд, ундан сўнг, Хўжанд унга тортиқ қилинган Исфижобда 398—404 / 1007—1014 йилларда зарб қилинган тангаларнинг гувоҳлиқ беришича, Сарроф (пул алмаштирувчи)

лақаби билан машхур бўлган Али қорахонийларга муқаррар равишда бўйсунмаган. Агар унинг лақаби авлоддан-авлодга ўтиб келмаганида йирик сармоя соҳиб сифатида Исфижобни бошқариш ишига жалб қилиниши мумкин эди. Умуман, X аср охири — XI аср бошида чиқарилган пуллар вилоят ҳокимлари таркибининг жуда турли-туман бўлганлигини кўрсатади, уларнинг талай қисми қорахонийларга бўйсунмаган. XI асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб жойларда ҳам ҳокимият, ёки бўлмаса пул зарб қилиш қорахонийлар қўлида тўпланади. Нумизматик далилларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиёни эгаллар экан, қорахонийлар бошқарув ишларига тўғри келган кишиларни — маҳаллий ҳукмдорлар, сомоний лашкарбошилар, сардорлар ёки бу иш билан шугулланадиган оилалардан чиққан шахсларни жалб қилаверганлар. Лекин босиб олинган мамлакатда бошқарув ишларини йўлга қўйиб бўлгач, улар қадимий маҳаллий сулолаларни ҳокимиятдан маҳрум этганлар (бу ишга ҳатто сомонийлар ҳам журъат қилмаган эдилар) ва келиб чиқиши қорахоний бўлмаган бегона кишиларнинг хизматидадан воз кечганлар.

Қорахонийлар хоқонлигининг давлат тузулишини ўрганишда ҳамisha нумизматик материалларга ноёб бойлик сифатида мурожаат қилишга тўғри келади, кўлёма манбалар эса, аксинча, жуда оз. Айни ҳолат қорахонийлар давлатининг маъмурий тузилиши тўғрисидаги маълумотларнинг нега бунча камлигини асослайдики, бу нарса танга-чақаларда ўз аксини топмаган. Бу соҳада қорахонийлар кўп нарсани сомонийлардан мерос қилиб олганлар, деб ҳисобланади. Юқорида зикр этилган каби, йирик сомоний саркардаларнинг қорахонийлар хизматига кирганлиги ҳам, чамаси, мазкур фикрни тасдиқлайди. Ҳатто атамалар ҳам кўпинча эскича қолган.

Хоннинг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси вазир бўлган. Бу вазифага тайинланган кишига муҳр, туғ, дўмбира ва совут топширилган<sup>2</sup>. Вазирларга алоҳида «касбий» лақаб — нисба берилган. Чунончи, Самарқанднинг сўнги хонларидан бири Иброҳим ибн Ҳусайн (1178—1203)нинг вазири Садриддин Муҳаммад XI асрдаги салжуқийлар вазири каби Низомулмулк лақабини олган эди. Садриддиннинг келиб чиқиши номаълум, Иброҳим ибн Носирнинг (1040—1068) вазири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр Аҳмад ал-Баро-

кий (ибн Синонинг муаллимларидан бирининг ўгли) уламолар оиласига мансуб эди. Иброҳимнинг невараси Аҳмад ибн Хизрнинг подшоҳлиги даврида бир пайтлар Самарқанднинг қозикалони бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Сулаймон ал-Косоний вазирлик қилган<sup>3</sup>.

Юсуф Болосоғуний<sup>4</sup> (яъни, Юсуф Хос Ҳожиб) вазир билан бир қаторда, ҳукмдорнинг «ўринбосар»и, «ноиб» бўлмиш «халифа» номини тилга олади, лекин унинг вазифаси нимадан иборат эканлиги матндан англашилмайди.

Самарқанддаги XII асрга мансуб қабртошлардан бирида мустафий номи учрайди. Бу ном билан сомонийлар даврида хазиначи ёки молия маҳкамаси бошлиғини атаганлари, у қорахонийлар замонида ҳам мавжуд бўлганлиги маълум. XII асрга мансуб ҳужжатларга кўра ғарбий хоқонликда ҳам мутасарриф деб аталган молия бошлиқлари, бундан ташқари, молия назоратчилари — мушрифлар бўлган.

Саройдаги маҳкамалар хос ҳожиб (яъни, «шахсий аъён») ёки улуғ хос ҳожиб, саройнинг ўзига хос вазир, бош аъёни томонидан бошқарилган. Юсуф Хос Ҳожиб шундай мартаба соҳиби эди. Унинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») достонида хос ҳожибнинг вазифалари доираси баён қилиб берилган. У қонунлар ва одатларга риоя этиш, расмий тантаналарни тўғри ташкил қилиш, хазиначилар, мирзалар ва бошқалар билан муносабатга киришиш, фуқароларнинг илтимос ва шикоятларини эшитиш ва бу ҳақда ҳукмдорга ахборот бериш, элчиларни қабул қилиш ва кузатиб қўйиш устидан назорат қилиши керак эди<sup>5</sup>.

Арабча ва форсча лавозим номларининг туркий муқобиллари ҳам мавжуд эди. Чунончи: ҳожиб — таянгу, мустафий — агичи, вазиф — югруш, сипоҳсолор — сую боши<sup>6</sup>.

Ҳарбий лавозимларнинг номлари сифатида сархайл (отлиқ отряд бошлиғи), солор (лашкарбоши) каби атмалар ҳам келтирилади. Юришлар вақтида қўшинни одатда ҳукмдорнинг ўзи бошқаради, шу билан бирга, бош кўмондон (сипоҳсолор) лавозими ҳам мавжуд эди. Бу лавозимни қуйи табақадан бўлган кишилар ҳам эгаллаши мумкин эди. Масалан, Масъуд ибн Ҳасан (1161—1171)нинг сипоҳсолори Айёрбек унга қарши кўзғолон кўтарган ва ҳатто қисқа муддатда Самарқанд тахтини ҳам эгаллаган. Қўшин ва унинг бошқа-

рув доирасининг катта аҳамияти нафақат шундан, балки қорахонийлар тарихига оид бошқа кўплаб фактлардан маълум бўлади. Қўшин — салтанатнинг муҳим таянчи эканлиги ҳақидаги фикр «Кутадғу билиг»нинг бошидан-охирига қадар қизил ип бўлиб ўтади:

*«Хукмдор раиятни қўшинсиз бошқаролмайди,*

*Унинг бир ўзи ҳокимиятни қандай бошқара олади!*

*Мамлакатни бошқариш учун қўшин ҳақида ғамхўрлик қилиш керак».*

Унга қандай «ғамхўрлик қилиш» кераклиги қайта-қайта баён қилинади:

*Иккинчиси — сахий бўл, ўлжа билан ҳаммани сийла,*

*Хасис қўшинсиз қолади — оғат шундай азалган.*

*Кумуш инъом эт — гарҳол қўшин тўпланади,*

*Уни босиб қўйсанг — қўшин тарқаб кетади.*

*Қўшинни қувонтир — хазинадан пул улаш*

*Ва талаб қил — нима хоҳласанг, улар содиқ!*

*Тортиқлар билан сипоҳларни қувонтир, уларни*

*хурмат қил,*

*Кўнглингга келган ишга йўллаб, уларни мажбур этма!*

Муаллифнинг ҳукмдорни қатъий туриб сахийликка даъват этиши бежиз эмас. Чунончи, XI асрда Ғарбий хоқонлик қўшинининг асосини ташкил этган чигиллар султон Маликшоҳнинг хасислигидан норози бўлиб, қўзғолон кўтарганлари маълум<sup>8</sup>.

Қорахонийлар қўшинининг умумий миқдори ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Масалан, тахминан 1165 йилда Масъуд ибн Ҳасан Амударёни юз<sup>6</sup> минг кишилик қўшин билан кечиб ўтганлиги хабар қилинади. Бу маълумотга илк бор эътиборни қаратган В. В. Бартольд унинг ишончлилигига шубҳа билдирмайди<sup>9</sup>. Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ, чунки, биринчидан, мазкур маълумотни ушбу ҳодисаларнинг бевоқиф гувоҳи, Масъуднинг сарой муаррихи ёзиб қолдирган, иккинчидан, унинг қўшинида нафақат ўз сипоҳлари, балки кидан отрядлари ҳам бўлган. Уларнинг салмоғи шунчалик катта эдики, Балхнинг босиб олинишини бошқа бир муаррих ҳатто қорахитойлар истилоси сифатида баҳолаган<sup>10</sup>. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, бундан сал олдин бўлиб ўтган 1141 йилдаги Катвон муҳорабасида қорахитойларга қарши урушган мусулмон қўшинининг сони 100 минг деб кўрсатилади. Унинг асосини эса улкан ҳудуднинг



ҳукмдори бўлган Султон Санжар ва унга қарам ўлкаларга тегишли жангчилар ташкил этгани сир эмас. Қорахоний сипоҳлар сони бу катта қўшиннинг ярмидан ҳам кам бўлгани аён. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, Масъуднинг муаррихи ёзиб қолдирган рақамни аниқ маълумот деб эмас, балки хон қўшинининг улканлигига ишора сифатида қабул қилиш керак. Маҳмуд Қошғарий бошқа бир қорахоний ҳукмдор Арслонтегиннинг 40 минг кишилиқ қўшини билан 700 минг кишилиқ кофирлар қўшинини тормор этгани тўғрисида хабар беради<sup>11</sup>. Бу ерда иккинчи рақамдан кўра биринчиси кўпроқ ишонарли: Арслонтегиннинг ғалабаси тўғрисидаги ҳикояда бир жиҳатни ажратиб кўрсатиш керак, яъни кофирлар сон жиҳатидан бир неча баробар кўп бўлишига қарамай, янчиб ташланди; ғалабани бўрттириш учун мусулмонлар эмас, балки кофир қўшиннинг муболаға билан тавсифланиши мутлақо табиий. Мўғулларгача бўлган давр учун 40 минг — жуда катта рақам. Сўзимизнинг исботи учун бир неча мисол келтирайлик. Мовароуннаҳрни босиб олган қорахоний ҳукмдор Наср ибн Али 1006 йили Балхга қарши 6 минг кишилиқ қўшин юборади<sup>12</sup>. 1080 йили Мовароуннаҳрнинг қорахоний ҳукмдори салжуқийлар шаҳзодасининг ҳужумини 8 минг кишилиқ қўшини билан даф этган<sup>13</sup>. Қорахоний Муҳаммад ибн Сулаймон (1102—1130) 12 минг кишилиқ қўшинга бош бўлиб, кофирларга қарши юриш қилган<sup>14</sup>. Ниҳоят, Юсуф Хос Ҳожиб ўз достонида қорахонийларнинг бой ҳарбий тажрибасини умумлаштирар экан, қаҳрамонларидан бири тилидан жанг учун 12 минг, бошқа бир персонаж тилидан — 4 минг жангчи етарли эканлигини баён қилади<sup>15</sup>.

Вилоят (округ) ва шаҳар маъмурияти ҳақида ҳам жуда оз нарса маълум. Шаҳар ва округ бошлиғи раис деб юритилган. Мўғулларгача бўлган давр ҳақида гапирар экан, В. В. Бартольд раис хусусида «шаҳарнинг биринчи рақамли шахси ва унинг манфаатлари намоёндаси; ҳукмдор раис орқали аҳолига ўз ҳукмини ўтказди»<sup>16</sup>, — деб ёзади. Маълум бўлишича, қорахонийлар хоқонлигида ҳам раислар фаолият кўрсатган, лекин унинг вазифаси ўзига хос қандайдир хусусиятлари билан ажралиб турган-турмаганлиги тўғрисида бир нарса дейиш мушкул. Эслатиб ўтганимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Бароқий бир вақтнинг ўзида ҳам

Иброҳим ибн Насрнинг вазири, ҳам Бухоро раиси бўлган<sup>17</sup>. XII асрда Бухородаги ҳанафийлар жамоасини бошқарган бурҳонийлар авлодидан бўлган садрлар бу ерда ворисий раислар ҳисобланганлар ва XIII аср бошигача Бухорони бошқарганлар. Самарқандда ҳам раислар бўлган. Чунончи, Ибн ал-Асир ҳукмдор Арслонхон Муҳаммад (1102—1130)га қарши уюштирилган фитна тўғрисида ҳикоя қилади. Бу фитнага уламолар бошлиғи ва ал-Ғозий шеърларида садр деб аталган шаҳар раиси бошчилик қилганлар<sup>18</sup>. 1185 йили Самарқандда бўлиб ўтган бир дафн маросимида марҳумнинг отасини қози, имом, раис, садр Низомиддин Абураҳмон деб атаганлар.

Мўғулларгача бўлган Ўрта Осиёда «садр» сўзи одатда жуда кўп ҳолларда маъмурий вазифаларни ҳам бажарган уламолар раҳнамоларининг фахрли унвони ҳисобланади. Масалан, шоир Сўзаний (XII аср) қасидаларининг қаҳрамонлари сифатида деҳқон деб аталган ёки алоҳида вилоятларнинг, асосан Самарқанднинг бошқарувчиси бўлган садрлар майдонга чиқади. Деҳқон Али ибн Фаҳриддин Насафни бошқарган<sup>18</sup>. 1185 йилга мансуб қабртош ёзувидан маълум бўлишича, садр нафақат раис, балки қози лавозимини ҳам эгаллаши мумкин бўлган. Муҳаммад ал-Бароқий аввал Бухоро қозиси, кейин вазир, сўнг Бухоро раиси лавозимини эгаллаган<sup>19</sup>. Маъмурий ва қозилик вазифаларини айна бир киши бажариши мумкин бўлган. Чунончи, XI аср охирида Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдусаммад ибн Исмоил ал-Бухорий бир вақтнинг ўзида Ёркент вилоятининг ҳам қозиси, ҳам ҳокими бўлган<sup>20</sup>. 1203 йилда вафот этган Ўзганд шайхи Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммаднинг қабр тошига битилган ёзувда унинг одил қози ва адолатли ҳукмдорлардан бўлганлиги қайд этилган<sup>21</sup>. Сўзанийнинг шеърларидан бирида ҳажв қилинган Кушония қозиси шаҳарнинг тўлақонли хўжайини ҳисобланган<sup>22</sup>. Алоҳида шаҳарлар (вилоятлар, округлар)нинг қозиларидан ташқари, қорахонийлар давлатида бутун суд муассасаларини бошқарувчи бош судья — қозиюл қуззот бўлган. Юқорида эслатиб ўтилган Абу Наср Аҳмад ал-Косоний Хизр ибн Иброҳим даврида қозиюл қуззот лавозимини эгаллаган. У, жумладан, Масхуд ибн Маҳмуд ал-Харқанийни қозилик ишлари бўйича Самарқанднинг Харқан қишлоғидаги ўринбосари этиб тайинлаган.

Ўрта Осиёнинг мўғулларгача бўлган шаҳарларининг маъмурий тузилишини тадқиқ этган О. Г. Большаков Хуросон мисолида бутун-бутун қозилик сулоалари мавжуд бўлганлигини кўрсатади ҳамда тегишли қўлёзма манбаларнинг йўқлиги туфайлигина биз Мовароуннаҳрдаги бундай хонадонларни билмаслигимизни таъкидлайди<sup>23</sup>. Бундай манбалар ҳозиргача ҳам маълум эмас, лекин Самарқандда топилган 1185 йилга мансуб тошдаги ёзувда қайд этилган марҳум шайхнинг — имом ва қози, отасининг — қози, имом, бобосининг эса — улуғ садр бўлганлиги тўғрисидаги маълумот О. Г. Большаков фикрларининг ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

«Қутадғу билиг»да, шунингдек, муҳтасиблар тилга олинади. Уларнинг вазифаси қатъий тартиб ўрнатиш ва мачитлар ишини назорат қилишдан иборат бўлган<sup>24</sup>.

Унча кўп бўлмаган ва узук-юлуқ маълумотлардан ҳам яққол кўринадики, бир қатор фуқаролик маъмурий бошқармалари уламолар вакиллари ҳисобига тўлдирилган. Бу фақат Ўрта Осиё учун табиий ва характерли ҳол бўлиб қолмай, қорахоний ҳукмдорларга ўзларининг қудратларини кўп марта намойиш қилган мусулмон уламоларининг улкан мавқеини яна бир қара кўрсатади. Лекин О. Г. Большаковнинг хулосасига кўра, уламоларнинг таъсири ҳар қанча кучли бўлмасин, умумшаҳар маъмуриятининг барча бошлиқлари бор-йўғи ҳукумат амалдорлари бўлишган, умумшаҳарнинг ўз-ўзини бошқариши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай унсурларга йўл қўйилмаган<sup>25</sup>. Умуман олганда эса, давлат аппаратининг вазиргача бўлган барча аъзолари фақат ҳукмдорнинг «хизматчи»лари, «қул»лари ҳисобланган. Нафақат хизмат шароити, балки ҳатто «хизматчи»нинг ҳаёти ва ўлими ҳам унга боғлиқ бўлган.

*Бирор нарсага салгина хато қилишинг билан  
Ҳар қанча мартабанг улуғ бўлмасин, бошинг  
билан хайрлашавер!*

*Нима бўлганда ҳам бек бу — бек,  
Унинг ишлари асрлар шарафланади.*

Бунга ўхшаш фикрларни Юсуф Хос Ҳожиб досто-

нида кўп учратамиз<sup>27</sup>. Ўзи ҳам улуғ мансабдор бўлган бу киши нима деяётганини яхши билган.

Буларнинг барчасига қарамай, албатта, ҳукмдорнинг ҳуқуқлари мутлақ чекланмаган эмас эди. Унинг сулоланинг бошқа намоёндалари ва ҳарбий асладарнинг ҳуқуқлари, мусулмон уламоларининг нуфузи ва таъсири билан ҳисобланишига тўғри келган. Тақводор қорахоний хонлари ва уламолар ўртасидаги қуррашларда фақат диндор тоифанинг вакиллари қурбон бўлиб қолмай, Фарбий хоқонликка асос солган ҳукмдорнинг невараси — тожу тахт соҳиби ҳалок бўлгани каби ҳодисалар ҳам юз берган.

Шундай қилиб, 200 йилдан кўпроқ ҳукм сурган Қорахонийлар хоқонлиги Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон давлатчилиги тарихида катта роль ўйнади. Бу хоқонлик чегараси қарийб тўлалигича ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бўлган. Унинг асосий аҳамияти шундаки, қорахонийлар бошқарувининг ўзларидан аввалги анъанавий ташкилотлари ўрнига, давлат тузилиши ва ҳокимиятни мерос қолдириш тизимининг бошқача — ниҳоятда қадимий кўчманчи, азалий турк анъаналари билан боғлиқ принципларини олиб келдилар. Қорахонийлар хоқонлиги ўзидан аввал ўтган Сомонийлар давлатидан ҳам Қорахонийлар хоқонлигининг ўзига хос ташкилоти бўлган феодал иқта (ер-мулкни тортиқ қилиш) ва вилоятларга бўлиб бошқариш тизимининг характери ва даражаси билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда, Қорахонийлар хоқонлиги Ўзбекистон давлатчилигининг тадрижий тараққиётида тамомила янги ҳодиса ҳисобланади.

### Адабиётлар

<sup>1</sup> Kochnev B. The origins Karakhanids: A reconsideration // Der Islam. Bd. 73. Berlin, 1996. С. 352—357. Об истории Караханидов существует обширная литература. Это прежде всего классический труд В. В. Бартольда «Туркестан в эпоху монгольского нашествия» (Соч. Т. I. М., 1963). О Караханидах имеются и монографические исследования (Pritsak O. Die Karachaniden // Der Islam. Bd. 31. Berlin, 1953; Караев. О. История караханидского каганата. Фрунзе, 1983; Кочнев Б. Д. Караханидские монеты: источниковедческое и историческое исследование. Автореф. Дис... докт. ист. наук. М., 1993). Итогом многочисленных и весьма важных нумизматических изысканий Е. А. Давидович явилась ее емкая статья (Davidovich E. A. The Karakhanids // History of civilization of Central Asia. Vol. IV. Part

1. Paris, 1998).

<sup>2</sup> Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. Издание подготовил С. Н. Иванов. М., 1983. С. 105.

<sup>3</sup> Камалиддинов Ш. С. «Китоб ал-ансаб» Абу Сада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, 1993. С. 134.

<sup>4</sup> Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. С. 400.

<sup>5</sup> Коконов А. Н. Поэма Юсуфа Баласагунского «Благодатное знание» // Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. С. 501—502.

<sup>6</sup> Pritsak O. Die Kasachaniden. S. 24; Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. С. 553.

<sup>7</sup> Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. С. 174, 192, 240, 408, 409, 417.

<sup>8</sup> Бартольд В. В. Туркестан. ...С. 380.

<sup>9</sup> Уша жойда. 400-бет.

<sup>10</sup> Уша жойда. 399-бет.

<sup>11</sup> Бартольд В. В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Соч. Т. V. М., 1968. С. 86.

<sup>12</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 334.

<sup>13</sup> Бунятов З. М. Гарс ан-Нима ас-Саби и Камал ад-Дин ибн Фувати об истории Караханидов // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. Ежедневник (1974). М., 1981. С. 7.

<sup>14</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 382. примеч. 5.

<sup>15</sup> Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. С. 192.

<sup>16</sup> Бартольд В. В. Туркестан... С. 294.

<sup>17</sup> Камалиддинов Ш. С. «Китоб ал-ансаб». С. 134.

<sup>18</sup> Бейлис В. М. Политические мотивы в творчестве арабского поэта ал-Газзи (441/1049—50—524/1129—30) // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. Ежедневник (1976—1977). М., 1984. С. 43.

<sup>19</sup> Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы. М., 1960. С. 470—471.

<sup>20</sup> Камалиддинов Ш. С. «Китоб ал-ансаб» С. 134.

<sup>21</sup> Бартольд В. В. Богра-хан, упомянутый в Кутадгу билиг // Соч. Т. V. М., 1968. С. 421—422.

<sup>22</sup> Настич В. Н., Горячева В. Д. Эпиграфические памятники Узгена // Киргизия при Караханидах. Фрунзе, 1983. С. 171—172.

<sup>23</sup> Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы. М., 1960. С. 69.

<sup>24</sup> Беленицкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973. С. 329—331.

<sup>25</sup> Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. С. 414.

<sup>26</sup> Беленицкий А. М. и др. С. 333.

<sup>27</sup> Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. С. 312—314.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ВА УНИНГ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИ

Амир Темур салтанатида давлат қурилиши маҳаллий давлатчиликнинг қўшни Шарқ мамлакатлари тажрибаси билан бойитилган асрий анъаналарига асосланган эди.

XIV аср охирига келиб Амир Темурнинг қатъий марказлашган давлати бутун Шарқдагина эмас, балки дунёда ҳам энг йирик давлат бирлашмаси бўлиб қолди. У кенг тармоқли бошқарув ва маъмурий тизимга эга бўлиб, гарчи ўша даврда турк ва мўғул қабилалари орасида қабул қилинган қоидага биноан давлат тегасида расман чингизийлар сулоласига мансуб қўғирчоқ хонлар — аввал Муҳаммад Сўйурғатмиш, кейин Маҳмуд Султон турган бўлса-да мазкур тизим ягона ҳукрон — Амир Темурга бўйсундирилган эди.

Амир Темур давлатининг асослари ҳам 1370 йилдаёқ қўйилган эди, кейинчалик узоқ йиллар давомида кўп сабаблар билан, хусусан унга у ёки бу ҳудудларнинг қўшиб олиниши билан боғлиқ равишда доимий тарзда такомиллаштириб борилди ва ўзгартиришлар киритилди.

Қонунга асосланиш ва мусулмон ҳуқуқи тамойиллари давлат бошқаруви асосида қўйилган пойдевор эди.

«Мен ўз давлатим биносини ислом аҳкомларига мувофиқ равишда қурдим, — деган эди Амир Темур, — уни тўра ва тузук асосида бошқардим, ўзимнинг кундалик фаолиятимда нимаики қилган бўлсам барчасини қонунга асосланган ҳолда амалга оширдим». Амир Темур ўз давлатида қонуннинг кучли ва таъсирчанлигини таъминлади. У еттига идорадан иборат яхлит давлат аппаратини яратди: 1) бош вазир девони (мамлакат ва халқ ишлари бўйича вазирлик); 2) ҳарбий вазирлик (қўшимча тааллуқли ишлар вазирлиги); 3) молия ишлари вазирлиги; 4) сарой вазирлиги; 5) адлия вазирлиги (бош қози девони); 6) давлат хавфсизлиги вазирлиги (девони мушриф); 7) ташқи алоқалар вазирлиги (девони расойил).

Марказий-ижроия ҳокимиятига бу ерда вазирликлар кенгаши (аркони давлат) бошчилик қилар, унинг таркибига бош вазир (девонбеги) бошчилигидаги етти вазир кирар эди. Улар аҳолининг сони, савдо ва маданиятнинг ривожланиши, давлатдаги назорат ишларининг аҳволи ҳақида ҳисоботлар тузиш билан шу-

ғулланар, ҳукмдорга маъмуриятнинг иши, вилоятлардаги ишларнинг бориши, ўлпонлар, солиқларнинг тақсимланиши ва уларни йиғиш ва бошқалар ҳақида ахборот берар эдилар<sup>1</sup>.

Вазирликларнинг ҳар бири муайян вазифаларни адо этарди. Масалан; биринчи вазир (давлат ва фуқаролик ишлари бўйича) ҳосилни йиғиб-териб олиш, вилоятлар ва туманлар бўйича солиқ ва ўлпонларни тақсимлаш ва йиғиш билан шуғулланган эди. Моддий ва пул маблағларининг<sup>2</sup> ҳисоб-китоби, ободончилик масалалари ҳам унинг вазифалари жумласига кирарди.

Иккинчи вазир ҳарбий ишлар бўйича бўлиб (вазир ситох), ҳукмдорга қўшин рўйхатини ва маош тўлаш ҳужжатларини тақдим этар, қўшиннинг қурол-яроғи, озиқ-овқати ҳақида, давлатда ҳарбий ишларнинг аҳволи борасида ахборот берар эди.

Учинчи вазир савдо ишлари вазири бўлиб, савдогарлар томонидан тўланадиган солиқлар ва хайр-эҳсонлардан тушадиган маблағларни назорат қилар, чорва моллари, яйловлар, сув ҳавзалари ва ўтлоқларнинг сақланиши учун жавобгар эди, шунингдек ў чорвадорлардан олинадиган солиқларни йиғиш, эгасиз қолган мол-мулклар ва товарларни тақсимлаш, ҳамда мерос қолдириш масалалари билан ҳам шуғулланган.

Тўртинчи вазир муассасаларнинг молиявий аҳволини назорат қилиб борган ва давлат хазинаси учун масъул бўлган.

Саройда яна учта вазирлик мансаби жорий этилган бўлиб, улар вилоятлардаги ва тобе мамлакатлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берганлар ҳамда давлат мулки масалалари билан шуғулланганлар. Улар хазинага маблағларнинг келиб тушишини назорат қилар ва шу билан боғлиқ молиявий операциялар учун жавобгар эдилар. Умуман олганда, вазирлар кенгаши давлатда назорат ишлари бўйича бош бошқармадан иборат бўлиб «халиса» деб аталган.

Етти вазирнинг барчаси девонбегига бўйсунар, унинг розилигисиз молиявий ёки бошқа операцияларни амалга ошира олмас эдилар. Ёзма манбаларнинг маълумот беришига қараганда<sup>3</sup> Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида давлат бошқарувида олий мансабдор вазифасини Амир Довуд, Жамолиддин Феруз шох, Гиёсиддин Шохмалик, Алоуддин Алиқа Кўкалош, Алишер Навоий ва бошқалар адо этганлар. Улар ўзларининг амалий ишлари билан давлатнинг мустақкамланиши ва гуллаб-яшнашига хизмат қилганлар.

Девон ҳузурида диний ишлар билан боғлиқ масалалар бўйича қози, мамлакат фуқароларининг ишлари билан шуғулланувчи фуқаролик қозиси олий руҳонийлик мартабалари — арзбеги, садри аъзам, шайхулислом ва аҳдас қози мансаблари таъсис этилган<sup>4</sup>.

Арзбеги фуқаролар ва аскарлардан тушган ариза ва шикоятларни қабул қилиш билан шуғулланар, давлат ишлари ҳақида маълумотномалар тузар ва бу ҳақда олий бошқарувга ахборот берар эди. Садри аъзам вақф мулклари ва руҳонийларга тегишли бойликлар бўйича бош амалдор бўлиб у мадраса, мачит ва хонақоларнинг мол-мулкани назорат қилган, вақф қилинган ерлар ва мулкларни рўйхатга олган ва уларни юридик жиҳатдан расмийлаштирган.

Шайхулислом турли ижтимоий табақага мансуб шахслар томонидан шариат аҳкомларининг бажарилишини, уларнинг мусулмончилик маросимлари ва удусларига тўғри риоя қилишларини кузатиб борар эди. Ҳуқуқий ишлар билан давлатнинг бош қозиси (қози ал-қуззот) айна пайтда аҳдас қози деб аталувчи қози шуғулланган. У фуқаролик ишларини кўриб чиқар эди. Махсус котиб (мунши) кундалик маблағлари тушуми ва тақсимланиши учун жавобгар бўлган ва уларнинг ҳисоб-китобини олиб борган.

Маъмурий жиҳатдан Амир Темур давлати ҳокимлар, ноиблар ва туманбошилар томонидан бошқариладиган улуслар, вилоятлар ва туманларга бўлинар эди. Ҳоким ва ноибларнинг кўпчилиги амирлар ва кўпин бошлиқлари эдилар. Шаҳар, вилоят ёки музофот ўзининг молиявий бошқарувига, яъни девонхонага, қози, муфти, мутавалли ва муҳтасибга (амалдор-маъмур) ҳамда иш юритувчига эга бўлган.

Маҳаллий маъмурий органлар олий давлат бошқарувига ва ҳукмдорларга бўйсунар эдилар. Одатда вилоятларнинг ҳокимлари ва ноиблар қилиб шаҳзода ёки ўзини кўрсатган саркардалар ва юқори мансабдорларнинг вакиллари тайинланган. Зеро, Амир Темур ўзининг улкан давлатини ўз ўғиллари, набиралари ва яқин кишилари орқали бошқарган. Бунда у суюрроқ тизимидан кенг фойдаланган. Маълумки, давлатнинг тақдири, унинг юксалиши ёки қулаши кўп жиҳатдан давлат масалаларининг ишлаши ва амалдорларнинг фаолиятига (вазирлар, амирлар ва ҳоказо) боғлиқдир. Шунинг учун Амир Темур марказда ҳам, жойларда ҳам давлат муассасаларини лаёқатли, ҳалол ва виждонли



кишилардан иборат қилиб тузган. Унинг фикрича, давлат хизматчилари, хусусан вазирлар, тўрт зарур хислатларга эга бўлишлари лозим: 1) олийжаноблик ва улуғворликка; 2) ақлга ва саботга; 3) халқнинг ва қўшиннинг аҳволидан воқифлик; 4) қаноат, сабр-тоқат ва тинчликсеварлик.

Амир Темур манфаатпараст, бузук, бахил кишиларни ва тухматчиларни давлат хизматига қабул қилмас эди. У ўз авлодларини ана шундай кишилар борасида огоҳлантирган. У шундай деган эди: «Ёвуз ва кин сақловчи кишилар, сотқинлар ва бахиллар девонлардан ҳайдалиши лозим, чунки бундай одамларнинг давлат ишларида иштирок этиши давлатнинг заифлашувига олиб келади».

Манбалар шундан гувоҳлик берадики, Амир Темур олий девонда ёки маҳаллий ҳоким девонида хизмат қилувчи ҳар бир давлат хизматчисининг ҳуқуқлари ва бурчларини аниқ белгилаб берган. Масалан, у давлат хизматчиларидан катта ва кичик шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг ободончилиги тўғрисида доимий равишда ғамхўрлик қилишини, уларда мачитлар, мадрасалар, хонақоҳлар, ҳаммом, карвонсаройлар, шифохоналар қурилишини, кўприкларни тузатиш ва янгиларини қуришни, савдо карвонлари ва саёҳатчиларнинг хавфсизлигини таъминлашни, экинзорлар ва шаҳарларни ўғрилاردан ва талончилардан ҳимоя қилишни талаб қилган.

Ўз давлати таркибига кирувчи барча вилоятларни Амир Темур ўлимидан сál олдинроқ ўз авлодларига қуйидаги тарзда: Озарбайжон, Рум, Сурия ва Мисрни Мироншоҳнинг ўғли шаҳзода Умарга; Форс ва Ироқни Умаршайхнинг ўғли шаҳзода Пирмуҳаммадга; бутун Хуросонни Рай ва Сийстонгача — шаҳзода Шоҳруҳга; «Султон Муҳаммад Ҳазнавий мулкани» Кобул ва Қандаҳордан Ҳиндистонгача (Синд дарёси водийсини ҳам) Жаҳонгирнинг ўғли шаҳзода Пирмуҳаммадга; Тошкент, Ўттор, Сайрам, Ашпарани то Хитой чегараларигача — Улуғбекка; Фарғона, Тарозни то Хўжандгача, яъни Шарқий Туркистоннинг жануби-ғарбий қисмини Иброҳим Султонга тақсимлаб берган. Мазкур ерларнинг ҳукмдорлари, гарчи, олий ҳокимиятга бўйсунсалар-да, шу билан бирга муайян даражада мустақилликка ҳам эга эдилар, жумладан уларнинг ўз бошқарув аппарати ва қўшини бор эди. Бироқ, олий ҳукмдорларнинг тобеси сифатида ва давлат қонунларига мувофиқ улар ҳукмдорнинг биринчи талаби

билан маълум миқдорда аскарлар жўнатишга ва ҳарбий юришларда иштирок этишга мажбур эдилар:

Суюрғол мулкка эгалик қилишнинг Шарқдаги шакли сифатида Амир Темур даврида кенг тарқалди. Суюрғол мулкларига эга бўлган шахслар уларни вассал ҳокимлар сифатида бошқарар эдилар. Давлат бошлигининг қарори билан кўп ҳолларда мазкур мулклар мерос қилиб берилган. Ҳоким суюрғол ерлардан олинган даромадларни ҳам тўлиқ ёки қисман тасарруф қилган.

Масалан, ҳиротликлар кўзғолони бостирилгандан сўнг Амир Темур Куртлар сулоласини йўқ қилиб Балх, Қундуз, Бадахшон, Хутталон ва Ҳисордан иборат Ҳирот ҳокимлигини тузди ва уни ўзининг ўғли Мироншоҳга суюрғол қилиб берди.

1392 йилда суюрғол асосида набираси Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга разнавийлар мулки инъом қилинди.

1393—1394 йилларда ўзининг иккинчи ўғли Умаршайхга Форсни суюрғол сифатида берди. 1393 йилда Мироншоҳга Эрон ва Ироқ суюрғол қилиб берилди. Кейинчалик бу ерлар Амир Темур томонидан Муҳаммад Султонга олиб берилди, унинг вафотидан сўнг 1400 йилда Мироншоҳнинг ўғли Умарга берилди. Худди шу асосда Умаршайхнинг ўғли Рустам Исфаҳонга, Мироншоҳнинг ўғли Абубакр Бағдодга эгалик қилар эди.

Шундай қилиб, айрим феодал мулкларни бир давлат қилиб бирлаштирар экан Амир Темур айни пайтда янги ҳокимликлар тузиши, музофотлар, вилоятлар ва бутун мамлакатларни суюрғол сифатида улашиб бериш билан давлатни парчалади.

Мустаҳкам ҳокимиятта эга бўлган ҳукмдор тобеларни ўз иродасига бўйсундира олар, унинг иродасига қарши чиққан, фармонларини бажармаган кишиларнинг шўри қурир эди. Масалан, 1388 йилда Амир Темур Самарқандда ўз норозилигини изҳор қилган бир нечта амирларни шафқатсиз жазолади. Шунингдек, у Форсни Шероз шаҳри билан бирга Умаршайхнинг ўғли Пирмуҳаммаддан унинг фармонига кўра юришга чиқишдан бош тортгани учун олиб қўйди. Фақат 1403 йилдагина Пирмуҳаммадга унинг суюрғоли яна қайтариб берилди.

Амир Темур муҳим давлат ишларини ҳал этиш учун чақириладиган кенгашларга катта аҳамият берган. «...ўз ишларининг ўндан тўққиз қисмини мен

кенгашлар маслаҳати асосида (оқсоқоллар, амирлар, вазирлар, ақлли ва кўпни кўрган кишиларнинг) фақат бир қисмини қилич ёрдамида ҳал қилдим», — деган эди у. Кенгашнинг қарорисиз Амир Темур ҳеч қандай ишга киришмас эди.

Амир Темур қурултойлар ва кенгашлар ўтказишга катта эътибор берди. Али Яздийнинг сўзларига кўра, уларда ҳукмдор билан бир қаторда вилоятларнинг ҳокимлари бўлган шаҳзодалар, лашкарбошилар, эътиборли аъёнлар ва бой савдогарлар иштирок этган. Улардан иқтисодий ва ҳарбий аҳволга оид энг муҳим масалалар, давлатнинг асосий ишлари муҳокама қилинган, фармонлар қабул қилинган ва яқин муддатга мўлжалланган чора-тадбирлар белгиланган. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу мажлислар очиқ муҳокама тарзда ўтказилган, турлича фикрларга қулоқ солинган ва улар кейинчалик ҳукмдор томонидан рад этилган ёки қабул қилинган.

Давлат аҳамиятига молик масалалар юзасидан Амир Темур муайян соҳадаги мутахассислар билан маслаҳатлашган. Масалан, 1403 йилда кенгашнинг Байлакондаги мажлисига олимлар ва мутахассислар таклиф этилган ва улар жамоат бинолари, иншоотларни қуриш, ободонлаштиришга оид ишлар бўйича ўз тавсияларини берганлар<sup>5</sup>.

Қурултойлар, кенгашлар, подшоҳ қабули, саройдаги дабдабали маросимлар уларнинг ўтказилишидаги тантанаворликдан бошлаб то аёлларнинг ана шу маросимларда киядиган кийимларигача — ҳаммаси ўрта аср шарқ давлатчилиги анъаналарига асосланганлиги ҳам диққатга сазовордир. Амир Темур даврида улар такомиллашиб, ўзига хос расмий мукаммаллик касб этган.

Масалан, расмий маросимлар чоғида амир ул-умаро, бекларбеги, амирлар, лашкарбошилар, улуслар, вилоятлар ва туманларнинг бошлиқлари ҳамда мингбоши, юзбошилар ўзларининг унвонлари, мартаба ва лавозимларига мувофиқ ҳукмдорларнинг чап томонидан жой олганлар; сайидлар, қозилар, олимлар, мусиқачилар, олий табақага мансуб кишилар — ўнг томонда, бош вазир ва бошқа вазирлар тахтнинг рўпарасида жойлашганлар, шаҳарларнинг ҳокимлари, қишлоқ оқсоқоллари уларнинг орқасидан жой олган. Хос навқарлар (қилич ушлаган жангчилар) тахтнинг орқасида ўнг томонда, соқчилар эса чап томонда турган.

Давлат бошқаруви тизимининг энг муҳим тарки-

бий қисми қўшин бўлиб, уни такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга Амир Темур алоҳида аҳамият берган<sup>6</sup>. Амир Темурнинг юксалиши унинг ҳарбий санъати туфайли бошланган эди. Бироқ Темурнинг расмий тан олиниши уни Мовароуннаҳр ҳукмдори қилиб сайлаган ва унга мамлакатда узоқ вақтдан бери кутилаётган тинчлик ва барқарорликни ўрганиш имконини яратган. Бу Балхдаги Курултойда юз берди. Шунини айтиш лозимки, Ҳусайн билан уруш бошламасдан олдин, Амир Темур Термизга яқинлашган пайтда Термиздан уч фарсах (20 км) узоқликдаги Бева мавзесида унинг қароргоҳига Макка руҳонийларидан бири Сайид Барака келган ва соҳибқиронга ҳукмдорлик рамзлари бўлмиш байроқ ва ноғора топширган эди. Кейинчалик Сайид Барака умрининг охиригача юришларда Амир Темур билан бирга бўлди.

Аммо курултой давлатнинг чегараларини аниқ белгиламади, унга бўйсунувчи; хазинага солиқ хирож тўплаши лозим бўлган ерларни ҳам аниқламади. Амир Темур бу вазифани ўзи ҳал этиши керак эди. Бундан ташқари ошқора ва пинҳона тарзда ҳокимиятга даъвогар бўлган кишилар ҳақидаги масала ҳам ечилмай қолди. Амир Темур дарҳол ана шу вазифаларни ҳал этишга киришди.

1370 йилнинг ёзидан бошлаб Амир Темур Самарқандни пойтахт қилиб танлади ва унда арк бино қилди.

Қисқа вақт ичида бузилган жойларни тиклаб, пойтахт обод қилгач у исёнкор тахт даъвогарлари масаласини ҳамда ҳудудий масалани ҳал этиш учун ҳаркат бошлади. Амир Темурнинг кейинги ўн йил ичидаги кураши ана шу масалаларни бартараф қилишга бағишланди.

1380 йилнинг баҳорида у Кеш атрофига қалъа девори қурди ва ўрта асрларнинг энг улуғвор обидаларидан бири — Оқсарой қурилишини бошлади.

Шундай қилиб, 1380 йилнинг баҳорига келиб, ўн йил ичида беш марта Жетег ва тўрт марта Хоразмга юришларни амалга ошириб у Марказий Осиёнинг ушбу қисмларини умуман бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Унинг шарқий чегараларидаги хавф бартараф этилиб; чегаралар Фулжагача кенгайтирилди. Бир қисми азалдан Чигатой улусига тегишли бўлган Хуросон муаммоси ҳам ҳал этилди. Муаммони ҳал этиш тинч йўл билан амалга ошди. Хуросон ҳукмдори Алибек Жониқурбоний Амир Темур ҳузурига бош эгиб келди

ва итоат қилди. Шундай қилиб Амир Темур давлатининг чегаралари Каспий денгизигача чўзилди. Олтин Ўрда хони Тўхтамишхоннинг бўйсунганлигини ҳисобга олган ҳолда 1380 йилдан бошлаб Амир Темур давлатини империя деб қараш лозим бўлди.

Давлатнинг чегарага яқин минтақаларидаги кейинги воқеалар уни Шарқий Туркистонга, Эронга, Жўчи улусига, Анадўли (Кичик Осиё) Кавказ, Ироқ ва Сурияга бир қатор ҳарбий юришлар уюштиришга мажбур қилди. Уларнинг давом этган муддатларига қараб ушбу юришлар «уч йиллик», «беш йиллик», ва «етти йиллик» деб аталди. Амир Темурнинг мақсади бу ҳудудни марказлашган давлат таркибига қўшиб олиб, Буюк Ипак йўлидаги карвон савдосини ҳамда зиёратчиларнинг, мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинага борадиган йўларини хавфдан холи қилишдан иборат эди.

Ҳали 1360 йилнинг бошида Амир Темур 24 ёшида Мовароуннахрнинг сиёсий ва тарихий майдонига тўла шакланган давлат арбоби сифатида чиққан вақтидаёқ у вайронагарчилик, тўс-тўполон, сотқинлик ва зўравонликка дуч келган эди. Мамлакат бутунлай тарқоқ ҳолда бўлиб, бундан ўзга ерликлар фойдаланар эди. Уша пайтдаёқ у агар мамлакат мана шундай тарқоқ, пароканда ҳолда қоладиган бўлса албатта осонлик билан босқинчилар қўлига ўтиб қолиши мумкинлигини тушуниб етди.

Болалик чоғларидан бошлаб, тарихий ҳикояларни эшитар экан, Амир Темур ўз ватанида ўтмишда кучли давлатлар мавжуд бўлганлигини, улар ҳар қандай душманни қайтара олганлигини билар эди. У мўғул босқинчиларига қарши турган буюк хоразмшоҳлар тарихини яхши билган. Шу сабабли унда аввал Чиратоё улусини, унинг чегарасини тиклаш ғояси пайдо бўлди, кейин эса бутун мамлакатни бирлаштириш ғояси туғилди. Унинг охириги мақсади иқтисодиёти, маданияти гуллаб-яшнаган, аҳолининг хавфсизлиги тўлиқ таъминланган ягона давлатни яратиш эди. Ўз мақсадини амалга ошириш учун Амир Темур 35 уруш олиб борди.

Шарафиддин Али Яздий бу ҳақда шундай ёзади: «Ҳар бир мамлакатнинг ўз подшоси бўлган вақтларда улар ўртасидаги келишмовчиликлар ва тўқнашувлар туфайли кўп мусулмонлар азият чекар, ҳеч ерда тинчлик ва омонлик йўқ, йўлларда ўғри ва талончилар изғиб юрар, шу сабабли улар берк бўлиб бирорта мусулмон ҳеч ерга бора олмасди. Ҳазрат соҳибқирон

эса уларнинг барчасини бартараф этишга куч-ғайрат сарфлади...

Оллоҳ таолонинг иродаси билан дунёда мувозанат издан чиққан, низо барқарор бўлган пайтда ҳазрат соҳибқирон ўз қазаби ва қаҳри билан осойишталикни тиклаши тақдир қилинган эди. Парвардигор уни одамлар орасида танлаб олди ва кўтарди, унинг юрагига ҳокимият ва зафар ишқини солди ва шу туфайли у дунёни забт этди. Унинг адлу адолати сабабли шундай бўлдики, агар бирон киши олтин ёки қумуш тўлдирилган тоғорани бошига қўйиб, ғарбнинг энг чеккаси-дан шарқнинг энг четигача ёлғиз ўтиб борса, ҳеч ким унга назар солишга журъат этмади. Шу билан бирга у кўп ерларни вайрон қилишга мажбур бўлди, агар шундай қилмаса дунёда тартиб ўрнатиб бўлмас эди»<sup>7</sup>.

Амир Темурнинг улувворлиги шундаки, тарих унинг зиммасига бирданига бир нечта буюк вазифаларни юклади. Биринчиси — бу Марказий Осиёни ягона давлат қилиб бирлаштириш. Яна бири 1395 йилда Олтин Ўрданинг тор-мор қилиниши бўлиб, шундан сўнг бу сахро давлати ўзининг илгариги куч-қудратини тиклай олмади. Бу ҳол Москва Русининг кучайишига ва бошқа рус ерларининг мажбур давлат теварагида бирлашувига йўл очиб берди. А. Ю. Якубовский ёзганидек, «Темур Олтин Ўрда билан Ўрта Осиё манфаатларини кўзлаб кураш олиб борди... бироқ объектив тарзда у фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки Русь учун ҳам фойдали иш қилди»<sup>8</sup>.

Бундан ташқари Тўхтамишнинг тор-мор қилиниши туфайли Польша-Литва унияси тикланди ва 1410 йилда Грюнвальд жангида ғалаба қозонилди.

Шундай қилиб, Амир Темур шарқий ва марказий Европа тарихида кескин бурилишни амалга оширди. Амир Темурнинг учинчи миссияси унинг 1402 йилда Анқара ёнида Боязид устидан ғалаба қозонишидир. Усманийлар салтанатини тор-мор қилиб, Амир Темур Кичик Осиёда олдин мавжуд бўлган князликларни тиклади, Усманийлар империясини бўлиб, Константинополь (Истамбул) шаҳри ва бошқа Европа мамлакатларининг забт этилишини 50 йил орқага суриб юборди.

Амир Темур томонидан маданият даражаси турлича бўлган улкан географик ҳудудларнинг ягона марказлашган давлатга бирлаштирилиши туфайли ғарб олимлари томонидан «темурийлар Ренессанси» деб аталган маданиятнинг гуркираб ривожланиши учун

шарт-шароитлар яратилганлигини қайд этиб ўтмаслик мумкин эмас.

Амир Темур томонидан яратилган улкан салтанатнинг бошқарув механизмлари унинг ҳаётлик пайтида жуда таъсирчан эди, чунки, уларнинг бутун фаолият жараёни улкан шахснинг иродаси, қудрати ва улуғворлигига бўйсунарди. Шу билан бирга турли ўлкаларни ягона давлат қилиб бирлаштирар экан, Амир Темур айна пайтда округлар, вилоятлар ва бутун-бутун мамлакатларни суворғол сифатида улашиб бериб, янги ҳокимликларни яратди, улар кўпинча мерос сифатида қолдирилар эди. Бундай тизим давлат ичида марказдан қочувчи кучларнинг тўпланишига хизмат қилди ва охир-оқибатда Амир Темур вафотидан сўнг улуғ давлатнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлди.

### Библиография

- <sup>1</sup> Уложение Тимура. Ташкент, 1992. С. 40—41.
- <sup>2</sup> Уша жойда. 41-бет.
- <sup>3</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Тошкент, 1969; Шараф ад-дин Али Йазди. Зафарнома, л. 457 а.
- <sup>4</sup> Шараф ад-дин Али Йазди. Зафарнома (Сўз боши А. Урунбаев. Тошкент, Фан, 1972, л. 99 а.
- <sup>5</sup> Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. — Тошкент, 1994, 44-бет.
- <sup>6</sup> Муминов И. М. Роль и место Амира Темура в истории Средней Азии. — Ташкент, 1968. С. 28—29.
- <sup>7</sup> Шараф ад-дин Али Йазди. Зафарнома, л. 464 б.
- <sup>8</sup> Якубовский А. Ю. Темур // Таверлан: эпоха, личность, деяния. — М.: Гураш, 1992. С. 33; Греков Б.Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. М. — Л., 1950. С. 373.

# XVI—XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЛАРИ



## БУХОРО ХОНЛИГИ (АМИРЛИГИ)

XV аср охирида Амир Темур томонидан яратилган давлат бир қатор кичик ҳокимликларга бўлиниб кетди. Уларнинг тепасида кўпинча реал ҳокимиятга эга бўлмаган ярим мустақил ҳукмдорлар турар эди. Мовароуннаҳрда Темурийларнинг давлат ишларида асосий ролни тархон беклари ҳамда Хожа Убайдулла Ахрорнинг икки ўғли — Хожа Қутбиддин Яҳё ва кўпроқ Хожаги хожа номи билан машҳур бўлган Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ ўйнар эдилар. Айрим амирлар ҳам расман олий ҳукмдор деб ҳисобланувчи подшога итоат қилмас, мустақил иш юритишга интилар эдилар.

Бу пайтда Ўрта Осиёнинг шимолида Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмдаги кўчманчи ўзбеклар ҳукмдори Абулхайрхоннинг (1428—1469) невараси Муҳаммад Шайбонийнинг қўшинлари куч йиғмоқда эди.

Муҳаммад Шайбоний (1451—1510) гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро ҳокимларининг таклифлари билан Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётига фаол аралаша бошлади. 1497 ва 1498 йилларда у икки марта Самарқандни қамал қилишда иштирок этди. Кейин у темурийларга бўйсунувчи Бухоро ҳокимининг қўшинига қўшилди ва Бухоро ҳокими унинг ёрдамида Тошкент хонига қарши юриш қилди. Маълум муддат у Бухорода яшади ҳамда бу ерда айрим дунёвий ва диний мансабдорлар билан яқинлашиб олди. Улар кейинчалик Муҳаммад Шайбонийга Самарқанд тахтида мустақамланиб олишда ёрдам бердилар.

Бир неча йил ичида Шайбонийхон Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва бутун Хоразмни бўйсундиришга муваффақ бўлди<sup>1</sup>. 1506 йилда Балх забт этилди, 1507 йилда эса Ҳиротни босиб олди. Шайбонийхон ҳаётининг сўнгги даврига келиб унинг қўл остидаги давлат таркибига шимолда Сирдарё бўйидаги шаҳарларни, Хоразмни, Фарғона водийсини, Жанубий Туркменистонни Марв билан бирга ҳамда Машҳад, Астробод билан

бирга Домғон вилоятини қамраб олган улкан ҳудуд кирар эди<sup>2</sup>.

Шайбонийхон «Имом уз-замон, халифат ур-раҳмон» унвонини олиб ўз қўлида дунёвий ва диний ҳокимиятни бирлаштирди<sup>3</sup>.

Шайбонийхон қўшинларига Фарғона ҳукмдори, Амир Темурнинг чевараси Умаршайхнинг ўғли Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) қаттиқ қаршилик кўрсатди. Сулолавий курашда ёш Бобур аввал бошқа темурийлар билан курашиб, кейинчалик эса Самарқанд Муҳаммад Шайбонийхон томонидан забт этилгандан сўнг унинг қўшинларига қарши жанг қилиб икки марта Самарқанд ҳукуматига бошчилик қилишга муваффақ бўлди. Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Самарқандда қолдирилган гарнизонга қарши фитнага Бурхониддин Марғинонийнинг авлоди Хожа Абулмакорим раҳнамолик қилди. Бобур Самарқандга киритилди ва тахтга ўтирди, унинг ҳокимиятини тез орада Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарлари ҳам тан оддилар. Аммо Бобур Самарқандни сақлаб қололмади. Самарқанд атрофидаги ҳарбий ҳаракатлар туфайли вайрон қилинган туманлардан Бобурга ёрдам келмади ва шаҳарда очлик бошланди.

Шаҳарликларнинг оғир аҳволда эканлиги Муҳаммад Шайбонийхонга қўл келди ва у бундан фойдаланди.

Шайбонийхон қўшинининг яқинлашиб қолганидан хабар тошган Бобур душман билан Самарқанд остонасидан Сарипул деган жойда жанг қилишга қарор қилди, аммо қаттиқ жангда мағлубиятга учради ва шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлди.

Кейинчалик у яна бир марта Самарқандни эгаллашга муваффақ бўлди, аммо бу Шайбонийхоннинг ҳалокатидан сўнг юз берди.

1513 йил бошида Бобур Самарқандни узил-кесил тарк этишга мажбур бўлди.

Бундан сўнг фақат айрим шайбоний хонларгина ўз ҳокимиятларининг вилоятлар ҳокимлари томонидан тан олинишига ва марказий ҳокимиятни кучайтиришда муайян ютуқларга эришишга муваффақ бўла олдилар. Ана шундайлардан бири Убайдуллахон (ҳукмронлиги 1533—1539) эди. Бухоро ҳокими бўлгани ҳолда у мазкур шаҳарни давлат пойтахти деб эълон қилди. XVI аср ўртасига келиб Шайбонийлар давлати амалда бир нечта мустақил ҳокимликлардан иборат эди. Унинг

икки энг йирик шаҳари — Самарқанд ва Бухорода бир пайтнинг ўзида расмий равишда хон деб аталувчи икки ҳукмдор ўтирарди.

Сирдарё бўйидаги шаҳарлар ва Фарғонани ўз ичига олган вилоятнинг маъмурий бошқарув ҳамда иқтисодий маркази бўлган Тошкент амалда деярли «мустақил давлат» эди. Тошкентнинг роли Абулхайрхон ва Улуғбекнинг қизи Робия Султоннинг ўғиллари, Улуғбекнинг неваралари бўлган Шайбоний султонлари — Суюнч-хожа ва Кўчкунжихон ҳукмронлиги даврида кучайди.

Тарқоқлик, султонлар ва бекларнинг ўзаро душманлиги шароитида Бухоро тахтига даъвогар сифатида Абдулла султон майдонга чиқди, уни қудратли жуйбор шайхлари фаол қўллаб-қувватладилар. Абдуллахон II (ҳукмронлиги 1557—1598) тарқоқ вилоятларни ўз ҳокимияти остида бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1573 йилда Балх бўйсундирилди. 1574 йилда Ҳисор, 1578 йилда Самарқанд, 1582 йилда Тошкент ва 1584 йилда Бадахшон забт этилди.

Абдуллахон II даврида Бухоро узил-кесил давлат пойтахти, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маъмурий маркази бўлиб қолди, шу сабабли давлатнинг ўзи ҳам кейинчалик тарихчилар томонидан «Бухоро хонлиги» деб аталди. Абдуллахоннинг ҳукмронлик даврида ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ички, ташқи ва транзит савдонинг ўсиши кузатилади. Пул ислоҳоти хоннинг савдо-сотик учун қулай шароитлар яратиш мақсадини кўзда тутувчи ички сиёсатининг таркибий қисми эди.

Абдуллахон II ҳукмдорлигининг сўнгги йиллари ташқи сиёсатдаги муваффақиятсизликлар билан тавсифланади. Шимол томондан қозоқ султони Таваккал ҳаракат бошлади ва бир мунча вақт Тошкентни ва атрофидаги туманларни эгаллаб турди. Жанубда Эрон шоҳи Аббос I-Абдуллахон қўшинларини Хуросондан сиқиб чиқара бошлади. Абдуллахоннинг ўлими Хоразмнинг мустақиллигини тиклаш учун сигнал бўлиб хизмат қилди.

XVI асрнинг охирида Абдуллахон II ўлимидан сўнг мамлакатда марказий ҳокимиятнинг мавжуд бўлмаганлиги, тартибсизликларнинг авж олганлигидан Бухоро хонлигининг ички ва ташқи душманлари фойдаландилар, амирларнинг марказий бошқарувдан тўлиқ қутулиш учун кураши кучайди.

Ҳокимият тепасига келган янги сулола Жонийларнинг (Аштархонийлар) (1601—1753)<sup>4</sup> амирлар ва ҳар-

бий кўчманчи зодагонлар билан ҳамда катта иқтисодий ва сиёсий куч бўлмиш йирик мусулмон руҳонийлари билан ҳисоблашмай иложи йўқ эди. Бу эса муайян даражада давлатнинг тобора кучайиб бораётган тарқоқлигини ва марказий ҳокимиятнинг родини пасайиб кетишини белгилаб берди<sup>5</sup>.

Имомқулихон(1611—1642) даврида бир мунча сиёсий барқарорлик кўзга ташланади. Унинг ҳукмронлигининг дастлабки йилларида кўчманчиларнинг Бухоро хонлигининг шимоли-шарқий районларига босқинчилик ҳаракатлари тўхтамади. Имомқулихон уларга қарши юриш қилди ва Ашпара ҳамда Қоратовгача бўлган ҳудудни бўйсундирди. Шундан сўнг Имомқулихон Тошкентни эгаллади, бунинг натижасида Тошкент вилояти ҳозирги Қозоғистоннинг жанубий районлари билан биргаликда Бухоро хонлигига бўйсунди. Фарғона вилояти ҳам мазкур йилларда унинг таркибида эди. Балх ҳукмдори ҳам Имомқулихоннинг олий ҳокимиятини тан олди. Унинг 30 йилдан ортиқроқ давом этган ҳукмдорлиги даврида Бухоро хонлигининг мавқеи мустаҳкамланди.

Бироқ XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хонлиги Хоразм ҳукмдорларининг талон-тарож қилувчи ҳужумларига учрайди, Бухоро атрофи ва кўплаб шаҳар-қишлоқлар вайрон қилинади.

Балх вилояти ҳам Қундуз, Жузғон, Шибирғон ҳамда Термиз, Кўлоб, Қабодиён округлари билан бирга расман Бухоро хонлиги таркибига кирар эди. Балх ҳокимлиги, гарчи вақти-вақти билан Бухоро хонларининг олий ҳокимиятини номигагина тан олса-да, қарийб 250 йил (XVI аср — XVIII асрнинг биринчи ярми) давомида деярли мустақил вилоят бўлиб келди. Уша даврларга оид ёзма манбаларда Балхни атрофидаги туманлари билан бирга «Балх подшолиги», «Балх давлати», «Балх хонлиги» деб аталиши тасодифий эмас<sup>6</sup>.

Бухоро давлатининг заифлашиб қолганлигидан 1736 йилда Эронда ҳокимиятни ўз қўлига олган Нодиршоҳ Афшар фойдаланди. Ўрта Осиёга қилинган иккинчи юришдан кейин у манғит уруғидан чиққан оталиқ Муҳаммад Ҳақимбий билан шартнома тузишга муваффақ бўлди. Олий ҳукмдор Абулфайзхон (1711—1747) бу пайтга келиб давлат ҳокимиятидан амалда тўлиқ четлатиб қўйилган эди.

Муҳаммад Ҳақимбий Нодиршоҳ билан музокара-

лар олиб борди ва аҳолини унинг қўшинларига қаршилиқ кўрсатмасликка чақирди. Амирлар ва давлат арбобларига уларнинг мол-мулклари ва эгаллаб турган мансабларининг сақланиб қолишига эришишга ваъда берди.

Унинг ёрдами билан Нодиршоҳ Бухоро хонлигининг олий ҳукмдори деб тан олинди ва Бухоро 1747 йилгача, яъни шохнинг вафотига қадар Эронга тобеъ бўлиб ҳисобланди. Бухоронинг тўла ваколатли ҳокими этиб Нодиршоҳ барча оталиқларнинг бошлиғи бўлган Муҳаммад Ҳакимбийни тайинлади, унинг амакиси Бухоронинг бўлажак қудратли ҳукмдори Муҳаммад Дониёлбий Карманани бошқаришга тайинланди, ўғли Муҳаммад Раҳимбий эса Нодиршоҳнинг яқин кишиларидан бири бўлиб қолди.

1743 йилда Муҳаммад Ҳаким вафот этгандан сўнг Муҳаммад Раҳим бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди. Унинг буйруғига кўра 1747 йили Абулфайзхон ўлдирилди. 1753 йилда амир Муҳаммад Раҳим тахтга ўтириб, Бухоро давлатининг сўнгги сулоласи, 1920 йилгача ҳукм сурган манғитлар сулоласига асос олди.

Раҳимбий ҳокимиятни марказлаштириш сиёсатини фаол суръатда ўтказиб, қудратли амирларни мансабларидан бўшатди ва уларнинг ўрнига аҳолининг ўрта табақаси вакиллари тайинлади. Уруғ амирлари ўзларининг асл юртларидан ажратилиб, мажбурий равишда янги ерларга кўчирилди. Бу иш уларни уруғдошларининг қўллаб-қувватлашдан маҳрум қилиш мақсадида амалга оширилди.

Раҳимбий мамлакатни мустақил идора қилишга муваффақ бўлди.

1753 йилда унинг Бухоро тахтига кўтарилишида доимо муайян даражада давлатни бирлаштиришга, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни қўллаб-қувватлаб келувчи хунарамандлар ва савдогарларнинг фаол ҳаракатлари ёрдам берди.

1785 йилда Дониёлбийнинг ўғли Шохмурод амирликда бош оталиқ бўлиб қолди. Номигагина ҳукмрон бўлган жонийларнинг сўнгги вакили Абулғозини (1753 йилдан бошлаб жоний ҳукмдорлар давлат бошқарувида ҳеч қандай ролни ўйнамадилар) тахтдан ағдариб, у ўзини расман «амир — давлат бошлиғи» деб эълон қилди ва Бухоро давлатининг мустаҳкамланиши учун кураш олиб борди. Бухороликлар томонидан қўллаб-

қувватланган бу ҳукмдор уларни бир қатор солиқ ва мажбуриятлардан озод қилган эди.

Шоҳмурод суд ислохотларини амалга оширди, қўшин бошлиқларига ердан келадиган даромад ўрнига пул билан ҳақ тўлашни жорий қилишга, вақф хўжалиқларини тартибга солишга уринди. Шоҳмурод бир неча марта «шиа кофирлари»га қарши уруш эълон қилди ва Эрон, Афғонистон ҳудудларига юришлар уюштирди.

Кейинчалик Бухоро амирлигида давлат ҳокимиятининг анча мустақамланиши кузатилди. Бироқ консолидация жараёнлари Қўқон ва Хива хонликлари ҳукмдорлари томонидан уюштирилган ҳарбий ҳаракатлар ҳамда амирликнинг ўзида кўтарилган кўзғолонлар сабабли тўхтаб қолди. Ана шундай энг кучли кўзғолонлардан бири хитой-қипчоқлар кўзғолони эди.

Насрулло ҳукмронлиги даврида (1826—1860) айрим вилоятларни қўшиб олиш, давлат ҳокимиятини кучайтириш билан боғлиқ янги юришлар авж олдирилди.

## ХИВА ХОНЛИГИ

Хоразм XV аср охири XVI аср бошида расман теурий Султон Ҳусайн давлатининг бир қисми ҳисобланарди. Умрининг охириги йилларида Султон Ҳусайн (вафоти 1507 й.) ўз қўл остидаги ҳудуднинг айрим мустақил ҳокимликларга бўлиниб кетиши жараёнини тўхтата олмади. Шунингдек, у Шайбонийхонга қаршилик кўрсатишга интилган хоразмликларга ҳам ёрдам бера олмади. 1504 йилнинг охирида Шайбонийхон қўшинлари Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарларини бўйсундириб бўлгач, Хивани қамал қилдилар. 1505 йилнинг август ойи охирида қамал тутагандан сўнг Шайбоний қўшинлари шаҳарни эгалладилар.

Забт этилган Хоразмга хон Келакбийни ҳоким этиб тайинлади ва бу янги ерларда қўнғирот уруғининг бир қисми ўрнашди. Мана шу уруғдан кейинчалик Хива хонлигини бошқарган қўнғирот сулоласи ажралиб чиқди. 1511 йилдан бошлаб Хоразмда Чингизхон ўғли Шайбон уруғи авлодлари ҳукмронлик қила бошладилар. Улар Муҳаммад Шайбонийхон мансуб бўлган Шайбон уруғининг бошқа шаҳобчасидан эди.

1556 йилда Аванишхон Хивани давлат пойтахти деб

эълон қилди, аммо амалда, Хоразм тарихининг бошқа даврларида кузатилгани каби, Хива ҳукмдори фақат шаҳар ҳудудида ўз ҳукмини ўтказар эди, Хиванинг пойтахтлиги номигагина эди, холос.

Хиванинг роли XVI аср охири — XVII аср бошларида Амударё ўзанининг ўзгариши ва Урганчдаги ҳаётнинг аста-секин сўниши муносабати билан кескин ўсди. Кўхна Урганчнинг кўп аҳолиси шаҳарни тарк этишга ва Хивадан 30 км масофада жойлашган ерда ўрнашишга мажбур бўлдилар, бу ерда Янги Урганч шаҳри пайдо бўлди. Янги Урганчнинг қулай географик ўрни келажакда унинг Ўрта Осиёнинг ҳунармандчилик ва савдо-маркази сифатида ўсишини таъминлади, бу эса ўз навбатида Хиванинг янада юксалишига таъсир кўрсатди.

XVII аср бошида Араб Муҳаммадхон ҳукмронлиги даврида (1602—1623) Хоразмда нисбий сиёсий барқарорлик ўрнатилган пайтда Хива узил-кесил давлат пойтахти бўлиб қолади. Абулғози Баҳодирхон даврида (1643—1663) умуман давлатчиликнинг роли ўсганлиги сингари Хиванинг роли ҳам ўсди.

Абулғозихоннинг давлатчиликини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлари катта аҳамиятга эга бўлди. У давлатнинг бошқарув тузилмасини ўзгартирди. Айрим вилоятларнинг ҳокимлигига беклар — уруғ бошлиқлари тайинландилар. Бир-бири билан ўзаро низо қилувчи уруғлар бошлиқлари ўртасидаги тўқнашувларнинг олдини олиш учун у Амударёнинг қуйи оқимида яшовчи аҳолини тўртта бирлашмага бўлди, уларнинг ҳар бирига ҳайдаладиган ерлар берилди. Давлат аппаратида муҳим маъмурий мансабларни эгаллаган шахслар уларнинг орасидан тайинланар эди.

Абулғозихон фармонига мувофиқ, уруғларнинг юқори табақасидан хонга маслаҳатчилик қиладиган кишилар гуруҳи ажратиб олинди. Энг эътиборли амалдорлар деб ҳисобланувчи иноқлар ҳам уларнинг орасидан чиққан эдилар.

Абулғозихоннинг ислохотлари фақат уруғлар ўртасидаги урушларнинг олдини олишга ва давлат ҳокимиятини кучайтиришгагина эмас, айти пайтда кўчманчилар ва ярим кўчманчиларнинг ўтrockлашиш жараёнини кучайтириш мақсадини ҳам кўзда тутган эди.

«Фирдавс ул-иқбол» асарида Абулғозихон истеъдодли саркарда «ақлли ва олим одам» сифатида таъ-

рифланади. Унинг даврида Хиванинг маданият маркази сифатидаги роли сезиларли даражада ўсди<sup>7</sup>.

Давлат ишларини тартибга солиш Анушахон даврида ҳам давом этди.

1740 йилда Нодиршоҳ қўшини (1736—1747) Ўрта Осиёга бостириб кирди. Бухоро ва Хоразмни эгаллаб, шоҳ маҳаллий аҳолини шафқатсиз жазолади ва бутун ўлкани вайрон қилди.

Кейинги даврда шаҳар ва қишлоқ жойларида хўжаликни тиклашга Қўнғирот уруғидан чиққан ва 1763 й. дан XVIII асрнинг 90-йилларигача Хива хонлигининг амалдаги ҳукмдори бўлган Муҳаммад Амин иноқ замонида давлат томонидан алоҳида эътибор берилди. У Қўнғирот сулоласининг асосчиси бўлди (1763—1920).

Хива хонлиги ҳаётида иноқлар алоҳида ўрин тутар эдилар, улар эътиборли амалдорлар бўлиб хон сайлашда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаганлар. Муҳаммад Амин иноқ 1511 йилдан бошлаб Хоразмда ҳукмронлик қилган ва бу даврга келиб ўз таъсирини йўқотган чингизий шаҳзодалар номидан давлатни бошқара бошлади. Қўнғирчоқ хонлар Муҳаммад Амин иноқнинг ташаббуси билан тахтга ўтқазилар ва яна ағдариб ташланарди, уларнинг аксарияти даштдан олиб келинар эди.

Муҳаммад Амин марказий ҳокимиятга бўйсунмаган, айирмачилик кайфиятида бўлган вилоят ҳокимларига қарши муваффақиятли кураш олиб борди. У тарқоқ вилоятларни бир давлатга бирлаштириш учун кучайрат билан ҳаракат қилди, ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун туркман қабила бошлиқларидан ҳам усталик билан фойдаланди.

Аста-секин «давлат тартибга солинди, фуқаро эса оқойишга яшай бошлади», — деб таъкидланади «Фирдавс ул-иқбол» асарида. Давлат томонидан раиятни сафарбар қилиш йўли билан амалга оширилган улкан суғориш ишлари деҳқончиликнинг ривожланиши ва кўчманчилар ҳамда ярим кўчманчиларнинг бундан кейинги ўтrockлашувига хизмат қилди<sup>8</sup>.

1804 йилда Элтузар (1804—1806) расман хон унвоинини олди.

Тарқоқ вилоятларнинг бир давлат бўлиб бирлашиши кейинчалик муҳим давлат ишларини ҳал этиш учун олий мартабали амалдорлар ва уруғ бошлиқларидан иборат олий кенгаш таъсис этган ва унга раҳбарлик қилган, солиқ ислоҳотини ўтказган ва божхоналар таш-



кил этган Муҳаммад Раҳим I (1806—1825) даврида юз берди.

XVIII асрда мустақкамланган Оренбург линиясининг пайдо бўлиши билан Хива давлати Россия билан бевосита чегарадош бўлиб қолди. Ана шу даврдан бошлаб икки давлат ўртасидаги сиёсий-иқтисодий муносабатлар сезиларли даражада фаоллашди. Хонликнинг иқтисодий ривожланиши эҳтиёжлари давлатни мустақкамлаш ва марказлаштириш заруратини туғдирди. Бироқ XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразм яна ўзаро урушлар гирдобида қолди. Мазкур йилларда Хиванинг Россияга пахта хом ашёси ва ип етказиб берувчи маконга айланиш жараёни кучайди. Россиянинг ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун Ўрта Осиё, шу жумладан, Хива давлати тобора муҳим хом ашё бозори бўлиб борди. Ва бу ҳол унинг чоризм томонидан мустамлакага айлантирилишининг объектив омилларидан бири бўлди.

### ҚЎҚОН ХОНЛИГИ

Ўрта Осиёнинг сиёсий майдонида Қўқон хонлиги муҳим ўрин тутган. XVII аср охири — XVIII аср бошларида Бухоро хонлигининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган чуқур тушқунлик Қўқон хонлигининг пайдо бўлишининг асосий сабаби эди. Фарғона водийсининг иқтисодий мустақиллигининг ўсиши, ҳудудининг яхлитлиги ҳам Қўқоннинг ажралиб чиқишига кўмак берди<sup>9</sup>.

Қўқон хонлигига дастлаб Шимолий Фарғона ҳудуди Намангандан то Пансадрози ерларигача кирар эди. Давлатнинг биринчи ҳукмдори Шохрухбий эди.

Унинг ўғли Абдураҳимбий ҳукмдорлиги даврида (1722—1733) Қўқон хонлигининг ҳудуди анча кенгайди: Унга Хўжанд (1725—26), Ўратепа (1727), Каттақўрғон, Жиззах ва бошқа ерлар ҳам вақтинча қўшиб олинди. Самарқанд ҳам қисқа муддат давомида Қўқон ҳукмронлиги остида бўлди.

Кейинчалик хонликни мустақкамлаш сиёсати Эрдонабий (1751—1759) ва Норбўтабий (1770—1778) давларида ўтказилди.

Норбўтабий мамлакатда нисбатан бўлса ҳам тинчлик ўрнатишга муваффақ бўлди. Наманган ва Чуст ҳокимлари билан сепарат сулҳ тузилди; у ўз укаси Ҳожибий томонидан кўтарилган исённи ҳам бостирди.

Унинг даврида хонликнинг нисбатан иқтисодий-ижтимоий ривожланиши қайд этилган. Суғориш каналлари тармоғи кенгайтирилди, бир нечта ижтимоий бинолар қурилди. Майда пуллар — пул (пулус, фулус)нинг муомаллага киритилиши ички савдонинг ривожланишига кўмак берди.

Олимбек (1800—1810) даврида хонликнинг ҳудудини кенгайтириш сиёсати давом этдирилди. Ёлланма қўшин ёрдамида Чимкент, Сайрам (1810), Оҳангарон воҳаси ва бутун Тошкент вилояти бўйсундирилди.

1805 йилда Олимбек хон унвонини қабул қилди ва давлат шу пайтдан бошлаб Қўқон хонлиги деб атала бошланди.

Хонлик ҳудудини кенгайтиришга қаратилган худди шундай сиёсат Умархон ҳукмронлиги даврида (1810—1822) ва Мадалихон даврида (1822—1841) ҳам олиб борилди. Мазкур даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт нисбатан юксак ривожланиши билан тавсифланади. Зилзила (1823), вабо эпидемияси (1828—29) сингари офатларга қарамасдан иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Масалан, суғориш каналлари тармоғи кенгайтирилди, янгилари қурилди. 1819—1822 йилларда Наманган вилоятида Янгиариқ канали қазилди. 1830 йилда эса Сирдарёдан Ўратепа томонга қараб суғориш тармоқлари тортилди. Мамлакатнинг маданий ҳаёти ҳам анча жонланди<sup>10</sup>.

Шу билан бирга Муҳаммад Алихон Бухоро амири Насрулла қўшинларининг Қўқонга бостириб киришига қарши тура олмади. У 1842 йилда Қўқонни эгаллаган Насруллонинг буйруғи билан қатл қилинди. Кейинги хонлар даврида хонликнинг сиёсий ҳаётида Мусулмонқул мингбошининг роли анча кучайди. Унинг ташаббуси билан вояга етмаган Худоёрхон тахтга ўтказилди ва Мусулмонқулнинг ўзи васий бўлиб олди. Мусулмонқул Қўқоннинг муҳим муаммоларини ўз уруғи — қипчоқларнинг юқори табақасига суянган ҳолда ҳал қилар эди<sup>11</sup>. Шунинг орасида Мусулмонқулнинг сиёсати унга қарши мухолифотни юзага келтирди, натижада 1853 йилда Мусулмонқул қатл этилди ва уни қўлаб-қувватлаган 20 минг қипчоқлар қириб ташланди.

Ўзининг шафқатсизлиги билан ажралиб турган Худоёрхон замонида ҳукмдорларнинг алмашиб туриши юз берди. Худоёрхоннинг ўзи уч марта тахтга ўтирди.

## ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИДА ДАВЛАТЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Муҳаммад Шайбоний Мовароуннахрни унга қўшни бўлган вилоятлар ва Шимолий Хуросон билан бирга забт этгач ўзини «Халифат ур-раҳмон», яъни худонинг ердаги халифаси деб эълон қилди, унинг хон — Чингизий эканлиги унга жамиятда олий ҳокимият соҳиби деб ҳисобланишига расман ҳуқуқ берар эди.

Гарчи бўлажак олий ҳукмдорни тахтга ўтказишдан олдин оқ кийизга солиб кўтариш йўли билан сайлаш анъанаси Тошкент ҳукмдори Юнусхон ва Абдуллахон II лар мисолида тасвирлаб берилган бўлса-да, тарихий манбалар Шайбонийхоннинг қачон ва қаерда хон қилиб кўтарилганлигини тилга олмайдилар.

Ўзини «ҳазрати имом уз-замон халифат ур-раҳмон» деб эълон қилиб Шайбонийхон ўз қўлида дунёвий ва диний ҳокимиятни бирлаштирди. Давлат ишларига оид муҳим масалаларни ҳал этишда у мажлис чақирар ва унда ўз қарорларини диний ақидаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан фақих-қонуншунослар томонидан тасдиқланишига ҳаракат қилар эди.

XVI аср бошида забт этилган илгари Темурийлар қўл остида бўлган ерларни Шайбонийхон шайбоний султонлар ўртасида тақсимлаб берди. Фақат айрим ҳоллардагина Мовароуннахрнинг шаҳар ва қишлоқларини истило қилишда ўзини кўрсатган уруғ бошлиқлари вилоят ҳокими этиб тайинланди. Масалан, қўнғирот уруғи бошлиғига бошқариш учун Хоразмнинг бир қисми ажратиб берилди.

Ерларини тақсимлашни хоннинг ўзи амалга оширар эди, натижада уларнинг ҳукмдорлари маълум даражада хон ҳокимиятига қарам эдилар. Ерларга нисбатан бўлган олий ҳуқуқ назарий жиҳатдан Шайбонийхоннинг ўзида сақланиб қолди. Ўз хоҳиши билан у бир неча марта ҳокимларни бир вилоятдан бошқа вилоятга ўтказди. Шайбонийхоннинг ҳокимияти охириги темурийлар ва ундан кейинги ворислари билан қиёслаганда кучли эди. У бирон бир султон итоатсизлик қилганда унинг ўзи томонидан илгари бошқариш учун берилган ҳудудни олиб қўя оларди.

Бу борада янги ҳокимлар қисқа вақт ичида кўп ҳолларда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган вилоятларнинг эгалари бўлиб қолдилар. Қози, томонидан муҳр босилиб тасдиқланган юридик ҳужжатлар янги

ҳукмрон сулоланинг ва уруф зодагонларининг айрим вакиллари қўлидаги улкан бойликлардан далолат беради.

Давлатнинг маъмурий мансаблари Шайбонийхон томонидан унинг яқинлари ҳамда темурийлар даврида ҳокимият ишларида қатнашмаган ёки четлаштирилган маҳаллий юқори табақа вакиллари ўртасида тақсимлаб берилган эди. XV асрнинг иккинчи ярмида анча кучайиб кетган юқори табақа руҳонийларнинг ўрнини янгилари эгаллади, булар кўп жиҳатдан энди давлат ҳокимиятига тобе бир мавқеда эдилар.

Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги марказий ҳокимиятнинг кучайиши давлатчилик тараққиётига умуман ижобий таъсир кўрсатди, бироқ кейинчалик ҳали хон тирик пайтдаёқ мамлакатни бошқариш учун майда бўлақларга бўлиш марказдан қочувчи кучларнинг кучайишига сабаб бўлди. Шайбонийхон ҳалок бўлгандан сўнг уларни бошқариб турган султон ва бекларнинг мустақилликка интилиши янги сулолавий ва ўзаро урушларни келтириб чиқарди.

Ўрта Осиёнинг тарқоқ ерларининг бирлаштирилиши ҳамда ҳокимиятнинг анча марказлашуви қисқа муддатга бўлса ҳам муайян даражада ўзаро урушларнинг камайишига, шаҳар ва қишлоқларнинг бир ҳукмдор қўлидан бошқасига ўтиши ва сиёсий рақиблар томонидан тинч аҳолининг очикдан-очик талон-тарож қилиниши, асирга олиниши ҳолларининг камайишига сабаб бўлди. Натижада қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, савдони ривожлантириш учун муайян шарт-шароитлар юзага келди.

Умуман олганда шайбонийларнинг ички ва ташқи сиёсати худди илгари ҳукмдорлар юритган сиёсат сингари савдо-ҳунармандчилик муассасаларининг катта қисмини ҳам ўз қўлига киритиб олган йирик ер эгаларининг манфаатларига хизмат қилар эди.

Шу билан бирга ўзининг бойликка, ҳашамат ва зебзийнат буюмларига бўлган ўсиб кетган эҳтиёжини ҳарбий-кўчманчи зодагонлар янги истилолар ҳисобида қондиришга ҳаракат қилди. Бироқ бундан кейинги истилолар имконияти анча қисқариб кетди. Шимолда Шайбонийлар давлати қозоқларнинг қудратли иттифоқи билан чегарадош бўлиб қолди, жанубда унинг чегараси Сафавийлар давлати билан туташган эди. Шоҳ Исмоил бу вақтга келиб, бошқа вилоятлардан ташқари бутун Фарбий Эронни босиб олди.

Солиқдан тушадиган даромадларнинг камайиб кетиши (XVI асрнинг биринчи ўн йиллиги) Шайбонийларни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун бир қатор чора-тадбирлар кўришга мажбур қилди. Ўзлари яшаб келган жойлардан қочган деҳқонлар ва майда ер эгаларини қайтариш, қайтиб келганларни ўша замондаги кишилардан бири қайд этганидек «яна солиқ тўловчиларга айлантириш» ва «девон (давлат) солиқлари доимий бўлиб қолиши» учун хирожни бир мунча енгиллатишга интилиш бўлди. Қочоқ деҳқонларни яшириш таъқиқланган, агар шундайлар маълум бўлиб қолса уларни доимий яшаш жойига қайтариш лозим эди. Бироқ бу тадбирлар кутилган натижани бера олмасди.

Урушлар ва Нодиршоҳ босқини ирригация иншоотларини хароб қилди, экин майдонларини қисқариб кетишига сабаб бўлди. Халқнинг ҳаёти Субҳонқулихоннинг вазири Мирза Бекларнинг фаолияти ва ўзбошимчалиги йилларида айниқса оғирлашди, ўз кўзи билан кўрган кишининг образли ифодасига кўра у «шўрлик раият олдига жазо эшиklarини ва тўлаб бўлмас солиқлар дарвозасини очди»<sup>12</sup>.

Айрим ҳукмдорлар қишлоқ хўжалигининг ривожланишини қўлаб-қувватлашга ҳаракат қилдилар. Баъзи амирларнинг давлатни донолик ва оқиллик билан бошқаришга қилган даъватлари Абдуллахонга жўнатилган ва Бадриддин Кашмирийнинг «Раузат ур-ризвон» асарига киритилган хатларда ўз аксини топган. Улар ўша давр илғор кишиларининг мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, давлатчиликни мустақкамлаш борасидаги интилишларидан далолат беради.

Давлатнинг асосий бойлиги бўлган ерни (суформа деҳқончилик шароитларида эса сувни ҳам) тақсимловчи энг олий ҳукмдор хон ҳисобланарди, аммо кўпинча давлат ерлари амалда деҳқонларнинг юқори табақаси қўлида бўлиб улар мустақиллигини ошиб боришининг асосий манбаи эди. Амалда катта ҳўдуларнинг эгаси бўлиб қолган ва фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, сиёсий жиҳатдан ҳам мустақил бўлган ярим кўчманчи уруғлар бошлиқлари — амирлар ва бекларнинг ҳокимияти XVII аср охири, XVIII аср бошига келиб кучайди.

Ер мулкчилиги бир неча тоифага бўлинар эди. Бунда уларнинг бирига хос бўлган белгилар бошқаларига ҳам хос бўлиши мумкин эди. Давлат, вақф ва мулк ерлари Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Ман-

ғитлар даврида ҳам мавжуд бўлди. Хива, Қўқон хонликларида ҳам худди шундай эди. Аста-секин хусусий мулк бўлган, давлат солиқларидан озод этилган ерлар — мулки-холис алоҳида тоифа сифатида аниқ ажратила бошланади, бунинг натижасида сўнги ўрта асрлар ер мулкчилигининг мустаҳкамланиши юз беради.

Хон, асосан, ниқобланган шаклда, давлат ерларини шахсан унга тегишли деб ҳисоблаши мумкин эди. Ерга давлат эгаллиги ердан жамоа бўлиб фойдаланиш билан қўшилиб кетди. Ердан жамоа бўлиб фойдаланиш асрлар давомида аста-секин қисқариб боради.

XVI асрнинг биринчи ўн йиллигида ер мулкчининг бир қисмини давлат мулки категориясига ўтказиш кузатиладики; бу марказлашган ҳокимиятнинг белгиларидан бири эди. Бироқ бу жараён жуда қисқа муддат давом этди.

Кейинчалик давлат ерларининг ҳажми шартли ер эгаллигининг ўсиши ҳисобига анча қисқарди (бундай ерларнинг кўп эгалари хонга қарам бўлмаган шахсларга айландилар).

Шартли ер эгаллиги шакллари турлича эди: суюрғол, иқто, танҳо, тиюл ва ҳоказо. Мазкур шакллarning терминологик аҳамияти тарихнинг турли даврида турлича эди, бунда улар хусусиятининг ўзгариши одатда турларининг сонининг ўсишига олиб келарди. Масалан, шайбонийлардан бошлаб «суюрғол» сўзининг мазмуни анча ўзгариб кетди.

Давлат ерлари, тўғрироғи, улардан олинадиган солиқ йиғимлари дунёвий ва диний ер эгалари, ҳарбий-кўчманчи зодагонларнинг хонга қилган хизмати, асосан ҳарбий хизматда бўлганлиги учун тақдирлашнинг асосий манбаи эди.

Ерга эгалик қилишнинг шартли шаклларининг усунлиги қайд этилади, йирик ер эгалари томонидан рента йиғиш ҳуқуқини вақтинчаликдан доимийга айлантириш, кўпинча эса бу ҳуқуқларни мерос қилиб қолдириш жараёнининг кучайиши кузатилади.

Амирлар таъсирининг ўсиб бориши кўплаб олий ҳукмдорларни расман улар билан ҳисоблашишга мажбур қилди. Муҳаммад Раҳимхон кўнғирот (1806—1825) томонидан таъсис этилган олий кенгаш таркибига, масалан, давлатнинг олий мансабдорлари билан бирга энг кучли уруғларнинг амирлари ҳам кирган эди. Кенгашга хоннинг ўзи бошчилик қиларди.

Охир-оқибатда давлат ерларини шартли вақтинча фойдаланиш учун тарқатиб бериш хазинага тушадиган даромаднинг камайишига, хон ҳокимиятининг заифлашувига, давлатнинг номарказлашувига олиб келди. Айрим хонларнинг давлатнинг парчаланиб кетиши жараёнини тўхтатишга уринишлари мамлакатдаги тараққиётнинг умумий йўлини ўзгартира олмади.

Давлат қишлоқ хўжалигини янги суғориш иншоотларини қуриш, эскиларини таъмирлаш йўли билан жонлантириш чора-тадбирларини кўрди. Шайбонийхон даврида сув тақсимловчи кўприк қуриш йўли билан Зарафшон дарёсида сув билан таъминлаш яхшиланди. Абдулахоннинг фармони билан Нуротанинг шарқ томонидан Окчобада «Абдулахон банди» деб аталган тўғон қурилди. Зарафшон дарёси сувини тақсимлашни тартибга солишда XVI асрнинг иккинчи ярмида қурилган сув тақсимловчи кўприклар Пули Кармана, Пули Меҳтар, Пули Жондор катта рол ўйнади. Жўйбор шайхларининг даромадларини янги суғорилган ерлар ҳисобига кўпайтириш мақсадида бир неча йил давомида Вахш дарёсидан чиқарилган суғориш каналлари қурилди. XVII—XVIII асрларда суғориш каналларини қазиб ва таъмирлашга Хива давлати ҳукмдорлари катта аҳамият бердилар. Сувни экинларга етказиб бериш усуллари, сув билан таъминловчи каналларни тозалаш ва таъмирлаш бўйича изчил мавсумий ишлар барча хонликларда ҳосил етиштиришнинг асосий шarti эди. Айрим давлатларда суғоришнинг анъанавий усуллари давлат томонидан алоҳида рисолаларда қайд этилган.

Давлатнинг роли айрим олий ҳукмдорларнинг ҳукмронлик йилларида анча ўсиб борди. Мамлакатнинг нисбатан бўлса ҳам бирлаштирилиши, масалан, Абдулахон II даврида ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдонини ривожлантиришда давлатнинг ролининг ортишига олиб келди. Давлат ҳокимиятининг кучайиши унинг замонида шайхулисломлик мансабини эгаллаган жўйбор шайхлари — руҳонийларнинг энг йирик намоёндалари томонидан қўллаб-қувватланди. Жўйбор шайхларининг обрў-эътибори ва иқтисодий қудрати уларга давлатнинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ энг муҳим масалаларни ҳал этишда иштирок қилиш имконини берар эди. Қишлоқ жойларида кўплаб ер майдонларига, шаҳарларда кўчмас мулкка эга бўлган-

лари ҳолда улар ўрда ноиблари орқали фақат деҳқонларга эмас, хунармандларга ҳам ўз шартларини қўяр эдилар. Йирик мансабдорлар ва қудратли хонлар ҳам улар билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Жўйбўр шайхлари, хусусан Хожа Ислоҳ ва Хожа Саъд олий ҳукмдорнинг позициясини қўллаб-қувватлар эдилар ва давлат ҳокимиятини кучайтиришнинг зарурлигини идрок этишдаги бу бирдамлик ва унинг қўллаб-қувватланиши XVII асрнинг 70—80-йилларида шайбонийлар давлати қудратининг ўсишида катта роль ўйнади.

Бухоро хонлигида янги қишлоқ хўжалик экинларининг пайдо бўлиши, экин майдонларининг анча кўпайтирилиши, айрим шаҳарларнинг фақат улар учун хос бўлган хунармандчилик буюмлари тайёрлашга ихтисослашувининг кучайиши, хунармандлар ўртасидаги ихтисослашув айнан ана шу йилларга тўғри келади. Маъмурий бошқарувда эса оталиқларнинг роли анча ўсди.

Шаҳарликларнинг айрим фуқаролик ҳуқуқларини билвосита қайд этувчи айрим ҳужжатлар XVI асрнинг 80-йиллари ва 90-йилларнинг бошига тўғри келади. Шаҳар аҳолисининг катта қисми суд идоралари — қозихоналарга кундалик ҳаёт билан боғлиқ муаммоларни: кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш, ижара шартларини ва муддатини кўрсатган ҳолда ижарага бериш, хунарманд устага шогирдликка кириш, етимлар ва есирлар таъминоти учун маблағ ажратиш каби масалаларни ҳал этиш мақсадида мурожаат қилар эдилар<sup>13</sup>. Қозихонада тузилган турли хусусиятларга эга ҳужжатларда давлатнинг шаҳар ҳаётини тартибга солишдаги роли акс эттирилган. Ҳужжатли материалларда шаҳар ҳокимияти ва умуман давлатнинг хунармандларнинг ишлаб чиқариш муносабатлари ва улардан олинадиган солиқ йиғимларидаги роли акс эттирилган.

XVI—XVIII асрларга хос белгилардан бири вақф ер эгаллигининг ўсишидир. Умуман ҳамма тоифадаги ерлар — давлат ёки вақф, шартли ёки мулк (йирик ер эгаларига тегишли) ерлар ижарачи-деҳқонлар томонидан турли шартлар асосида ишлов бериладиган кичик майдонлардан иборат эди. Йирик миқёсдаги хусусий хўжаликларнинг мавжуд эмаслиги ўрта асрлар ўрта Осиёнинг ўзига хос хусусиятидир.

Тадқиқ этилаётган даврда рента-солиқ йиғимларини ижарага бериш тажрибаси кенг тарқалди. Ижа-



рачилар кўп ҳолларда йирик ер эгалари ва ҳатто подшо хонадонига мансуб кишилар эдилар. Улар ер эгалари билан (кўпинча мутаваллий сиймосида вақф муассасаси билан) бевосита ишлаб чиқарувчи деҳқон-чорақор ўртасида воситачи сифатида фаолият кўрсатарди. Бунда йирик заминдор-ижарачи солиқлар йиғиш билан бевосита ўзи шуғулланмас, бу ишни махсус муҳассилларга топширар эди. Икки ёқлама ижара деҳқонларга хонавайронлик келтирарди, чунки ижарачи ерни фақат маълум бир муддатга (расман уч йилдан охиқ бўлмаган вақтга) олар эди. Деҳқонларнинг рента-солиқ ижараси муддати ўтгандан кейин тўловга қобил бўлиш-бўлмаслиги уни қизиқтирмас, ўзининг бутун имкониятларини у қисқа муддатли ижара даврида фойда кўришга қаратар эди<sup>14</sup>.

Солиқ йиғимлари йиғимларни умумлаштирувчи кўплаб номларни ўз ичига олади, уларнинг таркибига солиқ йиғимлари ва мажбуриятлар гуруҳи киради; аҳолининг ердан, сувдан фойдаланганлиги учун махсус йиғимлар; мансабдор шахслар фойдасига ундириладиган йиғимлар; ҳукмдор кўшинининг таъминоти учун йиғимлар ва бошқа кўплаб майда ўлпон ва солиқлар. Меҳнаткаш аҳолини шаҳар деворлари, мадраса, мачитлар қурилиши, суғориш ишларини амалга ошириш, йўллар ўтказиш ва бошқа ишларга жалб қилиш кенг қўлланилар эди.

Сўнгги ўрта асрлар даврида асосий ер солиғи хирож (мол) бўлиб, у ҳосилнинг бир қисмидан олинар эди. «Мол» атамаси XVI—XVIII асрларга оид манбаларда «молужихот» ёки «мол ва жиҳот» шаклида учрайди, аммо унинг қисқарган «мол» шакли кенг тарқалган, ундан ҳам кўра кўпроқ «хирож» сўзи қўлланади. Хирож асосан натура шаклида олинган.

Хирождан ташқари бошқа кўп сонли «қонуний», «доимий», «фавқулодда» солиқ ва ўлпонлар ҳам (бир йиғимнинг ўзини икки марта ундиришни ҳам ҳисобга олганда) мавжуд эди. Уларнинг сони айниқса ўзаро урушлар ва давлатнинг номарказлашуви даврида кўпайиб кетарди.

«Ихрожат» — сарфлар, харажатлар ҳам давлатга, ер эгасига ёки вақф муассасасига тўлаш мажбурий бўлган рента-солиқ ҳисобланган. Ихрожатга давлат апаратыни, кўшинни ва хон саройини таъминлаш учун тўланадиган турли йиғимлар кирган. XVI аср ва XVIII аср-

нинг ўртасида худди Темурийлар давридаги сингари ихрожат йиғимлар гуруҳини билдирар эди.

Солиқларнинг катта қисми натура билан олинарди, аммо туманларга нисбатан натурал рентанинг амалда эмас, фақат расман ҳукмрон бўлганлиги ҳақида гапириш мумкин.

Солиқ йиғимларининг турларига «пул» сўзининг кўшимча қилинишига қараганда пул билан олинадиган пилла пули, кўкнор пули, савзи пули, тарвуз пули ва бошқа йиғимлар ҳам бўлган.

Дўкон-устахоналарни бевосита ишлаб чиқарувчига ижарага берилиши муносабати билан тузилган кўп сонли ҳужжатларда ижара ҳақи доимо пуллар билан ифодаланган.

Солиқ тўлайдиган аҳолидан кўшинни таъминлаш учун натурал йиғимлар тўплаш кенг қўлланилган эди. Бу йиғимларнинг миқдори ички низолар, сулолавий ва ўзаро урушлар вақтида ортиб кетарди. Солиқ тўловчи аҳолидан кўшин фойдасига олинадиган солиқлар ва мажбуриятларнинг бир қисми доимий бўлиб, қолганлари айрим ҳолларда ундирилар ва фавқулодда солиқлар рўйхатига кирар эди.

Савдо аҳли — дўкондорлар, олибсотарлар, маҳаллий ва хорижий савдогарлардан ҳам турли йиғимлар ундирилган. А. Женкинсон ва Н. И. Потанинларнинг маълумот беришларича, хон савдогарлардан кўшимча пул маблағлари ва улар келтирган моллардан ўзига зарурини олган. Бухоро хонлигида яшовчи бошқа динга эътиқод қилувчи савдогарлар улар учун белгиланган тегишли ҳақни тўлашлари лозим бўлган.

Ўлпонлар ва солиқларнинг бизга маълум бўлган катта рўйхати 90 га яқин солиқларни ўз ичига олади, аммо уларнинг кўпчилиги фақат айрим вазиятларда ундирилган, баъзилари эса вақт ва жой билан боғлиқ равишда турлича номлар билан аталган.

Марказий ҳокимият кучли бўлган йилларда давлат солиқ солишни ва солиқ йиғимларини ўз қўл остидаги ҳудудларда тартибга солишга интилган, зеро солиқ солиш ва уни йиғишдаги тартибсизликлар хазинага келадиган тушумларнинг озайишига ва халқнинг ўта қашшоқланиб қолишига олиб келар эди. Бироқ, бундай уринишлар ҳамма вақт ҳам амалда сезиларли натижалар билан яқунлана бермаган.

Солиқ йиғимларидан тушадиган барча даромадларнинг фақат арзимаган қисми ижтимоий фойдали қури-

лишлар, суғериш иншоотлари, шаҳар деворлари бино қилишга сарфланар, йўллар ўтказиш ва таъмирлашда фойдаланилар эди.

Солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчалиги давлат номарказлашган йилларда кучайган. Шундай бўлса-да, йирик ер эгалари ва бой савдогарлар ана шундай даврларда ҳам ҳукмдорлардан иммунитет ёрлиқлари олишга муваффақ бўлганлар ва шу тўғрисида солиқ йиғимлари ва савдо божларидан тўлиқ ёки қисман озод этилганлар.

Ўрнатилган меъёрларнинг сақланиши устидан назорат қилишни амалга оширишга шаҳар ҳокимиятлари ҳар доим муваффақ бўла олмаган. Уруф аристократиясининг ўсиб кетган қудрати уларнинг олий ҳукмдордан тўла мустақил бўлишга интилишларини кучайтирди, назарий жиҳатдан давлатни қўллаб-қувватлаши лозим бўлган қудратли оталиқлар эса амалда мустақил вилоятларнинг ҳокимлари бўлиб қолдилар. Улар орасида Балх вилояти ҳокимлари, хусусан, Маҳмудбий Қатағон аҳолида ўрин олар эди.

Ҳукмдорларнинг айримлари дипломатик йўллар билан, ҳарбий юришлар орқали ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилди, лекин юзага келган шароитларда, амирларнинг айирмачилиги умумий ялпи ҳодиса бўлиб қолган пайтда уларнинг саъй-ҳаракатлари фойда бермади, марказлашган давлат айрим мустақил ва ярим мустақил вилоятларга бўлиниб кета бошлади. Ҳукмдорнинг ўз фуқаролари олдидаги бурчларидан бири аҳолини ҳужумлардан ҳимоя қилиш эди.

Ҳарбий қўшилмалар давлатни ва шахсан подшоҳни қўллаб-қувватловчи асосий куч бўлган.

XVI аср бошида жанубга қараб юриш жараёнида Шайбонийхон қўшини Темурийлар давлатининг бўйсундирилган вилоятлари аҳолиси ҳисобига анча тўлдирилди. Натижада Мовароуннаҳрга келган Шайбонийхон қўшини энди кўчманчи, ярим кўчманчи ва қисман ўтроқ аҳолидан тиборат эди<sup>15</sup>. Шайбонийхоннинг замондоши Мулла Шодийнинг образли ифодаси билан айтганда, Бухорони бўйсундиргандан сўнг хон барча бухороликларни 7 ёшдан 70 ёшгача юришда қатнашишга мажбур қилди<sup>16</sup>. Бунинг натижасида мана шу тарзда бутланган қўшинларнинг кучи билан Шайбонийхон 1500 дан 1503 йилгача Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон ва бир қатор бошқа шаҳар ва қишлоқларни забт этишга муваффақ бўлди.

Умуман олганда эса Ўрта Осиё хонликлари олий ҳукмдорларининг ҳарбий қўшилмалари XVI—XVII асрларда турли уруғларнинг жанговар унсурлари таркибидан тузилган бўлиб, асосан, отлич жангчилардан иборат эди. Улар сафарбарликлари, душманни қуршаб олиш ва тўсатдан ҳужум қилиш билан ажралиб турар, ёлғондан чекиниш усуларини эгаллаган эдилар. Айнанан ана шу усуллар кўп жиҳатдан ҳарбий ҳаракатларнинг муваффақиятини таъмин этди. Анъанага кўра қўшин жангчилар сонига қараб бўлинар, уларга мингбошилар, юзбошилар, эликбоши ва ўнбошилар бошчилик қилар эди. Екатерина II нинг сержанти Ф. Ефремов — Дониёлбийнинг собиқ қули, хизмат қилиб юзбоши унвонигача кўтарилган шахс, ўнбоши мансабини Россиядаги капитан унвони билан тенглаштирган.

Доимий ҳарбий қўшилмаларнинг таркиби бу даврда шаҳар ва қишлоқлардан сафарбар қилинган ёшлар ҳисобига тўлдирилган. Ўзбекистоннинг сўнгги ўрта аср даври тарихининг айрим йиллари ҳақида сўз кетганда ўша асрларда яратилган асарларнинг муаллифлари аҳолини рўйхатга олиш ўтказилганлиги ҳақида хабар берадилар ва бунда ҳарбий хизматга яроқли бўлган кишилар ҳарбий қўшилмалар сафида хизмат қилишга мажбур эканлигини кўрсатиб ўтадилар. У ёки бу жойда олинадиган аскарлар сонини оилалар сонига мувофиқ равишда аниқлаш мақсадида солиқ тўловчи аҳоли рўйхатга олинганлиги ҳақида XVIII—XIX асрнинг бошига оид манбаларда маълумотлар бор. Қўшинга хизматга чақириш эркакларни хўжалик ишларидан ажратиб қўяр; шу туфайли агар у оммавий тус олса кўпинча ҳукуматга қарши кўзғолонларга сабаб бўлар эди.

Қўшиннинг саралаб олинган қисмидан гвардия тузилган. XVIII асрда у кўпинча қулардан иборат бўлган. Масалан, Абулфайзхоннинг гвардияси қалмоқлар ва руслардан иборат эди.

XVI—XVII асрларда қўшиннинг асосий қуроли камон, ўқ ва найза эди. XVIII асрнинг биринчи ярмида энди анча такомиллашган қурол турлари: милтиқ (гарчи унинг дастлаб тилга олинishi биз кўрган манбаларда XVI асрга тўғри келса ҳам) ва тўпдан фойдаланилган. Тўпдан XVI асрдаёқ шаҳарларни қамал қилишда фойдаланар эдилар. XVII аср охирига оид маълумотда Бухорода 500 та тўп бўлганлиги айтилади.

XVIII асрда ягона қўмондонлик остида бирлаштирилган қўшиннинг асосини отликлар, пиёдалар ва артиллерия ташкил этади. Бухорода камончи жангчилар сони жуда оз эканлиги ҳақидаги маълумот ҳам шу даврга оид. Юз йил ўтгандан сўнг эса П. И. Демезон бухоролик солдатлар камондан ўқ отиш кўникмаларини йўқотганлигини хабар қилади<sup>17</sup>.

Ўрта асрлар даврида олий ҳукмдор юришга ўз муловимлари, мансабдорлар, шу жумладан руҳонийларнинг вакиллари ҳамроҳлигида чиқар эди. Махсус қозаскар ҳам қўшин билан бирга юрар эди. Сарой тарихчилари ва шоирлари хонга ҳамроҳлик қилиб йўлда юз берган воқеаларни ёзиб борар эдилар. Улар хоннинг қилган ишларини, унинг ҳақиқий ёки сохта галабаларини мадҳ этишлари лозим эди. Уларнинг кўпчилиги бевосита жангларда иштирок этар эдилар. Қўшин эҳтиёжини қондиришга алоқаси бўлган касб эгалари ҳам қўшин таркибига кирарди. Тинчлик пайтида уларнинг кўпчилиги ўз касбига мувофиқ турли ҳунарлар билан шуғулланар эди.

XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатлар бир текис ривожланмади: айрим ўн йилликларда юз берган нисбатан юксалиш давлари навбатдаги тушкунлик давлари билан алмашилиб турди.

Ўрта Осиё халқлари XVII—XVIII асрнинг биринчи ярмида бошидан кечирган офир бўҳрон жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида акс этди. Бундан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухоро ва Хоразмга юриш қилди. Нодиршоҳнинг истилочилик юришлари Бухоро ва Хива хонлиқларининг хўжалигига катта зарар етказди.

XVII асрда Кўқон Бухоро хонлигидан ажралиб чиқди ва мустақил хонлик сифатида минтақанинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётида салмоқли рол ўйнади.

Аста-секин Хива хонлигининг савдо ва маданий марказ сифатидаги ўрни ошиб борди. Савдо, ҳунармандчилик анча жонланди, янги сувориш иншоотлари, саройлар мачит ва мадрасалар қурилиши авж олди. Янги шаҳарлар пайдо бўлди, давлатнинг роли ўсди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёдаги уч хонликнинг барчасида муайян юксалиш кўзда ташланади. Минтақанинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўзаро қалин хўжалик ва маданий алоқалар риштаси билан боғланган бўлиб, бироқ бу алоқалар

кўпинча сулолавий ва ўзаро урушлар туфайли узилиб қолар эди.

Хунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо соҳасидаги давлат сиёсатида муайян ўзгаришлар кузатилади. Агар XVI асрнинг биринчи ярмида Самарқанд савдо-хунармандчилик фаолиятининг асосий марказларидан бири бўлган бўлса, мазкур асрнинг 60—70-йилларидан бошлаб Бухоро Ўрта Осиё минтақасининг энг йирик савдо-саноат шаҳри бўлиб қолди. У хонликнинг (кейинчалик амирликнинг) маъмурий, хўжалик ва маданий марказига айланади. Унинг ҳудуди анча кенгайиб, савдо-хунармандчилик муассасалари, махсус бозорлар, диний ва фуқаролик бинолари сони кўпаяди.

Ўрта Осиё хонликлари иқтисодиётида хунармандлар катта ўрин эгаллар эди. Хунармандчилик маҳсулотлари шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳамда ярим кўчманчи аҳолининг эҳтиёжларини қондирар, унинг бир қисми бошқа давлатларга чиқарилар эди.

Хунармандлар ўзларининг касб-хунар корпорацияларига эга бўлиб; улар муайян даражада шаҳар хунармандлари манфаатларини ҳимоя қилганлар. Шу билан бирга хунармандларнинг ташкилотларидан ҳукмдорлар ўз мақсадлари йўлида фойдаланар эдилар. Уз гумаштаси — хунармандчилик корпорациясининг оқсоқоли орқали давлат савдо-хунармандчилик фаолиятига раҳбарлик қилар ва уни ўз назорати остида турарди.

Шу нарса диққатга сазоворки, сўнгги ўрта аср даврида шаҳар маданий ҳаётининг тараққиётида хунармандлар катта ўрин тутганлар. Уларнинг орасидан кўплаб шоирлар ва ёзувчилар, меъморий обидаларнинг қурувчилари, давлат арбоблари етишиб чиққан.

Ўрта Осиё хонликлари ва давлатчилигининг тараққиётида катта рол ўйнаган шахслар орасида ўзига тўқ хунармандлар табақасидан чиққан кишилар оз эмас. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқларининг кўп қиррали ва бой тарихининг барча саҳифалари ҳали тўлиқ ўрганилган ва ёритилган эмас.

Ўзбекистон тарихининг кўриб чиқилган даврига оид кўплаб муаммоларни келажакда тадқиқ этиш мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ва кейинги авлодларининг бурчидир.

## Адабиётлар

<sup>1</sup> Мукминова Р. Г. О некоторых источниках по истории Узбекистана начала XVI в. // Труды Института востоковедения. Вып. III, Ташкент, 1954.

<sup>2</sup> История Узбекистана Т. III (XVI—первая половина начала XIX в.). Ташкент: «Фан». 1993. С. 35.

<sup>3</sup> *Ahsan-ut-Tawarikh. History of the Safavi Period of Persian History, 15-th and 16-th centuries*, by Hasan-i-Rumly. Ed. by C. N. Seddon, Varoda, p. 98.

<sup>4</sup> Сўнги Жонийлар фақат номигагина хон саналганлар.

<sup>5</sup> McChesney. The «Reforms» of Baqi Muhammad Khan // Journal of the Economic and Social History of the Orient. Vol. XXVI, Part 1, 1980, p. 69—84; Батафсила қаранг: История Узбекистана. Т. 3. С. 56—58.

<sup>6</sup> Ахмедов Б. А. История Балха (XVI—первая половина XVIII в.) Ташкент: «Фан». 1982. С. 7 и др.

<sup>7</sup> Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Aqahi. *Firdaws al-Iqbal. History of Khorezm*. Ed. by Brequel. Zeidew. New York. Kbenhavii-Koln, 1988, p. 138, 226—229, 760; Мукминова Р. Г. Стольный град ханства — Хива // Общественные науки в Узбекистане. 1997. № 7—8. С. 25.

<sup>8</sup> *Уша ерда*.

<sup>9</sup> Бейсембиев Т. «Тарих-и Шахрух-и» как исторический источник. Алма-Ата: Наука, 1987. С. 10.

<sup>10</sup> История Узбекистана. Т. III. С. 206—207; Бейсембиев Т. «Тарихи Шахрух-и» как исторический источник. С. 17.

<sup>11</sup> Показания сибирских казаков Милюшина и Батарышкина, бывших в плену у кокандцев с 1849 до 1852 год // Вестник ИРГО. — 1856. — II, 17 (III), — СПб. — С. 56.

<sup>12</sup> *Ходжа Самангар Термези. Дастанур ал-мулук (Назидание государям)*. / Факсимиле старейшей рукописи, перевод с персидского, предисловие, примечание и указатели М. А. Салахетдиновой. М.: Наука. 1971. С. 165.

<sup>13</sup> *Мажму'а-йи васоик*. УзР ФА ШИ қўлёзмаси. Инв. № 1386.

<sup>14</sup> Мукминова Р. Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вақф-наме». Ташкент, 1966. С. 49—52.

<sup>15</sup> Мукминова Р. Г. К вопросу о переселении кочевых узбеков в начале XVI в. // Труды Института Востоковедения АН УзССР, 1954, № 1.

<sup>16</sup> *Мулло Шади. Фатх-наме*. УзР ФА ШИ қўлёзмаси. Инв. № 5369, в. 385.

<sup>17</sup> Записки о Бухарском ханстве. (Отчеты П. И. Демезона и И. В. Виткевича). — М.: Наука. 1983. С. 72.

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА



## ЎЗБЕКИСТОН РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТАРКИБИДА

Мустамлакачилик даври Ўрта Осиё давлатларининг ҳаёти, сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий тузуми ва давлатчилигидаги муайян ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

— чор Россиясининг ҳарбий истилоси ҳамда Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларининг забт этилиши;

— ҳокимиятнинг мустамлакачиликка асосланган тузилмасининг вужудга келиши билан мустақилликнинг Қўқонда тўла равишда ёки Бухоро ва Хивадаги қисман бой берилиши;

— чоризмнинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунчилик муассасаларининг вужудга келиши, Россия савдо, саноат ва молия капитали ҳукмронлигининг ўрнатилиши;

— Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги товар айирбошлашни кенгайтириш, мустамлакачилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва минтақанинг иқтисодий тузилмасида муқаррар ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган янги иқтисодий шароитларнинг яратилиши;

— минтақа халқларининг миллий манфаатларини, уларнинг энг оддий ҳақ-ҳуқуқларини мутлақо менсимаслик ва улар оммавий равишда асоратга солганиши.

Чоризм истилоси XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ бошланди ва кенг кўламдаги разведкачилик ишлари, Қўқон хонлигининг ҳудудий яхлитлигини муттасил равишда бузишга интилиш, Сирдарё томондан Раим ва Оқмачит истехкомлари, Ғарбий Сибир томонидан Копал ва Верний мудрофаа иншоотларининг эгаллаб олиниши билан бирга борди. Улар чор Россиясининг Оренбург ва Сибирдаги ҳарбий стратегик йўлининг таянч пунктлари ва россиялик босқинчиларнинг Ўрта Осиё хонликлари ҳудудларининг тобора ичкарасига кириб боришлари учун бошланғич нуқта бўлди. Айрим пунктларнинг босиб олиниши Дандевил разведкачи отрядларининг Каспий, Бутаковнинг Амударё қир-

фоқлари, Венюковнинг Чу дарёси ҳавзасидаги ҳаракатлари билан бирга давом этдики, улар Қўқон хонлигига қарашли Тўқмоқ ва Пишпек қалъаларининг олиниши билан ниҳоясига етди (1862). 1863 йилда подшоҳ Оренбург ва Сибирь йўлларини бирлаштириш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Бу чор армиясининг алоҳида-алоҳида босқинчилик юришлари тугаганлиги ва Ўрта Осиё давлатларига қарши кенг кўламдаги ҳарбий ҳаракатлар бошланганлигидан дарак берар эди.

1864 йилда чор қўшинлари Сўзоқ, Чолаққўрғон, Авлиёота, Туркистон ва Чимкентни эгалладилар. Тошкентни олишга бўлган биринчи уриниш муваффақиятсиз тугади, чунки шаҳар аҳолиси жиддий қаршилик кўрсатди ва чор қўшинларини улоқтириб ташлади. Фақатгина Ниёзбек қўрғонини эгаллаб, Тошкент ва унинг атрофи аҳолисини сув билан таъминлайдиган Чирчиқ дарёсининг икки асосий тармоғи устидан назорат ўрнатибгина чор қўшини 1865 йилнинг 17 июнида шаҳарга киришга муваффақ бўлди.

Босиб олинган ҳудудда Туркистон вилояти ташкил этилади. Унинг маъмурий бўлиниши ҳарбий вазифаларни ҳал қилишга мувофиқлаштирилади: ўнг қанот кейинчалик Сирдарё тумани деб қайта номланиб, унга Аральск шаҳри, 1-сонли қалъа (кейинчалик Казалинск деб аталган) ва Перовск (кейинчалик Қизил Ўрда деб аталган) кирган; сўл қанот Авлиёота, Марки, Пишпек ҳамда Туркистон ва Чимкент туманларини ўз ичига олган марказдан иборат бўлган.

1866 йили Туркистон вилояти таркибида чор қўшинлари Бухоро амирлигидан тортиб олган ҳудудда Иржар ва Зомин бўлимлари, Ўратепа ва Жиззах туманлари ташкил этилади. Туркистон вилоятининг ўзи эса, подшоҳ фармонига мувофиқ Оренбург генерал-губернаторлиги таркибига киритилади. Уни бошқариш асослари 1865 йил августдаги «Муваққат низом» билан белгиланди ҳамда ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятининг ўзаро уйғунлигига, шунингдек, маъмурий суд, хўжалик ва бошқа вазифаларнинг бир муассасада марказлашувига асосланди. Вилоятнинг ҳарбий губернатори этиб генерал М. Г. Черняев тайинланди. У бу лавозимда 1866 йилнинг февралигача ишлади. Кейин (1867 йилнинг июлигача) Д. И. Романовский губернатор бўлди.

Жойларда маъмуриятни бир вақтнинг ўзида ҳар-

бий комендантлар ҳам бўлиб ҳисобланган бўлим бошлиқлари бошқардилар. Уларга чор амалдорлари томонидан тайинланган ҳамда маҳаллий аҳолидан ўлпон ва солиқ йиғиш устидан назорат қиладиган оқсоқоллар бўйсунганлар.

Суд соҳасида ўтроқ аҳоли учун қозилик маҳкамалари ва кўчманчилар учун бийлар суди сақлаб қолинди. Айни пайтда, бу судлар тузилмаси ва вазифаларига баъзи бир ўзгартиришлар киритилди. Жумладан:

— қози-калон лавозимини тугатиш йўли билан барча қозиларнинг ҳуқуқларини тенглаштириш;

— судьяларни уч йил муддатга сайлашни жорий қилиш ва даъвогарга у қайси қозига кўпроқ, ишонса, ўпанга мурожаат этиш ҳуқуқини бериш;

— қайсидир даражада чоризм ёки рус аҳолиси манфаатларига даҳл қиладиган ёки шариат қонунларига кўра ўлим жазоси ёки офир шикаст етказиш белгиладиган ишлар кўриб чиқиш учун чор судларига оширилган;

— ҳарбий губернаторга қозилик ва бий судларининг алоҳида ҳукмларини Россия ҳарбий-жиноят қонунларига мувофиқ жазолар билан алмаштириш ҳуқуқи берилди<sup>1</sup>.

Туркистон халқлари аввалбошданок икки томонлама жабр-зулм остида қолди. Улар учун сақлаб қолинган хонликка хос маъмурий-солиқ тизими нафақат заволга юз тутган, балки, аксинча, Россия давлатининг бутун қудрати ва миллий-мустамлакача истибдод усуллари билан кучайтирилган бўлиб чиқди.

Туркистон вилоятини 1865 йилдаги «Низом»да белгиланган қонунлар асосида бошқариш тажрибаси очиқдан-очиқ истилочиликка асосланган идора усули етарлича самарали эмаслигини кўрсатди. Чоризм нуқтаи назарча, у солиқ йиғиш тизимини шакллантира олмади, энг муҳими эса, маҳаллий жамиятнинг мусулмон уламолари, йирик заминдорлар, кўчманчиларнинг аслзода уруғлари, собиқ хонлик амалдорлари каби ўрнатилган режимга очиқдан-очиқ қарши чиққан ижтимоий тоифаларнинг сиёсий таъсирига барҳам беришга яроқсиз бўлиб чиқди.

Россиянинг савдо-саноат доиралари Туркистоннинг табиий бойликларидан фойдаланишдан ниҳоятда манфаатдор бўлиб, Ўрта Осиёдаги вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий қурилишида озми-кўпми даражада туб

Ўзгаришлар қилиш, бу жиҳатдан уларни Россиянинг маҳаллий вилоятлари билан яқинлаштириш, алоқаларнинг қулай йўлини яратишни қатъий туриб талаб қила бошладилар. Улар рус маъмуриятининг маҳаллий урф-одат ва қонунларга аралашувини танқид қилдилар ва уни россияча бошқарув муассасаларини тезроқ жорий этиш талаблари билан маҳаллий шароит ўртасида ўзаро мувозанатни излаш ва топшишга даъват қилдилар.

Шу аснода, 1867 йил 11 июлда янги маъмурий бирлик — Сирдарё ва Еттисув вилоятларини ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этиш тўғрисидаги қонун эълон қилинди. Бу пайтга келиб Кавказ, Польша ва Россия империясининг Шимолий-Ғарбий ўлкасидаги хизматлари давомида катта маъмурий тажриба тўплаган генерал-адъютант фон Кауфман биринчи генерал-губернатор этиб тайинланди<sup>2</sup>. 1867 йилдаги чор ҳукумати манифести билан Кауфманга «сиёсий, чегаравий ва савдо ишларини ҳал қилиш, қўшни мамлакатларга уларнинг Россия билан ўзаро алоқаларига тегишли музокаралар олиб бориш ва битимлар имзолаш, ўзаро келишувга эришиш ва қарорлар қабул қилиш учун ишончли вакилларни жўнатишда чекланмаган ваколатлар берилди»<sup>3</sup>.

Унинг олдига Ўрта Осиёда Россия савдо ва саноати учун «кенг ва осон кириб борадиган йўл» очиш вазифаси қўйилди. Бу вазифани бажариш учун Кауфман 1868 йилнинг январида Худоёрхон билан савдо шартномаси тузишга муваффақ бўлади. Мазкур шартнома Қўқон хонлигини амалда Россия товарлари сотилишини назорат қиладиган бозорга ва хом ашё ресурсларининг арзон манбаига айлантирди.

Ўз орқасидан хотиржам бўлиб ва Қўқоннинг мустахлак сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаб, шу йилнинг май ойида у чор қўшинларини Бухоро амирлиги чегаралари томон бошлади ҳамда йўл-йўлакай шафқатсиз жанглар билан Ургут, Каттақўрғон, Зирабулоқ тепалиги, Самарқандни эгаллади, бу ерларда галаён кўтарган шаҳарликларни шафқатсиз жазолади. Бухоро амирлиги таслим бўлишга ва 1868 йилнинг 23 июнида чор қўшинлари томонидан босиб олинган ҳудудларнинг Россия империяси таркибига кириши тўғрисидаги битимга имзо чекишга мажбур бўлди. Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларини ўз ичига олган Зарафшон округи ташкил этилди (1868). Кейинчалик Ка-

уфман мазкур округ таркибига Панжикент шаҳрининг қўшиб олинishi, 1868 йил августидан бошлаб Абрамов унинг бошлиғи бўлишига русхат берди. 1870 йилнинг апрель-июль ойларида Зарафшон округи таркибига «Тоғ туманлари» номи билан Матчо, Фон, Фалгар, Мағиён, Яғноб каби тоғ қишлоқлари қўшиб олинди.

Кауфман бошчилигидаги Туркистон маъмурияти «Бухоро билан барқарор тинчлик» ўрнатиш, у билан савдо алоқаларини кенгайтиришни ўз сиёсатининг муҳим натижаси, деб ҳисоблади ҳамда Россия империяси учун Бухоро хонлигини қўшиб олишга зарурат йўқ; у ерда қўшин ва маъмурий муассасаларни сақлаб туришдан кўра Бухоро устидан итоаткор амир ёрдамида ҳукмронлик қилиш кўпроқ фойдали эканлигини билдирди<sup>4</sup>.

Хивага қарши ҳарбий юриш қилишга Петербургнинг рухсатини олган Кауфман 1873 йилнинг февралда 12 минг кишилиқ қўшин билан йўлга тушди. Бир вақтнинг ўзида мутлақо алоқалари бўлмаган уруш билан боғлиқ товонни тўлашдан бош тортган туркманларнинг ёвмут қабиласига қарши жазо экспедицияси жўнатишга қарор қилинди. Чор қўшинлари жазолаш ишhini ниҳоясига етказгач, 1873 йил 12 августда Кауфман ва Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ўртасида тинчлик битими имзоланди. Битим шартларига кўра хон ўзининг Россия империясига тобеълигини эътироф этди, бошқа мамлакатлар билан бевосита муносабатлар ўрнатмайдиган бўлди ҳамда рус савдо идоралари ва омборхоналари, пристанлари қуриш учун ўз ҳудудининг бир қисмини ажратиб бериш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олди. Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларда алоҳида маъмурий бирлик — Амударё бўлими тузилиб, Сирдарё вилояти таркибига киритилди. Бу бўлим бошлиғининг вазифаларидан бири Хивадаги ишларнинг аҳволини назорат қилиш ҳамда Туркистон генерал-губернатори ва Хива хони ўртасида воситачилиқ қилишдан иборат эди.

Тез орада Худоёрхонга қарши умумхалқ қўзғолони кўтарилган, аслзодалари Россиядан тўла мустақил бўлган Қўқон хонлигини аввалги ҳолида тиклашни талаб қилган Қўқон хонлигидаги нотинч вазиятдан фойдаланиб, чор қўшинлари хонликнинг асосий аҳоли

пунктларини босиб олдилар, кўзғолон раҳбарларини қўлга олдилар, уларни қатл этдилар ёки ўлка ҳудудидан чиқариб юбордилар.

1876 йил 19 февралда подшоҳнинг Қўқон ховлигини Фарғона вилояти сифатида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритиш тўғрисидаги фармони чиқди.

Ўрта Осиёнинг қолган қисмлари ҳам-худди шу тарзда Россия таркибига қўшиб олинди. 1879 йилдан бошлаб туркман ерларини Кўктепа, Ашгабат, Ахалтекин ҳавзаси ва бошқаларни мунтазам равишда босиб олиш бошланди. 1881 йили босиб олинган туркман ерларида Каспийорти ҳарбий бўлими тузилиб, кейинчалик у Каспийорти вилояти сифатида қайта ташкил этилди (1882).

1884 йили чоризмнинг Ўрта Осиёдаги жанубий chegarаларини белгиловчи Ёлатан ва Марв ҳавзалари Россия империяси таркибига қўшиб олинди. 1895 йили Помир масаласи халқаро миқёсда ҳал қилинди ва чор ҳукумати Помирнинг ички тузилиши билан шуғулланди. Қирғиз кўчманчилари яшайдиган шарқий туманлар Помир ва Орошордан иборат икки вилоятга бўлиниб, Фарғона вилояти таркибига киритилди. Ғарбий Помирга келганда Рушан, Шугнон ва Шимолий Вахан мавқеи бор-йўғи вакилликдан иборат бўлган Бухоро амирига берилди.

Шундай қилиб, аввалги Туркистон генерал-губернаторлиги дастлаб икки вилоят — маркази Тошкент шаҳри бўлган Сирдарё ва пойтахти Верний шаҳри бўлган Еттисувга бўлинди. Кейинчалик босиб олинган ҳудудлар ҳисобига қуйидаги маъмурий-ҳудудий birlikлар ташкил этилди: маркази Самарқандда бўлган Зарафшон округи (1868); маркази Петроалександровск (Тўрткўл) бўлган Амударё бўлими (1874); маркази Янги Марғилон (Фарғона) бўлган Фарғона вилояти (1876), маркази Ашгабат бўлган Каспийорти вилояти (1881). Бу вилоят 1899 йилгача Кавказ ноиблиги таркибида, 1899 йилдан — 1917 йилгача эса Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида бўлган. Еттисув вилояти эса 1882 йили Степь (Дашт) генерал-губернаторлиги таркибига қўшилган, 1899 йилдан эса Каспийорти каби яна Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган.

1886 йили Зарафшон округи Самарқанд вилояти

деб қайта номланди. Сирдарё, Фарғона ва Самарқандни уларнинг замондошлари «маҳаллий» вилоятлар деб атаганлар.

Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий майдони XIX аср охирида 1738918 кв. км.ни ташкил этган. Аҳоли сони 1897 йилги биринчи Бутунроссия аҳолини рўйхатта олишнинг тўла бўлмаган маълумотларига кўра 5280983 кишидан иборат бўлган. Россия статистика бошқармасининг 1914 йилда тўплаган маълумотларига кўра бу кўрсаткич 6492692 кишига етган.

Туркистон аҳолисининг умумий миқдорида ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар кўпчиликини ташкил этганлар. Юқорида кўрсатилган манбаларга кўра, уларнинг миқдори 1897 йилда — 4986324, 1911 йилда — 5941604 кишидан иборат бўлган.

Рус аҳолиси, украинлар ва белорусларнинг сони 1897 йилда — 197240, 1911 йилда — 406607 кишини ташкил этган. Бундан ташқари, Туркистон аҳолисининг этник таркибини татарлар, бошқирлар, грузинлар, арманлар, латишлар, литваликлар, поляклар ва бошқалар, шунингдек, кўшни Шарқ мамлакатларидан бўлган халқлар тўлдирганлар. Улар — қошғарликлар, уйгурлар, таранчилар, форслар, курдлар, афғонлар ва бошқалар.

Туркистоннинг қишлоқ жойларида аҳолининг — 86, 17, шаҳарларда — 13, 83 фоизи тўпланган. Шаҳар аҳолисининг улуши ҳажми Тошкент, Қўқон, Андижон, Самарқанд, Марғилон каби йирик савдо-саноат марказлари жойлашган маҳаллий вилоятлардагина нисбатан юқори бўлган.

Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш бўйича илк дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда «ҳарбий вазият» омили ҳал қилувчи бўлган<sup>5</sup>. Улар чоризмнинг Ўрта Осиё хонликларининг янгидан-янги ҳудудларини босиб олиши муносабати билан вужудга келган ва шунинг учун одатда «муваққат» характерга эга эди. Масалан, «Сирдарё ва Еттисув вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом» (1867) «тажриба тариқасида» уч йил муддатта жорий қилинган бўлиб, 20 йил давомида амал қилди. «Зарафшон округини бошқаришнинг вақтинчалик қоидалари» (1868), «Амударё бўлимни бошқаришнинг вақтинчалик қоидалари» (1874) ва «Фарғона вилоятини бошқариш бўйича вақ-

тинчалик Низом» (1876) тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Буларнинг барчаси ўз моҳият асосига кўра «ҳарбий ва маъмурий ҳокимиятнинг ажралмаслиги ва уларнинг бир ерда бирлаштирилиши»ни тасдиқлайди. Шў билан бирга, зикр этилган вазият билан боғлиқ омил ва мустамлакачи амалдорларнинг маҳаллий жамиятнинг анъанавий ижтимоий-ҳуқуқий ва цивилизациявий меъёрларини билмасликлари чоризмни ён беришга сиёсий хусусиятга эга бўлмаган ва олий идораларнинг «иш услуби»га дахл қилмайдиган, империянинг бошқа жойларида амалда бўлган ҳолатларга мувофиқ келадиган барча ишларда халқ томонидан сайланадиган ички бошқарувга рухсат беришга мажбур қилди.

Ҳуқуқий муносабатлар соҳасида, ҳужжатларда айтилишича, «улар то рус қонунлари билан белгилаб берилгунига қадар» шариат қоидалари ва маҳаллий урф-одатлардан фойдаланиб туришга қарор қилинди; «маҳаллий бошқаришга давлат манфаатларига жиддий равишда зарар етказиши мумкин бўлган бирор-бир нарсани аралаштирмаслик» кўзда тутилди, шунингдек, «маҳаллий бошқарув талабларининг вужудга келиши ва мураккаблашиб боришига мувофиқ равишда»<sup>6</sup> ҳокимият органларини секин-аста ривожлантириш режалаштирилди.

«Халқни ҳарбий йўл билан» бошқаришнинг бу умумий қоидалари нафақат Тошкентда, балки Петербургда ҳам Туркистон генерал-губернаторлиги устидан назорат қиладиган, ундан ҳисоб талаб этадиган ҳарбий вазирлик томонидан нашр қилинган кўп сонли қарорлар, йўриқномалар ва кўрсатмаларда ривожлантирилди ва батафсил баён этиб берилади.

Ҳокимиятнинг мустамлакачилик тизимининг энг юқори поғонасида подшоҳ томонидан тайинланадиган генерал-губернатор турар эди. У ташқи сиёсий, маъмурий, ҳарбий, суд, хўжалик ишларини ўз қўлида бирлаштирган. Туркистон аҳолисидан солиқ йиғиш миқдорларини белгилаган, чет эликларга рус фуқаролигини берган, сиёсий сабаблар билан хоҳлаган кишини 5 йил муддатга ўлкадан чиқариб юбориш, ишларни кўриб чиқиш учун ҳарбий ва ҳарбий-дала судларига ошириш, нафақат чоризм судлари, балки қозилар ва бийлар судлари томонидан чиқарилган ўлим жазоси бериш тўғрисидаги ҳукмни тасдиқлаш ҳуқуқига



эга бўлган. Маълум бўладики, унга Туркистон халқларини ҳарбий ва ноҳарбий амалдорларнинг бутун бир армияси томонидан ҳаракатлантириладиган бюрократик машина ёрдамида тасарруф этиш ва бошқариш ҳуқуқи берилган.

Бу машинанинг асосий бўғини Туркистон генерал-губернаторлиги девони эди. Чоризм мустамлака аппаратининг олий бюрократик органи бўлмиш мазкур девон кўп минглаб кишиларнинг тақдирини ҳал қилган. 1867 йили ташкил этилган ва дастлабки вақтларда 4, кейинчалик 9 бўлимни ўз ичига олган девон маъмурий-фуқаровий ва нозирлик тартиблари, ер масалалари ва мажбуриятлар, йўл қурилиши, тоғ ишлари, Хива ва Бухоронинг Россия империясига тобеълиги билан боғлиқ ҳамда Шарқнинг кўшни мамлакатлари билан алоқаларга оид масалалар билан шуғулланган.

Девоннинг ўлкани бошқариш бўйича турли меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш ва ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги роли айниқса сезиларли бўлган. Девон махсус тузилган ҳукумат комиссияси билан биргаликда Туркистон билан боғлиқ барча қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этди ва уларни кўриб чиқиш учун Россия вазирликлари, идоралари ва Давлат кенгашига тақдим қилди. Девон Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги ижроия органи бўлишига қарамай, унинг иқтисодий ва суд соҳаларидаги ҳуқуқларини кескин равишда чегараловчи янги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом» амал қила бошлаган 1886 йилга қадар бошқаришнинг барча тармоқларида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Девон таркиби мустамлака тузуми ҳукм сурган бутун давр мобайнида талабга жавоб бермай ўтди. Чоризмга «садоқат билан хизмат қилиш» ниқоби остида кўпинча бу ерга маърифий бошқарув масалаларида лаёқатсиз кишилар, порахўрлар ва давлат мулкани талон-торож қилувчилар ўрнашиб олганлар. Кауфман маъмуриятининг маҳаллий аҳолининг томорқа хўжалигига нисбатан ноқонуний муносабатда бўлган, уларни яйловлар ва ер-мулкларидан маҳрум қилиш билан шуғулланган, хизмат мавқеини турли даражада суистеъмол қилган П. П. Каблуков, Головачёв, Савенков, Гуюс ва бошқа амалдорларининг хатти-ҳаракатлари нафақат маҳаллий, балки Россия матуботида ҳам кенг кўламда фош қилинди.

Туркистон вилоятларидаги вазиятнинг ҳақиқий «хўжайин»лари ҳарбий губернаторлар эди. Улар бир вақтнинг ўзида у ёки бу вилоятта жойлаштирилган кўшиннинг миқдорига боғлиқ ҳолда командирлар корпуси ёки дивизия ҳуқуқида кўшин кўмондони ҳам ҳисобланган. Ҳарбий губернаторларга нафақат маъмурий, балки полиция ва судга хос вазифалар ҳам юклатилган эди. Уларга маҳаллий миллатта мансуб шахсларга 100 сўмдан ортиқ бўлмаган миқдордаги жарима солиш ва уларни маъмурий тартибда бир ойгача қамаб қўйиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, барча суд ва жазо муассасалари устидан назорат ўрнатиш, сиёсий ва жиноий ишлар бўйича ҳукмларни тасдиқлаш, мустамлака маъмуриятининг қўйи бўйинлардаги қонунбузарликлар устидан маҳаллий аҳолининг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ваколати берилган<sup>7</sup>.

Вилоятлардаги муҳим маъмурий муассаса ҳарбий губернаторлар ҳузуридаги маҳкама ҳисобланган. Маҳкамалар бўлимларни ўз ичига олиб, уларнинг сони мустамлака тартибини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш даражасига қараб ошиб борган. Масалан, дастлабки даврларда бошқарув, хўжалик, суд ва ҳисоб-китоб шўбаларидан иборат 3—4 та бўлим фаолият кўрсатган бўлса, XIX асрнинг 80-йилларига келиб қурилиш, чегараларни белгилаш, қишлоқ-врачлик, ветеринария, давлат мулкани бошқариш, ер ва солиқ ишлари, ўрмон шўбалари, шунингдек, ҳар бир вилоят маҳкамаси ҳузурида босмаҳона ва статистика кўмиталари очилади<sup>8</sup>.

Вилоят маҳкамаларида ҳаминча хўжалик бўлимлари асосий роль ўйнаб, улар зиммасига қўйидаги муҳим вазифалар юкланган: ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг ер ишларини «тартибга солиш», вақф ишлари, маҳаллий аҳолининг сувдан фойдаланиш ва солиқ тўлаш ишларини бошқариш, давлат муассасаларини пул мажбуриятлари ва уларни идора қилиш сарф-харажатлари сметасини тузиш, божхона тўловларини йиғиш ва ўлканинг хом ашё ресурсларини қазиб олиш учун рўхсатномалар бериш, савдо битимлари ва пудратларини расмийлаштириш.

Мустамлака ҳукуматининг маҳаллий аҳоли ҳаётининг барча соҳаларига ўзбошимчалик билан аралашуви ва ҳар томонлама бўйсундириш тамойили бошқарувнинг қўйи органлари тузилиши ва вазифаларини кўриб чиқиш жараёнида янада аниқ-равшан намоён

бўлади. Бу, биринчи навбатда, уезд бошлиқлари раҳбарлигидаги уезд маъмуриятига тегишли. Уезд бошлиқлари одатда шаҳар оқсоқоли, давлат муассасаси бошлиғи, ер-солиқ хизмати раиси, полиция бошлиғи, уездда жойлаштирилган кўшин кўмондони каби бир қанча лавозимларни эгаллаган<sup>9</sup>.

Тизимнинг бу тармоғи устига волостлар ва қишлоқлардаги тартиб-интизомни назорат қилиш, солиқларни ҳисоб-китоб қилиш, ер ва сув ҳақидаги доимий жанжалларни ҳал этиш, маҳаллий маъмурий ва суд органларига сайловлар ўтказиш каби кўп сонли жорий ишларнинг асосий оғирлиги тушар эди. Амалда бу тармоқ энг лаёқатсиз, шахсий, ғаразли мақсадларни кўзловчи бўлиб чиқди ва юқори идоралардан ўзини кучайтириш учун кўп бора қайта ташкил этишларни талаб қилди. Уезд маъмуриятини полиция ва жазо ваколатлари билан кучайтириш, халқ қаҳру ғазабига учраган амалдорларни ўз вақтида кўшни уездлар ва вилоятларга ўтказиш, уларнинг жуда ҳаддан ошганларини жавобгарликка тортиш орқали шундай «кучайтириш»га муваффақ бўлинди. Масалан, 1883 йили Фарғона вилоятида мустамлака амалдорларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан 238 марта тергов олиб борилгани қайд этилган, 106 ҳолат бўйича текшириш ўтказилган, лавозимдан фойдаланиб, жиноят содир этгани учун 18 киши судга берилган, қолган ишлар ҳарбий губернатор буйруғи билан тўхтатиб қўйилган<sup>10</sup>.

Маҳаллий аҳолига қонунга, ҳилоф равишда оғир солиқлар солиш амалдорлар ахлоқи нуқтаи назардан одатий ҳодиса эди. Йўллар, кўприклар ва бошқа иншоотларни қуриш ва таъмирлаш учун аҳолидан йиғилган маблағларни талон-тарож қилиш, тамаъгирлик ҳамда волость ва қишлоқлар оқсоқоллари лавозимини сотиш, вақф ерлари ва мулклари билан боғлиқ турли қинғир ишлар ва бошқалар жуда авж олган эди. Бу жараёнлар вилоятлар ҳарбий губернаторлари, генерал-губернаторларнинг ҳисоботлари ва ҳатто Ф. К. Гирс (1882) ва К. К. Пален (1907) каби сенаторларнинг тафтиш ҳужжатларида ҳам деярли акс этмаган. Сенаторлар волость ва қишлоқ оқсоқоллигига номзодлар тайинлашдаги порахўрликлар, қозилиқ ва бийлик судларининг сотқинликлари ҳақидагина ёзишни лозим топиб, сайлов тизи-

мини бекор қилиш ва ҳамма даражаларда империя судларининг фаолият кўрсатишини жорий этиш зарурлигини талаб қилдилар.

Волостлардаги ҳокимият тизими бошқарув ва сайлов қурултойидан иборат бўлган. Волость оқсоқоллигига сайловлар икки босқичда ўтказилган. Дастлаб қишлоқ йиғини тўпланган. Унда ҳар 50 хонадон соҳибидан бир киши сайланган. Кейин қишлоқ жамоасидан сайланганлар рус маъмуриятининг кузатувчилигида ўтадиган волость қурултойига йиғилганлар. Сайланганлар умумий миқдорининг 2/3 қисми қатнашмаса, волость йиғини ўтказилмаган ҳисобланади.

Волость қурултойи волость оқсоқоли, халқ судьялари — қозилар, бийлар ва уларга номзодларни сайлаш; маъмуриятнинг қўйи лавозимдаги шахслари — ариқ-оқсоқоллар, мироблар, райслар, миршаблар ва бошқаларга маош белгилаш; аҳолини сув билан таъминлаш ва унинг сувдан фойдаланишини тартибга солиш; йўллар, кўприклар, турли хўжалик қурилишларининг аҳолини назорат қилиш мақсадларида ўтказилган.

Оқсоқол алоҳида сиёсий вазифаларни ҳам бажарган: ўзига ишониб топширилган волостнинг тинчлигини назорат қилган; халқ суди қарамоғида жиноятлар бўйича дастлабки тергов ўтказган, 3 сўмгача жарима солган (1867 йилги Низомнинг 112-банди).

Агар волост оқсоқоли рус маъмуриятини қониқтирмаса, вилоят ҳарбий губернатори янгидан сайловлар ўтказиш ёки унинг ўрнига вақтинча бошқа кишини тайинлаши мумкин эди. Чор маъмурияти бу ҳуқуқдан жуда кенг фойдаланган. Масалан, Ф. К. Гирсининг ҳисоботида қуйидаги маълумот келтирилади: «Уч йил мобайнида Сирдарё вилоятидаги волость оқсоқолларидан 38 киши ўз вазифасидан озод қилинган, бу 35% ни ташкил этади ва йилига деярли 13 кишига тўғри келади»<sup>11</sup>. Бундай ҳодисалар бошқа вилоятлар учун ҳам хос эди.

Агар шаҳар бошқаруви ҳақида гапирмай ўтилса, Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий-маъмурий қурилиши тўғрисидаги материаллар баёни тўла бўлмаган бўлар эди. Шаҳарлар даҳаларга бўлиниб, уй соҳибларининг йиғинлари сайлаган сайловчиларнинг қурултойида сайланган оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Шаҳар туманларининг оқсоқоллари ҳарбий гу-

бернатор томонидан тайинланадиган бош оқсоқолга бўйсунганлар. Бош оқсоқолга қуйи полиция хизматчилари — миршаблар, шаҳар суфориш тизимининг бошлиқлари — мироблар ҳамда судьялар — қозилар ва бийлар ҳам тобеъ бўлганлар. Уларнинг барчасига алоҳида тўпланган маблағ ҳисобидан маош тўланган. Шаҳарларнинг европалик аҳоли яшайдиган қисмларида маъмурият ҳарбий губернаторлар томонидан тайинланган<sup>12</sup>.

Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий ва маъмурий маркази бўлган Тошкент ўзига хос бошқарув тизимига эга эди. Шаҳарнинг эски ва янги қисмларида алоҳида-алоҳида хўжалик-жамоат маҳкамалари ташкил этилган. Шу билан бирга, эски шаҳарда маҳкама аъзолари шаҳар катталарининг вакиллари томонидан сайланган. Янги «Шаҳар низоми»га мувофиқ 1877 йилда бутун шаҳар хўжалигини бошқариш Тошкент ҳар иккала қисмининг ялпи аҳолиси томонидан сайланадиган шаҳар Думаси қўлига ўтди.

Дума аъзолигига сайловларда иштирок этиш ҳуқуқидан кўчмас мулк (шаҳар фойдасига солиқ йиғиладиган вақфлар ҳам бунга кирган) соҳиби бўлган, 25 ёшдан ошган, Россия фуқаролигига эга аҳолигина фойдаланган. Бу талабларга жавоб бермаган аҳолининг меҳнаткаш тоифаси сайловларга қўйилмаган.

Тошкент Думаси аъзоларининг 1/3 қисми шаҳарнинг «Осиё қисми»дан, 2/3 қисми «руслар яшайдиган қисми»дан сайланган. Сайловчилар мулкий ҳолатига кўра табақаларга бўлинган. Ҳар бир табақа уни ташкил этган кишилар сони қанчалигидан қатъи назар бир хил миқдордаги аъзоларни — 24 кишини сайлаган<sup>13</sup>. Масалан, биринчи чақириқ Дума таркибига биринчи тоифали аъзо қилиб 24 киши сайланган. Уларнинг фақат 6 нафарини маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил этган. Иккинчи тоифали аъзо қилиб — 8, учинчи тоифали аъзо қилиб — 7 нафар маҳаллий миллат кишилари сайланган. Шундай қилиб, 80 минг кишидан иборат бўлган маҳаллий аҳоли 21 номзодни сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлари ҳолда; унча кўп бўлмаган, 1877 йилдаги маълумотларга кўра 3921 кишини ташкил этган рус аҳолиси Дума аъзолигига 48 номзодни сайлаган<sup>14</sup>. Думанинг ижроия органи — шаҳар Маҳкамасига вакиллар сайлашда ҳам худди шундай тенгсизликка йўл қўйилган.

Тошкент шаҳар ҳокими маъмурият томонидан тайинланган ва у одатда Тошкент шаҳри бошляғи ҳисобланган. Бу икки лавозимни ўз қўлида тутган К. П. Кауфман буни: «...мазкур лавозимга ўз вазифасига нолойиқ кишининг тасодифан сайланиб қолишидан эҳтиёт бўлиш, энг муҳими эса, аҳолисининг асосий қисми яқинда бўйсундирилган мусулмонлар бўлган шаҳарнинг сиёсий аҳволини ҳисобга олиш»<sup>15</sup> билан асослайди. Бу амалда шаҳар ўз-ўзини бошқарувининг тўлалигича мустамлака маъмуриятига бўйсунганлигини кўрсатади. Бу шировард натижада аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсатига айланди.

Мустамлакачиликка асосланган ҳокимият тизимининг умумий тавсифи унинг муҳофаза қилиш ва жазолаш муассасаларининг фаолиятида ҳам ўз аксини топади. XIX асрнинг 60—80 йилларида суд тизимининг асосий бўғинлари қуйидагилар эди: қозилар ва бийларнинг сайлаб қўйиладиган судлари, уезд судлари, муваққат ҳарбий-суд комиссиялари, вилоят маҳкамаларининг суд бўлимлари ва Туркистон генерал-губернаторлиги Девонининг суд бўлими.

1867 йилги «Низом»га мувофиқ маҳаллий аҳоли учун суднинг биринчи босқичи ишни ҳал қилувчи қозилар ва бийларнинг якка судидан иборат бўлиб, унга кўра даъвонинг миқдори 100 сўмдан ошмаган. Иккинчи босқичи ишни ҳал қилувчи халқ судларининг қурултойи бўлиб, бунда даъвонинг миқдори 1000 сўмдан ошмаган. Бир вақтнинг ўзида улар якка судларнинг қарорлари бўйича шикоятларни кўриб чиқадиган босқич ҳисобланган. Турли волостлар ва уездларнинг аҳолиси ўртасида келиб чиқадиган мураккаб ва жанжалли масалаларни ҳал қилувчи халқ судларининг фавқулодда қурултойи суднинг олий босқичи бўлган.

Сайлов усули ҳамда қозилар ва бийлар лавозимларига номзодлар олдига билим даражаларини бирмунча ошириш талабининг қўйилмаганлиги суд муассасаларига мусулмон ҳуқуқи бўйича етарли маълумотга эга бўлмаган, нодон ва жоҳил кишиларнинг суқилиб киришларига кенг йўл очиб берди. Бунинг оқибатида жуда тез-тез турли даражадаги мансабини суиистеъмом қилиш ва суд ишларини бузиш ҳоллари юз бериб, халқнинг ҳақли равишдаги норозилигига сабаб бўлди. Унинг шикоятлари, хат ва аризалари турли мустамлакачи муассасаларда одатда эътиборсиз қолиб ке-

тар эди: Маъмурлар судьяларнинг «содиқлик даражаси», чор режимга садоқатидан келиб чиқар, халқ даради уларни деярли ташвишлантормасди. Улар айнан мустамлакачи тартибларни қўллаб-қувватловчи шундай тоифадаги судьялардан «ишончли кадрлар захираси»ни яратишни кўзда тутганлар.

Суд тузилиши ва суд ишларининг умумимперия ўзанидаги ва 1864 йилги суд уставлари нуқтаи назаридан ривожланиш тамойилларга келганда уларнинг дастлаб жуда арзимас эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. 1867 йилги «Низом лойиҳаси»га мувофиқ рус аҳолиси учун уезд суд институти ташкил этилди. Уларнинг ваколати ва фаолият кўлами Европа Россиясидаги фуқаролик ишларини қурувчи судлар даражасида эди. Лекин Кауфманнинг буйруғига кўра ҳарбий губернаторлар, уларнинг ёрдамчилари, уезд бошлиқлари, ҳарбий-округ бошқармаларининг бўлим бошлиқларини суд қилиш эҳтиёткорлик билан бу судларнинг ваколат доирасидан чиқарилди. Бунинг устига, вилоятларнинг ҳарбий губернаторларига судлар фаолиятига аралаштириш, уезд судларини тартибга чақириш ва уларга ҳайфсан бериш ҳуқуқи берилди<sup>16</sup>. Уезд судлари институти 1887 йилнинг 1 январигача фаолият кўрсатди. Кейин 1886 йил 12 январдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ нафақат уездларда, балки шаҳарларда ҳам фуқаролик ишларини қурувчи судлар институти билан алмаштирилди.

Вилоят ва ўлка даражасидаги суд вазифаларини шундай ҳуқуқ ва ваколатдан фойдаланиб, вилоят маҳкамаларининг суд бўлимлари ва генерал-губернатор Девони амалга оширган. Бу ҳуқуқ ва ваколатлардан, Ф. К. Гирс таъбири билан айтганда, «Адлия вазирлиги ўз қарамоғидаги судларга нисбатан фойдаланмаган»<sup>17</sup>. Судларнинг маъмуриятдан қисман ажралиши 1887 йилда — ўлканинг Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида вилоят судларининг жорий этилиши билан содир бўлди. Ҳар бир вилоят судида прокурор ва унинг ўринбосари лавозимини жорий этиш кўзда тутилди. Вилоят судлари келиштирувчи судьялардан уларга ўтган ишларда 1864 йилги Суд уставини, қолган ишларда — ислоҳотдан олдинги уставларни асос қилиб олдилар.

1899 йилдан эътиборан вилоят судларининг вази-

фалари 1898 йил 2 июнда тасдиқланиб, кейин жорий этилган «Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув ва бошқа вилоятларга суд уставларини қўллаш ҳақидаги қоидалар лойиҳаси»га мувофиқ Тошкент суд палатасининг округ судлари ихтиёрига ўтди<sup>18</sup>. Ҳар бир округ суди ва Тошкент суд палатаси ҳузурида прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, суд терговчилари ва адвокатлар лавозими жорий этилган. Бу судларнинг мажлисларида судланувчининг айбдорлик даражаси ва чегарасини белгиловчи адвокатлар қатнашган. Улар иштирок этган округ судларининг қарори ўзгартирилмаган, акс ҳолда, Тошкент суд палатасига шикоят тушиши мумкин эди. У Туркистон ўлкаси ҳудудидаги шикоятларни кўриб чиқадиган олий суд босқичи ҳисобланган. Тошкент суд палатаси устидан қилинган шикоятларни эса Россия империясининг ҳукумат Сенати кўриб чиққан.

Судларнинг маъмуриятдан ажралиши, шубҳасиз, олдинга қўйилган қадам бўлди ва чоризмнинг ўз суд тизимини эркинлаштиришга йўналтирилган сиёсатига мувофиқ келди. Шунга қарамай, мустамлакачи маъмурлар судларга тазйиқ ўтказиш ва улар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш йўллари топиладар. Қолаверса, зикр этилган судлар билан бир қаторда, ҳарбий, ҳарбий-дала ва алоҳида судлар фаолият кўрсатишда давом этдилар ва алоҳида аҳамиятта эга бўлдилар, халқ кўзғолонлари ва ғалаёнлари, чоризм ва мустамлака идора усулига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари қатнашчиларини сира кечиктирмай жазолаб турдилар.

Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарувининг характери хусусияти шундан иборат бўлдики, мустамлакачи маъмуриятнинг қатъий туриб талаб қилиши натижасида 1892 йилдан бошлаб 1917 йилгача «кучайтирилган» ва «фавқулодда» муҳофаза ҳақидаги Низом жорий этилди ва фаолият кўрсатди. Бунинг натижасида бутун маъмуриятнинг полиция ва жазолаш билан боғлиқ вазифалари ҳақиқатда чегара билмади, зулмзўрлик ва қатағон усуллари Туркистон халқларининг миллий ўз-ўзини англашига жиддий жароҳат етказган ва уларда бу ҳақоратли истибоддан халос бўлиш иштиёқини янада кучайтирди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охирида Туркистонда ҳарбий-маъмурий бошқарувга қарама-қарши у ёки бу



даражада мустақил бўлган суд тизимини вужудга келтириш мақсадида амалга оширилган ҳаракатлар Туркистон ўлкаси халқлари учун бирор-бир даражада жиддий аҳамиятга эга бўлмади. Буржуа уставларида ўз аксини топган «ўз ҳуқуқини танишнинг янги шакли» фақат юқори доира вакиллари ва қисман рус аҳолиси ўрта табақасига нисбатангина қўлланилди. Қашшоқ ва ҳуқуқсизлиги, зарурат туғилган тақдирда бу судларнинг хизматидан фойдаланишга моддий маблағи бўлмаганлиги учун ҳам меҳнаткаш рус халқининг қуйи қатламларини у четлаб ўтди.

Мустамлака тузумига қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг ўсиб бориши билан чоризмнинг минтақада барқарор вазиятни таъминлаш борасидаги вазифаларининг мураккаблашуви натижасида жазо муассасалари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилди. Шаҳарнинг «эски» ва «янги» қисмларидаги ҳамда ўлканинг аҳоли пунктларидаги полиция маҳкамалари жандам-полиция бошқармалари ҳамда уларнинг Ўрта Осиё (1899) ва Тошкент (1905—1906) темирйўл бекатларидаги бўлимлари ҳисобига кучайтирилди. 1907 йил августда чор ҳукуматининг фармойишига биноан Туркистон ўлкасида тергов ишларини ташкил этиш учун Махсус бўлим барпо этилади. Маҳаллий полиция маъмурлари «маҳаллий аҳоли илғор қисмининг кайфияти» ва умуман ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни кузатиб боришлари ва барча маълумотларни ушбу бўлимга етказишлари керак эди.

1907 йил октябрда Махсус бўлим Туркистон минтақаси махфий полиция маҳкамаси (охранка)га айлан-тирилди ҳамда Ашгабат, Верний ва Туркистон ўлкасининг барча йирик шаҳарларидаги тергов бўлимлари унинг фаолият доирасига киритилди. Охранканинг асосий эътибори маҳаллий аҳоли орасига, мактаблар, мадрасалар, гимназиялар, билим юртлари, фабрика ва заводларга яширин айғоқчиларни жойлаштиришга қаратилди. Ҳатто «текширилаётган муҳитдаги бўшашган хизматчи қидириш етакчилари расман аралашиб юриши мумкин бўлган жамиятдан кўра давлатга қарши жиноятларни очишда беқиёс даражада катта ёрдам беради»<sup>19</sup> — деб ҳисобланди. Махфий чақувлар, тафтиш ҳужжатлари, сўроқлардан иборат бошқа барча воситалар фақат иккинчи даражали ёрдамчи воситалар сифатида эътироф этилди. Шундай ҳоллар бўлдики, ай-

роқчилар атайлаб гўёки ўлкадаги рус аҳолисига қарши йўналтирилган пантуркистик ва панисломистик ҳаракатлар тўғрисида миш-миш тарқатганлар ва бу маҳаллий аҳолига қарши қатағонлар уюштириш учун қулай баҳона бўлиб хизмат қилган.

Чоризмнинг ўлка халқларига қарши курашининг муҳим воситаларидан бири — жазо муассасалари — ўлка, вилоят ва уезд даражасидаги қамоқхоналар, авахталар, турмалар бўлган. Уларни ташкил этиш ва сақлаб туриш учун маъмурлар ҳар йил 80 минг сўмгача сарфлаганлар<sup>20</sup>. Қамоқхона режимининг асоси қилиб Россия империяси қамоқхоналар Бош бошқармасининг устав ва йўриқномалари олинган. Махсус қонун (1886) асосида қамоқхоналар маъмурияти ва ҳатто хусусий пудратчиларнинг маҳбус меҳнатидан фойдаланишларига рухсат берилган.

Турма назоратчиларининг хатти-ҳаракатлари маъмурлар томонидан деярли назорат қилинмаган. Терговдагилар ва маҳбусларга нисбатан куч ишлатиш усули одатий ҳодиса эди. Чоризм томонидан қамоқхоналарда ташкил этилган ва яна ўша амалдорлар; ҳарбий хизматчилар ва уламолар намоёндаларидан иборат бўлган васийлик қўмиталари<sup>21</sup> маҳбусларнинг муаммоларини тушуниб етмадилар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғуланмадилар. Кейинчалик, мустамлака тузумига қарши ҳаракатларнинг ўсиб бориши билан қамоқхоналар қурилишини кенгайтиришга эҳтиёж туғилади, ўлкада «ўзларининг оғир жазо беришга мўлжалланган қамоқхоналари»ни очиш тўғрисидаги масалани муҳокама қиладилар<sup>22</sup>, қамоқхона тартибларидаги қаттиққўликни тобора кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинади, ҳукуматнинг барча қонунлар ва қоидаларни четлаб ўтиб ҳаракат қилишга имкон берадиган «фавқулодда» механизмлари кенгайтирилади ва кучаяди.

Шундай қилиб, Туркистонни мустамлакага айлантириш жараёнида ташкил этилган ва фаолият кўрсатган бошқарув тузилмалари ва муассасалари бир-бирлари билан ўзаро алоқада бўлган ҳолда, чоризмнинг Туркистон халқларининг мустамлакачи тузумга қарши норозилиklarининг ҳар қандай кўринишларини ҳарбий йўл билан бостириш, давлатчиликнинг анъанавий шакллари йўқотиш ва Россия давлатчилиги асосларини куч билан ўрнатиш, минтақанинг бой моддий ва

инсон ресурсларидан фойдаланишнинг арзон ва самарали тизимларини яратишдан иборат асосий вазифасини ҳал қилдилар.

Бошқарув тизимлари билан бир қаторда, чоризм томонидан Туркистонни мустамлака сифатида талон-торож қилишни ташкил этиш учун давлат муассасаларининг кенг тармоғи вужудга келтирилди. Молиявий тушумлар устидан умумий назоратни 1868 йили ташкил этилган Туркистон назорат палатаси ҳамда Давлат назорат идораси ва Молия вазирлиги қарамоғидаги Туркистон подшолик палатаси амалга оширганлар. 1874 йили Тошкентда Давлат банкининг бўлими очилди, 1881 йилдан эътиборан эса, биринчи хусусий банк — Ўрта Осиё тижорат банки фаолият кўрсата бошлади. XX аср бошига келиб Туркистонда Давлат банкининг — 10 ва тижорат банкларининг — 40 та бўлими фаолият кўрсатган. Уларнинг кўпчилиги катта фойда келтирадиган пахта операциялари, шунингдек, ишлаб чиқарадиган саноат, кўмир, нефть, рангли металллар қазиб олиш, темир йўллар, ҳарбий ва ноҳарбий қурилишларга сармоя ажратиш билан шуғулланган. Банклар турли шаклдаги монополистик битимларни тузганлар ва уларни маблаф билан таъминлаганлар, секин-аста ўлка иқтисодий ҳаётида муҳим омилга айланиб, тадбиркорлик тузилмаларига йўналиш берганлар.

1886 йилдан Тошкентда Акциз бошқармаси фаолият кўрсата бошлайди. У спиртли ичимликлар, тамаки, гугурт, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек, тамға, суд, паспорт ва бошқа қўшимча йиғимлар билан шуғулланган.

Туркистон божхонаси (1890) Туркистоннинг савдо алоқалари устидан назорат ўрнатган. Бухоро ва Хива хонликлари ҳам унинг фаолият доирасига киритилган. 1889 йил 9 майдаги қонунга биноан Молия вазирлиги раҳбарлигидаги солиқ нозирлари муассасаси таъсис этилади. У аҳолига солиқларни тақсимлаш ва йиғиб олиш, ер-мулк, саноат ва савдога солиқ солиш устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Ўлканинг табиий бойликлари устидан 1897 йилда таъсис этилган Дехқончилик ва давлат мулки Бошқармаси назорат қилган. Бошқарма фаолиятининг асосий йўналиши Россия ҳукуматининг узоқ муддатга мўлжалланган руслаштириш режасининг таркибий қисми

ҳисобланган кўчиш-кўчириш сиёсатини амалга оширишдан иборат бўлган.

Чоризм томонидан ташкил этилган ҳакамлик ва биржа қўмиталари турли-туман савдо битимлари ва банк операцияларини амалга оширишда кўмаклашганлар.

Россия вазирликлари ва идораларига бўйсунган ҳамда бевосита Туркистондаги мустамлака ҳукумати тасарруфида бўлган юқорида санаб ўтилган муассасалар ўз фаолиятлари давомида секин-аста ўлканинг бой моддий ва инсон ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни тартибга солдилар ва метрополия бюджетига молиявий тушумларни жадаллаштиришга имкон яратдилар.

Секин-аста Россия капитализми ва минтақа анъанавий иқтисодининг ўзаро бирлашиб кетиши содир бўлди. Туркистонни ўзининг пахта базасига айлантиришга муваффақ бўлиб, савдо-саноат доиралари билан муштарак манфаатларга эга бўлган чор ҳукумати «саноат пахтачилиги»ни вужудга келтириш ва ривожлантиришга ҳомийлик қилди, Ўрта Осиё, Оренбург—Тошкент ва ички темирўл магистралларини қуриш, акционерлик жамиятлари, пахтачилик фирма ва ширкатларини кенг ёйиш, кўпроқ даромад олиш мақсадида пахтачилик хўжалиklarига қарз бериш тизимини яратишга ёрдам берди. Лекин бу барча ўзгаришларнинг пировард мақсади мустамлака ўлкадан қатъий марказлаштирилган ҳолда кўшимча маҳсулот олинишини таъминлаш ва унинг аҳолиси устидан полиция назоратини кучайтиришдан иборат бўлиб қолаверди. Иқтисодиётни бошқаришни рационализация қилиш унда салмоқли ўзгаришлар ва олға силжишларнинг юз беришига олиб келмади.

Чоризм ағдарилгандан сўнг ва Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби ғалабасидан кейин яна бир ой давомида мустамлакачилик аппарати Муваққат ҳукумат томонидан унинг ўлкадаги вакили деб тан олинган генерал А.Н. Куропаткин бошчилигида фаолият кўрсатди. Собиқ генерал-губернатор Муваққат ҳукуматнинг комиссари этиб тайинланган эди. Унинг жойларга юборилаётган буйруқ ва кўрсатмалари губернаторлар ва уезд бошлиқларининг ҳокимиятини сақлаб қолишни, 1917 йилнинг июнига қадар Россияга кўшимча 80 минг кишини жўнатиш мақсадида ҳарбий-фронт

ортидаги ишларга сафарбарлик сиёсатини давом эттиришни талаб қилар эди. Фақат апрел ойининг бошидагина А. Н. Куропаткин ва Бухородаги Россия резидентининг вакиллари Петроградга чақириб олинди. Туркистон ҳудудида бутун ҳокимият 1917 йилнинг 7 апрелида тузилган Муваққат ҳукуматининг қўмитаси қўлига ўтди.

Шундай қилиб, Туркистонда мустамлакачилик ҳокимияти тизимининг ташкил этилиши жараёнининг асосида унинг қуйидаги компонентлари ажралиб туради:

— Ўрта Осиё хонликлари ҳудудини чегаралаш ва унинг таркибидаги бирликларни Россия намунаси ва юрисдикцияси билан унификация қилиш;

— ҳарбий, фуқаролик ва суд ҳокимиятини тизимдаги барча асосий бўғинларни эгаллаган ва назорат қиладиган Россия амалдорлари қўлида марказлаштириш;

— ўлканинг бой ресурсларидан фойдаланишнинг хазина учун арзон тушадиган ва самарали тизимини жадал жорий этиш мақсадида аппаратни институционаллаштириш ва раціоналлаштириш;

— чор маъмуриятининг маҳаллий жамият учун анъанавий бўлган айрим ижтимоий-ҳуқуқий ва маъмурий институтлар ва меъёрларни чоризмнинг мустамлакачилик мақсадларига хизмат қилишга йўналтирилган сиёсати.

Жамият ҳаётининг ялпи регламентациясига маъмурий, полиция ва жазолаш-соқчилик сингари бошқарув механизми ричаглари мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда ҳарбий ва фавқулодда тадбир-чоралар орқали эришилган эди.

Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошида фаолият кўрсатган жамиятнинг мустамлакачилик тизими унинг халқларини миллий давлатчиликдан маҳрум қилди, уларни тараққиётнинг умумцивилизация жараёнларида мустақил иштирок этиш йўллари кесиб қўйди, жамиятнинг итимоий-маданий параметрларига жиддий зарар етказиб унинг кейинги даврдаги зўрлаб советлаштирилиши учун замин яратди.

## Адабиётлар

- <sup>1</sup> ЦГА РУз. Ф. И. — 336 — Военный губернатор и командующий войсками Туркестанской области., оп. 1, д. 26, л. 1—6.
- <sup>2</sup> Кауфманский сборник. Москва, 1910. С. 8.
- <sup>3</sup> ЦГА РУз. Ф. И.1, оп 34, д. 78, л. 21.
- <sup>4</sup> Халфин Н. А. Присоединение Средней Азии к России (60—90 годы XIX в). Москва, 1965. С. 294.
- <sup>5</sup> Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К. П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройств в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867—5 марта 1881 г. СПб 6., 1885. С. 163.
- <sup>6</sup> Кўрсатилган манба. 163-бет.
- <sup>7</sup> Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдарьинской областях. СПб., 1867. С. 109—126.
- <sup>8</sup> Уша ерда. 141-бет.
- <sup>9</sup> Проект всеподданнейшего отчета К. П. Кауфмана... С. 43.
- <sup>10</sup> ЦГА РУз, Ф. И. — 19, оп. I, д. 555, л. 12.
- <sup>11</sup> Гирс Ф. К. Отчет по ревизии Туркестанского края. СП 6.1888. С. 29.
- <sup>12</sup> ЦГА РУз, Ф. И. — 17, оп. 1, д. 20308, л. 57.
- <sup>13</sup> ЦГА РУз, Ф. И. — 36, д. 1328, л. 18—19.
- <sup>14</sup> Бродский Л. К. К 35-летию Ташкентского общественного самоуправления. Ташкент, 1912. С. 37.
- <sup>15</sup> ЦГА РУз. Ф. И. — I, оп. I д. 737, л. 4.
- <sup>16</sup> Гирс Ф. К. Отчет по ревизии Туркестанского края. СПб., 1888. С. 206.
- <sup>17</sup> Уша ерда.
- <sup>18</sup> 1864 йилги Суд уставларида: суд ишларида бирор тоифага имтиёз бермаслик, очик ва ошкор музокаралар олиб бориш жараёнини жорий этиш; судларнинг маъмуриятдан мустақиллиги; оддий аҳоли орасидан суд маслахатчилари институтини вужудга келтириш, судлар томонидан қонуларни тушунтириш ҳуқуқи кўзда тутилган эди.
- <sup>19</sup> Голос минувшего, 1917, № 9—10. С. 281.
- <sup>20</sup> Гирс Ф. К. Отчет... С. 197.
- <sup>21</sup> Сирдарё кўмитаси // 1879, Фарғона кўмитаси — 1882, Самарқанд кўмитаси — 1888 йилда ташқил этилган.
- <sup>22</sup> ЦГИАЛ. Ф. 1343, оп. 1, д. 157, л. 12, 33.

### ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МОҲИЯТИ. ЖАДИДЛАРНИНГ ДАВЛАТЧИЛИККА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Жадидчилик Урта Осиё ва Европадаги илғор ислохотлар оқими таъсири остида XIX аср охири — XX аср бошларида вужудга келди ва ижтимоий тараққиётда бурилиш босқичини белгилаб берди. Миллий зиёлилар, илғор тараққийпарвар кучлар мустамлака Туркистон, Россияга ярим қарам бўлган Бухоро ва Хива

хонликларидаги инқирозли аҳвол, бу ўлкаларнинг умумжаҳон тараққиётидан тобора ортда қолаётгани, маҳаллий аҳолининг эрк учун интилишларининг бостирилиши сабабларини, нафақат иқтисодий соҳада, балки диний, маънавий соҳада ҳам юзага келган турғунликни чуқур англаб етдилар ва бу улар онгида жамиятда ислоҳ этиш ғояларини уйғотдики, бусиз тараққиётни тасаввур ҳам этиб бўлмас эди.

Ўрта Осиёдаги бу ислоҳотчилик ҳаракати мураккаб, тарихий жиҳатдан серқирра йўлни босиб ўтди. Жаҳидчилик турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислоҳотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасига таяниб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилди, айти пайтда ижтимоий тараққиёт йўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди. Мустамлакачиликка қарши курашнинг бош ғояси ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди. Жаҳидлар ўзларининг келажақдаги давлат тузумини қандай тасаввур этардилар? Уларнинг бу ҳақда дастури бормиди? — деган савол туғилади.

Жаҳидчилик ўз тарихида икки босқични ўтган. Биринчиси — маърифатчилик босқичи ва иккинчиси — сиёсий босқич. Лекин жаҳидларнинг давлатчилик масаласига қарашлари биринчи даврданоқ шакллана бошланган ва иккинчи босқичда аниқ бир шаклга келган деса бўлади. Ўтмишга назар ташлаб, улар, жамиятдаги барча салбий ҳолатларни миллий давлатчиликнинг йўқотилиши билан боғлаганлар. Масалан М. Бехбудий фикрича, хонликлар 50 йил илгари дунёдан ажралган ҳолда бўлиб, дунё эришган ютуқлардан фойдалана олмаганлар ва бу миллий давлатчиликни йўқотилиши ҳамда мустамлакачилик асоратига тушиб қолишнинг сабабларидан бири бўлди, бу эса Туркистон халқларини Европа қонунлари асосида яшашга мажбур қилди. Лекин улар мазкур қонунларни билмайдилар. Ҳуқуқларни билиш, уларни ҳимоя қила олиш учун билимга эга бўлиш лозим. У юқори маълумотли мутахассислар, хусусан, ҳуқуқшунослар давлат думаси, судлар ва Россия маъмуриятининг Туркистондаги расмий органлари орқали миллатга фойда келтиришлари мумкин, деган фикрга келади. Шу тариқа Бехбудий ҳам 1913 йилдаёқ шундай назарияни илгари суради: Туркистонликлар ўртасида маърифат ва таълимни ривож-

лантириш уларнинг ўз миллий-давлат манфаатларини ҳимоя қилишлари учун зарурдир.

Жадидлар концепциясини таркибий қисмини Туркистондаги барча халқларни бирлаштириш муаммоси ташкил этади. Жадидлар ўзларининг келажақдаги давлат тузумини барча миллатларнинг бирлиги асосида тасаввур этардилар. Бу ҳақда Бехбудий шундай деганди: «Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман, барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргалиқда ислохотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак... Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоқлигимиздир!»<sup>1</sup>.

Жадидларнинг халқро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик оқимлари дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар. 1905—1906 йилги Россиядаги инқилобий ҳаракатлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Прогрессив кучлар жипслаша бошладилар ва жадидлар маърифатчилик фаолиятини жадаллаштирдилар. Бу фақатгина мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилик фаолияти, жумладан, рўзномаларнинг кўплаб вужудга келишида ҳам кўринди. Чунончи, 1906 йилда Исмоил Обидовнинг муҳаррирлигида «Тараққий», шу йили Мунавварқори муҳаррирлигида «Хуршид», 1907—1908 йилларда Абдулла Авлоний муҳаррирлигида «Шухрат», Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигида «Осиё» рўзномалари чоп этилди.

Лекин тез орада чор маъмурияти ўзининг эксперти Н. П. Остроумов билдиришномасига асосланиб, бу рўзномаларни ман этди<sup>2</sup>. Маърифатчиликнинг янги тўлқинида 1913—1915 йилларида «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» рўзномалари, «Ойина» ойномаси, 1917 йилда эса «Хуррият», «Кенгаш», «Нажот», «Эл байроғи», «Улуғ Туркистон», «Турон» каби оммавий ахборот воситалари ҳам пайдо бўлди.

Жадидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партиялари дастурларини ўргандилар. Лекин миллий



менталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халқининг тинчликсеварликка, босиқликка мойиллигидан келиб чиқиб, улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг мурожаатлари, Давлат Думасидаги оммавий баҳслар ва бошқа легал воситалар билан подшо ҳокимиятидан ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ён беришга эришишга интилдилар. Аммо чоризм маъмурияти Давлат Думасида туркистонлик вакиллар бўлишини ман этган. Бу, бир томондан, ўлка халқининг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини поймол қилиш бўлса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий онгининг ўсиши Россия империяси давлатчилигига хавф туғдирар эди. Ўшандаёқ жадидлар, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1906 йил 11 октябрда «Хуршид» рўзномасида чоп этилган мақоласида ўз аксини топган хулосага, яъни бирлашиб ягона мусулмон партияси тузиш ва Бутун Россия мусулмонлари иттифоқи таркибига кириш зарурлиги ҳақидаги фикрга келдилар<sup>3</sup>. Шу билан улар Россиядаги барча туркий халқлар орасидаги прогрессив кучларга таянишга интилдилар. Ушбу мақоласида Бехбудий социал-демократлар партиясига нисбатан ўзининг салбий муносабатини билдиради. У бу партиянинг дастурини мусулмонлар ҳаёти нормаларига мувофиқ келмайдиган хаёлий (утопия)дир, деб ҳисоблаган.

Жадидчилик Столипин реакциясидан сўнг яширин тусга ўтди. Чунончи, Тошкент полицияси департаментига етказилишича, мана шундай гуруҳлардан бирини ўқитувчи Аҳмаджонов бошқарган ва у, асосан, миллий зиёлилар ҳамда ўқувчи ёшлар вакилларидан таркиб топган. Қўқондаги махфий гуруҳ 50 кишидан иборат бўлган. Андижондаги жадидларнинг яширин ташкилоти «Тараққийпарвар» деб аталиб, махфий ишлар бўйича полиция бўлимининг маълумотларига қараганда, унинг раҳбарларидан бири Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа — Асадуллахўжаев) бўлган. Шунингдек, подшо айфоқчилари 1909—1916 йиллар давомида мударрис ва мактаб ўқитувчиларининг ўлкани бошқаришда ислохотлар ўтказиш кераклиги ҳақида тарғиботлар олиб бораётганликларини бир неча маротаба ҳукуматга етказганлар<sup>4</sup>.

Марказий Осиё жадидчилигига 1905—1911 йиллардаги Туркия ва Эрон инқилоблари сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлардаги миллий зиёлилар вакиллари монарх ҳокимиятининг конституцион доира-

да чекланишига, миллий буржуазиянинг иқтисодий қудратини мустақкамлаш учун шарт-шароитларни қўлга киритишга эришишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Бироқ уларнинг тажрибалари Туркистон жадиждлари томонидан механик тарзда кўчириб олинмади. Улар Шарқ ва Европа мамлакатларининг мустамлакачиликка қарши кураш ҳамда демократик ҳаркат амалиётидан ўлка шароитларига мувофиқ келувчиларини танлаб олдилар, шароитга тўғри келмайдиганларидан воз кечдилар ёки бир оз ўзгартириб қабул қилдилар.

Россия Февраль демократик инқилоби арафасида, Туркистон жадиждчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар Биринчи Жаҳон урушидан кейин жадиждлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, Февраль инқилобидан кейин Туркистон жадиждларининг «тараққийпарварлар» оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг қамровли; бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш, ўлкани бошқариш юзасидан асосли ислоҳотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, чоризмни конституцион тузум билан алмаштириш кабилар кирарди. Шу даврда жадиждлар Россия федератив тузумини ва унда Туркистоннинг ўрнини қандай тасаввур қилганлар? Уларнинг фикрича, ҳар бир шаҳар ва уезддан бир нечтадан вакил сайлаш керак ва Тошкентда Туркистон учун яроқли амалий натижа берадиган солиқ қонунлари ва фармонлар чиқара оладиган катта марказ ва мажлис (бизнинг фикримизча, парламент кўзда тутиляпти. — Д. А.) ташкил этиш керак. Бундай мажлис Россия ҳукумати ва мусулмонлар ўртасида воситачи бўлади. Бу Туркистоннинг фаровонлигига хизмат қилувчи Туркистон маъмуриятини мустақкамлайди<sup>5</sup>.

Бироқ М. Беҳбудий таъкидлаганидек, ҳаққа эришиш учун қайси миллатга мансублигига қарамай, барча аҳоли ижтимоий курашга фаол киришиши керак ва рус аҳолиси билан бирлашиб, ҳар бир уезддан вакил сайланган «Туркистон мусулмонлари шўроси»ни ташкил этиш лозим. Унинг фикрича, Россия демократик давлати доирасида мухторият сифатида шаклланиш ва мустақиликка бориш йўлидаги биринчи

шарт — ички қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликларни бартараф этишдир.

Кўриниб турибдики, Беҳбудий миллий озодлик ҳаракатидаги тарқоқлик қайтадан мустамлака бошқарувига олиб келишини жуда яхши тушунган. Агар «бутун Туркистон халқи иттифоқ этса, қон тўкилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Они ҳам раво топур. Минг карра доду бедодки, ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этканимиз ва ихтилофимиз сабаби ила бадбахтликка дучор бўлурмиз»<sup>6</sup>.

Февраль демократик инқилоби натижасида Россияда янги давлат тузуми ўрнатилганлиги давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадиждарни руҳлантириб юборди. Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадиждар томонидан «Шўрои Исломия», «Иттифоқ» каби бир қатор ташкилотлар тузилди. Бу пайтга келганда жадиждар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргаштира олдилар, улар онгида муслмонлар бирлигини мустаҳкамлаш, жипслаштириш ҳиссини уйғотдилар. Аммо жадиждар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваққат ҳукумат ҳам, унинг Туркистондаги Муваққат Кўмитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўлини тутмоқда. Чунончи, бу сиёсати Таъсис мажлисини чақиришга тайёргарликда яққол намоён бўлди. Шу вақтдан жадиждар учун мустақиллик ва мухторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-худудий мухторият мақомини олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Жадиждарнинг дастурий ҳужжатларида диққат-эътибор миллий-худудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари — Туркистон Федератив Республикаси имкониятига таалуқли бўлган масалалар бўйича қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқарув ва суд механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Демократик ҳукуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жи-

ҳатдан кафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш — устувор мақсад қилиб белгиланди. Туркистон жаҳидлари давлат мустақиллиги ҳақидаги ўз тасаввурларини ҳаётга татбиқ этишни мамлакатдаги турли ижтимоий кучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таъсис мажлисини чақириш билан боғланликлари ҳам диққатга сазовор. Ўша пайтда, жаҳидларнинг тараққийпарвар намоёндалари «Шўрои Исломия», консерватив қисми «Шўрои Уламо» ташкилотларига ажралиб кетган эдилар. Аммо Таъсис мажлисида ўрин олиш масаласининг муҳимлигини англаш, бу икки жаҳидчилик оқимининг қўшилишига ва «Турк Адами марказияти» номи билан аталувчи ягона Туркистон Федералистлари партиясининг ташкил этилишига олиб келди.

Бироқ, Туркистондаги октябрь воқеалари ва большевикларнинг ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар янги большевиклар ҳокимиятининг «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисида»ги декларациясида кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, маркази Қўқонда бўлган, Туркистон Мухторияти деб аталган мустақил мухтор республика эълон қилдилар.

Жаҳидчилиكنинг феномени шундаки, кейинги уч аср ичида бу оқим биринчи бўлиб миллий демократик давлатчилик қуришга уринди, ягона мустақил Туркистон учун курашди ва у миллий мустақиллик гоёсига асос солди, уйқудаги Шарқни уйғонишга ва ҳаракатланишга, озодлик, миллий гурур, ўз буюк аجدодлари, бой мданияти ва, умуман, мустамлака тузумнинг тазйиқи остида унутилган барча қадриятларини хотирлашга ундади. Жаҳидлар таълимоти — ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Чунки у нафақат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, шунингдек, барча тараққийпарвар зиёлиларни ўз кетидан эргаштира олди.

Агар жаҳидлар фаолиятининг маърифатчилик босқичида Туркистон халқини бирлаштириш фикри маънавий хусусиятга эга бўлган бўлса, 1917—1918 йилларда у Туркистон Мухториятининг миллий манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолди. М. Беҳбудий ҳеч ким, ҳеч қандай ҳоки-

мият халққа ўз ихтиёри билан мустақиллик бермаслигини таъкидлаган. Тарихдан яхши маълумки, деб ёзади у, «Ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ»<sup>7</sup>.

Мустақиллик курашиб қўлга киритилади ва бунда муваффақият қозониш бирлаша олишимизга боғлиқ, деб уқтиради у. Ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар ҳамда Европа миллатлари вакилларига мурожаат қилар экан, Беҳбудий мухториятни сақлаш учун вақтинчалик келишмовчиликлардан ва баҳслардан воз кечишга чақиради. Кўринадики, жаҳидларнинг қарашларида бу фикр қўйдан юқори даражага, маърифатчилик доирасидан сиёсат доирасига чиқиб борган, яъни Туркистон Мухторияти давлатчилигининг тақдири Туркистон жамиятидаги бирлик ва ҳамжиҳатлик билан тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда қаралади.

Жаҳидларнинг Туркистондаги давлат қурилиши тўғрисидаги хулосаларга келишида, ўлканинг иқтисодий ривожланишини кузатишлари муҳим аҳамият касб этган. Убайдулла Хўжаевнинг мақолаларидан бири (1915), ўлка зиёлиларининг иқтисодий аҳволи ва характери тўғрисида тўла тасаввур беради. Бу ҳақда объектив тасаввур ҳосил қилиш мақсадини ўз олдига қўйган У. Хўжаев Қўқон, Андижон ва Наманганга бориб, вазиятни ўз кўзи билан кўрган. Иқтисодий соҳада ишнинг ҳолатини ўрганиш уни бутун Туркистонда мусулмонлар ҳаддан ташқари овир иқтисодий шароитларда яшаётганлиги ҳақидаги қайғули хулосага олиб келди. Айниқса, Қўқон аҳолиси қоқоқлиги билан алоҳида ажралиб туради. Заводлар, пахта тозалаш саноати Европа миллатлари вакиллариининг қўли остида. Нима учун мусулмонлар шу ўринда суст, ташаббуссиз ва заиф? — деб хитоб килади муаллиф<sup>8</sup>. Унинг тасаввурича, бунинг сабаби, улар томонидан тиришқоқлик, фаоллик ва меҳнатгина ҳолатни ўзгартириши мумкин эканлигини тушунмасликдадир. Андижон мусулмонларининг аҳволи анча яхши. Гарчи, Наманган, мақола муаллифининг сўзларига қараганда, илмий тафаккур ва умуман, маданият тараққиётининг даражаси жиҳа-

тидан анча ортда қолаётган бўлса ҳам, бу ерда савдо, тадбиркорлик, бизнес, ишлаб чиқариш туб ерли аҳоли қўл остида жамланган ва муваффақиятли ривожланмоқда. Бироқ барча шаҳарларда маданий ҳаётнинг пешсаҳнасига ўз «миллий ва маданий камчиликлари»ни англаётган ва уларни аста-секин ислоҳ этишга уринаётган ёшлар чиқмоқда эдилар. Убайдулла Хўжаев, бу шаҳарларнинг ёшларига Тошкентнинг, унинг зиёлиларининг салмоқли таъсири бўлаётганлигини кўрсатиб ўтади. Маданий ва илмий жиҳатдан қоқоқлик уларни илм эгаллашга интилиш, маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланиш сари бошламоқда, деган фикри билан келишмаслик мумкин эмас. Унинг бутун Туркистон маърифат билан ёнаётганлигига ва унинг алаңгалари ўчмаслигига имони комил бўлган. Жаҳидлар Туркистоннинг келажаги ҳуқуқий билимларга боғлиқ деб ҳисоблардилар.

Беҳбудий ўзининг «Қонуни Оврупо», «Ҳақ олинур, берилмас!», «Лойиха», «Қози ва бийлар ҳақида лойиха» мақолаларида Туркистонда вужудга келган ҳуқуқ соҳасидаги офир вазият ҳақида ёзади. Шунингдек, ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни эликбоши ва қозиларнинг ихтиёрига бутунлай топшириб қўйилганлиги оқибатида, улар нафакат диний, балки маиший масалаларни ҳам порахўрлик асосида ҳал қилаётганликлари учун рус ҳукуматини танқид қилади. Беҳбудийнинг шариятда Россия сиёсати ва рус маданиятига мувофиқ келмайдиган, лекин мусулмонлар талабларига жавоб берадиган қонун-қоидалар бор эканлигига имони комил. Ислоҳ қонунчилигига оид чуқур билимларга эга бўлиш, унга қонунбузарликларни, қозилар томонидан шахсий манфаатлари йўлида шарият нормаларини сохталаштириб талқин этишларини аён кўриб туришга имкон берган.

Бу соҳада ишнинг ҳолатини синчиклаб таҳлил этиш Беҳбудийни қозилик судлари тизимини бекор қилиш зарурлиги, уларнинг ўрнига Туркистондаги 5 та вилоятнинг ҳар бирида апелляция комиссияси ташкил этилган давлат судларини тузиш, округ судларини назорат қилиш учун раис, ўринбосар ва учта суд аъзосидан иборат Олий суд палатаси очилш кераклиги ҳақидаги хулосага олиб келди<sup>9</sup>. Волост сайловларида, муаллифнинг фикрича, 20 ёшга етган ҳар бир туркистонлик қатнашиши лозим.

Жадидларнинг диққат марказида яна маданий мерос ва халқнинг ўз-ўзини англаши тўғрисидаги муҳим маъсалалар ҳам турган. Муҳиддин Дарсаодат китобхонларга халқ қай даражада улкан маданий ва илмий меросга эга эканлигини эслатиб ўтган эди. Унга кўра, Форобий, Ибн Сино, Улуғбеклар ҳақиқатан ҳам Ўрта Осиёдаги ижтимоий ва илмий ислохотларнинг асосчиларидир. Унинг адолатли фикрича, бу мутафаккирларнинг асарларини ўрганиш ўлка тараққиётини ижобий томонга илгари суради, халқнинг миллий ўзлигини англашини юқори поғонага кўтаради. Шу орада, Петербургда ўтказилган Бутун Россия мусулмонлари съездида (1914), унинг маълумотларига қараганда, Туркистондан атиги иккита вакил иштирок этган. Бу салбий факт, — дейди мақола муаллифи ва халқни ижтимоий онгдаги турғунликни енгиб, фаол ҳаракат қилишга чақиради<sup>10</sup>.

Жадидлар тараққиётнинг муҳим омилларида ва миллий давлатчиликнинг белгиларидан бири деб, миллий матбуот ва халқ таълимини ривожлантиришни ҳам ҳисоблаганлар. Тож Ризобадди «Миллий матбуотсиз миллатнинг ўзи йўқ<sup>11</sup>, — деб ёзганида, анча илгарига назар ташлаган эди. Аммо Туркистоннинг турғунлик, қоқоқлик ва жаҳолат гирдобидан чиқиб кетишига нима халақит беради? Тараққиёт сари қоқоқликни ёриб ўтишига йўл бермаётган омиллар сабабини жадидлар нимада кўрдилар? Биринчи навбатда, гўёки шарият билан ҳимоялангандай туюлувчи, бироқ аслида мусулмон қонун-қоидаларига ёт, шунингсиз ҳам кишиларнинг енгил бўлмаган ҳаётини янада оғирлаштираётган кераксиз ва зарарли урф-одатларда. «Нима бизни кемираяпти ва орқага тортаяпти?». Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шундай савол қўяди ва дабдабали тўй ва дафн маросимларини назарда тутиб, бу саволга, бутунлай ортиқча расм-русумлар ва уларга кетадиган сарф-харажатлар, — деб жавоб беради<sup>12</sup>. Қуръон ва ҳадисларга асосланиб у оилаларнинг хонавайрон бўлиш хавфини солувчи шу каби ҳодисаларнинг кераксизлигини тушунтиради. Ортиқча тантаналарга сарфланаётган маблавлардан таълим соҳасида фойдаланиш зарур, мусулмонлар ўз тафаккурини қайта қуришлари лозим, деган ғоя жадидларнинг ва ҳаракат раҳбари маърифатпарвар Беҳбудийнинг барча ишларида ўз аксини топган.

Жадидларнинг Туркистонни маданий ва иқтисодий

ҳолатини баҳолаши, танқидий кўз билан қараши, уларни қуйидаги хулосага олиб келади: Туркистон — бу моҳиятан мустамлака ва Россия маъмуриятининг бошқарув тизими, миллий эҳтиёжларига жавоб бермайди. Бу масалалар юқорида айтилгандек Февраль инқилоби арафасида, айниқса, кескин қўйилган. Шу йилларда янги услубдаги дунёвий таълим, миллий ўзига хосликнинг энг яхши томонларини мустаҳкамлаш, маданиятни жорий этиш учун ҳаракат жаҳидчиликнинг негизига қўйилган сиёсий мустақиллик демократик бошқарув шакллари учун кураш ғоялари билан бирга содир бўлди.

Аммо бу ғоялар маълум сиёсий сабабларга кўра амалга ошмади. Лекин Туркистон Мухторияти мағлубиятга учрагандан сўнг ҳам улар давлат қандай бўлмоғи ҳақида фикр юргиздилар. Бу ўринда М. Бехбудийни 1918 йилда ёзган, шу масалада муҳим аҳамиятга эга бўлган бир мақоласига мурожаат этамиз. Унда нафақат давлатчиликнинг асосий шартлари бўлмиш иқтисодий масалалар, балки бу масалалар большевиклар ҳокимияти томонидан қандай ҳал этилаётганлигини танқидий баҳолаб, уларни қандай ҳал этиш кераклиги ҳақидаги қарашларни ифода этади.

Туркистон Мухториятининг ҳалокатидан сўнг, 1918 йилнинг июлида М. Бехбудий ўзининг ғалла, ҳарбий солиқларга оид қарашларини жамулжам ифода этувчи «Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия» номли мақоласини ёзади.

Тошкентга таълим масалаларига бағишланган қурул-Тойда иштирок этиш учун келган Бехбудий Туркистон компартиясининг раиси И. О. Тоболин қабулида бўлиб, ўзининг мазкур масалалар хусусидаги мулоҳазаларини билдирди ва суҳбатини ўз мақоласида тўла ифода этади. Фикримизча, ушбу фикрлар тўсатдан пайдо бўлган мулоҳазалар эмас, балки Бехбудийнинг узок йиллик маърифатпарварлик ва сиёсий фаолияти давомида орттирган тажрибаси (унинг ўзининг таъкидлашича, 25 йиллик тажриба) ҳамда Туркистон Мухторияти тажрибасига асосланган қарашлари эди. Мазкур қарашлар барча жаҳидларнинг ушбу муҳим, биронта давлат уларни ҳал этмасдан туриб мавжуд бўла олмайдиган масалаларига оид фикрларини ўзида акс эттирар эди.

Ўз таклифларини баён қилар экан, Бехбудий, Тоболиннинг эътиборини биринчи навбатда халқнинг маъ-



навий, диний, маиший анъаналари билан ҳисоблашиш зарурлигига қаратади: «Туркистоннинг ҳозирги дохийий ва хорижий душманлари аҳволини ва халойиқнинг аҳволи руҳия ва эътиқодий ва маишиятида бир оз бўлса ҳам аҳамият бермак ва риоя қилмоқ кераклигини билдирдим»<sup>13</sup>. Унинг иқтисодиёт, хусусан ғалла борасидаги нуқтаи-назари большевикларнинг қарашларига бутунлай зиддир. У озиқ-овқат қўмиталари томонидан ғалла, донни национализация қилишга қатъиян қарши эди. Беҳбудий Туркистоннинг баъзи туманларида деҳқонлардан дон тўлиқ тортиб олинаётганлиги ҳақидаги миш-мишлардан ташвишга тушиб, қуйидаги таклифларни киритади: бозор очиқ бўлиши керак, вилоятлар ва уездлардан ғалла олиб чиқиб кетишни таъқиқлаш зарур, нархлар эркин бўлиши ва хусусий новвойхоналарни таъқиқлаш ҳақидаги қарор бекор қилиниши лозим. Ўзининг бу таклифларини Беҳбудий шундай ифодалайди: «Бул тўғринда маним таклифим шу бўлдики: Бозор очиқ бўлсун, аммо вилоят ва уезддан ғалла чиқарилмасун ва омбордорлардан ғалла олиш ман қилинсун. Такса (қатъий баҳо) асло бўлмасун. Фақат ғалла эккан деҳқонлар бир ботмон экилган ердан тўрт пуд ғалла такса юзасидан берсунларким, бу ҳам аввало, дафтар бўлуб, сўнгра берилсун»<sup>14</sup>.

Беҳбудий, шунингдек, армияга чақириш тўғрисида ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради. Унинг фикрича, ҳали янги ҳокимиятга кўникмаган аҳолини мажбурий равишда армияга чақириш зиён келтиради. Унинг ўрнига Беҳбудий кўнгили армия тузиш, ҳарбий солиқларни йўқ қилишни таклиф қилади, чунки қимматчилик ва очлик халқнинг ҳолдан тойиш ва қашшоқланиб қолишига олиб келди: «Иккинчи, аскар масъаласидирки, бу ҳар нарсадан муҳим ва мунунг умумий бўлиши лозим, — деб ёзади у ўз мақоласида. — Аммо мусулмонлар ҳануз шунга ўрганмаган... Шунинг учун таклиф қиламанки, то халқ ўрганиб, бироз аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгили тариқинда тарғиб ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволига қараб олинса эди... Самарқанддин янгидан таъминоти олинмаса эди...

Халқ ҳам очлик ва қимматчилик ва шунга ўхшаш оғирликлардан хориган ва асабийлашгандур. Оқча керак бўлса, бошқа йўللар билан солиқ тариқинда тўпланмоғи мумкин»<sup>15</sup>.

Ерни национализация қилинишга қарши чиқар экан, Беҳбудий ерларнинг ҳолати ва ер эгаларининг аҳволини статистик таҳлил йўли билан ўрганиб чиқиш зарурлигини кўрсатиб ўтади ва Тоболидан кичик корхоналар, устахоналар ва тегирмонларни национализация қилишни тўхтатишни сўрайди: «Мана ушбу ишлар ҳам ҳозирги ҳукуматнинг сиёсатида зарарлиқдур. То таъқиқланиб Туркистоннинг умум халқи ва ери статистик ҳисоби-ла рўйхат бўлиб, қонуний бир қарор чиқарилгунча, кичик деҳқонларнинг ва кичик тегирмон ва кичик корхона ва устахоналарнинг «нотсиёлизатсия»си (ёйинки тақсими) мавқуф қолдурилса эди»<sup>16</sup>. Беҳбудий озиқ-овқат разверсткаси, ерни национализация қилиш ҳукумат билан халқ ўртасида кутилмаган тўқнашувларга сабаб бўлиши ва омманинг ҳалокатли тарзда қашшоқлашиб қолишига олиб келади, деб огоҳлантирганди. Унинг бу башоратлари ҳақиқатга айланди. Аммо, ўша пайтда у соддадиллик билан Тоболин унинг таклифларига хайрихоҳлик билан қаради, деб ўйлаган эди. Унинг мазкур масалалар бўйича нуқтаи назари жадиждларнинг иқтисодиётга оид концепциясининг таркибий қисми ўлароқ, ўлкани «советчасига» мустамлака қилишга қаратилган большевистик концепцияга мутлақо мос келмас ва қарама-қарши эди.

Ўрта Осиёда жадиждчилик серқирра бўлиб, унинг асосий оқимлари — Бухоро ва Хива жадиждчилиги эди. Бухоро ва Хива жадиждчилиги ўз хусусиятлари ва ривожланиш шаклларига эга бўлиб, амирликлардаги иқтисодий, сиёсий ва жамиятнинг ахлоқий аҳволи билан боғлиқ эди.

Файзулла Хўжаевнинг Бухорода жадиждчиликнинг юзага келишига хонликнинг иқтисодий негизи, жамият тараққиётига тўсиқ бўлиб турган «ғайри табиий ва даҳшатли тартибсизликлар» сабаб бўлган, деган фикрини инкор этиш қийин. Айни пайтда, Бухоро Ўрта Осиёнинг қоқ ўртаси, қадимий савдо йўллариининг марказида жойлашганини, аҳолининг асосий қисми саводсиз бўлса-да, юксак араб-форс маданиятининг излари ҳар қадамда учраб тургани ҳам бу ҳаракатта замин яратган. Ана шу шароит ва қадимдан зулм асосида ҳукм суриб келган, сиёсий мақсадларни кўзлаб рус найзалари билан қўриқланган Бухоро амирлигида жадиждчилик ривожланди. Ҳар қанча ажабланарли бўлмасин, Ф. Хўжаев фикрича, айнан шу сабабларга

кўра «Ўрта Осиёни банклар, деҳқонлардан хом ашё сотиб олувчи савдо идоралари билан қоплаб олган ва Ўрта Осиёга ўз маънуфактураси, бошқа фабрикантларни келтираётган рус капитализми «тобора кучайиб, жамиятнинг илғор қисмини ўйлантириб қўйди, жадиличликка сабаб бўлди».

Бухоро жадичилиги Туркистонга қараганда кечроқ юзага келган бўлса-да, жамоат ҳаётидаги оғир муҳит унинг тараққиётини тезлаштирди ва бу ҳаракат 1915 йилдан бошлаб маданиятдан сиёсатга қараб йўл тутди. Бухоро жадиждари, хусусан, Фитрат асарларида нафақат маънавий ҳаёт, балки қонунчилик, савдо ва бошқарув усуллари ҳам танқид остига олинди.

Тарихнинг кўрсатишича, жадиличлик ҳаракатида орқага йўл йўқ эди: у маърифатчилик ва тор доирадаги маданийлаштиришдан иш бошлаб, сиёсий ҳаракатга айланди, ўз олдига жамият ва уни бошқаришни қайта қуришдек вазифаларни қўйди. Жадиличлик Таркистонда «Мусулмон иттифоқи», Туркистонда «Шўрви Исломия» ва бошқа партияларни юзага келтирган бўлса, Бухорода «Ёш бухороликлар» партиясини вужудга келтирди. Бироқ сиёсий талаблар, шу партиялар пайдо бўлгачгина қўйила бошланди, деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Бундай талаблар аввалбошданок юзага келган эди. 1910 йилдан кейин жадиличлик ташкилий тус олгач, «жадиждарнинг энг илғор қисмининг программа максимумида асосий ўрин тутган ғоя, Бухорода ғарб намунасидаги капитализм ва демократияни ривожлантириш эди».

Жадид ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб, сиёсий тус олганлигининг сабаби иккита эди: биринчидан, 1914—1915 йилларда жадиличлик бошидан кечирган инқироз — газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимият жадиждарнинг билимсизлик ва гафлатга қарши кураш фаолиятини кенгайтиришга йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Иккинчидан, жадиличлик ҳаракатига ҳорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган, ёш куч оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалар қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгилаштириш —

шу талаблар жумласидан эди. Жаидлар бир-бирига зид бўлган икки оқимга — эскича фикрлайдиган ва Фитрат бошчилигидаги ёшларга ажралди. Натижада, ўзаро келишмовчиликлар юзага келди. Бу ҳолат эса келишиб олинмаган ҳаракатларга сабаб бўлди. Натижада, амир манифестини қўллаш учун ўтказилган тинч намоёиш қувғин этилди ва жаидларга қарши қатағонлар бошланди. Жаидлар кекса авлодлардан фарқ қилиб, очиқ чиқишлар тактикасини хато ҳисобламас эдилар. С. Айнийнинг фикрича, «Фитрат ва Ф. Хўжаев бошчилигидаги сўл гуруҳ узоқни кўра олмаганлиги ва вазиятни нотўғри тушунганлиги туфайли жаидлар гуруҳи тор-мор этилди». Шунини тан олиш лозимки, ёш жаидларнинг вакилларига ҳурмат ва хайрихоҳлигимиз чексиз бўлса-да, кейинги йилларнинг тарихий воқеалари шуни кўрсатдики, Абдулвоҳид Бурҳонов, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Муҳиддин Рафоат, Муса Саиджонов, С. Айний ва бошқалар вазиятни тўғри баҳолаганлар, жаидлар аҳолининг асосий қисми ўртасида катта таъсирга ва кучга эга эмас эди. Омма руҳонийлар таъсири остида бўлиб, исталган вақтда унинг даъвати билан жаидларга қарши кўтарилиши мумкин эди. Шунинг учун улар ниҳоятда ўйланган, эҳтиёткорона ҳаракатлар, инқилобсиз, айниқса, қонли тўқнашувларсиз, аста-секин, босқичма-босқич ўтказиладиган ислохотлар тарафдори эди. Аслида, аввалги манифестация, кейин эса Колесов воқеаларининг ташаббускорлари ҳам қуроли кўзғолондан қўрқмайдиган, инқилобий кайфиятдаги сўл жаидлар эди. Бироқ бухорликлар қизиққон бўлсалар-да, ташкилотнинг ажралиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар. Абдулвоҳид Бурҳоновни ташкилот раиси сифатида қолдирдилар. Улар 1917 йил мартидаги амир қатағонидан сўнг аҳвол кескин ўзгарганини яхши англаб етдилар. «Жаидчиликнинг ижтимоий базаси тораёди, чунки савдогар вакиллари кетиб қолдилар ва уларнинг моддий ёрдами ҳам тўхтади...

Мулқдорлар курашдан четлашдилар. Сўл қанот марказий ўринни эгаллади. Ташкилотнинг бундан кейинги кенгайиши аҳолининг мулксиз табақалари, ҳисобига борди... Ташкилот заифлашди, унинг жамиятга маънавий таъсири ҳам заифлашди» — деб ёзган эди Ф. Хўжаев<sup>17</sup>.

1910—1917 йилларда олиб борилган оғир меҳнат,

сабот-матонат, қатъийлик натижасида жаидлар Ф. Хўжаев ибораси билан айтганда, «миллий инқилобни бошқаришга» қодир бўлган ёш бухороликларнинг сиёсий партиясига айланди.

Бу пайтда Ф. Хўжаев ва Фитрат амирни ағдариш ва инқилобни амалга оширишда партия советлар ёрдамидан фойдаланишга самимий ишонар эди. Бу масалада асосий ўринни РКП(б) тутгани, Ёш бухороликлар эса Бухорони босиб олишда уларга қўшимча восита бўлганлигини Ф. Хўжаев анча кеч тушунди.

Ёш бухороликларни мақсади нима эди, улар қандай давлатни қурмоқчи бўлган ва уларнинг давлатчиликка қарашларининг негизи нимага асосланган эди?

Ёш бухороликлар партияси ўз ислохотлар дастурига эга бўлиб, ушбу дастур уларнинг Бухоро давлатининг тузилишига оид қарашларини акс эттирар эди. Унинг лойиҳасини асосан, Фитрат ишлаб чиққан ва у Ёш бухороликлар партияси Марказий қўмитаси томонидан қабул қилинган эди. Шунинг ҳисобга олиш лозимки, ушбу дастур жаидлар илгари сурган улкан мақсадларнинг фақат бир қисминигина ифода этарди. Шунга кўра, улар сиёсий вазият билан ҳисоблашган ҳолда бошқарувнинг республика шаклини яратиш ёки зўрлик билан ўрнатишнинг глобал вазифаларини қўймадилар. Файзулла Хўжаев лойиҳани «конституция ҳақидаги масалани олдиндан ҳал қилмасдан, бошқарувнинг монархия шаклини ўзгартирмаган ҳолда икки асосий мақсадни: Бухородаги ҳуқуқий давлатчиликни жорий қилиш, ўрта аср шарқ мустабидлигини Европа намунасидаги маърифатли монархия билан алмаштириш ва Бухоро халқи меҳнаткаш оммасининг фаровонлигини, маданиятини ошириш асосида Бухорони иқтисодий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлашни» кўзда тутувчи дастур-минимум деб атайд<sup>18</sup>. Давлат бошқаруви нуқтаи назаридан қараганда дастур инқилобий эмас эди ва амир бошқарувининг ҳуқуқий асосларига амалда дахл этмади. Аммо ички ишлар соҳасида Бухорода қатъий маъмурий бўлинишни ўтказиш, ҳукумат томонидан маош тўланадиган бошқарувнинг маҳаллий органларини таъсис этиш ва бошқарувни марказлаштириш талаб қилинган эди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш жуда чекланган ҳолда кўзда тутилган эди: фақат ҳокимиятнинг қуйи бўғини — оқсоқоллар халқ томонидан сайланар эдилар. Адлия

органлари илгаридек шариат қонунларига суянишлари лозим бўлиб, улар руҳонийларнинг қўлида бўлиши кўзда тутилганди. Шу билан бирга ўн та вазирдан иборат бўлган вазирлар Кенгашини жорий этиш таклиф қилинарди: Деҳқончилик вазирлиги, Вақфлар, Ҳарбий ишлар бўйича, Молия, Ички ишлар, Адлия, Алоқа йўллари вазирлиги, Кон қазош ва қайта ишлаш сановати, Таълим, Ташқи ишлар вазирликлари. Бироқ вазирларнинг сайланиши ва уларнинг масъулияти айтиб ўтилмаган эди. Гарчи, шундай бўлса ҳам Ёш бухороликлар мамлакатни иқтисодий ва маданий қайта ташкил этиш масалаларида катта журъат кўрсатиб, Бухоро аҳолиси ҳаётининг барча конкрет соҳаларида хусусан, солиқ сиёсати соҳасида ислохотлар ўтказиш билан халқ оммасининг аҳволини енгилаштиришга қаратилган эди.

Лойиҳа, хусусан, давлатга ва меҳнаткашларга қарашли бўлган ерлардан олинадиган солиқларни камайтиришни, аксинча, «мулк» ерлар (хусусий ер эгаларига тегишли) ва «мулк-хирож» ерларнинг яъни, давлат мулки бўлгани ҳолда амир томонидан хусусий шахсларга берилган ерларнинг бир қисмидан олинадиган солиқларни кўпайтиришни кўзда тутарди. Ўзлаштирилган, аммо экин экилмаган ерларга солиқ солиниши, ёш бухороликларнинг фикрича, уларнинг тезда экилишига ёки ўзларидаги барча ерга ишлов беришга қобил бўлмаган хўжаликлар томонидан сотиб юборилишига олиб келиши мумкин эди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш, экин майдонларини кенгайтириш ҳамда деҳқончиликни интенсивлаштириш, Зарафшон дарёси суғориш тизимини тартибга солиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш рағбатлантирувчи чора сифатида қишлоқ хўжалиги кредитлари ва ишлов беришни механизациялаш, яъни Бухорода ўзининг вилоятлардаги кўп сонли филиалларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги банкни яратиш кўзда тутилган бўлиб, бу Бухоро деҳқонларини «кўп сонли қишлоқ суджўрларининг чангалидан озод қилиши» лозим эди, «бундан ташқари Бухорога қишлоқ хўжалиги машиналарини олиб келиш, уларни деҳқонларга тарқатиш ва деҳқонларни ана шу машиналардан фойдаланишга ўргатиш» ҳам кўриб чиқилди<sup>19</sup>.

Ёш бухороликларнинг дастурида таълим масалала-

рига катта ўрин берилган эди. Бунда вақфлар институтига алоҳида аҳамият берилди. Бироқ, Ёш бухороликлар фанни ривожлантиришда вақфлар вазирлигининг ролини устун ҳисоблаб, таълим вазирлиги билан мазкур вазирлик ўртасида вазифаларни аниқ чегаралаб қўймадилар. Ёш бухороликлар кучли, мустақил давлатнинг асосий атрибути армия эканлигини, албатта, тушунар эдилар. Амир қўшинларининг аҳволини ҳисобга олиб, Европа мамлакатларининг, хусусан, Россиянинг ҳарбий тузилмалари ҳақида тасаввурга эга бўлган ҳолда улар умумий ҳарбий мажбурият, қўмондонлар таркиби учун ҳарбий мактаблар яратиш, қўшинни давлат ҳисобидан боқиш ва кийинтириш ҳамда аскарлар учун тўланадиган маошнинг энг кам миқдорини белгиланган ҳолда армияни комплекташтиришнинг Европача усуллари жорий этишни зарур, деб ҳисобладилар. Бунда армиядаги бошбошдоқликни, амир қўшинида кенг тарқалган, юқори мансабдагиларнинг қуйидагиларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишини таг-туғи билан йўқ қилиш зарурлиги таъкидланди. Молия соҳасини кўриб чиқишда Ёш бухороликлар Молия вазирлиги ишени муфассал лойиҳалаштириб бера олмадилар, фақат мазкур иш амирнинг шахсий маблағларини умумдавлат маблағларидан ажратишни тақозо этиши, солиқларни тартибга солиш ва қатъий қайд қилиб бориш, бюджетнинг ҳар йили эълон қилинишини кўзда тутиши таъкидланди.

Лекин, ўзининг барча қамчиликларига қарамай Ёш бухороликларнинг биринчи дастури миллий демократлар томонидан Бухорода жамиятни тубдан қайта тузиш заруратининг англаб етилганидан дарак берувчи ёрқин ҳужжатдир. Иккинчи дастур эндиликда ҳар қандай йўл билан бўлса-да, амирни тахтдан ағдариш ва Туркистон большевиклари ёрдамида ўз ҳокимиятини ўрнатишига қарор қилган Ёш бухороликларнинг Туркистон Марказий бюроси томонидан тузилган бўлиб, биринчи дастурдан тубдан фарқ қилар эди. Унинг асосий мақсадлари амирликни ағдариб ташлаш, умумхалқ сайлов ҳуқуқини жорий этган, ҳукумат таркибига аҳоли сонига мутаносиб равишда киришган ҳолда демократик халқ республикасини тузишдан иборат эди. Шунга кўра ушбу дастур кўпроқ сиёсийлашган бўлиб, Ёш бухороликларнинг улар қурмоқчи бўлган давлатчиликка оид эндиликда аниқ бўлиб қолган қарашларини ифо-

да этарди. Туркистонда муҳожир бўлиб яшаган йиллари Ёш бухороликлар учун изсиз кетмади. Туркистонда аллақачон мавжуд бўлган сиёсий тизимнинг таъсири сезиларли даражада ўзини кўрсатади, бу ҳол дастурнинг қуйидаги бандларида ўз аксини топган: «Партия Европа капиталистлари билан ҳар қандай ҳамкорликни рад этади, ammo меҳнаткашлар озод бўлиш йўлида Европа ишчи ва деҳқонлари билан биргаликда кураш олиб боради», «партия ўз ихтиёридаги барча куч ва воситалар билан Европа империализми ҳукмронлигидан озод бўлиш учун курашади»<sup>20</sup>. Биринчи дастурдан фарқли ўлароқ, Ёш бухороликлар миллий масалага эътибор бериб, партия миллий ва диний низонинг ҳар қандай кўринишларига йўл қўймайди ва ўзининг бутун кучи билан «Бухоро Халқ Республикасининг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқларига кўра барча билан тенг бўлиши, унга берилган ҳамма ҳуқуқлардан бирдек фойдаланиши» учун ҳаракат қилади, дея кўрсатиб ўтдилар<sup>21</sup>. Бухоро жаҳидларининг дастурига кўра, ҳуқуқ тубдан ислоҳ қилиниши лозим эди. Таъсис мажлиси томонидан ишлаб чиқилган қонунлар судлар томонидан сўзсиз ижро этилиши, судлар эса «уларнинг ишига ташқаридан бўлган шахсларнинг ҳар қандай аралашуви ва таъсири»дан муҳофаза этилиши лозим эди. Жиноий судлар икки инстанциядан иборат бўлиши керак эди. Биринчи инстанция судьялари аҳоли томонидан сайланиши, иккинчи инстанция судьялари биринчилар томонидан кўрилган ишлар бўйича ажримлар чиқариши кўзда тутилганди. 8 соатлик иш кунининг жорий этилиши, касабә уюшмаларини тузиш, кооперация, давлат томонидан кредитлар бериш каби масалалар ҳам ушбу дастурнинг янгилик жиҳатларини ташкил этарди.

Ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнатнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг ёлланма меҳнатини тақиқлаш, қари ва меҳнатга лаёқатсиз ишчиларнинг давлат сурфуртаси ҳам кўзда тутилган эди<sup>22</sup>.

Бироқ, Ёш бухороликлар дастурни амалга оширишнинг тактикаси масалаларида ягона бир қарорга кела олмадилар. Маълумки, Ёш бухороликларнинг коммунистик гуруҳи ҳам мавжуд эди ва улар Ёш бухороликлар партиясининг Туркбюроси томонидан ишлаб чиқилган дастур коммунизм роъларига тўғри келмай-



ди, деб ҳисоблар эдилар. Мана шу ҳол икки гуруҳнинг бирлашувига тўсқинлик қилди, ваҳоланки, уларнинг мақсади ягона—амирни тахтдан ағдариб эди. Коммунистик гуруҳ вакили А. Орипов «дин ва шарият» сўзлари бирлашув йўлидаги бартараф қилиб бўлмайдиган тўсиқдир, деб баёнот берарди<sup>23</sup>. Ёш бухороликларнинг Туркбюроси раҳбари Ф. Хўжаев ўз партиясининг мавқеини сақлашга ҳаракат қилишига қарамай, РКП(б) МК Туркбюросининг мажбурий қарори билан бирлашув амалга ошди ва натижада Россия Коммунистик партиясининг бир қисми сифатида Бухоро Компартияси ташкил этилди. Ана шу пайтдан бошлаб жадиждларнинг ўзларининг февралгача бўлган мавқеларида қолган катта қисми сиёсатдан четлашдилар ва қатъон йилларида худди совет ҳокимиятининг сиёсатига қўшилган жадиждлар сингари қириб ташланди.

Хива хонлигида жадишлик бир қадар бошқача тарихий шароитда XX аср бошларида вужудга келди. Бу ерда жадишлик ҳаракати асосан икки оқимдан иборат бўлган. Унинг ўнг оқими хонлиқда ривожланаётган савдо-саноат корхоналари эгалари ҳамда йирик мулкдорларнинг вакиллари ўзига бирлаштирган эди. Бу оқимга Хива хони Асфандиёрнинг бош вазيري Ислом Хўжа бошчилик қилган. Улар мамлакатда хон ҳокимлигини сақлаб қолган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш орқали бозор муносабатларини ривожланишига кенг йўл очиб беришни мақсад қилиб қўйдилар. Хивадаги жадишликнинг сўл оқими эса майда буржуазия, ҳунармандлар, уламолар ва халқнинг ўрта табақа вакиллари бирлаштирган эди. Хива хонлигидаги шайхулислом — Қозикалон Бобоохун Салимов унинг раҳбари эди. Биринчи жаҳон урушигача Хива жадиждларининг ягона маркази ва дастурий ҳужжатлари бўлмаган.

Бухородаги жадишлик ҳаракатидан Ёш бухороликлар партияси ўсиб чиққан бўлса худди шундай жараён Хивада 1914 йил августда такрорланди. Ёш хиваликлар партияси жадиждларнинг сўл оқимидан вужудга келган эди ва унга Полвонниёз Ҳожи (Полёзхожи) Юсупов раҳбарлик қилди. Партиянинг эълон қилинган дастурида Хивада Конституцион монархия ўрнатил, демократик тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган эди.

1917 йил 5 апрелда Хива хони Асфандиёрхон

(ҳукмронлик даври: 1910—1918 йй.) Ёш хиваликлар партияси йўлбошчилари тақдим этган манифестни имзолашга мажбур бўлди. Манифестда янги усул (жадид) мактаблари очилиши, мамлакатда темир йўл, почта ва телеграф қурилиши, давлат хазинаси назорат остига олиниши, барча амалдорларнинг сайланиши ва мояна билан таъминланиши, бутун аҳолининг шариат олдида тенглиги таъкидланган эди. Ислохотларнинг амалга оширилишини назорат қилиш учун 49 вакилдан иборат Идораи машрутия ташкил топди. 8 апрелдан мамлакатни бошқариш учун Хивада хон ҳузурида Мажлис (раиси — Б. Салимов) ва Нозирлар кенгаши (раиси — Хусаинбек девонбеги Матмуродов) тузилди. Бироқ Хива хони Асфандиёрхон асосан Ёш хиваликлардан иборат бу Мажлис ва Нозирлар Кенгашини тезда тарқатиб юборди, Идораи машрутияни тугатди<sup>24</sup>.

1919 йилда Ёш хиваликлар партиясининг янги дастури қабул қилинди ва у 1920 йил 8 февралда Тошкентдаги «Известия» газетасида чоп қилинди. Хива инқилобий партиясининг яқин орадаги вазифалари деб номланган мазкур дастур 12 моддадан иборат манифест шаклида баён қилинган. Бу ҳужжат Ёш хиваликлар партиясининг демократик ислохотлар дастури эди. Дастурда Хивадаги хон ҳокимлигини тугатиш, хон ва хонзодалар, беклар ва вазирларга қарашли барча бойликларни халқ мулки деб эълон қилиш, йирик мулкдорлар ерларини камбағал деҳқонларга бўлиб бериш, мамлакатда текин даволовчи шифохоналар ва бепул ўқитувчи мактаблар очиш, йўллар ва кўприклар қуришга киришиш, мажбурий меҳнатнинг барча турларини бекор қилиш, хонлик тузумини ағдариб ташлаб, демократик халқ ҳокимияти — республикани барпо қилиш кўзга тутилган эди<sup>25</sup>.

Хива ва Бухоро инқилоблари ягона сценарий асосида амалга оширилди ва хивалик жадидларнинг қисмати ҳам Бухоро ва Туркистон жадидларининг тақдирини билан бир хил бўлди.

Ҳамма ҳаракатлар ҳам уларнинг йўлбошчилари хоҳлагандек тугайвермайди. Биз уларнинг хатоларини саназдан йироқмиз, албатта. Бухоро жадидчилигининг охир-оқибатидаги ҳатоси жамиятнинг янгилашнинг ультраинқилобий йўлини танлаш ва большевик кучларига ишониб, улар бошқа яна тобе ва ярим мустамлака

тузумга олиб келишини кўра олмаслик эди. Шунча куч-райрат, қон ва жонлар сарфланган ҳаракат ўз мақсадига эриша олмаганлигига фақат афсусланиш мумкин, лекин жади́дчилик ва унинг ғояси ўз даври тарихида феномен тарзида намоён бўлди.

Жади́дчилик ўзидаги қайси белгилари билан фавқулодда ҳодиса эди? Жади́дларнинг жамиятдаги инқироз ва мутаассибликни шу даражада аниқ кўришларига, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга амалий ёндашишига нима ёрдам берди? Биринчидан, унинг ноёблиги (феномени), аввало, унда ғоятда юқори даражадаги ақл-идрокли, ҳам Шарқ, ҳам Европа маданиятига хос билимларга эга бўлган зиёлилар жамланганлиги билан белгиланади. Ўтмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даврини таҳлил қилган жади́длар ўз Ватанининг келажаги лойиҳасини туза билдилар, унинг ривожланиш йўллари режалаштирдилар. Уларнинг деярли барчаси олий-диний таълим олганлари, Жомий, Навоий, Фузүлий шеърятчи, қадимги Шарқ мутафаккирларининг фалсафий асарлари руҳида тарбияланганлари ҳолда, ўз билимларини чет эл маданияти, жумладан, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитдилар<sup>1</sup>.

Уша йиллари анъанавий осийча фикрлаш доирасидан чиқиб кетувчи Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Қонуни Оврупо» («Европа қонунлари») мақоласини ёки Абдурауф Фитратнинг «Раҳбари нажот» рисоласини ёзишга нима сабаблар чорлади ва шунга йўл очиб берди? Албатта, бу нарса уларнинг бошқа давлатларнинг турмуш тарзи қонуниятларини ўрганишга интилишлари, уларнинг энг яхши зиё урувларини ўзларининг сермахсул ва қадимий маданият тупроғида қўллаш учун ўрганиш ва тушунишга уринишлари эди. Жади́длар онгида маданиятнинг юқори даражадаги ютуқлари сараланиши ва уйғунлашуви юз бердики, унинг асосида Туркистондаги тараққиётнинг махсус шакллари мулоҳаза этилиши ва ишлаб чиқилиши рўй берди. Бу ҳодиса Абдурауф Фитратнинг «Раҳбари нажот» асарида Туркистондаги анъанавий фалсафа

<sup>1</sup> Жади́дларнинг аксарияти ўз билимларини чет элларда давом эттирдилар. Масалан, Исҳоқхон Ибрат Жидда, Истанбул, София, Афина, Римда яшаб-ўқиган. Хиндистонда ҳам узок вақт яшаган. У француз, инглиз, урду, форс, иврит, араб ва бошқа яна бир қатор тилларни ўрганган.

ҳақида фикр юритганида, француз тарихчиси Шарль Сеньобоснинг уч жилдлик «Сиёсий тарих»ига таянганлиги мисолида яққол кўзга ташланади.

Ривожланган давлат қуришдаги ўз ғояларини амалга оширишда Туркистон, Бухоро ва Хива жадиждари мутаассиблик, лоқайдлик, қоқоқликка қарши курашга алоҳида аҳамият берганлар. Бу вазифаларни амалга оширишда улар тараққийпарвар, билимли ёшларга таянганлар. Улар ўз ишларида Европа давлатлари тараққиётга қандай йўллар билан етиб келганлигини ақс эттириб, тарихий мисоллар келтирганлар. Жадиждар тил ўрганиш ва фан-техника тараққиётининг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда замонавий ҳолатининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, унинг келажagini қуйидагича программалаштирганлар: кучли дунёвий ҳокимият, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, банк капиталининг эркинлиги тамойилларига асосланган озод, мустақил давлат қуриш. Бу давлат исломга ҳурматини сақлаган ҳолда барча йўналишдаги маданиятларнинг эркин ривожланишига хайрихоҳ бўлиши лозим эди. Жадиждар халқнинг маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитишни зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар давлат келажаги ёшлар қўлидалигини жуда яхши англаганлар.

Уларнинг фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жадиждар томонидан жамиятда пишиб етилган ижтимоий вазифаларни эволюцион-ислоҳотчилик тамойиллари асосида ҳал этиш ишлаб чиқилгани, уларнинг формацион-институтционал ўзгартиришларни, мустамлака тузумни тубдан йўқотишнинг мақбул йўлларини танлай билганликлари, шубҳасиз уларнинг тарихий хизматларидир.

## Адабиётлар

<sup>1</sup> Бехбудий М. Баёни ҳақиқат. // Улуғ Туркистон. 1917. 12-июнь.

<sup>2</sup> Худайкулов А. М. Просветительская деятельность аждаидов Туркистана. (конец XIX — начало XX вв.); Дисс. на соискание степени канд. ист. наук. — Ташкент, 1995. — С. 109.

<sup>3</sup> Бехбудий М. Хайр ул-умури авсатуҳо. // Хуршид. 1906. — 11 окт.

<sup>4</sup> Аъзамхўжаев С. С. Туркистон Мухторияти. Тошкент. Маънавият. 2000. 21-бет.

- <sup>5</sup> Бехбудий М. Ҳақ олинур, берилмас. // Хуррият. 1917. № 22. 13 июль.
- <sup>6</sup> Бехбудий М. Туркистон мухторияти. // Хуррият. 1917. № 19. 12 декабрь.
- <sup>7</sup> Бехбудий М. Баёни ҳақиқат. // Улуғ Туркистон. 1917. 12 июнь.
- <sup>8</sup> Ходжаев У. Турли ўринлар. // Садои Туркистон. 1915. 2 февраль.
- <sup>9</sup> Бехбудий М. Қози ва бийлар ҳақида лойиҳа. // Ойна. № 5. 106—107-бетлар.
- <sup>10</sup> Дарсаодат М. Жаҳолат меваси. // Садои Туркистон. 1914. № 30, 1-бет.
- <sup>11</sup> Идорага мактублар. // Садои Туркистон. 1915. № 64. 4-бет.
- <sup>12</sup> Бехбудий М. Бизни кемирувчи иллатлар. // Ойна. 1915. № 13. 338—342-бетлар.
- <sup>13</sup> Бехбудий М. Ғалла, аскарлик, ер ва таъминоти ҳарбия. // Меҳнаткашлар товуши. 1918. 2 август.
- <sup>14</sup> Уша ерда.
- <sup>15</sup> Уша ерда.
- <sup>16</sup> Ходжаев Ф. Материалы к истории Бухарской революции, Ташкент. 1926. С. 176.
- <sup>17</sup> Уша ерда. 176-бет.
- <sup>18</sup> Уша ерда. 35-бет.
- <sup>19</sup> Уша ерда. 32-бет.
- <sup>20</sup> Уша ерда. 65-бет.
- <sup>21</sup> Уша ерда. 65-бет.
- <sup>22</sup> Уша ерда. 65-бет.
- <sup>23</sup> Уша ерда. 65-бет.
- <sup>24</sup> Қаранг: Полвоиниёз Ҳожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи (хотиралар). — Урганч, «Хоразм», 2000. 74—75-бетлар.
- <sup>25</sup> Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. Т. II. — Алма-ата, «Наука», 1964. С. 499.

## ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ: МИЛЛИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЧИЛИК ҚУРИЛИШИ ТАЖРИБАСИ

Сиёсий мустақиллик, давлат суверенитетини қўлга киритиш воқеаларини изчил равишда идрок этиш XIX—XX аср бошларида Европа ва Осиё, жумладан, Россия империясидаги мустамлака халқлари миллий ўзлигини англаши ўсиб боришининг ажралиб турувчи хусусияти бўлиб майдонга чиқди.

Мазлум халқларнинг эрксеварлик интилишлари миллий масалани юзага келатган сиёсий партия ва ҳаракатларнинг устувор муаммоларидан бирига айлантирди, уни концептуал-назарий идрок этиш заруратини келтириб чиқарди. Миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласи бўйича мунозаралар айниқса қизиқ кетди.

1917 йилдаги Феврал инқилоби вақтига келиб «ўз тақдирини ўзи белгилаш» энг оммавий иборага айланди. Лекин ҳар бир партия ва ҳаракат тарихий тараққиёт характери ва Россия давлатининг истиқболлари тўғрисидаги ўз назарий тасаввурларидан келиб чиқиб, уни ўзича изоҳлади. Монархияга асосланган ва очиқдан-очиқ буюк давлатчилик кайфиятидаги партияларни истисно қилганда, қолган барча партияларнинг дастурий ҳужжатларида «ўз тақдирини ўзи белгилаш» тушунчаси асосий ўрин эгаллади. Унинг турли-туман талқин қилиниши бошқа масала. Эҳтимол, Европа жамиятининг бирор-бир партияси бу иборанинг мазмунини ўз миллий тақдирини ўзи белгилаш учун кўрашаётган халқлар даражасида тушунмас эди. Жумладан, Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси учун «ўз тақдирини ўзи белгилаш» сўзи «ўз тақдирини ҳал қилиш» деб таржима қилинар эди.

Чор тузуми афдарилгандан кейин ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган интилишнинг кучайиб кетиши Россия империясидаги мустамлака халқларнинг, жумладан, Туркистоннинг сиёсий ўзини англашининг ўсиши, миллий сиёсий партиялар ва ҳаракатлар томонидан ижтимоий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб олишининг муҳим омили бўлди.

Туркистондаги миллий сиёсий ташкилотлар Умумроссия партиялари ғоявий бойлигининг қайси жиҳатларини ўзлаштиришлари мумкин эди? Улар миллий масалани ҳал қилишнинг қандай истиқболларини кўзда тутганлар?

Туркистон тараққийпарварлари кўпгина ғоявий масалаларда либерал Россия буржуазияси партияси — кадетлар (конституцион демократлар)га яқин турар эдилар.

Бугунги кунда маълум бўлишича, кадетларнинг дастурида мамлакатнинг маданий ривожланишига ёрдам берадиган бир қатор оқилона бандлар ўз аксини топган. У ғарб андозалари бўйича Россияда ислохотлар йўли билан туб ўзгаришларни амалга ошириш, ғарб демократияси институтларини фаол жорий этишга мўлжалланган. Россиянинг давлат қурилиши масаласи бўйича дастлаб конституцион монархия барпо этиш таклиф қилинган. Лекин 1917 йилга келиб демократик парламент республикасини вужудга келтириш таърифлаб берилган. Бунда қонун чиқарувчи ҳокимият халқ

вакилликка бўйсунар эди. Ижроия ҳокимиятининг тепасида республика президенти турар эди. Халқ вакиллик органи бўлиб таъсис мажлиси ҳисобланган<sup>1</sup>.

Лекин кадетларнинг миллий дастури чекланган характерга эга эди. Ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенглигини эълон қилган конституцион демократлар, айти пайтда, халқларнинг ҳуқуқларини фақат эркин ва маданий равишда ўз тақдирларини ўзлари белгилашда эканлигини эътироф этдилар. Улар мухториятларни шакллантиришда миллий, ҳудудий принципларни, қатъий равишда рад этдилар. Бу ҳақто метрополия билан ҳаммадан кўпроқ иқтисодий манфаатлар юзасидан боғланган рус бўлмаган «буржуазия» вакиллари ўртасида ҳам норозилик туғдирди.

Ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини талқин қилишда радикал партия бир қадам илгари кетди. У мазлум халқларга миллий-сиёсий мухториятга эга бўлиш ҳуқуқини беришни билдирди. Унинг дастурий ҳужжатларида фақат яқин ўтмишда сиёсий мустақилликка эга бўлган бир қатор йирик вилоятларга мухторият бериш принципи Россиядаги ҳеч қачон миллий мухториятга эга бўлмаган ёки эга бўлган бўлса-да, энди сифатий ва ҳудудий жиҳатдан нисбатан арзимас миқдорни ташкил этган миллатларни қониқтирмаслиги кўрсатиб ўтилган. «Бундай миллий халқларнинг сиёсий мухториятга интилишини қонунан қондиришга кичик ҳудудий бирликларга сиёсий ва маъмурий мухторият бериш Россиянинг бир бутун яхлитлигига ҳеч қандай путур етказмаган ҳолдагина рухсат этиш мумкин»<sup>2</sup>. Лекин «радикаллар» дастурида ҳам миллий мухторият фақат чекланган ҳолда ўз ифодасини тошган. У кенг суверен ҳуқуқлар беришни кўзда тутмади.

Россиядаги социалистик партия ва уларнинг ўлкалардаги шўбаларининг миллий дастурлари кўпроқ демократик таассурот туғдирарди. Чунончи, партиянинг ташкилий жиҳатдан шаклланиш вақтидаёқ социалист-инқилобчилар (эсерлар) ўзларининг «ажралиб чиқишгача бўлган тўла ва шак-шубҳасиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этиш», инқилобдан кейин Россия таркибида қолишни хоҳлаган халқларга эса эркин федерация таклиф қилиш нуқтаи назарларини баён этган эдилар<sup>3</sup>.

Афсуски, эсерлар ўзларининг амалий фаолиятларида изчил эмас эдилар. Эсерлар партиясининг сўзи

ва иши ўртасидаги узилиш партия етакчиларининг бир қисми ҳукумат коалицияси таркибига кирган, жумладан, А. Ф. Керенский Муваққат ҳукуматни бошқарган пайтда яққол намоён бўлди.

Россия социал-демократ ишчи партияси миллий дастурнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқишда диалектик жиҳатдан бир хил бўлмаган йўлдан борди. Маълумки, ташкил топганидан кўп вақт ўтмай, у меньшевиклар ва большевиклардан иборат икки ғоявий оқимга ажралиб кетди.

Большевиклар социал-демократияда қатъий марксизмнинг ғоявий нуқтаи назарини ёқлаган экстремистик йўналишни ташкил этганлар. Меньшевиклар Россия ижтимоий ҳаракатида Европа социал-демократиясининг ислоҳотчиликка асосланган бернштейнчилик тармоғи ғояларининг ифодачиси сифатида майдонга чиққанлар. Уларнинг ғоявий интилишлари марксизм ақидаларни танқидий жиҳатдан зўрлик орқали эмас, балки фуқаровий келишув йўли билан янгилаш воситаларини излаб топишга қаратилган.

Меньшевиклар Россия халқларига миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш демократик ҳуқуқини бериш масаласида эсерлар билан тўла ҳамфикр эдилар. Лекин февраль воқеаларидан кейин улар амалий жиҳатдан иккиюзламачилик ва тутуруқсизликларини намоён қилдилар. Россия империясининг буткул барбод бўлишидан кўрққан меньшевиклар ҳар қандай йўл билан «ягона» ва «бўлинмас» давлатнинг бўлиниб кетишига қаршилик кўрсатдилар.

Россия социалистларининг сиёсий иккиланишлари шароитида большевикларнинг миллий дастури бир қадар жозибадор бўлиб кўринди. Пировард натижада бу марксист тарихчиларга миллий-озодлик ҳаракатининг пролетар ҳаракати билан мустаҳкам боғлиқлиги, фақат Совет ҳокимияти миллий масаланинг муваффақиятли ҳал бўлишини таъминлаганлиги тўғрисида хато хулосаларга келишларига асос бўлди.

Ҳозирда биз ҳақиқий ҳаётда буларнинг барчаси бошқача кечганлигини яхши биламиз. Большевиклар учун, хусусан, сиёсий нопоклик, кўп нарсаларни ваъда қилувчи даъватларнинг коммунистик жамият қуришнинг умумий стратегик ғояси билан кескин номувофиқлиги характерли эди. Миллий сиёсатда бу яққол намоён бўлди.



Синфий манфаатларнинг устуворлигига асосланиш, миллий омилга етарли баҳо бермаслик большевиклар миллий дастурининг салоҳиятини бўшаштириб қўйди, унинг ички зиддияти ва, хусусан, миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш масалаларида назарий жиҳатдан заифлигини кўрсатди.

Янги аниқланган маълумотлардан яққол намоён бўладики, 1917 йилда юзага келган, таркибига меньшевиклар, эсерлар, большевиклар, шунингдек, Муваққат ҳукумат аъзолари ҳам кирган ишчи ва солдат депутатлари Совети ўзи баён этган дастурий кўрсатмаларига ҳилоф равишда амалда Туркистон халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилашига қарши чиқди, империячилик сиёсатининг давом этишини ёқлади. Айни пайтда, миллий зиёлилар орасида миллий-ҳудудий мухторият ғояси тобора етилиб борарди. Унинг шаклланишида, шубҳасиз, Россия етакчи сиёсий партияларининг миллий дастурлари муайян таъсир кўрсатди. Зеро, аксарияти юксак даражада, маърифий билим соҳиблари бўлган миллий демократлар Умумроссия партиялари ва ҳаракатларининг дастурий ҳужжатлари билан яхши таниш эдилар. Шунга қарамай, ўз негизида миллий мухторият ғояси Туркистон маърифатпарварларининг қарашлари, ўлкадаги миллий-озодлик курашининг тажрибасига асосланди. Февраль инқилобидан кейинги воқеалар унинг тадрижий ўсишига катта таъсир кўрсатди. У ўлка халқларининг ўз суверен ҳуқуқлари учун кураш майдонида юзага келган янги концептуал қоидалар билан теранлашди ва бойиди.

Таъкидлаш жоизки, Туркистон мусулмонлар раҳнамоларининг мафкуравий қарашларида миллий масалани ҳал этиш ва Россия билан ўзаро давлатчилик муносабатларининг истиқболи борасида яқдиллик йўқ эди. Уларнинг бир қисми ўз келажагини Россия империяси билан алоқадан ташқарида кўрди. Кўпчилиги эса сиёсий федерализм ва миллий-ҳудудий мухторият ғоясини афзал билди. Умуман олганда, 1917 йил октябригача сиёсий сепаратизм (ажралиб чиқиш) ғояси расмий равишда илгари сурилмади. Бундан ташқари, Февралдан кейинги даврда дастлаб федерализмга интилиш тамойили билан бир қаторда, марказга интилиш тамойили ҳам кўзга ташланди. Фақат хўжалик қийинчиликлари, марказий

ҳокимиятнинг бошқаришга лаёқатсизлиги туфайли секин-аста марказдан қочувчи кучлар шиддат билан кучая бошлади.

1917 йилнинг февралдан ноябригача бўлган даврда Умумроссия демократик жараёнлари ичида ривожланган миллий-демократик ҳаракат Россиядаги дастурларга муқобил равишда ўзининг Туркистон жамиятини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди. Улар орасида 1917 йил 12—14 июлда Скобелевда бўлиб ўтган мусулмон ташкилотлари қурултойида тасдиқланган «Турк Адами Марказияти» партияси (Туркий федералистлар партияси)нинг дастурий ҳужжатлари муҳим ўринни тутди. Унинг асосий ҳужжати — «Мухторият лойиҳаси»ни ишлаб чиқишда Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Обиджон Маҳмудов, Мулла Камол Қози, Абдулла Раҳмонбердиев, Миродил Мирзааҳмедов, Мирзааҳмад Қушбеғиев ва бошқа миллий зиёлиларнинг пешволари, машҳур мусулмон уламолари иштирок этдилар. Унда янги партия Россия давлатчилигининг демократик, федератив, республикача тузилиши ғоясининг тарафдори эканлигини қатъий равишда таъкидлади.

Ўз дастурининг биринчи бандида партия Туркистон, Қозоғистон, Кавказ ва Бошқирдистонга миллий-ҳудудий мухторият, Волгабўйи, Қрим татарлари ва Россиянинг бошқа туркий халқлари учун эса маданий-миллий мухторият берилишини талаб қилиб чиқди. Шу билан бирга, мухторият принципи дастурий ҳужжатда ўзининг кенг талқинини топди. У мухтор тузилмалар учун тўла мустақиллик, барча ички масалалар — бошқарув, молия, шариат, маданият, адлия ва маорифни ҳал қилишда мустақилликни эълон қилди. Давлатни ҳимоя қилиш, пул зарб қилиш, божхона ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро алоқа масалалари эса марказий ҳокимият зиммасига юкланди.

Шундай қилиб, Туркистон давлатчилиги тарихида биринчи марта бошқарувнинг республика, парламент шакларини барпо этишга тарафдорлик эълон қилинди. Дастур мухториятни тузишда қонун чиқарувчи мажлис (парламент) ва ижроия муассасаларини вужудга келтиришни кўзда тутди. Ички ишларни ҳал қилиш учун жойларда кенг имтиёз ва ҳуқуқлар берилган маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувнинг вилоят ва туман маъмурий муассасалари ташкил этилди.

Мухтор республикалар парламентиға, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларига сайловлар умумий, тенг ва яширин овоз бериш асосида ўтказилиши керак эди. Жинси, ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиқодидан қатъи назар жамиятнинг 20 ёшдан ўтган барча аъзоларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилди. Лекин аёлларнинг сайловдаги иштироки шариат доирасидан четга чиқмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Дин масалаларига алоҳида бўлим бағишланди. Ҳар бир республикада дин ишлари бўйича одил назоратни амалга ошириш мақсадида туркистонлик федералистлар пойтахтда махсус «Маҳкамаи Шаръия» (қонунлар палатаси), вилоятларда унинг бўлимлари, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда эса қозихоналар таъсис этишни тақлиф қилдилар. Ижтимоий келиб чиқиши ва диний мазабидан қатъи назар Россия ҳудудида яшовчи барча мусулмонлар учун диний масалаларни ҳал қилиш мақсадида Шайх ул-ислом бошчилигидаги барча мухтор республикалар вакилларидан иборат Динлар Кенгашини сайлаш зарур, деб топилди.

Туркистонлик федералистлар дастурида исломни давлат дини сифатида эътироф этиш ўз аксини топмагани каби бўлажак давлатнинг дунёвий хусусияти ҳам аниқ-тиниқ белгилаб берилмаган эди. Лекин ислом дини ва ислом ҳуқуқи таъсири улар томонидан ишлаб чиқилган миллий давлатчилик ҳақидаги концепцияларда яққол кўзга ташланади. Уларда алоҳида ислом ҳуқуқи принциплари, нормалари ва бутун институтларидан анъанавий ижтимоий мазмун шакллари сифатида фойдаланилган.

Суд муассасаларининг мустақиллигини ҳимоя қилиб, дастурда улар четдан бўладиган ҳар қандай аралашувлардан озод ҳамда фақат қонунга ва шариатга бўйсунди, деб қайд этилган. Суд ҳукми эълон қилинмай туриб бирор-бир кишига жазо берилиши мумкин эмас. Ижроия органлари судьяларнинг тайинланиши, бир йилдан бошқа ишга ўтиши ва алмаштирилиши, шунингдек, тергов жараёнига аралашмаслиги ва таъсир кўрсатмаслиги керак. Жазолар тизими парламент томонидан чиқарилган қонунларга мувофиқ белгилашни лозим. Тергов олиб боришда адвокат иштирок этиши шарт. Жиноят ишлари бўйича муассасалар икки турга бўлинади: бири — ҳакамлар аҳолининг ўз томонидан сайланадиган бошланғич ташкилот; иккинчи-

си — биринчисининг қарори бўйича охириги ҳукми чиқарадиган суд.

Дастурда маориф масалаларига энг кўп ўрин ажратилган. Ўзларининг маърифатпарварлик ғояларига содиқ қолган миллий демократлар халқ таълими, унинг тузилмасини вужудга келтириш, норма ва принципларининг бутун бир тизимини ишлаб чиқдилар: диний, миллий, жинсий мансублигидан қатъий назар жамиятнинг барча аъзоларига маълумот олиш ҳуқуқини бериш; маориф ишида маҳаллий ҳокимиятлар томонидан шахсий ташаббус, намуналарни чеклашларнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш; мактабларнинг эркинлиги, унинг турли босқичлари (бошланғич мактабдан тортиб тўлиқсиз ўрта, ўрта, олий мактабгача) ўртасидаги узлуксизлиги зарурлиги; университетлар ва бошқа олий мактабларнинг ички ишлари ва ўқитишларида мустақил, мухтор статус бериш; маориф ва тарбия соҳасида олий мактабларнинг халқ орасида илмий ва маданий ташаббусларига, шунингдек, маҳаллий маъмурларнинг ташаббусларига қаршилик кўрсатмаслик; бепул, умумий ва мажбурий бошланғич таълимнинг зарурлиги, катта ёшдаги аҳоли учун мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналарни кенг йўлга қўйиш учун маҳаллий органларга алоҳида эътибор бериш; хунармандчилик ва саноатни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун куч-ғайрат ва ташаббуслар намоён этиш зарурлиги; бошланғич ва ўрта мактабларда дарсни мазкур жойнинг кўпчилик аҳолиси тилида олиб бориш; тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларда рус ва умумтуркий тиллар умуммажбурий фанлар бўлиши, олий мактабда эса ўқитиш умумтуркий адабий тилда амалга оширилиши; оз сонли миллатлар учун 40 нафар бола, мавжуд бўлганда уларнинг она тилида бошланғич мактаблар очилши; ўқувчиларнинг миқдори етарли бўлган тақдирда оз сонли миллатлар учун уларнинг она тилида тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар очилиши мумкин.

Туркистон федералистлар партияси дастури уни тузувчиларнинг демократик мақсадларини ўзида ифодалайди. Унинг бошланғич асоси Туркистон халқларини дунёвий тарихий тараққиётнинг бир қисми сифатида эътироф этишга, асосланади. Жамиятни самарали ва илғор ислоҳотлар йўлидан олға бошлаш, бошқарув ти-

Зимини барпо этиш, бу соҳада инсоният томонидан тўланган тажрибаларга мувофиқ давлат ва сиёсий институтларни шакллантиришга интилишнинг сабаблари шунда. Бу дастурнинг жамият ва давлат қурилишининг ғарбий европача, либерал-демократик моделига асосланганлигини яққол тасдиқлайди. Дастурда федерация ва мухтор республикалар даражасида давлат муассасаларини шакллантириш тартиби ва уларнинг ваколатларини белгилашнинг демократик принциплари, қонун чиқарувчи ва ижроия муассасалари вазифаларини тақсимлаш принципи, шахснинг ҳуқуқий статусини, давлат фаолиятининг ижтимоий қурилишнинг турли соҳаларидаги асосий йўналишларини белгилаш ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

Мусулмонлар сиёсий ташкилотларнинг Туркистон мухтор республикасини барпо этиш бўйича олиб борган жиддий тайёргарлик ишлари маҳаллий большевикларни қаттиқ ташвишга солди. Улар маҳаллий аҳолини бошқарув механизмларидан четлатиш учун Октябрдаги қуроли давлат тўнтаришидан фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Октябрь тўнтариши ҳамда Россия ва Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши миллий демократларни ўз тактикаларини ўзгартиришга мажбур қилди. Энди янги ҳукумат ва унинг тадбирларига муносабат даврнинг энг муҳим масаласи бўлиб қолди. Архив ҳужжатлари маҳаллий аҳолининг асосий кўпчилиги ва мусулмон сиёсий ташкилотларининг Октябрь воқеаларига муносабати салбий бўлганлигидан гувоҳлик беради. Октябрдан кейинги кунларда Туркистондаги аҳволни тасвирлар экан, мухторият ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мустафо Чўқаев шундай эслайди: «Халқни сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш билан бирга борган большевикларнинг ноқонуний равишда ҳокимиятни қўлга олишлари бизни шошилиш чоралар кўришга, халқ иродасини узурпаторлар қарорига қарши қўйишга мажбур қилди».

Бу, биринчи навбатда, большевикларнинг халққа ва миллатга қарши фаолиятлари билан боғлиқ: улар сўзда демократия, ижтимоий тенг ҳуқуқлилиқ, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тарафдори бўлиб майдонга чиқдилар, реал ҳаётда эса миллий манфаатлар, диний ҳиссиётлар, мусулмонларнинг асрий анъаналари билан ҳисоблашмадилар, улар

вакилларининг ўлка ҳокимият ва бошқарув органлари-  
га киришига қаршилик кўрсатдилар.

! Туркистон ўлкаси ҳудудда Туркистон Мухторияти  
номи остида янги, демократик давлатчиликни барпо  
этиш ҳақидаги қарор 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда  
шошилич чақирилган IV фавқулодда ўлка мусулмон-  
лари қурултойида қабул қилинди. 27 ноябрда қабул  
қилинган қарорда қайд этилишича, қурултой «Туркист-  
тон ўлкасида бўлгон халқларнинг хоҳишлари бўйин-  
ча Русия инқилоби тарафидан берилган асосларга би-  
ноан фидиратсия асосига қурулган Русия жумҳурияти  
ила бирликда қолгани ҳолда, Туркистонни ерлик мух-  
торияти, яъни «территориальный автономиялик» эълон  
қиладур. Бу Мухториятнинг не суратда вужудга қўйил-  
моғини яқин орада йиғиладургон Умумтуркистон хал-  
қининг Учредительный Собраниясига (Туркистон маж-  
лиси муассасонига) топшурадур. Шунинг учун ила  
баробар, Туркистон ўлкасида ақаллият ташкил қилган  
миллатларнинг ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан сақла-  
нилмоғини ҳам таътанали суратда баён этадур»<sup>5</sup>.

Шундай қилиб, мусулмонлар қурултойи делегатла-  
ри туркистонликларнинг азалий орзу-умидларини ифо-  
далаб, миллий тараққиёт талаблари ва гуманизм прин-  
ципларининг ўзаро уйғунлигига таянувчи ўзига хос  
миллий давлатчиликни эълон қилдилар. Қурултойда  
Россия билан алоқаларни узиш тўғрисидаги масала  
қўйилмади. Миллий тикланиш вазифаларини ҳал  
қилишнинг мураккаблиги хусусида сўз борди, Туркист-  
тоннинг миллий демократлари Россиянинг демокра-  
тик кучлари ёрдамида иқтисодий жиҳатдан ривожлан-  
ган, демократик жамият қуришга умид қилдилар.  
Мухториятчилар илғор интилишларининг мамлақат ва  
ўлка большевистик раҳбарияти томонидан қўллаб-қув-  
ватланмаслиги эса уларнинг айби эмас. Марксча таъ-  
лимотнинг амалга ошмайдиган хомхаёлларидан ақли-  
ни йўқотган, синфий қарама-қаршилик тафаккурига  
асир бўлган ленинчилар на мазлум халқларнинг мил-  
лий талаблари, на объектив ижтимоий реалликлар би-  
лан ҳисоблашишни истадилар. Мусулмонлар қурул-  
тойининг Туркистон ўлкаси ҳудудда миллий демок-  
ратик давлатчиликни барпо этиш тўғрисидаги қарори  
маҳаллий аҳолининг барча тоифалари томонидан қиз-  
гин қўллаб-қувватланди. Мухториятнинг эълон қили-  
нишини советларга қарши кайфиятдаги европалик сиё-

сий бирлашмалар ва ҳаракатлар ҳам қўллаб-қувватладилар.

Ҳокимият таркиби қуйидагича шаклланиши лозим эди: Таъсис съезди чақирилгунга қадар ҳокимият тўла равишда Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси қўлида жамланади.

Муваққат Кенгаш аъзоларидан 12 кишилиқ ҳукумат тузиладиган бўлди. Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларининг сони илгари Бутунроссия Таъсис мажлисига Туркистон ўлкасидан сайланган номзодлар сонига қараб аниқланди (32 киши)<sup>6</sup>.

Халқ мажлиси (унга 54 ўрин белгиланди) таркибидан шаҳарлар маҳаллий бошқармаларидан ҳам 4 вакилга ва ўлкадаги турли европалик ташкилотларнинг вакилларига 18 ўрин ажратилди. Шундай қилиб, учдан бир ўрин ўлкадаги барча аҳолининг 7 фойизини ташкил этган европалик аҳоли вакилларига берилди<sup>7</sup>.

Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати таркибига мухториятчилик ҳаракатининг фаол иштирокчилари кирди. Қуйидаги кишилар ҳукумат аъзолари бўлдилар:

1. Муҳаммадjon Тинишпаев — Бош вазир, ички ишлар вазири.

2. Ислom Шоаҳмедов — Бош вазир ўринбосари.

3. Мустафо Чўқаев — ташқи ишлар вазири.

4. Убайдулла Хўжаев — ҳарбий вазир.

5. Юрали Агаев — ер ва сув бойликлари вазири.

6. Обиджон Маҳмудов — ички ишлар вазирининг ўринбосари.

7. Соломон Герцфельд — молия вазири.

Кейинчалик Муваққат ҳукумат таркибига Абдурахмон Ғазаев, Саидносир Миржалолов ва бошқалар кирдилар.

Ёш миллий-демократик давлатнинг ҳукумати билан бир қаторда, Миллий Мажлис таркиби ҳам аниқланди. Унинг таркибига қуйидагилар кирди: Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садриддинхон Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Ҳожинов, Исмаатулла Убайдуллин, Саидносир Миржалилов, Серали (Шерали) Лапин, Саид Жаъфарбой Саидов, Ислom Шоаҳмедов, Абдурахмон Ғазаев, Ҳидоятбек Юрали Агаев, Носирхонтўра Камолхон Тўраев, Миродил Мирзааҳмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдуқодир Қушбегиёв, Обиджон Маҳмудов, Жамшидбек Қорабеков, Соло-

мон Герфольд, Абдусамад Абдусаимов, Абдулла Дербисалин, Мусо Оқчурин, Мустафо Мансуров, Махмудхўжа Бехбудий, Иброҳим Давлетшин, Муҳаммаджон Тинишпаев, Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Олимхонтўра Шокирхонтўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров ва бошқалар<sup>8</sup>.

Эълон қилинган давлат тузилмасининг миллий-демократик жиҳатларини муайянлаштириб, «Улуғ Туркистон» газетаси ўзининг бош мақоласида, жумладан, шундай ёзади: «Мусулмонлар бу кун Мухторият эълон қилар экан, бунинг ила ҳеч кимнинг ҳуқуқига тегмаслар... Туркистонда яшаган рус, яҳудий, армани ва бошқа ҳар хил миллатга ўзининг ҳақи берилар. Улар ҳам Туркистон Мухториятининг тенг ҳуқуқли бир аъзоси бўлиб яшайжақлар»<sup>9</sup>.

Айни пайтда, озодлик курашининг узоқ тажрибаларидан сабоқ олган туркистонликлар озодлик осонлик билан қўлга киритилмаслиги, миллий ўзгакдирлигини ўзи белгилаш йўлида тўсиқлар, очиқ ва яширин душманлар кам эмаслигини яхши тушунишарди. Мақолада ушбу фикр узвий ҳолда давом эттирилади: «Туркистон бутун ўзини Мухторият деб эълон қилади ва кимда-ким унга қарши турса, уни ҳақли деб бўлмайди. Туркистонликлар буни таъқиқлашга ҳаракат қилган кучларга қарши турмайдилар. Туркистонликлар... қон тўкилишидан сақланиб, мумкин қадар сабр қилурлар. Фақат шуни хотирадан чиқарурга ярамайди: «Туркистоннинг ери — бизнинг танимиз, суви — қонимиздир... Кимда-ким бу иккисига тегадурғон бўлса, бизнинг танимиз билан қонимизга туқулғон бўлажак». Шу боисдан Туркистон халқининг ҳуқуқига тажовуз қилинаверса, бунинг охирида қутилмаган кўнгилсиз воқеалар бўлурга мумкиндур...»<sup>10</sup>.

Янги давлатчилик барча миллий гуруҳларнинг муносабалиги принциплари, умумдемократик ва миллий қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги асосида барпо этилди. Мураккаб шароитларда, чекланган имкониятларга қарамай, Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати аҳолини озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж маҳсулотлари билан таъминлаш, ўз молиявий жамғармасини яратиш, турли-туман сиёсий партиялар ва ҳаракатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаларини ҳал қилиш юзасидан қизгин ҳаракатларни амалга ошира бошлади.



Таъкидлаш жоизки, совет ҳокимиятидан фарқли ўлароқ, Туркистон Мухторияти қонуний асосда ташкил этилган эди. Туркистон Мухторияти ҳукумати кенг мусулмонлар оммаси ва демократик кайфиятдаги европалик аҳолининг ваколатини олган эди. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Туркистон Мухторияти ўз тақдирини ўзи белгилаган халқ республикаси эди.

1918 йилнинг февралида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдарилиши туркистонликлар тарафидан Россиянинг ўлкага нисбатан тажовузкорона режалари борлигининг, эркин равишда ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат дахлсиз ҳукуқини поймол қилишнинг янги далили сифатида қабул қилинди.

Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил феврал ойида қабул қилинган Туркистон Мухториятини тугатиш ҳақидаги қарорига асосланиб, Туркистон, Мухторияти ҳукуматининг зўрлик билан қувиб юборилиши большевик «хукмдорлар»нинг туб жой аҳолининг ҳаётини манфаатларини очикдан-очик назар-писанд қилмаслигидан далолат берар эди. Туркистонликлар мустамлакачилик занжирини узил-кесил улоқтириб ташлаш ва ўз тақдирларини ўзлари белгилаш мақсадида миллий давлатчиликни демократик асосларда қайта тиклаш йўлида дастлабки амалий қадамни қўйишга ҳаракат қилдилар. Бироқ тоталитар жамият қуришни ният қилган келгинди сиёсий муҳожирлар кенг халқ оммасининг асрий орзулари ҳақида ўйламас ҳам эдилар. Мафкуравий манқуртлар бўлганликлари туфайли ўлканинг бой тарихини, асрий анъаналарини билмасдан улар ижтимоий ғояни атайлаб миллий ғоядан устун қўяр эдилар. Қандайдир босқичларда большевиклар ташвиқот мақсадларида миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш, халқларнинг ўз тарихий тараққиёт йўлини танлаб олиш ҳукуқи ҳақида шиорларни фаол илгари сурдилар. Бироқ сиёсий мунофиқлар ва иккиюзламачилик туғилиб келаётган совет режимининг устивор хусусиятини ташкил этарди. Ортодоксал марксистларнинг кўп нарса ваъда қилувчи сўзлари уларнинг амалий ишлари билан мос эмас эди. Марказда ҳам, жойларда ҳам большевиклар «ягона ва бўлинмас» Россия давлатининг қулашини хоҳламас эдилар. Туркистонликларнинг эрксеварлик интилишларига нисбатан кўрқитиш мақсадида қўлланган чоралар уларнинг ҳеч

қачон ва ҳеч ерда марказнинг розилигисиз мухторият эълон қилмасликларига қаратилган эди.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдарилиши туркистонликлар томонидан Россиянинг Туркистонга нисбатан тажовузкорона режалари мавжудлигининг янги далили сифатида қабул қилинди ва улар қўлларига қурол олиб ўз Ватанларини босқинчилардан ҳимоя қилишга отландилар. Бу билан Туркистонда советларга қарши истиқдолчилик ҳаракатига асос солинди.

### Адабиётлар

<sup>1</sup> *Водовоз В.* Сборник программ политических партии в России. Петроград, 1917. С. 6—7.

<sup>2</sup> *Уша ерга.* 9—10 бетлар.

<sup>3</sup> *Уша ерга.*

<sup>4</sup> Қаранг: *Мустафо Чоқай оғлы.* Туркестан под властью Советов (О характере диктатуры пролетариата). Париж. Яш Туркестан. 1935.

<sup>5</sup> «Улуғ Туркистон», 1917 йил, 8 декабрь.

<sup>6</sup> Эл байроғи, 1917 йил, 22 декабрь.

<sup>7</sup> *Уша ерга.*

<sup>8</sup> «Улуғ Туркистон», 1917 йил, 8 декабрь.

<sup>9</sup> *Уша ерга.*

<sup>10</sup> *Уша ерга.*

\* Узурпатор — ҳокимиятни ёки бировнинг ҳуқуқини қонунга хилоф равишда тортиб олган шахс.

### БУХОРО ВА ХОРАЗМ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАЛАРИ: ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ДЕМОКРАТИК ШАКЛИ

Октябрь тўнтаришидан кейин совет Россияси билан Бухоро ва Хива давлатлари ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Туркистон республикасининг большевиклардан иборат раҳбарияти Бухоро ва Хива хонлигининг давлат мустақиллигини расмий равишда тан олишига қарамай, амалда бу давлатларнинг ички ишларига доимий равишда аралашиб турди. 1918 йил март ойида Бухорони босиб олиш учун Колесов бошчилигида уюштирилган босқин фикримизнинг яққол исботидир.

1918—1920 йилларда большевиклар мухолифатда турган Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликларни қўллаб-қувватлашди. Жаҳидлар демократик ислохотларни қарор топтириш учун мавжуд тузумни қурол кучи билан ағдаришни зарур деб топдилар. Шунинг учун

ҳам улар тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда большевиклар билан яқинлашдилар. Бироқ совет Россияси, унинг Туркистонда турган ҳарбий-сиёсий кучлари — кизил армия (Туркистон fronti), Турккомиссия, Туркбюро каби турли комиссия ва бюролар нафақат Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлардан мавжуд монархия тузумини афдаришда унумли фойдаландилар, балки улар раҳбарлик қилган Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларини демократик йўлдан эмас, балки совет йўналишидан кетишини қатъиян талаб қилдилар.

## ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (ХХСР)

Хивада хонлик тузуми афдариб ташланган кун — 1920 йил 1 февралнинг ўзидаёқ Ёш хиваликлар партияси аъзоларидан иборат Муваққат инқилобий қўмита (рѐвком) тузилди. Мулла Жуманийез Султонмуродов раислик қилган бу Муваққат инқилобий қўмитага Матпанобой Мадрахимов, Одамохун Ортиқов, Мулла Ўроз Хўжамуҳамедов, Мулла Наврўз Рўзибоев аъзо қилиб киритилди<sup>1</sup>. Бу қўмита 2 ой давомида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро қилувчи ҳокимият вазифасини бажарди.

Ёш хивалик жадидалар Хоразмда афдариб ташланган хонлик тузуми ўрнига демократик республика қуриш учун интилдилар. Янги давлатнинг асосларини яратишда 1920 йил 26—30 апрелда бўлиб ўтган Бутун Хоразм халқ вакилларининг 1-қурултойи катта роль ўйнади. Қурултойда Хоразм Халқ Совет Республикаси — ХХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Қурултойда 15 кишидан иборат ёш республика ҳукумати — Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси тузилди. Пўлвонийез Ҳожи Юсупов (1861—1936) бошчилигидаги ҳукумат таркибига Ж. Султонмуродов (раиснинг 1-муовини), Бобоохун Салимов (адлия), Абдувоҳид Қориев (адлия нозирининг муовини), Бекжон Раҳмонов (маориф), Эшчонқори Жабборқулов (халқ хўжалиги), Ў. Хўжамуҳамедов (хорижий — тапқи ишлар), Н. Рўзибоев (ҳукумат котиби), Кўчмамадхон Сапиев (раиснинг 2-муовини), Фуломалихон Баҳодир (ижтимоий таъминот), Шомурод Баҳиши (соғлиқни сақлаш), Муҳаммадпанобой Абдуллаев (молия), Худойберган Девонов (олий муфаттиш-назорат), Ризб Шокиров (ҳарбий ишлар), Ҳаким Бобожонов (зироат-қишлоқ

хўжалиги), Назир Шоликоров (доҳилия-ички ишлар) нозир қилиб сайландилар<sup>2</sup>. Ҳукумат таркибига жади-лар билан биргаликда туркман қабила бошлиқлари-нинг киритилиши Хоразмда миллий масалани ҳал қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Ҳукумат бошлиғи П. Юсупов тажрибали давлат арбоби бўлиб, у дастлабки кунлардан бошлаб Хоразм республикасида демократик ислоҳотларни ўтказиш, мамлакатнинг амал-да мустақил бўлиши учун курашди.

Хоразм республикасининг ёш ҳукумати БХСР, Тур-кистон АССР, РСФСР давлатларидан ташқари Фин-ляндия, Швеция, Германия, Туркия, Афғонистон, Эрон каби хорижий давлатлар билан ҳам мустақил равиш-да савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни олиб бориш-га ҳаракат қилди<sup>3</sup>. Масалан, 1921 йил 24 ноябрда Аф-ғонистонга қозикалон Бобоохун Салимов бошчилигида махсус элчилик ҳайъати жўнатилди<sup>4</sup>. Бироқ янги ҳуку-мат раҳбарларининг бу демократик йўли совет Россия-сининг большевиклардан иборат раҳбариятига маъқул келмас эди.

1920 йил 13 сентябрда Москвада РСФСР билан ХХСР ўртасида 24 моддадан иборат Иттифоқ шартно-маси ва 15 моддадан иборат иқтисодий битим тузилди. Иттифоқ шартномасига биноан совет Россияси ХХСР мустақиллиги ва дахлсизлигини расмий суръатда тан олди. Россия империяси даврида рус капиталистлари томонидан Хива хонлиги ҳудудида бунёд қилинган банклар, фабрикалар, савдо корхоналари ва бошқа му-ассасалар Хоразм республикасининг мулки деб эъти-роф этилди. Шартнома имзоланган кунгача Россия би-лан Хоразм республикаси ўртасида мавжуд бўлган че-гара давлат чегараси қилиб белгиланди<sup>5</sup>.

Иттифоқ шартномасининг 17-моддаси асосида ало-ҳида ҳарбий-сиёсий битим ҳам тузилди. Унда Хоразм қизил армияси РСФСР ҳомийлиги остида тузилиши таъкидланди<sup>6</sup>.

Бироқ шартнома ва битимларда кўрсатилган асосий моддаларни, хусусан, Хоразм республикасининг муста-қиллиги ва дахлсизлиги ҳуқуқини совет Россияси тан олмай, доимий равишда ёш республиканинг ички иш-ларига аралашиб турди. Хоразмда катта миқдордаги қизил аскарларни сақлаб, бу ҳарбий кучлар орқали мамлакатни ўзи бошқаришга интилди. 1921 йил 6 март-да Хоразмда қизил аскарлар уюштирган ҳарбий давлат

тўнтаришидан кейин П. Юсупов ҳукумати афдариб ташланди. Ҳукуматнинг собиқ раиси яширинишга улгурди<sup>7</sup>. Бироқ орадан кўп ўтмай у қамоққа олинди. Қизил аскарлар қўлига тушмай қолган айрим нозирлар Жунаидхон қўшинлари сафига бориб кўшилди.

1921 йил 15—23 майда бўлган Бутун Хоразм халқ вакилларининг II-қурултойида қонун чиқарувчи олий орган — Хоразм-Марказий Ижроия Кўмитаси (ХМИК) Президиуми (раиси — Муҳаммадрайим Олоберганов) ва ижро қилувчи орган — Халқ Нозирлари Шўроси (раиси — қорақалпоқ Менглихўжа Ибниязминов) ташкил қилинди.

Афсуски, Хоразмда ҳокимиятнинг янги органлари фаолияти бугал ҳам узоққа чўзилмади. 1921 йил сентябрь ойида бўлган ХХСР МИК мажлисида «ўз вазифасини бажара олмаган ва ишни чалкаштирган» деган сохта айблар билан М. Олоберганов ўз лавозимидан олиб ташланди ва ўлимга ҳукм қилинди. Умуман олганда, ХХСР мавжуд бўлган қарийб 5 йил давомида большевиклар томонидан Хоразм республикаси МИК раислари ва ҳукумат бошлиқларининг ҳар бири 10 мартадан ўзгартирилди. Хоразмда ўтказилган бундай давлат тўнтаришлари оқибатида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари қатағон қилинди.

Шундай қилиб, 1922 йилдан бошлаб Хоразм республикасининг янги раҳбарияти миллий демократик йўналишдан чекинишга мажбур бўлиб, синфий табақаланган жамият қуриш томон йўл тутди. Марказнинг тазйиқи билан Хоразмда демократик ўзгаришларга чек қўйилди ва жамиятнинг социалистик асосда ривожлантиришга киришилди.

Хоразм республикасидаги сиёсий ўзгаришлар ва давлат тўнтаришларининг акс-савдоси мамлакат Ассий Қонуни — Конституцияда ўз аксини топиб борди. Характерли ҳолат шундаки, 1920—1923 йилларда бўлиб ўтган Бутун Хоразм халқ вакилларининг I—IV қурултойларининг ҳар бирида янги Конституция қабул қилинди.

I-қурултой (26—30.IV.1920 й.)да қабул қилинган Хоразм Халқ Совет Республикаси — ХХСР муваққат Конституцияси Хоразмнинг кўп минг йиллик тарихидаги дастлабки конституция бўлиб, унда илк марта кенг халқ оммаси сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритди. Мамлакатда демократик эркинликлар жорий қилинди.

Конституцияда Хоразмдаги давлат қурилиши республика асосида бўлиши, мамлакатдаги олий орган — Бутун Хоразм халқ вакиллари қурултойи эканлиги, унда Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси — республика ҳукумати сайланиши таъкидланган эди<sup>8</sup>.

II қурултой (15—23. V. 1921 й.) да қабул қилинган янги Конституция матнига Турккомиссиянинг тазйиқи билан кўплаб моддалар мажбуран тикиштирилди. Хоразмликларнинг сайлов ҳуқуқлари анча чекланди.

IV қурултой (17—20. X. 1923 й.) да Хоразм Халқ Совет Республикаси Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантирилди. 20 октябрда ХССРнинг 5 бўлим ва 12 бобдан иборат янги Конституцияси қабул қилинди. Афсуски, бу Конституция мамлакатни социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унга мувофиқ, ернинг хусусий мулк эканлиги бекор қилинди, вақф ерлари бутунлай тугатилди. Мавжуд ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди, барча вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига берилди. Қозихоналар фаолияти тақиқланиб, совет судлари ташкил қилинди.

Демак, 1923 йил октябрь ойидан бошлаб Хоразм республикасидаги демократик ўзгаришларга бутунлай чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Ҳукуматнинг кескин янги сиёсатидан норози бўлган барча кишилар бундай вазиятда истиқдолчилар сафини тўлдирдилар. Бироқ 1924 йил бошларида халқ кўзғолони бостирилгач, большевиклар давлатнинг янги жазолаш органларини ташкил қилишди. 1924 йил 20 февралда совет прокуратураси тузилди. ХССРнинг биринчи прокурори қилиб Хонов деган киши тасдиқланди. Шунингдек, Хоразмдаги вилоятларда 5 та совет халқ судлари ҳам ташкил қилинди. Бу даврда ҳарбий трибунал ва давлат сиёсий бошқармаси — ГПУ фаолияти янада кучайтирилди. Бу жазолаш органлари коммунистик мафкурани тан олмаган ҳар қандай кишиларни қатағон қилишни авж олдирди.

Хоразм республикасидаги солиқ сиёсатида совет Россиясининг таъсири кучлироқ бўлганлиги учун синфий ёндашув яққол намоён бўлди. Солиқнинг офир юки савдогарлар, судхўрлар ва йирик ер эгалари зиммасига тўғри келди. Қишлоқ хўжалигида ягона солиқ тизими жорий қилинди. Солиқ тўплашни тўғри йўлга

қўйиш мақсадида давлат банки ва солиғи палатаси ташкил қилинди. 1923 йил июнда саноат соҳасидаги солиқлар ҳам бир тизимга солиниб, давлат саноат солиғи жорий қилинди<sup>9</sup>.

ХХСРнинг майдони 62200 км<sup>2</sup> бўлиб, 1920 йилда унинг аҳолиси 500000—550000 киши бўлган. Хоразм республикасида асосан ўзбеклар (65%); шунингдек, туркманлар (26%), қорақалпоқлар (3,8%), қozoқлар (3,4%) ва бошқа халқлар яшаган. ХХСР Бухоро республикаси ва Туркистон АССР билан чегарадош ҳисобланган.

1920 йил апрелда собиқ Хива хонлигида мавжуд бўлган 20 та беклик («қалъа» беги) ва 2 та ноиблик тугатилиб, унинг ўрнида қуйидаги 22 та туман ташкил қилинди: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Янги Урганч, Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Моноқ, Тошқовуз, Порсу, Хўжайли, Кўҳна Урганч, Қўнғирот, Хива, Иляли, Ғозовот, Шовот, Хитой, Қўшқўпир<sup>10</sup>. Бу маъмурий бўлиниш ХХСРнинг дастлабки Конституциясида ўз аксини топган эди.

1923 йили Хоразм республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига жиддий ўзгаришлар киритилди. Уша йилнинг октябрида қабул қилинган янги Конституцияга кўра, ХССР ҳудуди қуйидаги 4 та вилоят (Ҳазорасп, Янги Урганч, Тошқовуз, Хўжайли) ва 26 та тумандан (Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Янги Урганч, Тошқўпир (Қўшқўпир), Ғозовот, Шоҳобод (ҳозирги Беруний тумани — Қ. Р.), Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Моноқ, Тошқовуз, Порсу, Хўжайли, Кўҳна Урганч, Қиёт, Қўнғирот, Иляли, Кўкчага, Янги Алла, Тахтабозор, Шовот, Қиёт, Хива) иборат бўлган<sup>11</sup>.

Хоразм Халқ Республикасида мустақил давлатчиликнинг тимсол-рамзлари: Конституция, байроқ, герб, пойтахт, миллий валюта, шунингдек, оз миқдорда миллий қўшин мавжуд эди.

ХХСРнинг дастлабки Байроғи 1920 йил апрелда қабул қилинган бўлиб, у қизил ва кўк рангдан иборат бўлган. Байроқдаги кўк ранг устида ярим ой ва юлдузнинг тасвири зарҳал ранг билан туширилган<sup>12</sup>. Хоразм республикаси ХССРга айлантирилгач, Байроқнинг кўриниши ҳам ўзгартирилди. У тўлиқ қизил рангга бўялиб, тепасида қизил юлдузча шакли тасвирланган эди.

Хоразм Гербида даставвал ўроқ ва белкуракнинг

тасвири жўхори пояси билан уйғунлаштириб ифода-ланган. Бироқ 1923 йилдаги Конституцияга биноан, ХССР Герби эндиликда қуёш нурлари остида белкуррак ва болганинг ўртасида пахта чаногини очилиб турган қолатда қизил фон ичида тасвирланади<sup>13</sup>.

Қадимий Хива шаҳри Хоразм республикасининг пойтахти ҳисобланган. Республика ҳукумати Хиванинг Нуруллабой саройида ўз мажлисларини ўтказган.

Хоразм республикасининг дастлабки кунларидан бошлаб миллий қўшин тузишга эътибор қаратилди. 1921 йил 15 декабрда ҳарбий ишлар нозири Миркомил Миршаропов имзолаган буйруқда Хоразм ҳудудидан халқнинг маданий меросига тааллуқли бойликларни олиб чиқиб кетиш тақиқланди. Бироқ Хоразм Компартиясининг I съезди (4—11. XII. 1921 й.) республика қуроли кучлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, уни битта отлич полк ва ўқчи батальон билан чеклаш мумкин, деб ҳисоблади. Бу амалда ўзининг миллий армиясига эга бўлишдан бош торттиш эди. Қуроли кучларни шу қадар оз даражагача чеклаб қўйиш аслида давлат мустақиллигининг мана шу муҳим рамзи тугатилганлигини билдиради<sup>14</sup>.

Хоразм республикаси 1920 йил 11 апрелдан бошлаб ўзининг мустақил валютаси — қороз, ипак ва мис пулларга эга бўлган. Хива шаҳридаги махсус дастгоҳларда зарб қилинган Хоразмнинг 25,100 сўмлик тангаларида ўроқ ва болға муҳри туширилган, бир томонида араб имлосида, иккинчи томонида русча ёзувлар битилган эди. Шунингдек, республикада Жунаидхон даврида (1918—1919 й.) босиб чиқарилган пуллар ва РСФСРнинг 1919 йилдаги пул бирлиги ҳам қисман муомалада бўлган<sup>15</sup>. Хоразмдаги оғир иқтисодий вазият натижасида миллий валюта 1921—1922 йилларда анча қадрсизланди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши — Средаз ЭКОСонинг тазйиқи натижасида 1923 йил июль-август ойларида Хоразмдаги миллий валюта Россия рублига (10 Хоразм сўмига 1 Россия рубли нисбатида) алмаштирилди<sup>16</sup>. 1924 йилдан бошлаб Хоразм республикаси ССРСРнинг ягона банк ва молия тизимида тўлиқ тортилди. Хоразм ва Бухоро республикалари армиядан кейин давлат мустақиллигининг муҳим тимсоли бўлган миллий валютадан ҳам маҳрум қилинди.

1924 йил 29 октябрь — 2 ноябрда бўлган Бутун Хоразм халқ вакилларининг V қурултойи Ўрта Осиёда



миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши муносабати билан ХССР тугатилишини эълон қилди. ХССРнинг ўзбеклар яшайдиган 23 та тумани янгидан ташкил қилинган Ўзбекистон ССР таркибига Хоразм вилояти қилиб киритилди. Хоразм республикасининг Тошқовуз вилояти ҳамда Дарғонота ва Садувар туманлари Туркменистон ССР, Хўжайли вилояти, Қипчоқ ва Хитой туманлари Қорақалпоқ мухтор вилоятига қўшилди. 23 ноябрда Хоразм МИК ва 30 ноябрда Халқ Нозирлар Шўроси ўз фаолиятини тўхтатди<sup>17</sup>.

Шундай қилиб, қарийб 5 йил мавжуд бўлган Хоразм республикаси тугатилиб, унинг худуди Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ва Қорақалпоғистон мухтор вилояти таркибига киритилди. Минтақада давлатчилик илк бор шаклланган тарихий маконлардан бири — уч минг йиллик тарихга эга кўҳна Хоразм давлатининг XX асрдаги сўнги вориси — Хоразм республикаси парчалаб ташланди. Большевиклар Туркистон минтақасини бўлиб юбориб, ўз ҳукмронликларини янада мустақкамладилар.

### **БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (БХСР)**

1920 йил сентябрь бошларида Бухоро Муваққат инқилобий қўмитаси (ревком) амирлик тузуми ағдариб ташланганлиги ва мустақил Бухоро Халқ Республикаси тузилганлигини эълон қилди. 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий қўмита ва Бухоро Компартияси МКнинг умумий йиғилишида Бутун Бухоро инқилобий қўмитаси (раиси — Абдулқодир Муҳитдинов) ва республика ҳукумати — 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси — Файзулла Хўжаев) узи-кесил шакланди<sup>18</sup>. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидагича эди: раис ва хорижий — ташқи ишлар (нозир — Файзулла Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), дохилия — ички ишлар (Мухтор Саиджонов), молия (Усмонхўжа Пўлатхўжаев), давлат назорати (Нажиб Хусайнов), фавқулодда комиссия (раиси — Юсуф Иброҳимов), адлия (Мукамил Бурҳонов), ҳарбий ишлар (Баҳовуддин Шиҳобиддинов), ер-сув ишлари-деҳқончилик (А. Муҳитдинов) нозирликлари. Кейинчалик Нозирлар Шўроси таркибига Мирзо Муҳитдин Мансуров — савдо ва саноат нозири

қилиб киритилди. Бухоро жадидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга интилдилар.

1920 йил 6—8 октябрда амирнинг ёзги саройи— Ситораи Моҳи Хосада чақирилган Бутун Бухоро халқ вакиллариининг I-қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси — БХСР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик республикаси эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналари мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Қурултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси (Марказий ревком), Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси — дастлабки ҳукумат таркибини узил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати II-қурултойгача узайтирилди. Ушбу қурултойда И. Е. Любимов РСФСР ҳукумати Бухоро республикасининг мустақиллигини тан олганлигини айтишга шошилди.

1920 йил октябрда Тошкентда РСФСР билан БХСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий битим тузилди<sup>19</sup>. 1921 йил 4 мартда Москвада РСФСР билан БХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди<sup>20</sup>. Бироқ бу шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. Хусусан, Иттифоқ шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет кўшинлари туришини «қонуний» асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларига Россиянинг тўғридан-тўғри ҳарбий жиҳатдан қуроли аралашувидан бошқа нарса эмас эди.

1922 йил 9 августда Москвада имзоланган РСФСР билан БХСР ўртасидаги иқтисодий битим<sup>21</sup>, 1923 йил 31 майда божхона битими<sup>22</sup> каби янги шартномалар эса иқтисодий жиҳатдан мамлакатни Россияга қарам қилишни мўлжаллаган эди. Иқтисодий битимга кўра, ташқи савдони барча маҳсулотлари белгиланган экспорт-импорт режасига мувофиқ асосан Россияга юборилиши, шу режадан ташқари моллар Россия ташқи савдо ташкилотлари орқали бошқа бозорларда сотилиши керак эди. «Ҳамма иш Россия ташқи савдо ташкилоти орқали амалга оширилади, бошқа ҳеч қандай йўл йўқ», — деб разабланиб ёзган эди Файзулла Хўжаев<sup>23</sup>.

Битимга биноан Бухоро республикасининг ташқи сиёсати Россия орқали амалга оширилиши, унинг чегараларини Россия қизил аскарлари қўриқлаши керак эди.

Бухоро республикасида Хоразмдан фарқли равишда давлат тўнтаришлари деярли бўлмади. Бухоро ҳукумати Файзулла Хўжаевнинг ўзи тўрт ярим йил давомида муттасил бошқарди. Ф. Хўжаев Бухоро республикасининг Бош нозири вазифасида фаолият кўрсатган даврда унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари жамиятдаги кучлар мувозанати, у ёки бу сиёсий оқимлар таъсирининг кучи, халқ оммаси ва унинг йўлбошчиларининг қайфиятлари билан боғлиқ равишда шаклланди.

Бухоро амирлиги даврида мамлакат 32 та (баъзи манбаларда 27 та) бекликка, бу бекликлар амлоқларга бўлиниб, идора қилинарди. Мамлакат пойтахти — Бухоро атрофидаги ҳудуд 8 та туманга ажратилиб, бу туманларни ва Бухоро шаҳрини амир номидан қўшбегги — бош вазир бошқарган. Бу маъмурий бўлиниш фуқарога яхшироқ хизмат кўрсатиш манфаатини ҳам, бошқаришнинг қулай бўлиши манфаатларини ҳам унчалик қондирмас эди. Шу сабабли 1920 йил кузида зудлик билан Бухоро Халқ Республикасида дастлабки маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар ва қишлоқларга ажратилди. Бухоро республикасининг пойтахти — Бухоро шаҳри муҳим сиёсий-маъмурий марказга айланиб, бу ерда республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, унинг иқтисодий ва маданий ривожланишини бошқарувчи барча ташкилотлар тўпланди.

1920 йил 22—30 сентябрда пойтахт Бухоро атрофидаги Баҳоуддин, Хўжа Бўстон, Фиждувон, Вобкент, Шофиркон, Пирмаст, Зандани, Харгўш каби 8 та туманда янги ҳокимият ўзининг дастлабки органлари — инқилобий кўмиталар (ревкомлар)ни ташкил қилди. Шуниси характерли ҳолки, ёш Бухоро республикаси жойлардаги ҳокимият органларига раҳбар қилиб асосан уламолар — ислом дини вакиларини сайлади. Бу ўша даврда ислом динининг минтақадаги маркази саналган Бухоро учун ягона тўғри йўл эди.

Бироқ Бухоро республикасидаги маъмурий-ҳудудий бўлиниш мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга биноан тез-тез ўзгариб турган. 1922 йил августда БХСР Бухоро, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз,

Шеробод, Карки, Чоржўй вилоятларига бўлинган<sup>24</sup>. 1923 йилда БХСРнинг маъмурий бўлинишига тузатишлар киритилиб, у 8 та вилоят (Бухоро, Кармана, Нурота, Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Карки), 28 та туман ва Шарқий Бухорога ажратилган. Ўша йили Шарқий Бухоронинг ўзида ҳам маъмурий бўлиниш илк марта ўтказилиб, у 6 та вилоят (Сариосиё, Бойсун, Душанбе, Кўлоб, Қўрғонтепа, Фарм) ва 20 та туманга тақсимланган эди.

Бутун Бухоро МИК қарори билан 1924 йил 1 октябрда Бухоро республикасида маъмурий-ҳудудий бўлиниш қайта ўтказилиб, вилоятлар ўрнида 5 та округ тузилди. Округлар ўз навбатида 15 та вилоят, 48 та туман, 195 та кент ва кўплаб қишлоқларга бўлинди. Қишлоқларда оқсоқолликлар ўрнида советлар тузишга киришилди.

Зарафшон округи 3 та вилоят (Бухоро, Кармана, Нурота), 8 та туман (Қоракўл, Баҳоуддин, Вобкент, Гиждувон, Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Нурота) ва 2202 та қишлоқ; Қашқадарё округи 2 та вилоят (Қарши, Шаҳрисабз), 9 та туман (Қарши, Косон, Бешкент, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Фузор, Чим); Сурхондарё округи 8 та туман (Шеробод, Термиз, Бойсун, Қарлуқ, Қабодиён, Қўрғонтепа ва б.); Туркман (Амударё) округи 2 та вилоят (Карки, Чоржўй) ва 608 та қишлоқ; Шарқий Бухоро 6 та вилоят (Кўлоб, Бойсун, Сариосиё, Фарм, Душанбе, Қўрғонтепа) ва 3646 та қишлоққа ажратилган<sup>25</sup>.

Бухоро республикаси Афғонистон давлати, Хоразм республикаси ва Туркистон АССР билан чегарадош бўлган. Республиканинг Афғонистон билан ташқи чегаралари аввал яхши қўриқланмаган, сўнгра чегарада Россия қизил аскарлари туришган.

БХСРнинг ҳудуди 182,2 минг км<sup>2</sup> бўлиб, 1920 йилда аҳолиси қарийб 3—3,5 млн., 1922 йилда 2,8 млн. киши бўлган. Бухоро республикасида асосан ўзбеклар (65%), шунингдек, тожиклар (14%), қozoқлар (9%), туркманлар (7%), форслар (1,1%) ва бошқа халқлар яшашган<sup>26</sup>.

Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси 1921 йил 11 мартда ўзбек (туркий) тилини мамлакат ҳудудида давлат тили деб эълон қилди. Ўзбек тилига Туркистон АССР (1918 йил июнда) ва Хоразм республикаси ҳудудида ҳам давлат тили мақоми берилган эди.

Бухоро Халқ Республикасида худди Хоразмдагидек

мустақил давлатчиликнинг Конституция, Байроқ, Герб, пойтахт, миллий валюта ва қўшин каби рамз-тимсоллари мавжуд бўлган.

1921 йил 18—23 сентябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг II-қурултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси—Асосий Қонуни қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча вакиллари иштироки таъминланиши ёзиб қўйилди. Хусусий ва савдо-сотик эркинликлари унда ўз ифодасини топди.

БХСР Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқлар берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Бутун Бухоро МИК ҳузурида Анна Гелди Амонов бошчилигида Туркман бўлими тузилди. Кейинчалик шу асосда Туркман вилояти ташкил қилиниб, унга миллий мухторият ҳуқуқи берилди. Тожик ва туркман халқлари учун уларнинг она тилида мактаблар ва бошқа маданий-маърифий муассасалар очилди.

Конституцияга кўра БХСРнинг олий органи — Бутун Бухоро халқ вакиллари қурултойи бўлиб, у ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди. Қурултой ҳар йили бир марта чақирилар, унда республика Конституциясини қабул қилиш ва ўзгартиришлар: киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди. Конституцияга кўра, қурултойлар ўртасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган — Бутун Бухоро МИК ҳисобланади. Қурултойда Бутун Бухоро МИК раиси қилиб Усмонхўжа Пулатхўжаев сайланди (1922 йил августда бўлган III-қурултойда бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллайди). Конституцияга мувофиқ, Халқ Нозирлар Шўроси давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди<sup>27</sup>. Ҳукумат 10 та нозирликдан иборат бўлиши кўрсатиб ўтилди.

БХСРнинг Байроғида ярим ой ва юлдуз тасвири акс эттирилган эди.

Бухоро республикасининг Герби саккиз қиррали катта юлдуз орасида қизил фон ичидаги ярим ой ва юлдуз тасвиридан иборат бўлиб, саккиз қиррали юлдуз зарҳал ранг билан бўялган эди.

Бухоро республикасининг миллий валютаси даст-

лаб металлдан ишлаган пул — танга бўлиб, у 1920 йил сентябрдан бошлаб муомаллага чиқарилган. Орадан кўп ўтмай қоғоз сўмлар — қўлда тайёрланган 50, 100, 3000, 5000, 10000 сўмликлар пайдо бўлган. Бироқ Бухорода тилла ва кумуш тангалар кейинчалик ҳам муомалада бўлган. Бухоронинг қоғоз пуллари Хоразм валютасига нисбатан анча барқарор эди. Пулнинг тўлов қурби (харид қобилияти) юқори бўлишига ҳукумат бошлиғи Ф. Хўжаев алоҳида эътибор қаратган.

1922 йил охирида Бухорода пул ислоҳоти ўтказилиб, муомаллага матбаа усулида босилган янги 1, 5, 10, 25, 100, 250 сўмликлар чиқарилади. Бироқ Марказнинг тазйиқи билан худди Хоразм республикасида бўлгани сингари 1923 йил ёзида Бухородаги миллий валюта Россия рублга (3,5 Бухоро сўмига 1 Россия рубли нисбатида) алмаштирилди. Бухоро ва Хоразм республикалари Туркистон АССР қаторида СССРнинг ягона иқтисодий макони доирасига тортилди.

Бухоро республикасида миллий қўшин ташкил қилишга киришилди. 1920 йил 5 сентябрда отликлар дивизияси ва пиёдалар бригадаси тузиш ҳақида фармон қабул қилинган бўлса ҳам бу жараён мураккаб кечди. БХСР ҳукумати 30 декабрда 2000 кишини Бухоро қизил армияси сафига чақириш учун буйруқ чиқарди. 1921 йил февраль ойида ҳарбий нозир Ф. Хўжаев буйруғи билан фақат Бухоро вилояти ҳудудида яшовчи 20—26 ёшли йигитлардан 1500 киши Бухоро қизил миллий армияси таркибига чақирилди<sup>28</sup>. Бироқ маҳаллий аҳолининг кўпчилиги армия ва милиция сафига киришни хоҳламади. Натижада РСФСР ва Туркистон АССР талаби билан Туркфронт ихтиёридан қизил армиянинг 2 та полки, батальони ва артиллерия батареяси олинди, Бухоро ҳарбий нозирлиги ихтиёрига берилди. Бундан ташқари қизил армиянинг 40000 кишилик мунтазам қисмлари Бухоро республикаси ҳудудида доимий сақланди ва улар миллий муҳолифат кучлари — истиқдолчилик ҳаракатига қарши курашдилар.

Бухоро ҳукумати раҳбарлари жамиятни демократик тарзда янгилаш учун солиқ тизимини ислоҳ қилишга, уни давлат ва халқ манфаатларига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилдилар. Амирлик давридаги турли солиқ ва ўлпонлар бекор қилинди. 1921 йил 26 ноябрда Бутун Бухоро МИК қабул қилган «БХСРдаги давлат солиқлари тўғрисидаги қонун»да янги ҳукуматнинг со-

лик сиёсати ўз аксини топди. Бу қонун билан мамлакатда шу пайтгача «марказий ва маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан ундириб олинаётган маҳсулот ва пул солиқлари бекор қилинди». 1922 йил 1 январдан бошлаб 5 солиқ тури: ҳосилнинг 1/10 қисми миқдоридан олинадиган ушр ва чорванинг 1/40 қисми миқдоридан олинадиган закот, ҳунармандчилик устахоналари учун солиқ, савдогарлардан божхона солиғи, турли хужжат ва шартномалар тузилганда махсус солиқ олинадиган бўлди<sup>29</sup>.

Бухоро республикаси қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратган. Бухоро мустақиллигини Россиядан кейин иккинчи бўлиб 1920 йил 26 октябрда Афғонистон эътироф қилади. 17 декабрда БХСР ҳукумати бошлиғи ва ташқи ишлар нозири Файзулла Хўжаев билан Афғонистон ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзий ҳар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги тўғрисида ёрликни ўзаро алмаштиришди. Афғонистон давлати Бухорога Абдулҳодихон бошчилигидаги янги элчиларини юборди. 1921 йил 11 январда Бухоро республикаси ўз навбатида Кобулга Абдураҳим Юсуфзода раҳбарлигидаги элчиларни жўнатди.

1922 йилда Бухоронинг Афғонистондаги янги элчиси қилиб Ҳошим Шоиқ тайинланди. Уша йилнинг охирида у БХСР ҳукумати мамлакат ҳудудидан қизил армия чиқариб юборилишига рози эканлиги ҳақидаги махфий битимни Афғонистон билан имзолайди. Бу битим ошкор бўлгач, халқаро миқёсда катта шов-шувга сабаб бўлди. Россиянинг тазйиқи билан 1923 йил 18 июнда Кобулдаги Бухоро элчихонаси тугатилиб, эндиликда Бухоронинг Афғонистондаги манфаатларини СССР вакили «ҳимоя» қиладиган бўлди.

Файзулла Хўжаев Эрон, Туркия, Хитой, Япония каби Шарқ давлатларидан ташқари Ғарб мамлакатлари, жумладан, Германия билан дипломатик алоқалар ўрнатишга катта куч-ғайрат сарфлади. Бухоро билан Германия ўртасида маданий ва иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, савдо-сотиқ авж олдирилган. Германияга кўплаб талабалар ўқишга юборилган. Ф. Хўжаев 1922 йил кузида Германияда бўлиб, турли банклар ва компаниялар билан шартномалар тузган. 1922 йил бошларида Туркияга (Афғонистон орқали) Бутун Бухоро МИК раиси У. Пўлатхўжаев ташриф буюриб, Бухоро респуб-

ликасининг моддий ёрдамини янги жамият қураётган Мустафо Камол Отатурк (1881—1938) ҳукуматига топширган эди.

Бухоро ҳукуматининг мустақил сиёсат юритиши албатта совет Россияси раҳбариятига ёқмас эди. Бухородаги демократик жараёнларга мамлакат ташқарисидан тазйиқ тобора кучайиб борди. 1923 йил 3 июнда Бухорога СССР Қуроли кучларининг Бош қўмондони С. С. Каменев, Туркфронт Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси А. И. Корк, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси Михайлов ва бошқалар келишди. Улар Бухоро ҳукумати фаолиятдан қониқмаётганликларини очиқ айтиб, социалистик ўзгаришларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлашди. Орадан кўп ўтмай — 12 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюроси махсус қарор қабул қилиб, Бухоро ҳукуматини советлаштириш чора-тадбирларини белгилаб берди ва РКП(б) МК котиби Я. Э. Рудзутакни Бухорога жўнатди. 24 июнда Бухоро ҳукумати таркибидан Отауллаҳўжа Пўлатов — Ота Хўжаев, Фитрат, Саттор Хўжаев, Муинжон Аминов, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдураҳим Юсуфзода, Музахар Махсум Бурҳонов, Ҳожи Ҳамро Йўлдошев четлаштирилиб, Бухородан сургун қилинди<sup>30</sup>. Бухоро ҳукумати Москва ва Тошкентнинг «коммунистча сабоғи»ни олган «тажрибали совет ходимлари» билан тўлдирилди.

Бухоро ҳукуматида Туркистондан юборилган эмиссарларнинг таъсири тобора кучайиб борди. Коммунистик унсурлар бу билан чекланиб қолмасдан 14 августда бўлган МИК фавқулодда сессиясида Конституция матнига ўзгартириш киритишга муваффақ бўлдилар. 1923 йил 11—17 октябрда бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг IV қурултойи Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Унга биноан барча савдогар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва қосибларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Шунингдек, қурултой жамиятда ижтимоий барқарорликни кучайтирадиган «совет қурилиши тўғрисида» номли махсус қарор қабул қилди. Жамият тобора сиёсийлашиб борди. Бухорода ўтказилаётган демократик ислохотларнинг тақдири хавф остида қолди. Марказнинг талаби билан мамлакатда сунъий равишда социалистик қайта қуришларни амалга оширишга киришилди. Республикадаги бу кескин вазият қуроли муҳолифат ҳаракатининг



кучайишида ҳам ўз ифодасини топди. Фарбий Бухорода Мулла Абдулқаҳҳор (1884—1924), Шарқий Бухорода Иброҳимбек (1889—1932) бошчилигидаги истиқдолчилар ўз ҳаракатларини фаоллаштирдилар.

Шундай қилиб, 1923 йил ёзида мустабид совет режими Бухорода ўзига хос давлат тўнтаришини амалга оширди. Миллий қўшин ва миллий валюта большевиклар томонидан тугатилади. Бу ҳолат Бухоро мустақиллигига катта хавф туғдирди. Бироқ Хоразм республикасидан фарқли равишда, фақат 1924 йил кузидан бошлаб Бухорода социалистик тараққиёт томон йўналиш тан олинди.

1924 йил 18—20 сентябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг V-қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантирилди. БССРнинг тузилиши юқоридан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса эди. Натижада тараққиётнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиш танланди. Марказдаги большевик раҳбарларининг Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларини социалистик республикаларга айлантиришдан кўзда тутилган асосий мақсади маҳаллий халқларни тезроқ советлаштириш, халқимиз онгига коммунизм мафқурасини мажбуран синдириш эди.

1924 йил ноябрь ойи охирида Бухоро республикаси ҳам худди Хоразм республикаси сингари тугатилиб, унинг ҳудуди янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР (1929 йилгача таркибида Тожикистон АССР бўлган) ва Туркменистон ССРга киритилди.

\* \* \*

Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ўзбек халқи давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутди. Шарқдаги дастлабки халқ республикалари бўлган бу давлатлар қисқа муддат ичида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўрта асрларга хос монархия тузуми ва қолоқликдан, диний мутаассиблик ва жаҳолатдан демократик ўзгаришлар томон катта қадамлар ташланди. Асосан собиқ жадидлардан ташкил топган Бухоро ва Хоразм ҳукуматлари мамлакатда демократик ислохотларни қарор топтиришда жуда қийин шароит ва вазиятларда иш олиб боришларига қарамасдан, ўз фа-

олияти давомида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйса-да, шунингдек, доимий равишда большевикларнинг зуғуми ва Кремлинг тазйиқи остида сиёсат юриштишга мажбур бўлган бўлса ҳам ўз тарихий вазифасини удалай олди. Хусусан, Бухоро Халқ Нозирлар Шўросининг фаолияти таҳсинга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг демократик ислоҳотлар томон бошиб ўтган йўли ўша давр учун ҳам, бутунги кун нуқтаи назаридан олиб қаралганда ҳам машаққатли ва улур йўл бўлди. Бухоро ва Хоразм республикалари атиги 4—5 йил ичида дунёвий ислоҳотлар жорий қилинаётган демократик давлатга айлана бошлади. Афсуски, бу жараёнлар мустабид совет режими томонидан сунъий равишда тўхтатиб қўйилди ва нисбатан мустақил бўлган бу давлатларнинг мавжудлигига ҳам барҳам берилди.

Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг тугатилиши билан камида уч минг йиллик тарихга эга ўзбек халқининг миллий давлатчилиги ҳалқаси деярли узиб ташланди. Ўзбекистон ССР тузилса ҳам (1925 йил феврал), орадан кўп ўтмай у СССР таркибига киритилди. ЎзССР амалда ҳеч қандай мустақил сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмай, балки янги шаклдаги мустабид совет режимининг бир қисми бўлганлиги учун мустақил давлат вазифасини ўтай олмади.

## ИЗОҲЛАР ВА ШАРҲЛАР:

<sup>1</sup> Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 11-варақ; *Матқаримов М.* Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч, «Хоразм», 1993. 14—15-бетлар.

<sup>2</sup> *Гордиенко А. А.* Создание народно-советского государства и права их революционно-преобразующая роль Хорезма и Бухары. Т., 1959. С. 28—29.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000. 226-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 214-варақ.

<sup>5</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики (1920—1924 гг.). Сборник документов. Т., «Фан», 1976. С. 56—64; Хоразм тарихи. II-жилд. Урганч, «Хоразм», 1997. 32-бет.

<sup>6</sup> Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 3-варақ.

<sup>7</sup> Қаранг: *Полвонниёз Ҳожи Юсулов.* Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). Урганч, «Хоразм», 2000. 354—356-бетлар.

<sup>8</sup> История Х.Н.С.Р. С. 169.

<sup>9</sup> Хоразм тарихи. II-жилд. Урганч, «Хоразм», 1997. 50—51-бетлар.

<sup>10</sup> История Х.Н.С.Р. С. 43.

<sup>11</sup> История Х.Н.С.Р. С. 255—256; Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 27—28-варақлар.

<sup>12</sup> История Х.Н.С.Р. С. 42, 46.

<sup>13</sup> Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 29-варақ; История Х.Н.С.Р. С. 258—259.

<sup>14</sup> *Ражапова Р.* Сурунли замонлар //Хива—минг гумбаз шаҳри. Т. «Шарқ», 1997. 51—52-бетлар.

<sup>15</sup> *Мамаджонов М. К.* Социально-экономическое преобразования и развитие экономики Хорезмской Народной Советской Республики. Т., 1974. С. 63.

<sup>16</sup> История Х.Н.С.Р. С. 216—217, 228; Ўзбекистон МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 38-иш, 279-варақ.

<sup>17</sup> История Х.Н.С.Р. С. 352; Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2137-иш, 295-варақ.

<sup>18</sup> Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланмасдан анча аввал — 1920 йил 10 августда Тошкентда бўлгуси ҳокимият органлари тузилган эди. Ф. Хўжаевнинг ёзишича, Аҳмаджон Абдусаидов (Ҳамди) раислигида Бутун Бухоро Муваққат инқилобий кўмитаси (ревком), Файзулла Хўжаев раислигида Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ташкил қилинган. Қизил аскарлар Бухорони босиб олгач, бу ҳокимият тузилмаларида анча ўзгаришлар қилинди. Бу ҳақда қаранг: *Файзулла Хўжаев: Бухоро инқилобининг тарихига материаллар.* — Т.: Фан, 1997. 173-бет.

<sup>19</sup> Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 1-варақ.

<sup>20</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920—1924 гг.). Сборник документов. — Т.: Фан, 1976. С. 198—203.

<sup>21</sup> Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 217-иш, 2—4-варақлар.

<sup>22</sup> История Бухарской Народной Советской Республики (1920—1924 гг.). С. 229—231; Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 219-иш, 27—28-варақлар.

<sup>23</sup> Бухоро Шарқ дурдонаси. — Т.: Шарқ, 1997. 76-бет.

<sup>24</sup> Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 343 «а»-иш, 13-варақ.

<sup>25</sup> Қаранг ва бир-бирига тақдосланг: Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 186-иш, 284-варақ; *Ишанов А. И.* Бухарская Народная Советская Республика. — Т.: Шарқ, 2000. 85-бет; *Алимова Д. А.* ва б. Ўзбекистон тарихи (1917—1991 й.). — Т.: Шарқ, 2000. 85-бет.

<sup>26</sup> Афсуски, сўнгги йилларда Тожикистон Республикасининг кўплаб олимлари ўша даврдаги тарихий вазиятни нотўғри таҳлил қилиб, ўз асарларида сохта рақамларни келтиришмоқда. Масалан, тарихчи Р. Масовнинг ёзишича, гўё Бухоро республикасининг асосий аҳолиси тожиклар бўлган эмиш. Қолбуки, 1922 йили Бухорода тожиклар 390 000, форслар эса 30 000 кишидан ошмаган. Рақамларни тақдослаш учун бир-бирига қаранг: Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 211-иш, 88-варақ; *Масов Р.* История топорного разделения. — Душанбе, Ирфон, 1991; Унинг ўзи. Таджики: история с грифом «совершенно секретно». — Душанбе, Ирфон, 1995.

<sup>27</sup> *Ражабов Қ.* Бухоро Халқ Совет Республикаси //Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2-жилд. — Т.: 2001. 299—302-бетлар.

<sup>28</sup> Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 7-иш, 10-варақ.

<sup>29</sup> История Бухарской Народной Советской Республики. С. 359—360; Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 274-иш, 331-варақ.

<sup>30</sup> Ўзбекистон МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 198-иш, 64-варақ ва унинг орқаси.

## ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Туркистон Мухториятининг фожиали тарзда тарқатиб юборилиши совет раҳбарияти томонидан 1918 йилда Бошқирдистонда, Қозоғистонда, Татаристонда, Белоруссияда, Украинада, Болтиқбўйи республикалари ва Кавказортида ўз мустақил миллий давлатчилигининг тузилганлиги ҳақида эълон қилган миллий ҳукуматларни ҳокимиятдан зўрлик билан ағдарилишидан иборат умумий занжирнинг бир халқаси бўлди. Бу ҳол большевиклар раҳбариятининг чоризм томонидан қул қилинган халқларга «ўз тақдирини ўзи белгилаш» ҳуқуқини бериш ҳақидаги расмий эълон қилинган сиёсий шиорлари билан унинг амалга оширилиши ўртасида катта фарқ борлигидан далолат берар эди.

«Ўз тақдирини ўзи белгилаш»нинг советларга хос варианты амалда аввалбошданоқ бир империяни унинг мутлоқ марказлашганини сақлаган ҳолда бошқа бир империяга айлантиришга, унитар давлат яратишга қаратилган эди.

Совет даврининг тажрибаси шуни яққол кўрсатадики, коммунистик тузумнинг тоталитар-мустамлакачилик табиати дастлабки «инқилобий» йилларда ҳам, совет тарихининг кейинги бурилиш даврларида ҳам уни модификация қилишга бўлган барча уринишларга қарамай ўз тамойилига кўра ўзгармасдан қолаверди.

Бундай аҳвол республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўрнатилган совет давлатчилигининг мафкураси ва табиати билан бевосита боғлиқ эди. Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов қайд этганидек, «...совет социалистик давлатчилиги... бизнинг халқимизга зўрлаб тиқиштирилган эди. У халқимизнинг туб маънавий, ахлоқий, диний қадриятларига мос келмас эди. Марказдан туриб бошқариладиган давлат машинаси қандайдир бир манқуртга, ўз уруф-авлодларини ҳам, ўз халқининг тарихини ҳам, анъаналарини ҳам билмайдиган кишига мўлжалланган эди. Мазкур давлат тизимида расмий эълон қилинган шиорлар билан амалдаги иш ўртасидаги узилиш айнан шу сабабли юзага келди»<sup>1</sup>.

Империя марказининг сиёсати Туркистонда яққол кўзга ташланувчи қиёфа касб этди. Оғизда маҳаллий халқларнинг ўзига хос ривожланиши мумкинлигини

эълон қилиб, янги ҳокимият амалда мазкур жараёнларнинг намоён бўлишига тўсқинлик қилди, тубжой аҳолининг давлат бошқарувиغا жалб этилишига очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатди.

Туркистондаги большевик ҳукмдорлар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан тубжой аҳолида совет ҳокимиятига қарши кайфият уйғотдилар, ижтимоий норозиликнинг турли шакллариининг пайдо бўлишига сабаб бўлдилар.

Эълон қилинган миллий давлатчилик. — Туркистон Мухториятининг зўрлик билан ағдарилиши советларга қарши истиқлолчилик ҳаракатини уйғотган асосий сабаб бўлди.

Унга қарши Ленин маъмурияти доимий қизил армиянинг энг сара қисмларини ташлади. Мустабид большевик режимига қарши курашда фақат Фарғона водийсининг ўзида 1918—1924 йилларда 500 мингга яқин мустақиллик учун курашган жангчилар ва уларнинг қўллаб-қувватлаган тинч аҳоли ҳалок бўлди<sup>2</sup>.

Ўз ҳокимиятини мустақкамлаш мақсадида большевиклашган советлар ва совет Туркистони ҳукумати «пролетар» мустабид давлатининг ажралмас қисмини ташкил этувчи аппаратни шакллантиришга бор кучгайратларини сарфладилар. Мана шу мақсадда умумроссия схемасига мувофиқ қисқа муддат ичида «инқилоб душманлари»ни йўқ этишга даъват қилинган «инқилобий» судлар, прокуратуралар, ЧК органлари, инқилобий трибуналар ташкил этилди.

Армиянинг маҳаллий қўшин бўлинмаларини ташкил этиш бўйича жадал тадбирлар амалга оширилди. Туркистоннинг Марказдан келган қўшин тузилмалари билан узлуксиз равишда тўлдириб юборилиши, хусусан, 1919—1920 йилларда бу жараённинг кучайиши бу ерда босқинчилик режимининг ўрнатилишига олиб келди. Миллий кўзғолончиларга қарши кураш давомида кўплаб қишлоқлар йўқ қилиб юборилди, одамларни гаровга олиш, уларни гуруҳ-гуруҳ қилиб отиб ташлаш одат тусига кирди, мустақиллик учун мардона кураш олиб бораётган кишиларнинг оилаларига ва уларни қўллаб-қувватловчи тинч аҳолига қарши жазолаш акциялари доимий равишда амалга оширилди.

Халқ хўжалиги мажмуасидаги «инқилобий» ўзгаришлар иқтисодиётдаги кўп укладчиликни таг-тути би-

лан йўқ қилишга, мулкчиликнинг барча шакллари-  
давлат мулкига айлантиришга, мол-мулкни зўрлик би-  
лан қайта тақсимлашга, умумий тенгчилик тамойилла-  
рини амалга ошириш ва товар-пул муносабатларини  
йўқ қилишга қаратилган эди. Бу жараён бадавлат қат-  
ламларнинг мол-мулкни оммавий равишда мусодара  
қилиш, мулкдорлар синфини йўқ қилиш, соғлом бо-  
зор механизмларини маъмурий мажбурлаш тизими-  
га айлантириш билан қўшиб олиб борилди.

Большевикларнинг иқтисодий сиёсати уруш даври-  
нинг вайронгарчилиги билан қўшилиб Туркистон халқ  
хўжалигини мудҳиш ҳалокатга олиб келди. Масалан,  
саноат ишлаб чиқаришида жадаллаштирилган нацио-  
нализация амалга оширилгандан сўнг саноат маҳсу-  
лотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўлкада  
1920 йилда 1914 йилга нисбатан 80% га камайди.<sup>1</sup>

1921 йилда ўлкадаги 249 та пахта тозалаш корхона-  
ларидан фақат 16 таси ишлади. Пахта ёғи, пахта тола-  
си ишлаб чиқариш 17 марта камайиб кетди. Темир  
йўлларда поездларнинг зўрға бешдан бир қисми фао-  
лият кўрсатар эди<sup>2</sup>.

Туркистон қишлоқлари айниқса қийин аҳволга ту-  
шиб қолди. Қишлоқдаги бадавлат қатламнинг иқтисо-  
дий қудратининг чеклаб қўйилиши ўлка қишлоқ хўжа-  
лигининг шиддат билан тушқунликка юз тутишига олиб  
келди. Масалан, Туркесубликасида ишлаб чиқарил-  
ган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва қорамоллар сони  
1920 йилда 1913 йилга нисбатан мувофиқ равишда 76,2  
ва 53,3 фоизга қисқариб кетди<sup>3</sup>.

Бунинг оқибатида ўлкадаги деҳқон хўжаликлари за-  
ифлашди ва аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари  
билан таъминлай олмай қолди. Россиядан пахта эвази-  
га етказиб бериладиган доннинг келтирилиши эса амал-  
да тўхтаб қолган эди. Натижада мисли кўрилмаган оч-  
лик бошланди. У 1920 йилга келиб бир миллиондан  
ортиқ кишининг ёки ўлка аҳолисининг бешдан бир  
қисмининг ёстиғини қуритди<sup>4</sup>.

Туркистон жамиятининг маънавий ҳаётида ҳам сал-  
бий ўзгаришлар бошланди.

Халқ таълими тизимини марксча ақидалар асосида  
тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш большевистик маф-  
қуранинг стратегик йўналиши бўлиб қолди.

Оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъатда  
қаттиқ мафқуравий назорат ўрнатилди. Коммунистик

мафкурага асосланган «совет» адабиёти, муסיқаси ва театр санъатининг вужудга келиши рағбатлантирилди.

Бу ҳаммаси эса жойларда советларга қарши кайфиятнинг кучайишига сабаб бўлди.

Фақат Туркистонда эмас, Россия давлатининг бошқа миллий минтақаларида ҳам кузатилаётган миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳаракатининг шиддат билан «қуйидан» кенгайиб бориши РСФСРнинг большевиклар раҳбарияти олдига миллий-давлатчилик қурилишининг советча амалиётига муҳим ўзгартишлар ва тузатишлар киритиш заруратини қўйди.

Большевиклар раҳбарияти халқ қаршилигини қисқа муддатда бартараф қилиш умиди билан, миллий республикаларга мустақил давлатчилик белгиларини беришга шошилди. Хусусан, давлат қурилиши масалаларида Россия халқларининг манфаатларини ҳисобга олиш истагини намойиш қилиб, у Россия давлатчилигининг унитар шаклини эмас, федератив шаклини яратиш тарафдори бўлиб чиқди. Шошинч тарзда чақирилган советларнинг III Умумроссия съездида (1918 йил, 10—12 январь) «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари Декларацияси» қабул қилинди ва унда «Россия Совет Республикаси Совет миллий республикаларининг Федерацияси сифатида таъсис этилади» деб эълон қилинди<sup>6</sup>.

Бунда Россиянинг мусулмон минтақаларига, шу жумладан қўзғолон олови билан қамраб олинган Туркистонга ҳам принципиал аҳамият берилди. РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлиги ҳузурида ҳатто алоҳида мусулмонлар ишлари бўйича Комиссариат тuzилди. Мусулмон аҳолиси ўртасида совет ҳокимиятининг роляларини ҳаётга тадбиқ этиш унинг вазифасига кирар эди.

Ўлкада «совет автономияси»ни бевосита ташкил этишни РКП(б) МК ва РСФСР ХКС Туркистоннинг фавқулодда комиссари ваколати берилган П. А. Кобозев зиммасига юкледи. Лениннинг вакили Тошкентга 1918 йил апрел ойининг бошида етиб келди. 20 апрелда Туркистон советларининг V съезди иш бошлади. У республиканинг расмий мақомини тасдиқлаши лозим эди. 30 апрел куни тегишли синфий мезонлар асосида сайланган съезд делегатлари «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақида Низом»ни қабул қилдилар. Унда ўлкадаги социалистик

давлатчилик тузилишининг асослари белгилаб берилган эди<sup>7</sup>. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Туркистон ўлкасининг бутун ҳудуди унинг географик чегараларида, Бухоро ва Хивани истисно қилган ҳолда «Россия Федерациясининг Туркистон Республикаси» деб эълон қилинди ва «у автоном тарзда бошқарилиб, РСФСР марказий ҳукуматини тан олади ҳамда ўз фаолиятини марказий ҳукумат билан мувофиқлаштиради» деб белгилаб қўйилди. Низом марказий ва маҳаллий давлат органларининг мавжуд тузилмаси ва функцияларини мустаҳкамлаб қўйди: ишчи, солдат, деҳқон депутатлари Советлари съезди Туркистон республикасининг олий қонун чиқарувчи органи, Марказий Ижроия Қўмита — доимий олий қонун чиқарувчи орган, Халқ Комиссарлари Совети — ижроия органи, Советлар ва уларнинг ижроия қўмиталари — жойлардаги ҳокимият деб эълон қилинди.

Шундай қилиб, Туркистон Мухториятида мужассам бўлган ўзига хос миллий давлатчиликни сиқиб чиқариш воясининг ленинча стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, «советлар асосидаги автономия» «миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш»нинг совет варианты деб эълон қилинди.

«Юқоридан» тиқиштирилган «совет автономияси» модели халқ томонидан илгари сурилган «миллий мухторият» моделидан тубдан фарқ қилар эди. Ҳокимият тузилмаларининг ташвиқотчилик баёнотларига қарама-қарши ўлароқ, у тубжой аҳолига амалдаги суверенитетни бермади, расмиятчилик хусусиятига эга бўлди ва илгаригидек ўлканинг «социалистик» марказга қарамлигига йўналтирилган эди.

Буни «Россия Социалистик Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси Конституцияси» тасдиқлар эди<sup>8</sup>. Унга мувофиқ мудофаа, ташқи алоқалар, почта, телеграф, денгиз ишлари, темир йўллар, божхона, савдо, саноат ва молия соҳалари федерал ҳукумат қўлида бўлиши» алоҳида айтиб ўтилган<sup>9</sup>. Маҳаллий аҳолининг расмий эълон қилинган «автоном ҳуқуқлари» фақат ташвиқот мақсадини кўзлар эди.

Тубжой аҳолининг катта қисми ўлканинг давлат тузилишини белгилаб берувчи асосий ҳужжат билан ҳеч бўлмаганда умумий тарзда ҳам таниша олмади, чунки у маҳаллий тилларда эълон қилинмади.

Советларга хос «ўз тақдирини ўзи белгилаш» Тур-



кистоннинг тубжой аҳолисининг мустамлака ҳолатини ўзгартирмади. Давлат ҳокимият органларининг таркиб тошган тузилмасида, уларни шакллантиришнинг тор синфий тамойили шароитида улар ҳар қандай автономиянинг асосий негизи бўлган ҳуқуқдан — миллий-ҳудудий бирлик аҳолисининг давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириши ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга эмас эдилар. Моҳиятига кўра, конституцияда мустақкамлаб қўйилган «совет автономияси» миллий-ҳудудий бирлик бўлишдан кўра кўпроқ маъмурий-ҳудудий бирлик эди.

Туркистон атрофидаги ҳарбий халқа ёриб ўтилгандан сўнг 1919 йилнинг кузидан бошлаб Ленин маъмурияти коммунистик метрополиянинг ҳукмронлик макъеини мустақкамлаш бўйича фаол тадбирлар қабул қилди.

Ўлкани коммуналлаштиришнинг янги босқичи айнан шу даврдан бошланди. Агар октябрь тўнтаришидан сўнг бу ерда ҳокимият аҳолининг европалик қисми вакилларида иборат бўлган ишчи ва солдатлар кўлига ўтган бўлса, 1919 йилнинг октябридан у большевиклар маркази томонидан юборилган вакиллар — БМИҚ ва РСФСР ХКСнинг Турккомиссияси, РКП(б) МК Туркбюроси каби барча маҳаллий ҳукумат органларидан юқори турувчи органлар қўлида жамлана бошлади. Ва яна бир ўзига хослик: Конституцияга мувофиқ «инқилобий ҳокимият»ни ўзида тажассум этувчи Советлар тезда ўз ҳокимият ваколатларини йўқота бошладилар. Яширин ҳокимият вертикали РКП(б) МКга етиб борувчи коммунистик партия диктатураси ҳукмрон бўлиб қолди.

БМИҚ ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича Комиссияси 1919 йилнинг октябрида тузилди. Унинг таркибига Ш. З. Элиава — раис, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Рудзутак, Ф. И. Голошекин, Т. И. Боккий кирдилар. Комиссия жуда улкан ваколатларга эга эди. Жумладан, у «БМИҚ ва халқ Комиссарлари Советининг ваколатига, Туркистон ҳудудларида ва қўшни давлатларда уларнинг номидан иш кўриш ҳуқуқига<sup>10</sup>», РКП (б) МК номидан республикада «олий партия назорати ва раҳбарлигини амалга ошириш», шу жумладан «ўлка партия ташкилотларини тарқатиб юбориш, фавқулодда съездлар ва конференциялар чақириш» ҳамда «партия МК қарорларини қатъий бажаришга»

қаратилган бошқа чора-тадбирларни қабул қилиш ҳуқуқига эга эди<sup>11</sup>.

Тубжой аҳолининг энг муҳим манфаатларининг акс эттирилиши комиссияни мутлақо ташвишлантормас эди. Улар учун энг асосийси Совет ҳокимиятининг мавқеини мустаҳкамлаш, империявий марказ билан гўё ленинча раҳбариятнинг тўғри стратегик йўлини бузган, янги ҳокимиятнинг моҳият ва мақсадларини бузиб кўрсатган кўзга кўринган маҳаллий арбоблар ўртасидаги масофани узоқлаштириш эди.

Турккомиссиянинг амалий ҳатти-ҳаракатларидаги иккиюзламачиликни республика партия ва совет органларига раҳбарлик ишларига келган ўлка большевикларининг янги бўғини — 1919 йилда тузилган ТКПнинг Мусулмон бюроси бағрида вояга етган миллий коммунистлар тез орада сезиб қолдилар. Улар комиссия аъзоларининг мустамлакачиликни бутунлай тугатиш, миллий озодликни таъминлаш ҳақидаги жозибали чақириқларга қарама-қарши ўлароқ, ҳокимият ва хўжалик тузилмаларининг фаолиятига кўпол тарзда аралашиб ўлкада ҳукмронлик қилишга киришганликларига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилдилар.

Бу ҳол миллий коммунистлар орасида муҳолифатчилик кайфиятларининг ўсишига олиб келди. Уларга барҳам бериш учун РКП(б) МК тавсиясига кўра ТКП сафидаги ва совет органларидаги «буржуа миллатчилари»га қарши юриш эълон қилинди. Муҳолифатчиларга «миллий оғмачилар» деган сиёсий ёрлик тақилди.

Уларни «партия ва совет ишида ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонларнинг синфий манфаатларини камайтириш ҳисобига миллий хусусиятларни бўрттириб кўрсатиш»да, Туркреспубликасининг ҳокимият органлари таркибига тубжой аҳоли вакиллари уларнинг синфий мансублигидан қатъий назар киритиш талабини қўйганликда айбладилар.

«Миллий оғмачилар»нинг Туркистон давлатчилигининг келажақдаги тузилиши ва партия қурилиши масалалари бўйича концептуал қарашлари жамланган ҳолда Турк МИҚнинг раиси Турор Рискуловнинг мусулмон коммунистик ташкилотларининг 3-конференциясида ва 5-ўлка партия конференциясида сўзланган нутқларида ўз ифодасини топган эди. Туркистон ўзининг этник таркибига кўра асосан туркий халқлардан

иборат бўлганлигидан келиб чиқиб, у ўлка ҳудудида «Турк республикаси»ни тузиш ва РКП(б) бўйсунувчи Туркистон компартиясини мустақил «Туркий халқлар компартияси» қилиб қайтадан тузиш ғоясини кўтариб чиқди<sup>12</sup>. Бу таклифларни қўллаб-қувватлар экан ТКП Мусулмон бюросининг аъзоси Юсуф Алиев «агар биз Туркистонни Турк республикаси деб атасак, бу билан ўз тақдирини ўзи белгилашга йўл кўрсатган бўламиз»<sup>13</sup> деб таъкидлайди.

Т. Рискүлов томонидан илгари сурилган «совет Туркистони» давлатчилигини қайта тузиш дастурини бугунги кундан туриб баҳолар экансиз, коммунистик ёндашувларнинг торлигига қарамай, мазкур дастур Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг мустақилликка бўлган сиёсий интилишларининг энг муҳим моҳиятини ўзида акс эттирганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки, бу ўринда сўз «юқоридан» тикштирилган Туркистон автономиясининг хусусиятини тубдан ўзгартириш хусусида боради. 1918 йил май ойида V Туркистон съезди томонидан тасдиқланган ва тубжой аҳолини ҳокимиятдан маҳрум қилинганлиги муаммосини ҳал эта олмаган ҳудудий автономия ўрнига миллий коммунистлар лойиҳаси ўз тақдирини ўзи белгиловчи ҳудуднинг тубжой аҳолисини ўз тақдирини ўзи белгилашнинг субъекти ва ҳокимият эгаси деб тан олиншини тақозо этувчи миллий-ҳудудий автономиялар яратишни кўзда тутар эди.

Уларнинг таклифлари миллий коммунистлар орасида фаол қўллаб-қувватланди. Мусулмон коммунистик ташкилотларининг III конференцияси ҳам, ТКПнинг V ўлка конференцияси ҳам «Турк компартияси» ва «Турк республикаси»ни тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бироқ Турккомиссия бунга қатъий қарши турди. У мазкур партия форумларининг қарорларини бекор қилди<sup>14</sup>.

Марказий ҳокимият ҳам миллий коммунистларнинг ҳеч бўлмаганда совет модели доирасида давлат ҳаётининг муҳим соҳаларида шартли суверенитетдан у ёки бу даражадаги реал суверенитетга ўтишни таъминлаш йўлидаги интилишларига ўта асабийлик билан муносабатда бўлди.

1920 йилнинг 8 мартида РКП(б) МК «Туркистон автономияси» ҳақида махсус қарор қабул қилди. Унда «Турк республикаси» ва «Турк компартияси» тузиш

ғояси қатъий қораланган эди. Хусусан, партия қурилиши масалалари бўйича унда Туркистон ҳудудида ягона коммунистик партиянинг мавжуд бўлиши ва у вилоят партия ташкилоти ҳуқуқлари билан РКП(б) таркибига киритилиши лозимлиги таъкидланди<sup>15</sup>. Ленин стратегиясининг «нозиклиги» шунда намоён бўлдики, амалдаги давлат бошқаруви айнан у бошчилик қилаётган партия орқали амалга оширилар ва ТКП нинг вилоят партия ташкилоти сифатидаги мақоми ўлкага «автономия» тусини бериб марказлашган давлат ҳокимиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлини изчил ўтказиш имкониятини берар эди.

Марказ томонидан қўлаб-қувватланган Турккомиссия муҳолифатчиларга қарши очиқ-ойдин ҳужумни авж олдирди. Ҳужумнинг асосий зарбаси партияга, советларга қарши ғоя сифатида баҳоланган «Турк республикаси» ва «Турк компартияси» ғояларини обрўсизлантиришга қаратилган эди. Натижада Туркреспубликанинг миллий раҳбарияти билан Марказнинг ваколатли органлари ўртасидаги қарама-қаршилик тобора кучайиб борди ва республика ҳокимият тузилмаларини қамраб олиб Марказгача бориб етди<sup>16</sup>. 1920 йилнинг май ойида Турк МИК раиси Т. Рисқулов бошчилигидаги ваколатли делегация Москвага жўнади. Ўз навбатида Турккомиссия ҳам пойтахтга ўз вакиллари Ш. Элиава ва Я. Рудзутақни юборди.

1920 йил 25 майда РКП(б) МК сиёсий бюроси Туркистондаги аҳволни расмий равишда муҳокама қилиб, «Туркистон масаласи»ни ҳал қилишнинг Туркделегация ва Турккомиссия томонидан тақдим этилган лойиҳаларини кўриб чиқди. Мажлисда маъруза қилган Т. Рисқулов «миллий муҳолифатчилар»нинг позициясини муфассал ёритиб берди. Аниқ фактларга суянган ҳолда у Совет ҳокимияти йилларида Туркистоннинг эзилган аҳолиси ҳаётида ҳеч қандай туб ўзгаришлар юз бермаганлигини асослаб кўрсатди. Туркистон МИК нинг раҳбари ўлка партия ва совет съездларининг маҳаллий аҳолининг ҳуқуқлари ҳақидаги барча қарорлари ва бир неча марта эълон қилинган автономия амалда қоғозда қолиб кетганлиги, Турккомиссиянинг ярим йиллик фаолияти, унинг мусулмонларни қуролли кучларга жалб этиш, мустамлакачиларнинг мавжуд зўравонлигига барҳам бериш ҳақидаги бандларпарвоз шиорлари ва бошқалар «шунчаки пар-

ламент қарорлари бўлиб қолганлигини» алам билан таъкидлаб ўтди. Бунинг устига, деб кўрсатилган эди маърузада, Турккомиссия ва Туркфронт ўзларининг фаолияти мисолида «Туркистонни ҳарбий бошқарув ўрнатилиши лозим бўлган совет колонияси сифатида қараш» тамойилини намоёниш этдилар<sup>17</sup>.

Юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, Туркистон раҳбарияти ўз фаолиятини давом эттириши мумкин эмаслиги ҳақида қатъий баёнот берди. Зеро, «ҳокимиятда кўфирчоқ бўлиб қолиш, ҳаётда бирор-бир нарса ни амалга оширишга ожиз бўлган ҳолда фақат қоғоз-бозлик билан шуғулланиш ўз эътиқодига хиёнат қилиш ни англатади ва эзилган тубжой меҳнаткашлар олдида жиноят билан баробардир». Маърузанинг хулосаси ультиматив тарзда жаранглаган эди: «...Ёки бутун ҳокимият Туркфронтнинг Инқилобий ҳарбий Кенгашига топширилсин... ёки Конституцияга мувофиқ, уни ҳаётда амалга оширган ҳолда, Турккомиссияга ўхшаган ҳар қандай юқори турувчи бўғинларни йўқ қилиб, ҳамда Инқилобий ҳарбий кенгаш ҳуқуқларини чеклаб, бутун ҳокимиятни тўлалигича туб-жой миллатларнинг меҳнаткашларига берилсин».

Яқунловчи маърузаларда Туркистон делегацияси яна бир марта ўз талабларини қўйди: Туркистонда миллий армия тузиш, Туркфронт ИХК нинг ҳокимияти ва таъсирини чегара ҳудудлари билан чеклаб қўйиш, Турк-республикада бутун ҳокимиятни тўласича Советлар съезидига, Турк МИК ва Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгашига бериш, Туркистон Совет Республикасининг муҳторияти ҳақидаги низомни аввал махсус комиссия тузган ҳолда тасдиқлаш, Турккомиссияни йўқ қилиш, Москвада Туркистон ваколатхонасини таъсис этиш<sup>18</sup>.

Туркистон делегациясининг бу лойиҳаси дарҳол рад этилди. 22 июнда РКП(б) МК сиёсий бюроси Ленин иштиракида Н. Н. Крестинский, Г. В. Чичерин ва Элиава таркибидаги комиссия томонидан таклиф қилинган «Туркистон Республикаси ҳақида»ги қарор лойиҳасини кўриб чиқди. Унинг муҳокамаси чоғида яна «миллий оғмачилар» қаттиқ танқид остига олинди. Бунда Ленин «руҳонийлар, панисломизм ва буржуа-миллатчилари ҳаракатига қарши курашнинг усулларини»<sup>19</sup> ишлаб чиқаришни зарур вазифа сифатида қўйди.

Лениннинг кўрсатмалари РКП(б) МК сиёсий бю-

роси томонидан 1920 йил 29 июнда қабул қилинган ва «РКП(б) нинг Туркистондаги асосий вазифалари» деган умумий ном остида бирлаштирилган тўртта қўшимча қарорларида ўзининг аниқ ифодасини топди.

Уларда асосий эътибор Марказнинг ўлкадаги мавқеини мустақамлашга, унинг вакилик органларида раҳбарликни ўз қўлига тўплаш йўли билан назорат қилиш ҳудудларини кенгайтиришга қаратилган эди. Бу мақсад МК нинг «Туркистонда ҳокимиятни ташкил этиш ҳақида»ги қарорида очиқ-ойдин акс эттирилди. Унда ҳеч қандай бошқача талқинларга ўрин қолдирилмаган ҳолда: Туркистонда БМИКнинг Халқ Комиссарлари Совети, РКП(б) МК нинг доимий ваколатхоналарининг бўлиши зарур, уларга қуйидаги вазифалар юклатилади: «а) федерал ҳокимиятнинг мутлақ ваколатини ташкил этувчи мазкур вилоятларни бевосита бошқариш; б) марказий ҳокимиятнинг қарор ва кўрсатмаларини ҳаётга жорий этиш устидан назорат ўрнатиш...<sup>20</sup>» — деб ёзилган эди.

Шундай қилиб, Ленин раҳбарияти миллий раҳбарларнинг Турккомиссия ва бошқа ҳукуматдан юқори турувчи тузилмаларни йўқ қилиш, чинакам автономияни таъминлаш ҳақидаги талабларини фақат рад этибгина қолмай, балки ўлкадаги ҳокимиятни унинг тубжой аҳолисига бериш нияти йўқлигини яққол намоён қилди.

Мана шундай ёндашув хос мантқиқдан келиб чиқиб РКП(б) МК 1920 йил 20 августда Туркистон автономиясининг янги вариантини яратиш бўйича яқунловчи ҳужжатни қабул қилди. Унда Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти вилоятлари ва Амударё бўлимидан иборат Туркресубликаси «Россия Федерациясининг мухтор қисмини ташкил этади ва унга «РСФСРнинг Туркистон социалистик республикаси» номи берилади» деб эълон қилинди. Мазкур қарор БМИКнинг 1921 йил 11 апрелдаги «Туркистон АССР ҳақида»ги<sup>21</sup> қарорида узил-кесил ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилиб қўйилди.

Бугун шу нарса аёнки, Туркистон автономиясининг яна бир марта эълон қилиниши худди 1920 йил сентябр ойида қабул қилинган ва лойиҳаси ўша йили баҳорда Турккомиссия томонидан ишлаб чиқилган ТАССР Конституцияси сингари минтақада чоризм даврида ўрнатилган, аммо коммунистик намуналар бўйи-

ча ўзгартирилган илгариги мустамлакачилик ҳолатини декларатив тарзда ниқоблашдан иборат эди

Туркистонда социалистик давлатчиликнинг конституциявий расмийлаштирилиши ўлкани советлаштиришга янги туртки берди. Бундай шароитларда Ленин раҳбарияти, бир томондан, ТАССР ни тизимли марказлаштиришга, иккинчи томондан эса Туркистоннинг, шунингдек, бутун Ўрта Осиёнинг ҳали назорат остига олинмаган ҳудудларига, бевосита Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига нисбатан ўз ҳарбий экспансиясини кенгайтиришга катта куч-ғайрат сарфлади. Бу икки мустақил давлатга қарши кенг миқёсдаги ҳужум 1920 йилда авж олдирилди. «Байналминал ёрдам кўрсатиш» ҳақидаги декларатив шiorларни ва «қўзғолон кўтарган меҳнаткаш омма»нинг сиёсий иродасини ифода этишни илгари сурган ҳолда Туркфронтнинг ҳарбий қўшилмалари феврал ойида Хива хонлигига, сентябрда эса— Бухоро амирлигига «инқилоб»ни экспорт қилишни амалга оширдилар. Уларнинг ўрнида Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари эълон қилинди.

Марказнинг коммунистик раҳбарияти ёш республикаларнинг «мустақиллигини» расмий равишда тан олар эди. Аммо амалда «қизил армия найзалари» ёрдамида бу ерда ўз давлатчилик шакларини жорий этди. Миллий манфаатларни ҳимоя қилишга интилган Ёш хиваликлар ва Ёш бухороликларни қадам-бақадам ҳокимият бошқарувидан сиқиб чиқариб Ленин томонидан юборилган вакиллар бир неча марта миллий ҳукуматларнинг таркибини ўзгартирилишига эришдилар. БХСР ва ХХСР раҳбар ходимлари таркибини белгилаб бердилар. Ҳамма жойда социалистик ўзгаришлар жараёнини жадаллаштирдилар. Натижада Туркистондан сўнг уларда ҳам истиқлолчилик ҳаракатлари авж олди. Қуроланган муҳолифат ва ҳокимият эшелонидаги муҳолифат шакларида намоён бўлиб, у Ўрта Осиё халқларининг мустақилликка бўлган сўнмас интилишларини яққол намоёйиш этар эди.

Фақат Туркистонда, Бухоро ва Хоразмдагина эмас, балки Россия давлатининг бутун ҳудудида ижтимоий норозиликнинг турли шакларида ифодаланган ҳолда авж олиб кетган халқнинг қуроли қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати совет ҳокимияти учраган ўткир сиёсий тангликни акс эттирарди.

Совет ҳокимиятининг инқирози хавфини ва иқтисоднинг офир аҳволини англаган Ленин 20-йиллар бошига келиб ўзининг глобал стратегик мақсадларини амалга ошириш учун муайян тактик ён беришлар зарурлиги ҳақидаги хулосага келди. Умумлаштирилган тарзда 1921 йил мартда эълон қилинган янги иқтисодий сиёсатта бурилишда у ўз аксини топди. Янги модель иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, миллий масалага анча чуқур ўйланган ёндашувни белгилаб берди. ЯИС йўли бозор томонидан тартибга солиш механизмларининг қисман қайта тиклашни, иқтисодни муайян даражада эркинлаштириш, бошқарув ва ҳокимият органларига тубжой аҳоли вакиллари анча кенг жалб этилишини тақозо этди.

ЯИС ислоҳотларини амалга ошириш иқтисодий ва сиёсий барқарорликка хизмат қилди, саноат ва қишлоқ хўжалигининг жонланишига сабаб бўлди. Ҳокимият тузилмаларида миллий вакиллар қатлами сезиларли даражада ортди. Масалан, Туркистоннинг республика совет ташкилотларида 1924 йилда маҳаллий миллатларга мансуб ходимлар сонининг 17%, вилоят советларида 45%, уездларда 90%га етди<sup>22</sup>.

Бироқ Ленин маъмурияти ЯИСни доимо «вақтинчалик чекиниш», социализмга қараб қилинган айланма ҳаракат сифатида қабул қилди. Сиёсий соҳада компартиянинг монополияси, иқтисодий соҳада эса бутун ҳал қилувчи ишлар давлат кўлида қолаверди.

Туркистонда кўшимча омилар ҳам ўз таъсирини кўрсатарди. Бу ерда бозор томонидан тартибга солиш йўлидаги мафкуравий тўсиқлар қўйиш ўлканинг «иқтисодий ривожлантиришнинг» ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг мустамлакачилик схемасини сақлаб қолишни, республикадан совет метрополиясининг хом-ашё базаси сифатида фойдаланишни тақозо этувчи олдинги стратегиянинг давом эттирилиши билан боғлиқ равишда яна ҳам кучайган эди. Шунга мувофиқ равишда пахта яккаҳокимлигини мустақкамлашга, марказ эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган саноат тармоқларини ривожлантиришга устувор диққат-эътибор қаратилди. Марказни кадрлар сиёсати ҳам ўз манфаатларига бўйсиндирилган эди.

Анча юқори даражада фақат чекланган доирага мансуб шахслар кўтарилар эди. Аммо улар ўша ерда ҳам қўнғирчоқ бўлиб қолишга маҳкум эдилар. Та-



рихий ҳужжатлар шундан далолат берадики, марказий сиёсий раҳбарият бутун совет тарихи давомида миллий кадрларга ишонмай келган. Бу ҳол сўз юри-таётган даврда ҳам яққол намоён бўлди. 1924 йил охирида ТАССР тутатилгунга қадар ҳам ҳокимият тузилмаларига тубжой аҳолини кенг жалб этиш ҳақидаги расмий баёнотларга қарама-қарши ўлароқ, партия-ҳукумат органларида асосий раҳбарлик лавозимларини доимий равишда марказдан юборилган кадрлар эгаллаб келган. Хусусан, 1920 йилдан 1923 йилгача бўлган даврда ўлкага 1396 та Ленин вакиллари юборилган<sup>23</sup>.

Аммо маҳаллий раҳбарлар уларни камситувчи қўғирчоқ ролини ўйнашга рози бўлишни истамадилар, зарур бўлган суверен ҳуқуқларни қўлга киритишга интилдилар. Улар жасурлик билан ўз танқидий нутқлари тифини раҳбариятга қарши қаратиб, унинг марказлаштириш интилишларига салбий баҳо бердилар. Мисол учун, Туркистон АССР ХККнинг раиси К. Отабоев ўзининг Турк МИКнинг 1922 йил 18 июлда бўлган Пленумдаги нутқида истиқлолчилик ҳаракатининг кенг авж олиб кетиши сабаблари ҳақида тўхталар экан, очикдан-очик бу ҳол «4 йил давомида бизлар олиб борган ишлар бу ерда... асрлар давомида қарор топган турмуш тарзига, анъаналарига бутунлай зид эканлиги» билан изоҳланишини айтди<sup>24</sup>.

Миллий муҳолифатнинг янги тўлқинини бартараф қилиш мақсадида марказий ҳукумат яна навбатдаги қуввин-тайзикларни авж олдирди. Масалан, 1922 йил 25 сентябрда РКП(б) ташкилий бюросининг қарори билан «қўпол хатолари» учун ТКП МК котиби Н. Тўрақулов, Туркистон АССР ХККнинг раиси К. Отабоев ва ТАССР МИКнинг раиси Раҳимбоев эгаллаб турган лавозимларидан бўшатиладилар<sup>25</sup>.

Бироқ, сиёсий тайзикларга қарамай, миллий йўлбошчилар тубжой аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилдилар. Уларнинг кўпчилиги Марказ томонидан чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати давом эттирилаётгани ҳақида очикдан-очик гапирдилар. Хусусан, Ф. Хўжаев, С. Хўжанов ва А. Икромов РКП МКнинг Миллий республикалар ва вилоятларнинг масъул ходимлари билан 1923 йил июнда ўтказган 4-кенгашида ўлкадаги аҳволга ҳаққоний асосланган баҳо бердилар. Улар бирдамлик ва чуқур алам билан шуни қайд эт-

диларки, «ҳозирги Туркистон ва чор Россияси замонидаги Туркистон ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат ёрлиқ ўзгарди, холос. Туркистон чор Россияси даврида қандай бўлса шундайлигича қолиб келмоқда»<sup>26</sup>.

Бунга ўхшаш кайфиятлар совет давлатининг бошқа минтақаларида ҳам ҳукм сурарди. Мана шундай шароитда Ленин «миллий бирлашиш»нинг шундай формуласини таклиф қилдики, унда миллий республикалар шаклан мустақил, аммо мазмунан мутлақ қарам бўлишлари лозим эди. У Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — СССР эди. Миллий далаат қурилишининг бундай шакли партия МК сиймосида марказнинг ҳокимиятини сақлаган ҳолда «халқларни бирлаштириш» вазифасини анча цивилизациялашган воситалар ёрдамида ҳал этиш имконини берар эди.

Партиянинг юқори доираларида миллий масала бўйича ўткир мунозара авж олиб кетди. Ленинча ёндашув қолиб чиққандек туюлар эди 1922 йилнинг декабрь ойида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — СССР ташкил топганлиги танатанали равишда эълон қилинди. Бироқ амалда Лениннинг «федераллаштириш» режаси ҳам, Сталиннинг миллий-давлат қурилишига оид большевиклар дастурининг чуқур моҳиятини акс эттирувчи «автономиялаштириш» модели ҳам қўшилган бўлиб чиқди. Социалистик давлатчиликнинг узил-кесил тугаланган шаклини мужассам этувчи Совет Иттифоқи аввалбошданок, миллий республикаларнинг йўлбошчилари умид қилганларидек суверен давлатлар ҳамдўстлиги сифатида эмас, балки расмий федерациянинг субъектлари: мустақилликнинг барча ташқи рамзларига (ўз конституциясига, байроғи ва гимнига) эга бўлгани ҳолда амалдаги суверен ҳуқуқлардан ва чинакам мустақилликдан маҳрум ва унинг таркибидан чиқа олмайдиган қудратли давлат сифатида дунёга келди. Иттифоқда республикалар, хусусан Ўзбекистоннинг совет даври тарихи жуда ўхшаш бўлиб, салбий, фоживий воқеаларга ҳам, шунингдек ижобий ривожланиш фактларига ҳам бойдир.

Шундай қилиб, октябрдан кейинги дастлабки йиллар совет социалистик давлатчилигининг фаол тарзда зўрлаб тиқиштирилиши даври бўлди. Миллий давлат ўз тақдирини ўзи ҳал этишидан иборат қонуний

хуқуқдан маҳрум қилинганлиги Туркистон жамияти турли қатламларининг кучли ижтимоий норозилигига сабаб бўлди. Қуроли мухолифат ва ҳокимият таркибидаги мухолифат шаклларида намоён бўлган мазкур норозилик Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқининг озодликка, мустақилликка бўлган сўнмас интилишини ўзида акс эттирди.

Сиёсий тазйиқ ва айланиб ўтиш усулларида фойдаланиб марказий раҳбарият миллий менталитетга ёт бўлган ижтимоий ва давлат тузумини жорий этишга муваффақ бўлди. Бироқ мустақиллик ва давлат суверенитети ҳақидаги орзу ўзбек халқини ҳеч қачон тарк этмади. У Совет ҳокимияти йилларида одамлар қалбини илтиб, мустақилликнинг қўлга киритилиши учун роявий асос бўлиб хизмат қилдики, бугунги кунда суверен Ўзбекистон халқи ана шу сананинг ўн йиллигини тантанали нишонламоқда.

### Адабиётлар

<sup>1</sup> Каримов И. А. Родина священна для каждого. Т. 3. — Т.: Ўзбекистон. 1996. С.6.

<sup>2</sup> Рағжабов К. К. Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918—1924 гг.): Автореф. дис... канд. ист. наук. — Т., 1995. С.19.

<sup>3</sup> Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. — Т., 1921. С.520—521.

<sup>4</sup> Статистический ежегодник 1917—1923. Т.2. — Т., 1924. С. 64.

<sup>5</sup> Отчет о деятельности Турк ЭкоСо за февраль-октябрь месяцы 1921 г. — Т., 1922. С.292.

<sup>6</sup> Первая Конституция Союза ССР (Конституция СССР 1924 г.). Сборник документов. — М., 1948. — С.154.

<sup>7</sup> Наша газета. 1918. 5 мая.

<sup>8</sup> Конституциянинг асл нусхасида айнан шундай бўлса-да, жуда кўп тадқиқотларда «Туркистон АССР Конституцияси» деб кўрсатилади.

<sup>9</sup> Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сб. документов. Т.2.—Т., 1972. С.519.

<sup>10</sup> Директивы Советской власти. Т.6. М., 1973.С. 457.

<sup>11</sup> РЦХИДНИ, ф.79, оп.1, д.9, л.3

<sup>12</sup> ААП РУз, ф.60, оп.1, д. 493, л. 68—69.

<sup>13</sup> РЦХИДНИ, ф.122, оп.1, д. 29, л. 58—60.

<sup>14</sup> ААП РУз, ф.60, оп.1, д.406, л. 95—96.

<sup>15</sup> Ўша жойда, д.31, л.1.

<sup>16</sup> Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX—I четверти XX вв. — Т.: Университет. 1999. С. 137.

<sup>17</sup> РЦХИДНИ, ф.2, оп. 1, д. 14099, л. 1—4.

<sup>18</sup> Ўша жойда, л. 4—5.

<sup>19</sup> Ленин В. И. Полн, собр, соч. Т. 41, С. 433—436.

<sup>20</sup> РЦХИДНИ, ф. 79, оп.1, д. 158, л. 1—2.

<sup>21</sup> Образование СССР. Сборник документов (1917—1924). — М.—  
Л.: АН СССР. 1949. С.138—143.

<sup>22</sup> ЦГА РУз, ф. 17, оп.1, д.784—а, л.130—140.

<sup>23</sup> РЦХИДНИ, ф.61, оп.1, д. 29, л. 1—2.

<sup>24</sup> ЦГА РУз, ф.17, оп.1, д.89, л.25.

<sup>25</sup> РЦХИДНИ, ф. 62, оп.1, д.3, л.5.

<sup>26</sup> См.: Сталин И. В. Соч., Т.5. С. 306.

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . . 3

### Қадимги даврда Ўзбекистон давлатчилиги

- Т. Ширинов.* Қадимги Бақтрия подшолиги.  
«Катта Хоразм» (эрамизгача бўлган VII—VI асрлар) . . . . . 8  
*М. Филанович.* Кангуй давлати . . . . . 15  
*Б. Матбобоев.* Қадимги Фарғона давлати (Давань) . . . 27

### Ўрта асрларда Ўзбекистон давлатчилигининг ривожланиши

- Л. Баратова.* Турк хоқонлиги ва унинг Ўрта Осиё  
давлатлари билан ўзаро алоқалари . . . . . 44  
*Э. Ртвелазге.* Ғазнавийлар давлати . . . . . 62  
*Б. Кочнев.* Қорахонийлар хоқонлиги . . . . . 72  
*Э. Ртвелазге, А. Аҳмедов.* Амир Темур давлати  
ва унинг бошқарув механизми . . . . . 93

### XVI—XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон давлатлари

- Р. Мукминова, Г. Агзамова.* Бухоро хонлиги  
(амирлиги) . . . . . 104  
Хива хонлиги . . . . . 109  
Қўқон хонлиги . . . . . 112  
Ўзбек хонлиқларида давлатчилик анъаналари  
ва уларнинг ривожланиши . . . . . 114

### Ўзбекистон давлатчилиги тарихнинг янги босқичида

- Н. Абдураҳимова.* Ўзбекистон Россия империяси  
таркибида . . . . . 128  
*Д. Алимова.* Жадиҳчилик ҳаракати ва унинг  
ижтимоий-сиёсий моҳияти. Жадиҳларнинг давлатчи-  
ликка оид қарашлари . . . . . 149  
*С. Аъзамхўжаев.* Туркистон Мухторияти: миллий-  
демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси . . . . . 172  
*Қ. Ражабов.* Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари:  
давлатчиликнинг демократик шакли . . . . . 185  
*А. Голованов.* Туркистонда совет давлатчилигининг  
қарор топиши ва унинг оқибатлари . . . . . 203

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ ОЧЕРКЛАРИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2001

Муҳаррир *Ҳ. Султонова*.  
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Мусахҳид *Ж. Тоирова*

Теришга берилди 22.08.2001. Босишга рухсат этилди 8.11.2001.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма тобоғи 11,6. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 12,3. Адади 3000 нуска.  
Буюртма № 2424. Баҳоси келишув асосида

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41

**Ўзбекистон ФА Тарих институти олимлари  
томонидан «Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компаниясида қуйидаги  
китоблар нашр қилинди:**

1. Д. А. Алимова, Р. Ҳ. Каримов, К. О. Оқилов, Қ. К.  
Ражабов, И. А. Алимов, А. А. Маврулов  
**Ўзбекистон тарихи (1917—1991 йиллар).**  
10-синф ўқувчилари учун дарслик.  
Т., «Шарқ», 2000, 416 бет; Қайта нашр: Т., «Шарқ»  
2001, 416 бет.

Китобда Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи тасвирланади. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб ва зиддиятли, офир йўқотишлар ва талафотлар, фожиали воқеаларга бой, шунингдек, аجدодларимизнинг юрт озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган қаҳрамонона курашлари, мағлубиятлари ва зафарлари, фидокорона меҳнатларидан иборат совет даври тарихи мазкур дарслиқда ўзининг холис талқинини топган. Муаллифлар жамоаси тоталитар тузум даврида ўзбек халқи асл фарзандларининг қатарон қилиниши, юз минглаб кишиларнинг бегуноҳ ўлдирилиши, ислом динининг тақиқланиши, мулкдорлар табақасининг тугатилиши, ўзбек тилининг камситилиши ва таҳқирланишини кўрсатиш билан бир қаторда бу даврда халқимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан Ўзбекистонни Шарқдаги замонавий қишлоқ хўжалик республикасига айлантирганликларини ифодалашади.

**2. Туркестан в начале XX века: к истории истоков  
национальной независимости.**

Научный редактор Р. Я. Рагжапова.  
Т., «Шарқ», 2000, 672 стр.

Туркистон тарихининг XX аср бошидаги 8 йиллик тарихини ўз ичига олган ушбу илмий монографияда муаллифлар жамоаси архив хужжатлари, ўша давр мил-

лий матбуоти ва бошқа бирламчи манбалар асосида 1917—1924 йиллар Туркистонда юз берган жадиличлик, мухториятчилик, истиқлолчилик ҳаракатлари, Туркистон Мухторияти, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари каби миллий ҳукуматлар фаолияти, ўлкада мустақил совет режимининг ўрнатилиши ва унинг мустақамланиши, коммунистик таъқиқотга қарши миллий мафкуранинг кураши, пировардида, Туркистонда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш масалаларини ҳолис баҳосини берганлар.

### **3. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши.**

Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир: Д. А. Алимова.  
Т., «Шарқ», 2001, 464 бет.

Мазкур монография шу давргача илмий истеъмолга киритилмаган кенг кўламли архив ҳужжатлари, вақтли матбуот ва турли адабиётларни ўрганиш асосида яратилган бўлиб, унда чор Россияси ва совет империясининг бир асрдан ортиқ ҳукм сурган даврида Туркистон ва Ўзбекистоннинг миллий бойликларини талаб кетиш жараёни таҳлил қилиниб, унинг моҳияти очиқ берилади. Шунингдек, мустамлакачилик сиёсати бир бўлган икки тузумдан ўзбек халқининг чеккан азиятлари, унинг моддий турмуш ва маънавиятига етказилган улкан зарар ҳақида гувоҳлик берувчи манбалар шохидлигида тарихимизнинг аччиқ саҳифалари ёритилади.

### **4. Авесто. Яшт китоби.**

Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси.  
Т., «Шарқ», 2001, 128 бет.

Халқимиз тарихи ва маънавиятининг илк булоғи, зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авето»нинг «Яшт» («Алқовлар») наскдан иборат бу асарнинг нашр қилиниши маданий-маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа ҳисобланади. Маълумки, «Авесто» тахминан 2700 йил муқаддам китоб сифатида илк бор тўпланиб, ягона тизимга солинган. Қадимий тарихимизнинг манбашунослик мутахассиси М. Исҳоқов таржимасидаги бу нашр илмий асосланган изоҳлар билан таъминланган.



## **5. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари.**

Масъул муҳаррир: Д. А. Алимова.

Т., «Шарқ», 2001, 192 бет.

Мазкур тадқиқот мустақил миллий давлат қуриш тажрибасини, миллий тикланиш жараёнининг энг муҳим масалаларини, ғоявий асосларини ўрганиш нуқтаи назаридан туриб яратилган. Унинг асосий мақсади янги мафкуранинг шаклланиш жараёнларини таҳлил қилишдан иборатдир. Китобда кўриб чиқилган барча масалалар мустақиллик ва миллий давлат қуришни ғоявий асосларини кўрсатиш мақсадига бўйсундирилган.